

ВИКТОР ДРАЧУК

ЁЗУВЛАР-
ўтмиш
сирлари
шоҳиди



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1980

Д $\frac{60401-80}{M351 (04) 80}$ 80—4402000000

- © Издательство «Молодая гвардия», 1976 й.
© Русча нашридан таржима, «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1980 й.

**ЛЕНИН
КОМСОМОЛИГА
БАҒИШЛАЙМАН**

А в т о р



Ёзув инсон фикрини абадийлаштиради. Инсон ёзувлари ихтиро қилиб замондошлари, шунингдек узоқ авлодлари билан алоқа боғлади; замонлар ва авлодлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди...

Сайёрамизда яшаб турган хилма-хил кишиларнинг овозини эфирдан қидираётган радио ҳаваскорлари узоқ океанда сузиб кетаётган кема билан, эгалланмаган кўк-ўпар тоғ чўққиларини забт этиш мақсадида сафарга чиққан жасур альпинистлар билан, кимсасиз тайгада қишлаб қолганлар билан алоқа боғлай олса, қувончи ичига сиғмайди. Қадимги ёзувларни тадқиқ қилувчи олимлар қадимги подшоҳлар, саркардалар, усталар ва шоирлар овозини, асрлар қаъридан келаётган товушларни эшилтади.

В. Драчукнинг китоби ана шу қизиқ мавзуга бағишланган. Муаллиф Қора денгиз бўйида топилган антик даврга мансуб сирли белгиларни тадқиқ қилувчи мутахассис сифатида кўпдан маълум. У ўзининг ушбу янги асарида ёзувнинг келиб чиқиши ва энг муҳим ёзув турларининг ривожланиши масалаларига мурожаат қилади.

Бу асар китобхонларни фикрни у ёки бу белгилар системасида ёзишнинг илк формалари билан, Миср иероглификаси ва Месопотамия миҳхати каби, инсония тарихи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ёзув турларининг маъносини очиб бериш, изоҳлаш методи билан та ништиради.

Муаллифни хусусан изланиш романтикаси, қадимг ёзувларнинг маъносини очиб беришга оид қийин ишла қизиқтиради. Олимлар бир қанча авлодининг коллектив меҳнати айрим омадли тадқиқотчиларнинг истеъдодидан аланга олиб, порлашини кузатиш фоят мароқлидир.

Ёзув тарихи тил тарихи билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган, буларнинг ҳаммаси эса биргаликда халқ тарихи муҳитида кўрсатилган.

Ушбу китобни ўқиганда китобхоннинг кўз ўнгидан мисрликлар ва шумерлар, юнонлар ва финикияликлар, этрусклар ва римликлар, скифлар ва сарматлар, Ўрхунда яшаган қадимги турклар... бирин-кетин ўтиб туради. Славянларга ва Русга алоҳида бўлим бағишланган. Китоб ёзувлар устида тадқиқот ишлари олиб борувчи олимлар олдида турган проблемаларни ҳикоя қилиш билан тугайди.

Ҳажми унчалик катта бўлмаган бир китоб Эски Дунё турли халқларининг олти минг йиллик ёзувлари тўғрисидаги кенг мавзунини тўла қамраб ололмайди, албатта (бу унинг вазифаси ҳам эмас), лекин у китобхонни қизиқтириши, кўп нарсани билиб олишга ҳаваслантириши, баъзи кишиларда ҳатто «Асрлар йўли» бўйлаб «сафарга чиқиш» орзусини бемалол туғдириши мумкин.

*Академик Б. Рибакков, Ленин мукофоти
лауреати*



ЎТМИШ
СИРЛАРИГА
ОЧҚИЧЛАР

Йўқолган дунё

Европалик таниқли этнограф П. Липтон янги ёзувни кашф этаман деб мутлақо ўйламаган эди. Уни Африка халқларининг турмуши ва урф-одатлари қизиқтирарди. Асримиз бошида Жанубий Африка бўйлаб саёхат қилишдан мақсади ҳам шу эди.

Бироқ кутилмаган воқеа рўй берди.

П. Липтон басутолар қишлоғида турар эди. Басутоларнинг рангба-ранг қилиб безатилган ўзига хос уй-жойлари европаликларни ҳайратда қолдирарди. Бу уй-жойлар зулусларнинг чивик-новдалар ва ўтлардан қурилган доирасимон кулбаларига ҳам, бечуанларнинг сариқ пахса деворли уйларига ҳам, бурларнинг кўркам, шинам уйларига ҳам ўхшамас эди.

Басутолар уйларининг деворлари рангба-ранг жим-жимадор нақшлар солиб безатилган. Уй бекаларининг деворлардаги нақшларни муттасил янгилаб туриши саёхатчиларни таажжублантирган. Шунинг учун деворнинг бирон-бир жойида бўёғи хира тортган ёки кўчиб тушган нақш кўринмас экан. Шуниси қизиқки, басуто нақшлари бир-бирига мутлақо ўхшамайди: ҳар уйнинг нақш-безаклари ўзига хосдир.

Бироқ П. Липтонни бошқа нарса — қабиладаги қариндошлик муносабатлари: басутолар ўз амакилари, холалари, аммалари, жиянларини қандай аташлари, бу ердаги никоҳ қоидалари ва шунга ўхшаш масалалар қизиқтирарди.

У шу мақсадда кулбадан кулбага қатнаб, кишилар билан узоқ-узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирар, баъзан бу суҳбатлар бефойда бўлиб чиқарди. Оқ танлининг уларнинг қариндошлик муносабатлари билан қизиқиши хурофотчи аҳолини чўчитарди. Бир уйда П. Липтоннинг омади келди. Тўғри, оила бошлиғи кам гап экан, индамасдан трубкасини тутатиб ўтираверди, лекин биринчи хотини содда, дилкаш ва лақма чиқиб қолди. У олимга ҳаммасини батафсил тушунтириб берди. Суҳбат пайтида остонада хўжайиннинг кичик хотинлари ҳам тўпланишиб, суҳбатни диққат билан тинглардилар.

Катта хотин гоҳ бир аёлни, гоҳ бошқасини кўрсатиб берди:

— Мана бу хотиннинг ўғли ана у хотиннинг ўғлидан тўрт кун илгари туғилган, шунинг учун у ўзидан кейин

туғилган болани «цколи» деб, у эса ўзидан катта болани (яъни окасини) «ксвана» деб атайди...

— Нотўғри,— қатъий эътироз билдирди кичик хотинлардан бири.— Нақ аксинча... Менинг ўғлим катта!

Кутилмаганда баҳс қизиб кетди. Баҳсга индамас хўжайин ҳам қўшилди. У лом-мим демасдан ҳамма хотинларини ҳовлига олиб чиқди ва бармоғини девордаги нақшлар чизиги бўйлаб юргизиб, вақт-вақти билан катта хотинига жиддий қиёфада нимадир дерди. Ниҳоят, оила бошлиғи эгик нақшлардан бирининг эгилган жойини бармоғи билан туртиб, нуфуз билан:

— Ҳа, уники катта! — деди баҳсни бошлаган хотинига.

Этнограф ҳайратда қолди: унинг рўбарўсидаги деворларга басутолларнинг ўзига хос ёзуви битилган экан. Шунинг учун ҳам уй бекалари нақшларни мунтазам равишда янгилаб туришар, деворга жимжимадор расмлар солиб уй солномасига янги «ахборот» киритишар экан! Ҳар уйнинг деворларидаги безакларнинг ўзига хослиги ва бир-бирига ўхшамаслигининг боиси шу: девор — оила архиви экан!

П. Липтон сўраб суриштира, нақшдан нусха кўчира бошлади, лекин завқланишдан тўхтамади... Уй эгалари аввалига оқ танлини нима бунчалик ҳайратга солаётганини тушунишмади. Сўнгра ўзлари учун жуда «тушунарли» бўлган бу «оддий» ёзувни олим билмаётганлигини кўриб ажабландилар. Шундан кейин хўжайин ёзувларни шарҳлаб бера бошлади. Нақшнинг ҳар бир детални маълум маънога эга бўлиб, бугун бир жумла ҳисобланар экан. «Ўғил туғилди» — ундан кейин кун, ой, йил қайд қилинган. «Мол харид қилдим» — қачон, кимдан ва қанчага сотиб олингани кўрсатилган. «Солиқ тўланди...», «Қишлоққа оқ танли келди...», «Ёнғин чиқди...», «Акамнинг катта қизи вафот этди», «Қабила бошлиғи қайта сайланди...», «Уч кун ёмғир қуйди, дўл ёғди»...

Хўжайин «ўқир» экан, олимнинг кўз ўнгида басуто қишлоғининг ҳаёт манзараси намоён бўларди.

П. Липтон тилшунос эмас эди. Шунга қарамай, у, илмий журналлардан бирида басутолларнинг ажойиб ёзуви тўғрисидаги мақоласини бостирди. Шу билан этнограф мазкур ёзувларни зудлик билан ўрганиш зарурлигига тилшунос олимларнинг эътиборини жалб этди.

Афсуски, тилшунослар П. Липтоннинг мақоласини дарҳол пайқамадилар. Орадан неча-неча ўн йиллар ўтиб



кетгач, бизнинг замонамиздагина бу мақолага эътибор берилди.

П. Липтон бир вақтлар тилга олган Жанубий Африка қишлоқларига мутахассислар жўнаб кетдилар. Ҳайҳот, у ерда олимларни ҳафсалани пир қиладиган аччиқ ҳақиқат кутарди.

Басутоларнинг уйлари аввалгидек чиройли нақшлар билан безатилган, бироқ нақшлар илгаригидек ҳар уйда ҳар хил бўлмасдан, бир шаклга солинган эди. Чунки, асримиз бошларида бўлса керак, П. Липтоннинг Жанубий Африкага қилган саёҳатидан сўнг кўп ўтмай, басутолар ҳарфли ёзув — сисуто (латин алифбеси асосида) яратишган. Мактаблар очилиб, уларда янги ёзув ва инглиз тили ўргатила бошлаган.

Басутолар давлати Лесотода барча керакли ёзишмалар аллақачонлардан бери сисуто системасида ва инглиз тилида олиб борилмоқда. Жанубий Африкада басуто халқи энг саводхон ҳисобланади. Нақшлардан иборат ёзув-чи? У... «кераксиз» бўлгани учун унутилган. Ҳатто етмиш яшар қариялар ҳам ҳеч қандай ёрдам беролмайдилар, чунки улар ҳам инглиз ва сисуто тилида савод чиқарганлар... Ота-боболар ёзуви анча мураккаб ва қўпол, авторучкалар, ёзув машинкалари, лнотиплар асрига тўғри келмайдиган бўлганлигидан улар болалик чоғларида бу ёзувни ўрганмаганлар ва ёзувда унга тақлид қилишга ҳам уринмаганлар.

Эндиликда басуто қишлоқлари аҳолиси янги уй-жой қуради, деворларни ўз ота-боболарининг нақшлари билан безатади. Улар ота-боболарининг оилавий архивлари мазмунини тушунмай, нақшларнинг кўп жойларини соддалаштириб, улардан жўнгина нусха кўчирадилар.

Шундай қилиб, етмиш йил ичида нақшлардан иборат ажойиб ёзув унутилиб кетган. Инсоният тарихининг муҳим саҳифалари йўқолган. Халқнинг ҳаётидан бутун бир давр ғойиб бўлган. Бутун бир олам йўққа чиққан.

Басуто нақшларининг мазмунини ўқиб тушунадиган, уни «тиклай оладиган», бизга ҳозирча сирини очмаётган бу ажабтовур нақшларни «тилга киритадиган» одам топилармикин?

Ишқибозлар топилади. Халққа унинг тарихини, ўтмишини, биографиясини қайтариш учун шундай кишилар топилиши керак. Ахир, басутоларнинг нақшлардан иборат ёзувларисиз жаҳон маданияти қандайдир қашшоқроқ, гўё гулдастага яхши гул етишмагандек кўринади.

Инсон тарих жумбоғи (айниқса яқин ўтмишдаги жумбоқ) олдида беҳад ожиз бўлиб қолавермайди. Басутолар ёзувининг маъносини очиб берадиган очқични топиш билан, биз, эҳтимол, бошқа сирли ёзувлар, белгилар ва нақшларни ўқиш имкониятига эга бўлармиз.

Ёзув қандай пайдо бўлган?

Кишилик жамияти ўз тарихининг кўпроқ қисmini ёзувсиз ўтказган. У ёзувга етиб келгунча узоқ йўлни босиб ўтган ва нутқни ёзиб олиш учун бир неча минг йил илгаригина белгилар қўлланила бошлаган. Бу қарийб олти минг йил илгари, эрамыздан олдинги тўртинчи минг йилликда содир бўлган, деб ҳисобланилади. Бироқ 1961 йили Трансильванияда, Тэртерия посёлкаси (Руминия) яқинида археологлар жуда ҳам кўп сирли расм-белгилар чизилган учта сопол тахтача топишди. Булар деярли етти минг йиллик ўтмишга эга ёзма ёдгорликлар эди. Бундан кейин топиладиган ёдгорликлар бизга қандай янгилик келтирар экан?

Одамнинг тажрибаси ва билими орта борган сари унда билганларини ёдда тутиш ва бошқаларга бериш зарурати туғилди. Замоनावий тил билан айтганда, ахборотни сақлаш ва узатиш проблемаси келиб чиқди.

Бевосита алоқа боғлаш йўли билан бунини амалга ошириш қийин эмас эди, бироқ бу ҳолда инсон хотирасининг мукамал эмаслиги туфайли кўп ахборотлар эсан чиқиб қолган, йўқолган. Бунга фазо ҳамда вақт асосий тўсиқ бўлиб, ёзилган сўзгина улардан устун кела оларди.

Буюмлардан дастлаб мнемоника воситалари ёки «эслатувчи» воситалар сифатида фойдаланиш замонавий ёзувга олиб келувчи машаққатли узоқ йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу воситалар фикрни узатмас, балки уни фақат эслатарди. Бирор нарсани эслаб қолиш учун рўмолнинг учини тугиш одати шундан қолган.

Сўнгра буюмларга конкрет маъно берила бошлаган. Улар олдиндан келишиб олинган нарсаларни билдирувчи ўзига хос сигналлар, шартли белгилар бўлиб ҳисобланган. Чўпхатга ёки дарахт танасига кертиб белги солинган, тугунлар, тизимчалар, уруш эълон қилиш вақтида эса камон ўқи ва бошқа буюмлар шундай шартли белги вазифасини ўтаган. Буюмга маъно бирктириб қўйишнинг бу усули «буюмли ёзув» деб аталган.

Сон, рақамларни билдириш учун, масалан, тахтачаларга кертиб шартли белгилар ўйилган. Бу хатчўплардан ҳар хил шартномалар тузишда фойдаланилган. Шартнома тузишда хатчўпни бўйига қоқ ўртасидан бўлиб, ярми бир томонга, иккинчи ярми иккинчи томонга берилган. Хатчўп бўлакчалари бирлаштирилганда кертиклар бири-бирига мос келган. Хатчўплар календарь сифатида ҳам қўлланилган (унга кунлар, ҳафталар сонни ва ҳоказолар ўйилган). Улар қарз шартномаларида тилхат ўрнида ҳам хизмат қилган. Хотирада узоқ вақт сақлаб турилиши лозим бўлган воқеалар тўғрисидаги унутилмас маълумотлар рўйхати сифатида ҳам хатчўплардан фойдаланилган.

Тўғри ҳисоб-китоб учун ҳисоблаш тизимчалари қўлланилган. Улар перулик чўпонларда, Латин Америкаси ва Африканинг бошқа баъзи халқларида ҳозир ҳам бор. Бир тизимча ҳўкизларни, бошқа тизимча сигирларни санаш учун хизмат қилади; бу тизимча икки тутамга ажратилади — бир тутами билан соғим сигирлар ва бошқа тутами билан бўғоз сигирлар саналади. Учинчи тизимча бузоқларни санаш учун ишлатилади. Тизимчадаги тугунлар сони шу чўпоннинг подасида неча бош мол борлигини билдиради.


Қадимги хитойлар ҳам ҳисоб-китоб ва ёдда сақлаш учун тизимчалардаги тугунлардан фойдаланганлар. Қадимги халқларда вақт ҳисоби ҳам кўпинча тугунлар билан олиб борилган. Эрамиздан олдинги V асрда яшаган қадимги юнон машҳур тарихчиси Геродот ҳикоя қилган Доро календари бунга мисол бўла олади.

Геродотнинг таъкидлашича, Эрон шоҳи Доро I Скифияга юриш қилганида Дунай дарёсига махсус қурилган кўприкдан ўтган. Кўприкни сақлаш, қўриқлаш учун Доро ўз иттифоқчиси бўлмиш ионияликларни қолдирган. Уларга олтимиш тугунли камар бериб, бундай деган: «...Бу камарни олинглар; энди гапимга қулоқ солинглар: менинг скифларга қарши чиққанганимни кўришингиз биланоқ, шу вақтдан бошлаб ҳар куни битта тугунни ечаверинглар. Агар тугунлар билан кўрсатилгандаги кунлар тугаса-ю мен шу вақт ичида қайтмасам, ўз ватанларингизга жўнайверинглар. Ҳозирча кўприкни қўриқлашлар ва уни мумкин қадар бут сақлашга ҳаракат қилинглар. Бу билан менга катта ёрдам кўрсатган бўласизлар».

Тугунлардан иборат календардан Сибирь, Гвинея, Полинезия, Шарқий Африка халқлари ҳам фойдаланган.

«Ахборот ҳассалари» ҳам ўзига хос буюм-мактуб вазифасини ўтаган. Улар Қадимги Европада, Қадимги Хитойда, австриялик ва африкалик қабилалар ўртасида машҳур бўлган. Бошқа қабиланинг элчиси олиб келган ҳасса ташриф буюрган шахснинг ваколатини тасдиқловчи ўзига хос ҳужжат ҳисобланган. Ҳассага кертиб белгилар ва хотира нишонлари туширилган. Элчи уларга қараб ўзига қанча топшириқ берилганини эслаган. Кертик—белгиларнинг жойлашиши, эҳтимол, маълум фактларни ифода этгандир.


«Вампум» камари (пўтаси) Шимолий Америка ҳиндларининг буюмли ёзуви бўлиб, шакли жуда ажойибдир. «Вампум» камари рангба-ранг чиғаноқлар қўшиб тўқилган бўлади ёки чиғаноқлар унга тегишлича осиб қўйилади. Чиғаноқларнинг ўзаро жойлашуви, сони ва ранги муайян маънони англатади. Баъзан камарга хабарнинг мазмунини аниқлаштирувчи расмлар ҳам чизилган бўлади.



Пенна камари (мактуб)

XVII аср охирида муҳим сиёсий ҳужжат ҳисобланган вампум ҳам бизга маълум. Пенна вампуми деб аталувчи, ўртасига иккита қора шакл (киши шакли) туширилган бу оқ камарни лениленапе қабиласидан бўлган ҳиндлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамқорлик гарови сифатида тақдим қилганлар.

Ҳозирги Перунинг азалги аҳолиси инкларнинг тугунлардан иборат мактуби — кипу — буюмли ёзувнинг ажойиб намунаси бўлиб ҳисобланади. Бунда буюмли ёзувнинг ҳамма имкониятлари очиб берилган, деб саналади. Кипу чалкаш-чулкаш боғланган, тугилган тизимчалар осилган йўғон арқон ёки таёқчадан иборат мактубдир. Тизимчалар ва тугунларнинг сони, уларнинг катта-кичиклиги, жойлашиши ва ранги турли маънони англатган. Кипунинг оғирлиги баъзан тўрт килограммча келган. Бўялмаган тизимчалар сонли ҳисоб учун ва муҳим



воқеа-ҳодисаларни ёдлаб қолиш учун, ранг-баранг тизимчалар эса анча мураккаб хабарлар учун қўлланилган.

Ҳиндларда ҳар бир ранг муайян маънони: қора ранг — бахтсизликни, ўлимни, бинафшаранг—хавф-хатарни ёки душманликни, қизил ранг — урушни, оқ ранг—тинчликни, сариқ ранг—олтинни, яшил ранг дон-дунни билдирган. Ҳиндлар турли ранглارни ва тугунларни турлича қўшиб ишлатиб ҳар хил хабарларни билдириш имкониятига эга бўлганлар. Баъзи олимлар, кипуга қонунлар мажмуи, хроникалар, ҳатто шеърлар ёзилган бўлиши мумкин, деган фикрни айтмоқдалар. Бошқа олимлар эса мураккаб ёзувларни тугунлар ва рангба-ранг

тизимча ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас демоқдалар.

Ҳозирги вақтда ҳам ишлатиш қулай бўлган жойларда сигнализация учун буюмли ёзув принциpidан фойдаланилмоқда; масалан, сув йўлларида хатарли жойларни кўрсатиб турадиган сузғич — бакенлар, маёқлар ва сигнал байроқчалари—денгизда, светофор ва семафорлар—қуруқликдаги йўлларда, сигнал лампочкалари — ҳар хил приборларда қўлланилади. Буларнинг ҳаммаси «ахборот ҳассалари» ва перулик чўпонларнинг тизимчаларига «қариндош»дир.

Шаклдан ҳарфга

Буюмли ёзув ўзининг асосий вазифасини бажара олмади: инсониятнинг тўпланган билимларни сақлаб, ёдлаб қоладиган ўзига хос хотирасига айлана олмади. Ижтимоий турмуш мураккаблашган сари бунга эҳтиёж тобора ортиб борарди. Урф-одатлар, анъаналар шаклланди, уларни янги авлодга етказиш лозим эди. Меҳнат тақсимоти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритишни талаб қиларди. Қабила бошлиқлари ва қоҳинлар ажралиб чиқдилар, уларнинг фаолиятини абадийлаштириш зарур эди.

¶Пиктография ёки расмлардан иборат ёзув замонавий ёзувга олиб борадиган йўлдаги навбатдаги босқич бўлди. Унинг хусусияти ахборот узатиш билан белгиланар эди. Расмлардан иборат ёзувнинг хусусияти шуки, бунда фикр айрим тушунчаларга ажратиб эмас, балки тўла ифодаланарди. Пиктограмманинг энг майда парчалари (фрагментлари) ҳам, замонавий ёзувдаги жумлалар сингари, мазмунан тугалдир. Жумла таркибий қисмларга бўлинади, аммо пиктограмма бўлинмайди. Пиктограмма ҳаракатни, воқеа-ҳодисани тасвирлайди, лекин оғзаки тилни, буюмларнинг номларини мутлақо акс эттирмайди. Пиктограмма нимани тасвирласа ўшани ифодалайди, унда символика йўқ. Шунинг учун пиктограммани ҳар бир киши, қандай тилда гапиришдан қатъи назар, шарҳлаб бериши мумкин.

Пиктограммалар ов ҳақидаги маълумотларни, рўзгор ишлари билан боғлиқ ёзувларни, жанговар юришлар, босқинчиликлар, тўқнашувлар тўғрисидаги хабарларни, куф-суфларни (улар айниқса Шимолий Америка ҳиндлари ўртасида, шунингдек Индонезияда кўп тарқал-

ган), сиёсий шартномаларни, арзномаларни, ультиматумлар ва севги мактубларини ўз ичига олган.

Пиктограммаларни изоҳлаш учун энг қулайи шеърний формади. Ерликлардан бири қироат билан ўқиган бундай шеърнинг ҳар сатри айрим расмни ифодалайди.

Пиктография ибтидий санъат қучоғида вужудга келди. Олимлар инсонларнинг бундан 40—10 минг йил илгари қадимги палеолит даврида чизган расмларини топишган. Қадимги одам тошни ўйиб нақш солган, суякка белгилар ўйган, ғор деворларига ҳайвонлар: бизон, мамонт, охулар, каркидон, отлар, буғулар ёки одамлар тасвирини бўёқлар билан чизган. Бу билан у гўё дунёни билиб олган ва тасвирлаган.

Европада эрамиздан олдинги тўққизинчи-олтинчи минг йиллик деб сана қўйилган мезолит даврида умумий мазмунга бирлаштирилган мураккаб тасвирий композициялар янада кўпроқ тарқалган. Улар расмлар билан ифодаланган тугал ҳикояга ўхшайди.





















Тезарак-атрофимиздаги оламни билиш йўлидаги бу янги қадам воқеа-ҳодисаларни, воқеликни ифодалашга интилиш эди. Ибтидий одам тафаккури конкрет фактларни қамраб олиш билан бирга мавҳум тушунчаларни ифодалашга ҳам ҳаракат қилган. Расмларда рамзий элементлар ва шартли белгилар тез-тез учраб туради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, пиктографик ёзув неолит даврида, тарқоқ уруғдош гуруҳлар қабилага бирлаша бошлаган вақтда узил-кесил шаклланган.

Пиктографик белгилар ҳозирда ҳам кенг қўлланилади. Магазин ва устахоналарнинг вивескаларидаги моллар тасвири, кўча ҳаракатини тартибга солиб турувчи белгилар, заҳарли моддалар солинган идишлар деворидаги бош суяги, чалиштирилган суяклар тасвири ва йўналишни кўрсатувчи қўл ёки стрелкалар расми ва ҳоказо шулар жумласидандир. Масалан, Шимолий Осетияда марҳумнинг фазилатлари ёки истеъдодини билдирувчи пиктографик белги чизиш одати сақланиб қолган: моҳир чавандознинг қабр тошида — от ёки эгар, олимнинг қабр тошида — китоб, моҳир тикувчи қабр тошида эса тикув машинаси тасвирланади.

Тадқиқотчилар пиктографияни фикрни ёзув билан ифодалашнинг дастлабки усули деб ҳисоблайдилар. Пиктография яққоллиги туфайли ҳаммабоп бўлган-у, бироқ маъно, мазмунни ихтиёрий шарҳлашга йўл қўйган. Расм фикрни аниқ ифодалашга имкон берадиган,

Миххат белгиларининг ривожи

Эрамиздан олдинги IV минг йиллик	Эрамиздан олдинги III минг йиллик	Эрамиздан олдинги II минг йиллик Тезхат		Ниматасвирланган	Маъноси
		Бобил	Ассирия		
				Оёқ	Юрмоқ, турмоқ, келтирмоқ
				Чапқул	Чап
				Қозиқча-бўйрага қоқиш учун	Қозиқча, қурмоқ
				Юлдуз	Осмон, худо
				Балиқ	Балиқ

кўп жойни эгаллайдиган восита бўлганлигидан мавҳум тушунчаларни расм ёрдамида англатиш жуда қийин эди.

Бир хилдаги буюмнинг тасвири турли пиктограммаларда турлича чиққанлиги, ҳаракатлар, воқеалар ҳам ҳар хил тасвирланганлиги сабабли баён қилинаётган маълумотларнинг аниқлиги бузилган. Масалан, «қурол» бир жойда найза кўринишида чизилган бўлса, бошқа жойда камон ва ўқ, яна бир жойда тўқмоқ шаклида тасвирланган.

Ёзув биладиганлар ниҳоят даражада кам бўлганлигидан ва ёзувдан тасодифий ҳоллардагина фойдаланилганлигидан пиктографик ёзувнинг камчиликлари кўзга ташланмаган. Лекин давлат тузуми ривожланиб, ёзишмалар кундалик ишга айлана борган сари ёзувга эҳтиёж ортаверган, ёзув кундалик ҳаётда заруратга айланган. Ёзишни тезлаштиришга эҳтиёж туғилган. Ҳар бир тасвирдаги расм аста-секин соддалашиб бориши ва уларнинг ҳаммаси аниқ график белгиларга ажралиб кетиши қонунийдир. Муайян расм буюмнинг номи билан аталган, буюм тасвирловчи бўлиб қолган.

Ёзув битиладиган материал белги-расмларнинг шаклига жиддий таъсир кўрсатган. Масалан, Олд Осиёда тўғри бурчакли ёки чўзинчоқ доира шаклидаги сопол тахтачаларга белгилар чизилган. Лойнинг қовушқоқлиги тахтачаларга айлана чизиқлар чизишни қийинлаштирган, шунинг учун пона шаклидаги белгилар—миххат ишлаб чиқилган. Мисрда асосий ёзув материали сифатида папирусдан фойдаланилган; папирус — хат ёзиш учун махсус тайёрланган биринчи материалдир. Миср ёзувлари тасвирийлиги билан ажралиб туради. Хусусан тошга ўйиб ёзилган хатлар кўзга яққол ташланади. Улар кўпинча нақш билан моҳирона уйғунлаштирилган.


Ёзма ёдгорликларнинг бут ҳолда сақланиши ҳам унинг қандай материалга битилганига боғлиқ бўлган. Тез йиртиладиган, уваланадиган, мўрт материалга битилган хатлар йўқ бўлиб кетган, пишиқ, мустаҳкам асосга битилган ёзувлар эса замонамизгача сақланиб қолган. Узоқ ўтмиш садоларини бизга айтиш шунинг учун ёзувлар етказмоқда. Эрон подшоҳи Доро I нинг тошга ўйиб ёзилган қуйидаги дабдабали огоҳлантириши шундай ёзувлардан биридир:


«Доро, шаҳоншоҳ дейди:
 Сан, келгусида
 Менинг буйруғим билан
 Қояга ўйилган мана шу
 ёзувни ёки ана шу
 тасвирларни кўрасан, —
 Уларни вайрон қилма!
 Қудратинг етар экан,
 Уларни эҳтиёт қил».

Ёзувнинг ривожланиши ҳақидаги ҳикоямизга қай-тайлик. Замонавий ёзувга олиб келадиган йўлдаги навбатдаги босқич жумлаларнинг айрим тушунчаларга, сўнгра сўзларга бўлинишидан иборат бўлди. Пиктограмма айрим элементларга (гап бўлақларига) бўлинмасдан фақат тугалланган фикрнигина ифодалар эди, энди ҳар бир тушунчага ва конкрет буюмга белги-рasm биркитиб қўйилди. Улардан, ўз навбатида, ёзув пайдо бўлди. Бундай белгилар системаси—идеография—бошқариш, ҳисоб юргизиш, қонунларни ёзиш ва шу каби бошқа ишлар учун барқарор, аниқ ёзувга эҳтиёж сезган давлат кўламида тартибга солинган. Бир қанча мамлакатларда (Миср, Шумер, Хитой, Крит ороли) идеография жамият тараққиётининг ўша бир хил босқичида, қулчилик давлати билан бирга пайдо бўлиб, унинг бағрида камолотга эришган — юксак даражада тараққий қилган.

Идеографик ёзув ахборот мазмунини баён қилиши билан бирга, тилнинг луғавий таркибини ҳам белгилаб берган. Белги-рasmларнинг изчиллиги энди мирзанинг инжиқлигига боғлиқ бўлган, у тилнинг ўзига хос синтактик тузилишини акс эттирган.

Маъноси аниқ ва тасвирланиши осон бўлган сўзлар учун белги-идеограммалар яратилиши график шаклларни содалаштириш йўлидан борган. Масалан:







Мавҳум ва мураккаб тушунчаларни баён қилиш анча қийин бўлган. Бироқ бу қийинчилик ҳам бартараф этилган. Мирзаларнинг барча қийинчиликларни четлаб ўтишдаги ижодкорлиги кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, қадимги миср ёзувларида тасвирий-рамзӣй принцип моҳирона қўлланилган. Жангчи сўзи икки қўл шаклида тасвирланган: бир қўлга қалқон ва иккинчи қўлга найза ушлатилган. Бу идеограмма *жанг, жанг қилиш* тушунчаларини ҳам англатган. *Юрмоқ* феъли қадам ташлаётган икки оёқ, *кўрмоқ* феъли—икки кўз шаклида тасвирланган. *Хасислик, очкўзлик* сўзлари — тимсоҳ тасвири орқали, *салқин, совуқ* сўзлари эса сув оқиб чиқаётган идиш тасвири билан ифодаланган.


Аниқ буюм билан мавҳум тушунча ўртасидаги боғланиш баъзан беҳабар одам ишонадиган ривоят ёки эътиқодга асосан ифодаланган. Масалан, Қадимги Мисрда туяқуш қанотидаги ҳамма патларнинг узунлиги бир хил бўлади деб, шунга қатъий ишонишган, шунга асосан *ҳаққонийлик* сўзи туя қуш пати тасвири билан ифодаланган. Йил сўзи эса пальма дарахти шохи билан тасвирланган, чунки мисрликлар пальма дарахтида бир йилда фақат 12 та новда ўсиб чиқади деб ўйлар экан.

Шумер ёзувларида *қуёшни* тасвирловчи белги—*нур, кун, оқлик* деган сўзларни англатиш учун, *юлдуз* белгиси — осмон, худо деган сўзларни, *чигиртка* тасвири эса *йўқ* сўзини ифодалаш учун ишлатилган.

Хитой тилида белгилар шакли ёки вазияти ўзгариши билан янги маъно касб этганлар. Масалан, *одам* деган сўзни англатувчи нероглиф бирмунча ўзгартирилганидан (янги чизиқлар қўшилганидан) кейин *тана, қўл* деган маънони англатган. Хитой мирзалари сонларни ва фазовий муносабатларни билдириш учун махсус шартли-рамзӣй нероглифларни қўлланганлар:

 Уст

 Ost

 Үрта

Кўпинча мураккаб ва мавҳум тушунчалар икки идеограммани бир белгида уйғунлаштириш, бирлаштириш йўли билан баён қилинган. Масалан, шумер тилида қуйидаги бирикмалар ишлатилган:

нон + оғиз = емоқ
кўз + кучук = ёвуз
қуш + тухум = туғмоқ

Хитой тилида:

аёл + бола = севмоқ
қулоқ + эшик = эшитмоқ, билдирмай қулоқ солмоқ
қилич + юрак = сабр қилмоқ, тоқат қилмоқ
аёл + том = тиңчилик, сукунат, жимлик.

Атоқли отларни идеограмма билан англатиш айниқса қийин бўлган. Мирзалар баъзи отлар учун маъноси жиҳатдан ўхшашроқ идеограммаларни қўлланганлар. Бироқ ҳамма отлар ҳам қандайдир маънога эга бўлавермаган. Бу биринчи галда хорижий отларга тегишлидир. Лекин зийрак мирзалар бу қийинчиликни ҳам бартараф этганлар. Улар тадқиқотчилар «ребус» усули деб атайдиган усулни қўлланганлар. От қисмларга шундай ажратилганки, бу қисмлар эшитилишига қараб қандай бўлмасин бирор сўзга мос келтирилган. Бу сўзларнинг идеограммаларни йиғиндисидан эса ст тузилган. Бундай ёзув тилнинг товуш томонини акс эттирган, товушли (жаранглайдиган) сўз билан мустаҳкам боғлиқ бўлган; шунинг учун у логограмма деб аталади (логограмма фақат маъно билан боғлиқ ва ҳар қандай тилда ўқилиши мумкин бўлган идеограммадан фарқ қилади).

Овоз чиқариб айтиладиган нутқни акс эттирувчи мураккаб ва мавҳум тушунчалар учун белгилар яратишнинг яна бир усули бўлган. У айтилиши бир хил, маъноси бошқа-бошқа сўзлар—омонимлар учун қўлланилган. Омонимлар бир белги—логограмма билан белгиланган, бироқ уларни бир-биридан фарқ қилиш учун логограммага детерминатив — аниқловчи белги (бамисоли сарпарда—очқич аломати) қўшилган, бу белги сўзнинг

аниқ маъносини кўрсатиб турган. Талаффуз этилмайди-
ган ёрдамчи белгиларга айланган бошқа идеограммалар
шундай аниқловчи белгилар вазифасини бажарган. Масалан,
хитой ёзувида *фэн* сўзи аниқловчи белгиси бўлмаса,
қилмоқ феълини билдиради. Уша логограммага *юрак*
шаклидаги аниқловчи белги қўшилса—*жаҳл*, *газаб*
тушунчасини, *ип* шаклидаги аниқловчи белги қўшилса—
чигал, *чатоқ* тушунчасини, белги *идиш* шаклида
бўлса — *тоғора* тушунчасини англатади.

Идеографик ёзув тилнинг маъно томони билан боғлиқдир.
Идеограмманинг шакли сўзнинг қандай жаранглаши
(эшитилиши)га боғлиқ бўлмаган. Шу туфайли идеограммалар
бошқа тилларда ҳам ишлатилган ва мутлақо бошқача
жаранглайдиган сўзларни билдирган. Масалан, хитой
тилидаги иероглифлар япон, корейс ва вьетнам ёзувлари-
дан ўзлаштириб олинган.

Ҳозирги замон тилида биз ҳам белги-идеограммалардан
фойдаланамиз. Булар рақамлардир; биз уларни, мазмуни
қайси тилда баён этилганлигидан қатъи назар, текстдан
билиб оламиз. Лекин улар ҳар хил ўқилиши мумкин.
Математикадаги, химиявий формулалардаги белгилар,
халқаро ўлчов бирликлари системаси томонидан қабул
этилган турли шартли белгилар ҳам идеограммалар бўлиб
ҳисобланади. Масалан, тенгламани олайлик.

$\sqrt{28081563033616} = : 4604 \times 1151$ тенгламаси турли тилларда
турлича эшитилса ҳам, доимо бир хил ёзилади.

Қадимги мирзаларнинг тиришқоқлиги, ижодкорлиги-
га қарамай, идеографик ёзувда, умуман олганда, жиддий
камчиликлар бўлиши нутқни ёзишнинг янги принципларини
излаш заруратини туғдирган.

Идеография мавҳум тушунчаларни белгилар билан
ифодаласа-да, сўзларнинг грамматик формаларини кўрсатиб
беролмаган, шу туфайли тушунчалар ўртасидаги боғланишни
аниқ англатмаган. Идеография системасининг бартараф
этилиши энг қийин бўлган камчилиги— унда белгиларнинг
жуда ҳам кўплигидир. Жамият тараққиётининг айрим
босқичларида идеографик ёзувда ўн минглаб белги бўлган.
Шу билан бирга, пиктограммалардан олинган, буюмни
яққол тасвирлайдиган белгилар ўз «моделлари»га ўхшамай-
диган бўлиб қолган. Бундай белгилар билан ёзишни ва уни
ўқишни ўрганиш учун йиллар керак бўлган, ҳаммада ҳам
бундай имконият бўлавермаган.

Қадимги халқлар ёзувни муъжизавий санъат ҳисоблаб жуда қадрлаганлар, ёзувни ўзларининг катта худолари яратган деб, шунга ишонганлар. Бобиллар ёзув ва ҳисобнинг ижодкори деб, Коинотни яратувчи илоҳ Мардукнинг ўғли, донолик тангриси Набуни, қадимги мисрликлар эса донолик тангриси Тотани ҳисоблаганлар. Бу иккала худо одамларнинг тақдирини белгилаб берадиган, ҳар кимнинг тақдирини унинг пешонасига «қисмат таёқчаси» билан ёзиб қўядиган ҳукмдорлар деб аталган. Қадимги хитойлар ёзувнинг ижодкори сифатида аждарҳо тумшуқли худони — Цан Цзени, ҳиндлар Брахмани, қадимги германлар, уларнинг эътиқодича, сеҳрли ёзув — рунанинг ижодкори ҳисобланган худо Одинани эъзозлаганлар. Қадимги юнонлар сон, ўлчов ва алифбени худо Гермес яратган деб билганлар, одамларга бу санъатни Гермес ўргатган эмиш.

Ёзув ундан беҳабар одамларга шу қадар муъжизавий таъсир кўрсатганки, уни имтиёзли кишиларгагина ато этилган инъом ҳисоблаб, оддий одамлар уни тушунолмайдди, билолмайдди деб, шунга ишонганлар. Хат-саводли кишилар алоҳида табақага киритилган; қоҳинлар, мирзалар, олимлар ва давлат арбоблари шулар жумласидандир. Мирзалик ҳурматга сазовор касб ҳисобланган. Ҳатто аслзодалар, тўралар, юқори мансаб эгалари ҳам ўзларини ёзиб ўтирган қиёфада тасвирлатишни яхши кўрганлар.

Жамият тараққиёти билан боғлиқ эҳтиёжлар ихчам, аниқ ва идеографияга қараганда осонроқ ёзув яратиш заруратини туғдирган. Ёзувни янада такомиллаштиришга туртки бўлган янги принцип идеография бағрида вужудга келган. Бу — маънони ёзишдан товушни ёзишга ўтиш йўлидир. Биз отларни «ребус» усулида ёзишни эслатиб ўтган эдик, бунда отларни ёзиш учун маъноси жиҳатдан эмас, балки эшитилиши жиҳатдан ўхшаш сўзлар танланар эди. Масалан, Шумерда эрамиздан олдинги уч минг йиллик бошидаёқ шумер ҳокимларининг фаолиятларини—ҳарбий юришлар, жанглар ва бошқаларни мадҳ этувчи ёзувлар (ўзига хос абадий «жанр» сифатида) тарқалган эди. Бу ёзувларда забт этилган шаҳарлар ва ўлкаларнинг номлари, ажнабий подшоҳларнинг айнан «ребус» усулида ёзилган отлари келтириларди.

Эшитилиши (жаранглаши) жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар — омонимларни умумий белги билан ифодалашда ҳам фонетик принцип қўлланилган. Инсон лого-

граммани айтилган сўзнинг ёзувдаги ифодаси сифатида идрок этишни ўрганган.

Бўғинли ёзув ҳарфга олиб бораётган йўлдаги навбатдаги қадам бўлди. Бу мутлақо янги ғоя эди, унинг юзага келиши юксак абстракт (мавҳум) тафаккурни талаб қиларди. Бу осонликча қўйиладиган қадам эмас.

Яхлит маъно англатадиган сўзни биринчи марта ҳеч қандай маънони билдирмайдиган қисмларга бўлиб юбориш учун маънони гўё аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, товуш қобигини ундан ажртиш керак эди. Ҳолбуки сўз маънони англатиш, етказиш мақсадидагина мавжуддир. Бунинг учун инсониятга қарийб икки минг йил керак бўлди. Агар дастлабки идеографик системалар эрамиздан олдинги тўртинчи-учинчи минг йилликларда вужудга кела бошлаган бўлса, бўғинли ёзув системаси фақат эрамиздан олдинги иккинчи—биринчи минг йилликлардагина пайдо бўлди.

Бўғинлар қадимги миср, шумер, ассурия, бобил, қадимги форс, хитой ва бошқа идеографик ёзув системаларида ажралиб чиққан. Одатда бир бўғинли идеограммалар — «ребус» усулида — бўғинларга айланган.

Бироқ турли тарихий шароитлар тақозоси билан қадимги ёзувлар баъзан соф бўғинларга айланишга улгура олмай, муомаладан чиқиб кетган. Бошқа, анча «ёшроқ» ёзувлар эса, аксинча, қадимги идеографик системанинг белгилар асосидан фойдаланиб, бўғинли ёзувга айланган (масалан, япон ёзуви). Хитой ёзувининг ривожланиш йўли ўзига хос бўлган.

Бўғинли ёзув системаси ўрганиш ва қўлланиш учун идеографик ёзувга қараганда анча қулай бўлган. Ундаги белгилар сони икки-уч юздан ошмаган ва бир неча ўн белгидан кам бўлмаган, шунга кўра ёзув анча ихчамлашган, тилнинг фонетик ва грамматик тузилишини аниқроқ акс эттирган.

Шундай бўлишига қарамай, тил оз бўғинлардан «йиғилган» ҳолдагина бўғинли ёзув ўзини оқлай олган. Бошқа ҳолларда ёзув ихчамлигини йўқотган — кўп жой эгаллайдиган бўлиб қолаверган.

Ёзувнинг бундан кейинги ривожланиши товушлар оқимини жуда майда «бўлакчаларга» — товушга қадар бўлиш йўлидан борган.

Инсоният ғоят даражада зўр, улуғ иш бажарган. Дастлаб бизнинг мураккаб ва турли-туман нутқимизни ташкил этган «бир андазага тушган» тил элементлари ало-

ҳида ажралиб чиққунга қадар товушлар оқимини майда бўлакчаларга, қисмларга бўлиш, уларни ўзаро таққослаш, уларнинг фарқини ва ўхшашлигини аниқлаш керак бўлган, ахир. Масалан, *сен* сўзидаги биринчи товушни талаффуз этганда лабларимизни бир оз ёямиз, *сйн* сўзидаги биринчи товушни талаффуз этишда лабларимизни салгина олдинга чўзамиз ва юмалоқлантирамыз, *сал* сўзида лабларимизни думалоқлантирмаймиз, *сув* сўзида эса лабларимизни олдинга чўзамиз ва юмалоқлантирамыз. Бироқ турлича эшитилган шу товуш ёзувда бир хил ҳарф — с ҳарфи билан ёзилади. *Қад* ва *қат* сўзлари, гарчи охириги ҳарфлари турли товушдан иборат бўлса ҳам, бир хилда эшитилади ва ҳоказо.

Қадимги миср ёзувида дастлаб ундош товушлар ажратилган, бунга қадимги Миср тилида бир товушдан тузилган логограммалар бўлганлиги ёрдам берган.

Биринчи алифбони эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда финикияликлар яратган. Бу алифбо йигирма икки ҳарфдан иборат бўлган, ҳарфлар фақат ундош товушларни ёки ундош ва унли товушлардан тузилган бўғинларни ифодалаган. Чунки финикияликлар тили семит тиллари группасига мансуб бўлиб, унда ундош товушлар асосий роль ўйнаган. Сўзларнинг илдизи ундош товушлардан тузилган. Унли товушлар эса асосан грамматик боғланишларни ва сўзнинг шакли (формаси)ни ифодалаган. Шу сабабли финикияликлар алифбоси ёзувнинг бўғинли ва ҳарф-товушли системалари ўртасида оралиқ мавқени эгаллаган.

Финикияликлар алифбосидаги белгиларнинг шакли содда бўлиб, ёзиш учун ҳам, ёдлаб қолиш учун ҳам қулайдир. Финикияликлар ёзувининг келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикр бор. Олимлар миср ёзуви ҳам, ассирия-бобил ёзуви ҳам, критомикен ёзуви ҳам финикияликлар ёзувига асос солган бўлиши мумкин, дейишмоқда. Ҳар бир назариянинг тарафдорлари ўз далилларини келтирмоқдалар. Бироқ биз учун муҳими — финикияликлар алифбоси ёзувнинг узоқ ривожланиш йўлидаги қонуний натижа эканлигидир.

Финикияликлар алифбосидаги ҳарфлар юнон ва арамей ёзувларидан ўзлаштириб олинган. Ҳарфли-товушли ёзувнинг шарқий тармоғи ва Осиёдаги тарқалган баъзи бўғинли системалар арамей алифбосидан келиб чиққан. Юнон алифбоси ғарбий ҳарфли-товушли ёзув система-

Финикия алифбосининг ривож

к	к к	к	к	к к	к	к	к к	к к	к к	к к
г	г	г	г	г	г	г г	г	г	г г	г г
л	л	л	л	л	л	л л	л л	л л	л л	л л
д	д	д	д	д	д	д д	д д	д д	д д	д д
р	р р	р	р	р р	р	р р	р р	р р	р р	р р
с	с с	с	с	с с	с	с с	с с	с с	с с	с с
з	з з	з	з	з з	з	з з	з з	з з	з з	з з
в	в в	в	в	в в	в	в в	в в	в в	в в	в в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п
к	к	к	к	к	к	к	к	к	к	к
г	г	г	г	г	г	г	г	г	г	г
л	л	л	л	л	л	л	л	л	л	л
д	д	д	д	д	д	д	д	д	д	д
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с
з	з	з	з	з	з	з	з	з	з	з
в	в	в	в	в	в	в	в	в	в	в
й	й	й	й	й	й	й	й	й	й	й
п	п	п	п	п	п	п	п	п	п	п

ларининг бешиги бўлганки, унли ва ундош товушларни ишлатиш бу системаларга ҳам хос бўлган.

Қадимги юнонларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар унли товушларни ажратиб, бу товушлар учун алифбога махсус белгилар киритганлар. Юнон алифбосининг шу кунгача сақланиб қолган асосий кўриниши шу тарзда касб этилган. Бу эра миздан олдинги биринчи минг йилликда содир бўлган. Янгиллик нутқдаги товушларни аниқроқ ифодалаш имконини берган. Инсониятнинг ҳарfli-товушли ёзувдан—турли воқеа, ҳодисаларни, фикр ва ҳиссиётларни... ифодалаш, билдириш учун хизмат қиладиган шу мухтасар қуролдан фой-

даланаётганига мана икки минг йилдан ҳам ошиб кетди.

Ёзувнинг ривожланиш схемаси: пиктограмма—идеограмма (логограмма)— бўғин-ҳарф — бирунча содда-лаштирилган ва тузатилган, албатта. Бироқ биз бу йўлни минг йиллик кўламда кўздан кечирдик. Географик харитада юзлаб километрларга чўзилган нотекис, ўнқир-чўнқир йўллар бўйи бир неча миллиметр келадиган қисқа чизиқча бўлиб кўринганидек, бизнинг ҳикоямизда ҳам ёзувнинг ривожланиш йўлидаги боши берк кўчалар очилмай қолди.

Бугунги кунда ёзувнинг тўрт юзга яқин тури маълум. Ҳар бир ёзув системаси жонли, ўзгарадиган, ривожланадиган бир бутундир, қачонлардир айтилганларни турлича ёзиб олиш усуллариининг ажойиб равишда уйғунлашган чиройли бирикмасидир.

Бу системаларни ўрганиш соҳасида актив иш олиб борилаётганига икки юз йилдан ҳам кўп бўлди. Айрим ёзувларнинг сири тўла очилди, бошқалари эса ўз навбати кутмоқда. Шумерларнинг энг қадимги, эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йилликнинг бошида ёзилган ҳужжатлари ҳали жумбоқлигича турибди; шумерлар жамият тараққиётининг илк босқичида мисрликлар билан бирга турган ва, умуман, ёзувнинг дастлабки ижодкорларидан бири бўлган. Шумерларнинг анча кейинроқ ёзилган хатларигина ўқилган, холос. Финикияликлар ёзувининг қандай пайдо бўлганлиги бизга шу кунгача номаълум.

Тадқиқот ишлари вақтида бизга мутлақо номаълум ёзув топилиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

1969 йили совет археологлари Енисей дарёсининг бошида, Минусинск яқинидан ола-була қилиб расмлар чизиб ташланган еттита ёғоч тахтача топишди. Тахтачаларнинг шакли жанговар қилични эслатарди. Экспедиция раҳбари, тарих фанлари доктори М. Грязнов мана бундай хулосага келди: расмларнинг жойлашишига қараб буларни пиктографик ёзув намуналари дейиш мумкин. Қадимги енисейликлардан асрлар оша бизгача стиб келган бу мактубнинг мазмуни, ёғоч «откреткалар»да нималар ифодаланганлиги ҳозиргача маълум эмас.

Дешифровка нима?

Ёзувни дешифровка қилиш деганда нима тушунилади? Дешифровка номаълум ёзув битилган текстни ўқиш демакдир. Бунинг учун тадқиқ этилаётган ёзувдаги белгиларни ўша белгилар билан ёзилган тилдаги сўзларга ўхшатиш, тенглаштириш керак.

Номаълум текстнинг мазмунини очиб берувчи, яъни дешифровка қилувчининг иши нимадан иборат? Биринчи ғалда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, номаълум ёзувнинг ва ҳар қандай номаълум тилнинг маъносини очиб бериш учун лоақал қандайдир бир таянч, асос бўлиши керак; чунки йўқдан-бор бўлмайди. Агар таянч бўлмаса, асос топилмаса, жиддий натижа чиқишини ҳам кутмаслик керак, бу ҳолда фақат фантазиягина қолади, холос.

«Дешифровка» тушунчаси кенг маънода айтганда, одатда, ёзма ёдгорликлар устида олиб бориладиган уч хил ишни ўз ичига олади.

Биринчи вариантда тадқиқотчи номаълум тилда, бироқ маълум ёзувда битилган хат ёки ҳужжатни тушуниб олиши ва ўқиши керак. Масалан, хетт миҳхатида ёзилган текст ва этрусқ тилини ёки бизга янада танишроқ мисол—Португалияда латин алифбосидан фойдаланишни олайлик. Агар португал луғати ҳам, грамматикаси ҳам бўлмаса, португалча текстни қандай қилиб ўқиш ва таржима қилиш мумкин? Бунинг учун тадқиқотчи сўзларнинг маъносини тушуниши ва грамматик формаларини билиши лозим.

Иккинчи вариантда тил аниқ маълум ёки, маълум деб ҳисобланилади-ю, лекин текст номаълум ёзув билан битилган, масалан, Кипрнинг бўғинли системасида ёзилган юнон ёзуви. Ёки оддий мисол: сиз немисчани тушунасиз, бироқ фақат латинча ҳарф (шрифт)ни ўқийсиз ва гот ҳарф (шрифт)ларини билмайсиз. Бу ерда тадқиқотчига бир хил белгилар системасини бошқа хил системага ўтказишга тўғри келади.

Ниҳоят, учинчи, охириги вариант — сизга тил ҳам, ёзув ҳам номаълум. Бу, тадқиқотчи учун энг қийин, бироқ энг жозибали бир ҳол, албатта. Бунда тадқиқотчи бир хил ёзув системасини бошқа хил системага ўтказиши ва маъносини тушуниб олиши лозим. Бу вақтда бутун ёрдамчи фанларнинг, имкони борича барча илмий воситаларнинг ёрдами зарурдир. Шунинг учун, масалан, хетт

миххатида ёзилган текстни ўқиш билан миср иероглифлари ёки миххатини ўқишни бир даражага қўйиб бўлмайди.

Номаълум текстни ўқиш, яъни дешифровка қилишнинг энг баракали воситаси — билингвадир, яъни турли тилларда ёзилган, бироқ озми-кўпми бир хил мазмунга эга бўлган иккита параллель текстдир. Масалан, иттифоқдош республикалардаги рус ва миллий тилларда ёзилган вивескалар бунга мисол бўла олади. Агар билингва бўлмаганида миср иероглифларини ҳам, бобил миххатларини ҳам ўқиб бўлмас эди; хетт миххати билан бўлган бир воқеа камдан-кам учрайди. Бу шундан иборатки, ёзув ҳам, қисман тил ҳам билингва ёрдамисиз изоҳланган ва изоҳнинг тўғрилиги кейинчалик икки тилдаги ёзув (билингва) ёрдамида тасдиқланган.

Агар билингвалар бўлмаса-чи, унда нима қилиш керак? Бунда, юқорида айтилганидек, тадқиқотчига ёрдами тегадиган барча воситалардан фойдаланилади.

Лекин шундай ҳоллар ҳам бўладики, энг ишончли бўлиб кўринган билингва ҳам ёзувни ўқишга ёрдам беролмайди. Бунга қуйидаги ҳол мисол бўла олади.

Бундан бир неча йил илгари ликия билингвалари топилди.

Кичик Осиёда, Ўрта денгиз яқинида Ликия подшоҳлиги бўлган экан. Эрамиздан олдинги бир неча аср давомида бу подшоҳлик гуллаб-яшнаган. Унинг пойтахти Ксанф гўзал ибодатхоналари, қасрлари билан донг таратган. Археологик экспедициялар Ксанф ўрнини бир неча марта қазиб кўрдилар.

Билингваларни топган тадқиқотчиларнинг қувончи ичига сиғмасди: ахир, шу вақтгача ликияликлар ёзувини ўқишга мушарраф бўлинмаган эди-да. Бироқ олимлар беҳуда қувонишган экан: топилган нарсалар билингва эмас, балки «бефаҳм» ликияликлар бир нечагина сўз ёзиб қолдирган қабртошлар бўлиб чиқдики, бу сўзлар лугат тузиши учун камлик қиларди.

Ниҳоят, олимларнинг омади келгунча яна бир неча йил ўтди. 1974 йили Туркиянинг жанубида француз археологлари баландлиги бир метрдан сал ошадиган тош деворни топишди. Деворга икки тилда эмас, балки бир йўла уч тилда: ликияликлар, қадимги мисрликлар ва арамейлар тилида битилган ёзув—трилингвани кўриб олимларнинг севинчи тўлиб-тошди. Арамей ёзуви қадимги юнон ёзуви каби яхши ўрганилган эди. У Қадимги

Эрон империясида давлат тили вазифасини ўтаган. Ёзувларнинг бир қисми ўқилди, эҳтимол, яқин ораларда инсониятга ликияликлар оламининг сири очилиб қолар...

Шундай қилиб, тадқиқотчи ёзувни ўқишга, изоҳлаш (дешифровка)га киришар экан, аввало ёзув системасининг умумий хусусиятини аниқлайди. У охириги сатрнинг тўлдирилмай қолган қисмидан ёзувнинг йўналишини билиб олади, сўзларнинг бўлақларга ажралиш-ажралмаслигини аниқлайди, бўлақларга ажралган тақдирда бўлақлар қандай белгилар: чизикча, нуқта, икки нуқта ва ҳоказолар билан мунтазам такрорланаётганига эътибор беради.

Сўнгра белгилар сонини ҳисоблаб чиқади. Шунга қараб, у, қандай ёзув: ҳарфли, бўғинли, идеографик ёки аралаш ёзув билан иш кўраётганлигини билиб олади. Белгилари сони 30 тадан кам бўлган ёзувнинг ҳарфли система бўлиши, бир неча юз белгидан иборат ёзувнинг эса мураккаб бўғинли система бўлиши муқимроқдир.

Тадқиқотчи атоқли отларни билингда ёрдамида (агар бўлса) биринчи навбатда топади. Улар олимни номаълум ёзувга олиб кирадиган сўқмоқ йўл бўлиб хизмат қилади.

Билингда бўлмаган ҳолларда номаълум тилда ёзилган текстни ўқиб тушуниш учун қуйидаги икки усулдан фойдаланилади.

Биринчиси — комбинацияга асосланган усул. Бунда ёзув ўқиладиган, лекин таржима қилинмаган текстдан келиб чиқаётган қонуниятлар асосида тушунтирилади ва шарҳланади. Олим турли гурпуадаги белгиларнинг тузилиши ва ўзгаришини, умуман тилнинг структурасини, жумланинг асосий бўлақлари қандай ўрин эгаллаганлигини кузата бориб, кейин хулоса чиқаради.

Иккинчиси — этимологик усул. Бу усул ўқиладиган текстдаги сўзларни тахмин қилинган қардош тилдаги сўзларга таққослашга асосланган, бироқ бу усулни қўлланиш учун мазкур икки тилнинг қардошлигини исботлайдиган жиддий далиллар зарур. Ҳарф (белги)лар шаклининг ўхшашлиги етарли далил бўла олмайди. Масалан, русча «Н» билан латинча «N»нинг шакли бир хил, лекин улар ҳар хил ўқилади.

Ёзувчи ҳар қандай контекстда ўқиш мумкин бўлганидагина дешифровкани ниҳоясига етган ҳисоблаш мумкин.

Бу ерда биз текстни ўқиб тушуниш (дешифровка қилиш) билан боғлиқ ишларнинг умумий принципларининг гина эслатиб ўтдик. Бироқ ҳар бир айрим ҳолда тадқиқотчи янги, бошқаларига ўхшамайдиган муаммоларга дуч келиши мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун у кўп куч ва истеъдод сарфлайди, албатта...





ДУНЁНИНГ
ТҮРТ
ТАРАФИДАН

Доро ва скифлар

Эрон шоҳи Доро I тахтни эгаллаб, ўзига бўйсунма-ларнинг таъзирини бериб бўлгач, дарҳол ўз босқин-иклари билан безор қилган урушқоқ кўчманчилар-нинг адабини бериб қўйишга аҳд қилади.

Доронинг кўп сонли қўшини ҳужум бошлаб скифлар га ёпирилади. Мазкур воқеадан 60 йил ўтгандан ке-н юнон сайёҳи ва тарихчиси Геродот Шимолий Қора лғиз бўйини зиёрат қилган; бу ерларда мазкур юриш қидаги хотиралар тўхтовсиз оғиздан-оғизга кўчиб оранлигидан у ўзининг «Тарих» номли машҳур асари-нинг тўртинчи китобини шунга бағишлаган.

Тарихчининг бу китобида мазкур жангин ўз кўзи би-н кўрган одамнинг ва оталари Доро билан жанг қил-н кишиларнинг ҳикоялари берилган. Шу кишилар ора-да Тимн исмли скиф ҳам бўлган. У шоҳ Ариапейтнинг, ьни эронийлар билан бўлган урушда скиф қўшинларига ўмондонлик қилган Иданфирснинг ўрнини босган Ариа-пейтнинг васийси бўлган...

Геродот, Доро қўшинларида 700 минг киши бўлган, дейди. Бунинг устига, унинг 600 та кемаси ҳам бўлган. Доронинг армияси ўша даврда жаҳондаги энг яхши ар-мия ҳисобланган.

Эрон шоҳи қўл остидаги халқлар Фракия Боспо-ри (Босфор бўғози) ва Истр (Дунай)га махсус кўприк-лар қурганлар. Доро Кичик Осиёдан Скифияга шу кўп-риклардан ўтиб борган.

«Барча аскарлар қарши қирғоққа ўтиб бўлгач,— деб ёзган Геродот,— у понияликларга кўприкни кемаларнинг экипажлари билан биргалашиб бузиб ташлаб, қуруқ-ликдан қўшни орқасидан боришни амр этди. Иониялик-лар шоҳнинг амрини бажо келтириш учун кўприкни бу-зишга шайланиб туришган эди. Шу вақт Эрксандрнинг ўгли, митиленик моҳир саркарда Қой, дастлаб шоҳнинг унга маслаҳат бермоқчи бўлган кишининг гапларини тингланга майли бор-йўқлигидан хабар олгач, қўйида-гиларни айтди: «Шоҳим! Сиз шундай мамлакатга юриш қилмоқчисизки, у ерда на экин майдонлари ва на гавжум шаҳарлар бор. Модомки шундай экан, кўприкни бузмас-лик тўғрисида фармон беринг ва уни қўриқлашни кўп-рикни қурган кишиларнинг ўзларига топширинг. Агар шундан келса ва скифларни топсак, зарур вақтда

чекиниш учун имкониятимиз бўлади. Агар уларни топа олмасак, у ҳолда, жуда бўлмаганда, қайтиб кетадиган йўлимиз таъминланган бўлади. Скифлар жангда бизни енгади деб қўрқаётганим йўқ; биз уларни тополмай, сарсонгарчиликда ҳалок бўлишимиз мумкин, деган фикр мени хавотирлантиряпти. Эҳтимол, бировлар «буни у ўз манфаатини кўзлаб шу ерда қолишни истаб айтмоқда» дейишар. Аксинча, мен, албатга, сен билан бораман, бу ерда қолишни истамайман». Дсро бу маслаҳатни лутфан қабул қилди ва Койга бундай жавоб берди: «Лесбослик дўстим, ватанимга эсон-омон қайтганимдан сўнг менинг ҳузуримга марҳамат қилгин, менга берган яхши, эзгу маслаҳатинг учун сени мукофотлай».

Скифларнинг қўшнилари — агафирслар, неврлар, ад-рофаглар, меланхленлар, таврлар ва бошқалар шундай жиддий, кескин вазиятда ҳужумни қайтариш учун кўчманчиларга ёрдам беришдан бош тортдилар. Скифлар Доронинг босқинчи қўшинларига қарши туришга кучлари етмаганлигидан мана бундай йўл тутдилар: улар чекина туриб, йўлдаги қишлоқларга ўт қўйдилар ва қудуқларни кўмиб ташладилар. Шу билан бирга, скифлар агафирслар, меланхленлар ва бошқа қўшниларини қандай қилиб бўлса ҳам урушга тортиш учун эрон қўшинларини уларнинг ерига алдаб киритдилар. Тунда кичик-кичик скиф отрядлари эронийларнинг олдинги қисмларига қўққисдан ҳужум қилиб, уларни қириб ташладилар. Бениҳоя кўп пистирмалар ҳам эронийларнинг тинкасини қуритди. Чўл ёнғинлари босқинчиларга талай ташвиш ва талафот етказди. Бир сўз билан айтганда, скифлар ҳақиқий партизан уруши олиб бордилар. Доро қўшинларининг сафи тез сийраклаша бошлади, шунга қарамай, улар скифларнинг изига тушишдан қайтмадилар.

Ниҳоят, Доронинг сабр-тоқати тугади, у скифларнинг шаҳоншоҳи Иданфирсга мактуб йўллади. Мактубда бундай дейилган эди: «Тентак! Икки йўлдан бирини танлаш учун сенга имкон туғдирилган, шунга қарамай қочиб юрганнинг юрган. Агар менга қарши туришга ўзининг қодир ҳисобласанг, дайдиб юришдан тўхта, мен билан жанг қил. Агар заифлигингни тан олсанг, қочиб овора бўлма, ундан кўра ер-сувингни ўз султонингга сийлов қилиб бергин-да, у билан келишув битими тузгин».

Иданфирс жавобни кечиктирмади: «Менинг аҳволим бундай, шоҳ! Мен авваллари ҳам бирор кимсадан қўр-

қиб қочмаганман, ҳозир ҳам сендан қўрққанымдан қочаётганим йўқ. Тинчлик вақтида қандай йўл тутган бўлсам, ҳозир ҳам шундай йўл тутяпман. Сен билан нега дарҳол жанг қила бошламаганимнинг сабаби бундай. Бизнинг шаҳарларимиз ҳам, экин экадиган ерларимиз ҳам йўқ, ахир. Биз уларнинг талон-тарож қилинишидан ва яксон бўлишидан қўрқмаймиз, шунинг учун ҳам сизлар билан дарҳол жанг бошламадик. Агар биз билан жанг қилишни жуда истаётган бўлсаларинг, у вақтда бизнинг оталаримизнинг қабрларини топиб, уларни бузиб оёқ ости қилишга уриниб кўринглар, шу қабрлар учун жанг қиламизми-йўқми, шунда биласизлар. Бироқ ўзимиз лозим топмагунимизча сизлар билан жанг қилмаймиз. Бу жанг ҳақида (айтганим). Мен ўз султоним, ҳукмдорим деб Зевс билан Гестияни, скифлар маликасини ҳисоблайман. Сенга эса сийлов қилиб, ер-сув ўрнига ўзингга лойиқ бошқа нарсаларни юбораман. Ўзингни менинг султоним, ҳокимим деб атаганинг учун ҳали адабингни ейсан!»

Иданфире мағрурона жавоб берди. Бироқ айтганлари қуруқ гап эмас эди.

Доро «скиф» даштларининг ичкарасига кириб бориб мушкул аҳволга тушиб қолгач, скифларнинг шоҳлари даҳшатли истилочига ғалати совға: қуш, сичқон, қурбақа ва бешта ўткир ўқ юбордилар. Эронийлар бундай совғанинг маъносини чопардан ҳар қанча сўраб-суриштирсалар ҳам, у бир хилдаги жавобни такрорлайверди: унга «совғани» топширишгина буюрилган, унинг маъносини тушуниш келгиндиларнинг ўзларига ҳавола қилинган.

Эронийлар бундай «совға»нинг маъносини тушунишга кўп уриниб кўрдилар. Доронинг ўзи муғомбирлик қилдими ё совғанинг маъносини ҳақиқатан ҳам шундай тушундими, ҳар ҳолда унинг маъносини ўз фойдасига, бир ёқлама «ўқиб тушунтирди». Сичқон ерда яшайди ва инсон сингари, ерда битадиган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади. Қурбақа сувда яшайди, бинобарин,—таъкидлади Доро,—скифлар ўзларини суви ва ери билан бирга Эрон шоҳи ихтиёрига топширадилар. Ўқлар эса скифларнинг эронликлар олдига қуроолларини ташлаганлигини билдиради.

Скифлар совғасини бундай шарҳлаш ҳеч кимда ишонч ҳосил қилмади, совғанинг маъносини ечишни Доронинг маслаҳатчиси Гобрий ўз зиммасига олди. У совғани жуда тўғри «шарҳлади». Бу скифларнинг ультиматуми бў-

либ чиқди: «Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ҳолда мапа шу ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз».

Гобрий ҳақ бўлиб чиқди. Эронийларнинг кучи камаевверди, кўп ўтмай Доро шармандаларча орқага чекинди, чунки шиддат билан ҳужум қилиб яна яшиндек аллақая-ёққадир бир пасда кўздан ғойиб бўлаётган скиф отлиқларининг дўлдек ўқ ёғдиришига у бардош беролмади.

Кутилмаган ҳодиса рўй берди. Жаҳонда энг йирик давлат ҳисобланган Доро I подшоҳлиги шармандаларча мағлубиятга учради. «Буюм» ультиматум ижодкорлари — скифлар ва уларнинг шоҳи Иданфирс ғалаба қозондилар.

Инкларда ёзув бўлганми?

1972 йили бутун жаҳонга ҳаяжонли янгилик тарқалди: инкларнинг, сирли тарихга эга бўлган халқнинг ёзуви топилган эмиш!

Инклар Тавантин-суйу («Тўрт мамлакат, вилоят») деб ном олган империя барпо этганлар; бу империянинг ўзига хос давлат тузумини шу кунгача яхши тушуниб бўлмаётир. Бу империя ҳозирги Перунинг территориясини ишғол қилган экан. Инкларнинг ғоят катта хазиналари ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган ва тилдан-тилга кўчиб юрган. Бу афсоналар XVI асрда мамлакатни босиб олган испан истилочиларининг ваҳшийлигини қўзғаган.

Инклар ўз хазиналарини очкўз истилочилардан қандай яширганликлари ҳақидаги ривоят тарихда сақлашиб қолган.

...Сангай — Эквадордаги отилиб-ёниб турган вулканлардан бири. Унинг чўққисидан паға-паға қора тугун шошилмай кўтарилади, бағридан вақт-вақти билан қизиган тошлар отилади. Тошлар пастга тушар экан, ўз орқасидан бошқа тош уюмларини эргаштириб тушади, йўлида учраган нарсаларни супуриб кетади.

Вулканга етиб бориш қийин. Унга бориладиган йўлда тўсиқлар жуда кўп: дастлаб ўтиб бўлмас ўрмонлар, кишини тортиб кетадиган ботқоқликлар, тез-тез тошиб турадиган тез оқар дарёлар ва ҳоказо. Ниҳоят, яна бир

тўсиқ — ўзига хос мудофаа полосаси — тош уюмлари. Бу ерда эҳтиётсизлик билан ташланган ҳар бир қадам тош кўчкисига сабаб бўлиши мумкин.

Қадимги инклар давлатида бир вақтлар Сангай олов худоси деб эълон қилинган. У бу халқнинг ишончли соқчиси, қўриқчиси бўлган. Инклар ўз қудратли давлатларининг бутун олтин запасини шу ерга яширганлар, деган тахмин бор. Сангай ҳақида сўз борганда ҳозир ҳам хазина овловчиларнинг кўзларига қон тўлади. Инклар ерига испан истилочилари бостириб келган, конкистадорлар ҳукм сурган даврда олов худоси инклардан юз ўгирган, уларни испан истилочилари бошлиғи Ф. Писарронинг соқолли одамлари қўлига қийноқ учун топширган. Қашшоқлашиб қолган идальголар бойиш учун ҳеч нарсадан тоймаганлар. Улар айёрлик ва маккорлик сиёсати олиб бориб, ака-ука Ата-вальпа билан Васкар ўртасидаги тахт учун курашдан усталик билан фойдаланганлар.

Ф. Писарро Ата-вальпани ўз лагерига алдаб олиб келиб зиндонга солган ва уни қутқармоқчи бўлганлардан унинг бадалига катта бойлик: Ата-вальпа қамаб қўйилган (ҳажми 70 куб. метр келадиган) хонани қимматбаҳо тошлар ва олтин билан тўлдиришни талаб қилган.

Инкларнинг чопарлари мамлакатнинг турли томони-га чопиб кетиб, олтинни билдирувчи сариқ тизимчалардан иборат кипу (мактуб) олиб келганлар. Тизимчаларда жуда кўп тугунчалар бўлган, улар қаерга, қачон, қанча олтин келтириш керак, деган маънони англатган.

Ушанда Ф. Писарро жуда кўп қимматбаҳо, нодир металл олган. Бироқ у бунга ҳам қаноат қилмаган ва янги жиноят ўйлаб чиқарган. Ака-ука рақиблар олтин йўлидаги тўсиқ бўлиб ҳисобланган. Бунинг устига, инкларда олтин кўплигига испаннинг ишончи комил эди. Ата-вальпанинг кўнглини топиш учун у Васкарни ўлдирган, сўнгра Ата-вальпани қотилликда айблаган. Испанлар инкларнинг сўнги ҳокимини испан қонун-қоидаларига мувофиқ суд қилганлар. Қисқа ва шафтқатсиз ҳукм чиқарилган: Ата-вальпа ўлим жазосига маҳкум этилган.

Бироқ инк яшашни истар, шу туфайли ҳамма нарсага рози эди: у ўз дини, урф-одати ва анъаналарини солади, хонлик қилади, таҳқирумоз маросимдан ўтади: қонхўр, очкўз, инклар бошига бало ёғдирган Ф. Писарро чўқинтириш маросимида Ата-вальпанинг тутинган отаси бўлади. Лекин Франсиско де Ата-вальпа чўқинга-



нидан кейин ҳам ўлимдан қочиб қутулолмайди: гулханда куйдирилиш ўрнига темир бўйинбоғ—гаррот билан бўғиб ўлдирилади.

Бироқ нақ ўлим олдидан золимларга бўлган нафрат, ўз халқининг тақдири учун хавотирланиш майда ҳиссиётлардан устунлик қилади ва Ата-вальпа инкларга ўзининг сўнгги видолашув мактуби — кипуни, ўзининг вассиятини юборишга улгуради. Бу кипу одатдагидан бошқача эди. Тизимчалар олтин ёмбига боғланган бўлиб, ўн учта тугуни бор эди.

Инклар буйруқни ўша кунидек бажо келтирдилар. Ибодатхоналардан ҳамма олтин ва жавоҳирлар, қимматбаҳо нарсалар олиб кетилди. Ўн минг инк хазинани ўз худолари паноҳидаги, фақат ўзларигина биладиган хилватгоҳга яширдилар. Улар узоқ вақт — кундузи ва кечаси йўл юрдилар. Чарчаб мадори қуриган, очикқан инклар соқолли қотилларни ўз ерларидан ҳайдаб юборишларига ва бебаҳо тилла идишлар, нафис нақшлар, қимматбаҳо ташлар билан безатилган лаганлар, қадаҳлар, худоларнинг ҳайкалчалари яна ибодатхоналардан жой олишига қаттиқ ишонган ҳолда йўлни давом эттирдилар.

Афсуски, уларнинг орзулари рўёбга чиқмади. Инклар давлати қайта тикланмади. Катта хазина, беҳисоб бойлик изсиз йўқолди.

Инклар олтинларини қаерга яширганлар? Кипудаги ўн учта тугун нимани англатган? Бу жумбоқ шу кунгача ечилган эмас. Эҳтимолбу тугунлар бойликнинг қаерга олиб борилиши кераклигини кўрсатгандир. Инкларнинг олтинлари ҳақиқатан ҳам бўлганлиги тўғрисидаги ривоят афсонага ўхшамайди, унинг тўғрисидаги жуда кўп ишончли маълумотлар авлоддан авлодга ўтиб келган.

Бойлик Сангай тоғига яшириб қўйилган бўлиши мумкин, чунки бу ердан баъзи бир тилла буюмлар: Яратувчи маъбуданинг ҳайкалчаси, бош суягини пармалаб очиш учун керак бўладиган олтин пластинка топилган эди. Сўқмоқ йўллардан бири қор қоплаган ўн иккита чўққини четлаб, шимолга қараб кетган. Сангай эса ўн учинчи тоғ чўққиси. Ата-вальпа ўн учта тугунни тугаётганида шуни кўзда тутмаганмикин?

Умуман, инклар тарихида ва анъаналарида ғалатликлар кўп. Одамни жуда таажжублантирадиган ва қизиқтирадиган нарса — уларда ёзувнинг анча такомиллашган формаси йўқлигидир.

Ривоят қилинишича, бир вақтлар инкларнинг анча ривожланган ёзуви бўлган ва «килка» деб аталган. Кунлардан бир куни мамлакатда бирданига даҳшатли эпидемия бошланиб, кўп одамларнинг ёстиғи қуриган. Ана шунда инклар бош қоҳини худоларни қаҳридан тушириш ва одамларни ўлим балосидан халос қилиш учун олий худо Вира-кочи номидан иш тутувчи кароматли қоҳиннинг маслаҳатига кўра барча ёзма ёдгорликларни йўқотиши буюрган ва ёзувни қўлланишни тақиқлаган.

Лимадаги Сан-Маркос археология ва этнография университети музейининг ходими В. де ла Хара инкларнинг ажойиб ёзуви топилганлиги ва унинг қисман ўқилганлигини айтди.

В. де ла Хара студентлик йилларидаёқ ёзув тарихи билан шуғулланган, инклар ёзуви тўғрисидаги масала билан қизиққан. У ўрта аср солномалари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб, Тинч океан соҳиллари бўйлаб 4800 километрга чўзилиб кетган инклар давлати территориясида ягона ва бир хил қонунлар амал қилганлигини билиб олган. Гарчи испан конкистадорлари даврига мансуб солномаларда инкларнинг ёзуви бўлмаган деб таъкидланган бўлса-да, В. де ла Хара, ёзув бўлмаса, шу қадар катта давлат қисмларининг ўзаро мослашиб жуда батартиб иш олиб боришига ва идора қилинишига эришиб бўлармиди, деган хулосага келди. Қадимги шу солномаларнинг ўзида инкларнинг катта рангли лавҳалари бўлганлиги, улар махсус ибодатхоналарда сақланганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Лавҳаларда инкларнинг бутун тарихи ўз ифодасини топган. Инкларнинг ёзуви бўлган! Муваффақият қозонишига ишонган В. де ла Хара кўп йиллик изланишларни бошлаб юборади.

Тадқиқотчи инклар давридан қолган жамики нарсани ўрганади. У солнома, йилномалардаги маълумотларни бир-бирига таққослаб бундай хулосага келади: инкларнинг ёзуви испанлар кўз ўнгида бўлган бўлиши мумкин, лекин испанлар унинг ёзув эканлигини билмаганлар, уни, масалан, нақш-безак деб ўйлаганлар.

В. де ла Хара инкларнинг ибодатхоналари геометрик шакллар солинган гулдор матолар билан безатилганлигини ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг сўзларига жуда эътибор беради ва ўрта аср матоларини, бошқа буюмларини излашга, ўрганишга киришади. У геометрик расмлар солинган жуда кўп буюмларни кўздан кечиради. Бу буюмлар орасида ёғоч идиш «коро» (рангба-ранг рав-

шан нақшлар солинган идиш)лар кўпроқ учрайди. Тадқиқотчи 16 та белгини (бу сон инкларда муқаддас саналган) ажратиб олади.

В. де ла Хара қадимги испан қўлёмаларини синчиклаб кўздан кечириб, бирма-бир варақлаб кўриб, мазкур белгиларнинг изоҳини излайди. У зўр бериб меҳнат қилади, ўн йил давомида на кундузи ва на кечаси дам олади. Уйи денгизга яқин бўлишига қарамай, у шу ўн йил давомида бир марта ҳам денгизда чўмилиб дам олмайди, бир марта ҳам кинога бормайди.

Ниҳоят, конгрессда «коро» идишларидаги ёзувларни ўқиш (дешифровка қилиш) натижалари ҳақида ахборот берилади. В. де ла Хара жуда қизиқ бир қонуниятни очишга муваффақ бўлади — инклар ёзувида ранглар грамматик ва маънавий тафовутлар учун, жумладан феълнинг вақтли формасини ифодалаш учун қўлланилган. Масалан, *идти* (бормоқ) феълнинг белгиси яшил бўёқ билан чизилганда *шёл* (юриб боради) деган маънони, қизил бўёқ билан чизилганда — *иду* (кетяпман), кўк бўёқда эса *пойду* (бораман) маъносини англатар экан.

В. де ла Хара ҳали зафар йўлида. Унинг олдида улкан ишлар турибди. Бироқ ёш тадқиқотчининг мақсад сари интилишига, истездодига, ишга иштиёқи зўрлигига қараб, уни янги кашфиётлар кутмоқда деб ишонч билан айта оламиз.

В. де ла Харанинг инклар-ёзувида белгиларнинг ранги муайян маънога эга эканлиги ҳақидаги хулосаси тўғрилигини совет олими, Ю. Кнорозов тасдиқламоқда. У, тадқиқотчининг топган ва изоҳлаган белгилари содда ёзувлар бўлмай, юксак даражада ривожланган символикадир, деган фикрда турибди.

Белгилар ва символлар

Символлар билан тасвирлаш инклардагина бўлган эмас. Уларни жаҳоннинг бошқа халқлари ҳам қўлланган. Тадқиқотчилар символик тасвирларни туморларда, безакларда, манший турмуш буюмларида топмоқдалар.

Австралияда истиқомат қилувчи аборигенларда пуч кунларда ҳам белги-символлар туширилган муқаддас тахтача (ёғоч парчаси) ёки узунчоқ силлиқ қайроқ тошлар амалда. Улардаги ҳар бир белги маълум маънони

англатади: муқаддас ҳайвонни, қабилалар, зафар ва муваффақиятлар ҳомийсини ифодалайди.

Тахтачаларда барча муҳим воқеалар акс этирилган. Эътиқодларга кўра, қабиланинг бутун ҳаёти, кучи, жасорати, донолиги муъжизавий ёдгорликларда мужассамланган.

Шундай бир одат бўлган. Ҳар бир ўспирин маълум ёшга тўлгандан кейин унинг вояга етганлик маросими ўтказилган. Бу тантанали маросим вақтида ўспиринга муқаддас тахтача берилган, у бутун баданини шу тахтача билан силаб чиққан, шу билан гўё авлодларининг сеҳрли кучини эъзига сингдириб олган, гўё уларнинг буюк фаолиятларига қўшилиб кетгандек бўлган.

Ҳиндларнинг тери остига ранг ўтказиб нақш солиши, яъни татуировка қилиши ҳам сирли мазмун касб этган. Инсоннинг бутун ҳаёти — балоғатга етиши, никоҳланиши, ҳарбий жасоратлари, ижтимоий мавқеи—унинг терисида шартли белгилар билан ифодаланган.

Шу билан бирга, нақшнинг ранги алоҳида маъно аниқлатган. Шунингдек, рангли безакларнинг турлича уйғунлашуви ҳам маълум мазмунга эга бўлган.

Қримнинг қадимий аҳолиси ва уларнинг қўшнилари даҳмаларининг ич томонига кўпинча қизил, қора ва оқ бўёқлар билан геометрик шакллар солинган. Нақшлар асосан навбатма-навбат тушган қора ва қизил йўллардан иборат бўлиб, тоштахтанинг четларидан бошланиб ўртасига қараб йўналган. Булардан ташқари, баъзи бир тошбутларда қизил доғларни, ромбларни, учбурчакларни, доирачаларни, эгри-бугри чизиқларни, қора ранг устига қизил ва оқ йўллар билан чизилган катакларни, қизил ва қора бўёқлар билан чизилган арчаларни кўриш мумкин.

Боқчасарой атрофларидан топилган тошбутнинг бир деворига қора ранг устидан оқ йўллар шундай ўтказилганки, бири бирининг ичига жойлашган квадратлар ҳосил бўлган. Йўллар қисқа чизиқлар билан туташтирилиб, улар орасига зарғалдоқ ранг-қизил доғлар туширилган. Квадратлар орасидаги бўшлиқ оқ ва қизил нуқталар билан тўлдирилган.

Шундай даҳмалар ҳам учрайдики, уларнинг деворлари икки ва уч чизиқ билан безатилиб, чизиқлар марказда бир-бири билан кесишади. Баъзи бир тошбутлардаги геометрик шакллар қора ранг устига оқ ва қизил бўёқлар билан туширилган. Уларнинг ранги шу қа-

дар равшанки, бу ромблар, уч бурчаклар, ўзаро кесилган йўллар, эгри-бугри чизиқлар, нуқталарни рассом кўп асрлар муқаддам эмас, гўё топилишидан бир неча кун илгаригина чизгандек кўринади.

Геометрик шакллар қандайдир маълум схемада ишланган бўлсада, лекин уларнинг бирон-бир намунаси бошқасининг тўла нусхаси эмас. Нақшларнинг ижодкорлари бор-йўғи учта (қора, қизил ва оқ) рангдан фойдаланиб, ўз учбурчаклари, квадратлари, ромбларини ҳар гал мутлаҳо янгича уйғунлаштириб чизганлар.

Хўш, даҳма, мақбараларни шундай безашнинг, тағин сиртидан эмас, балки ичидан безашнинг нима кераги бор экан? Одамлар нега мрамор тахталарни не-не азоб билан бир-бирига жипслаб ёки кертиб, тешиб улаб, оғирлиги икки тоннача келадиган тоштобутлар яшашган экан?

Тоштобутларнинг безатилиши, афтидан, ўлгандан кейин ҳам унинг жони яшайди, унга ҳаётлигида яшаган шароитини яратиб бериш керак, деган тасаввур билан боғлиқ бўлса керак.

Тош даҳмалар ўзига хос уйнинг модели бўлган бўлса ажаб эмас. Бу хилдаги тош даҳмалар эрамиздан олдинги учинчи минг йиллик бошидан Европа, Осиё ва Африканинг катта территориясида кенг тарқалган. Кейин, қадимги цивилизация ривожлана бошлагач, одамлар «ўликлар қасри» қура бошлаган. Қаср кўп хоналардан иборат бўлган, бу хоналарга озик-овқат захираси, турли туман анжомлар ва бошқа нарсалар тўлдирилган. Суринда, Урта денгиз соҳилида эрамиздан олдинги иккинчи минг йиллик ўрталарига мансуб «ўликлар шаҳри» топилган. Бу «шаҳар»да ҳатто водопровод ҳам бўлган.

Шимолӣ Қора денгиз бўйида яшаган қадимги халқларнинг тоштобутларидаги нақшларга қайтайлик. Бу нақшлар ҳақиқий уйнинг деворига осиб қўйиладиган гиламга ўхшатиб солинган, яъни гилам ўрнини босган ва уларга ҳеч қандай махсус маъно берилмаган, деган фикр ҳам бор.

Бу тахминнинг биринчи қисми ҳеч қандай эътироз туғдирмайди, аммо иккинчи қисми ҳали исботланмаган. Этнографлар берган маълумотларга қараганда, баъзи қабилалар нисбатан яқин даврларда ҳам ўз даҳмаларига оҳра, қурум ва оҳак билан турли нақшлар солишган, лекин у ёки бу нақш марҳумнинг қайси уруғ-аймоққа мансублигини ва ўз уруғида қандай мавқени эгаллаганлигини аңлатган.

Баъзи халқларда қадим замонлардан то яқин даврларгача қора, қизил ва оқ ранглари рамзли тасвирлар учун ишлатиш одат бўлган. Эрамиздан олдинги учинчи минг йиллик бошларидаёқ бундай тасвирлар икки дарё — Дажла ва Фрот дарёлари — оралиғида ҳамда қадимги шумерлар маъбудаси, она-маъбуда ҳақидаги ёзма манбалардан бизга маълум бўлган энг қадимий маъбудалар Инанна ибодатхонасида учратилган. Ибодатхона деворлари қора, қизил ва оқ йўллардан иборат нақш билан безатилган.

Яна бир мисол. Дажла дарёсининг юқори қисмидаги археологик қазишмалар вақтида қасрнинг деворлари очилди; қаср деворларига қизил бўёқ билан маҳаллий худоларнинг сурати туширилган ва навбатлашиб келган қора ҳамда оқ йўллардан иборат нақшлар солинган.

Бу мунозаранинг қандай ҳал қилинишидан қатъи назар, биз учун муҳими шуки, қадимги халқлар ўз ҳаётларидаги турли воқеаларни баъзан тошларда бўёқ ёрдамида жуда моҳирона тасвирлаганлар.

1935 йилда Қримда археологлар Кача дарёси яқинидаги Тошоир қоясидан қояга битилган тасвирларни топдилар. Қояга чизилган йўлнинг бўйи ўн метр, эни бир ярим метр келади.

Қадимий тош панно...

Панно анча емирилган бўлса-да, уч группа тасвир — ўттиз бешта шакл сақланиб қолган. Бу қадимий қабилалар ҳаёти тўғрисидаги энг қимматли солномадир.

...Қуролли ва қуролсиз одамлар тасвири. Дарахтга боғлаб қўйилган ҳуркиган от, ғажиб ташлашга тайёр турган ит. Илон (эҳтимол, тотем, қабилаларнинг рамзидир)...

Мавзу жўшқин. Воқеа ҳаяжонли. Гўё қий-чув, нидо, нола эшитилаётгандек... Балки бу икки ибтидоий қабиланинг тўқнашуви, қадим замонлардаги қонли фожиа тўғрисидаги ҳикоядир.

Тадқиқотчиларнинг тасдиқлашига қараганда, илк темир даврида эрамиздан олдинги учинчи минг йиллик — иккинчи минг йиллик бошида қадимий Таврия территориясида маҳаллий халқлар билан шимолий даштлардан бостириб келган қабилалар ўртасида тўқнашувлар бўлган.

Келгинди қабилалар туб жой халқларига нима мақсадда ҳужум қилганлар? Бу саволга тўла ишонч билан жавоб бериш қийин. Бунда дастлаб босқинчилик йўли

билан бойлик орттириш ва йилқилар ёйиладиган ўтлоқларни қўлга киритиш мақсад қилиб қўйилган бўлиши мумкин.

Лукиан Самосатский бундай босқинчиликлар анча кейинроқ, эрамизнинг II асрида ҳам бўлганлиги ҳақида маълумот бериб, Токсарис исмли скифнинг ҳикоясини келтиради: «Бизда узлуксиз равишда урушлар бўлиб туради: ё ўзларимиз бошқаларга ҳужум қиламиз, ё худ ўзгаларнинг тажовузига йўлиқамиз, ё бўлмаса ўтлоқлар ва ўлжалар талашамиз».

Шунингдек, шимолдан бостириб келган қабилалар Қримнинг тоғли ва тоғ олди районларини эгаллашни пият қилган бўлишлари ҳам мумкин. Қадимги рассом ўша даврдаги ўз қабиладошларининг ватан учун, отабоболари, авлод-аждодлари яшаган жойда яшаш ҳуқуқи учун олиб борган қонли курашларидан бирини тасвирлаган...

Ҳиндларнинг талабномаси

Вашингтонлик амалдорларнинг боши қотиб қолди: конгрессга бир неча ҳинд қабиласидан ғайритабиий илтимоснома келиб тушди. Унинг маъносини ҳеч ким тушуна олмади. Илтимоснома мураккаб ва жумбоқ тасвирлардан, чунончи: қуш, қандайдир ҳайвонлар, катта балиқ, одам шаклидан иборат бўлиб, бу мавжудотлар кўзлари ва юракларидан тортилган чизиқлар билан ўзаро боғланган. Улардан пастроқда йўлга ҳам, дарёга ҳам ўхшайдиган сербар чизиқ, унинг тагида эса тўртта қийшиқ доирача тасвирланган, доирачалар ингичка чизиқ билан қушга уланган.

Конгрессменлар қанча бош қотирмасинлар, ҳеч нарса тушуна олмадилар, ахири ҳиндларнинг тарихи ва маданиятини яхши биладиган мутахассисларга мурожаат қилдилар. Мутахассислар тасвирни тезда шарҳлаб бердилар.

Бу етти шакл Шимолий Америка ҳиндларининг етти та қабиласига тегишли белгилар экан. Катта қуш—турна (унга барча шакллардан чизиқ тортилган) етакчи қабиланинг тотемидир. Шаклларнинг юраклари ва кўзларини туташтирувчи чизиқлар қабилаларнинг якдиллиги ва аҳиллигини англатади. Қабилаларнинг асосий талаби: Шимолий Америкадаги тўртта кўлдан балиқ овлаш-

га рухсат берилишини сўраб қилган илтимоси эса турнанинг кўзидан тўрт доирачага тортилган чизиқ билан ифодаланган. Турнанинг иккинчи кўзидан олдинга тортилган қисқа чизиқ ҳиндларнинг ўз ерларига бўлган ҳуқуқларини тиклашни талаб қилиб ҳукуматга мурожаат этаётганлигини билдиради. Ҳиндларнинг бу номаси пиктографик мактубнинг ажойиб намунаси ҳисобланади.



Еш В. Ульяновнинг мактабдош ўртоғи Б. Фармаковскийга ёзган мактуби ҳам пиктографик хатнинг намунаси бўла олади. Ҳиндларга тақлидан бу мактуб бир парча қайини пўстлогига битилган. Ҳозирда бу мактуб КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг Марказий партия архивида сақланмоқда.

Мактубнинг марказида турли ҳайвон ва буюмларнинг олтига шакли: самовар, қисқичбақа, лайлак, нағал, қурбақа ва чўчқа. Ҳиндлар ўз қабилаларининг тотемларини шу йўсинда тасвирлаганлар: қабилалар шуларнинг номи билан аталган. Эҳтимол, В. Ульяновнинг мактубида ҳам бу расмлар олти боланинг ҳиндча номини англатгандир. Уларнинг ҳаммаси маслакдош бўлган, тасвирларнинг бошидан ва юрагидан чиқиб ўзаро бирлаштирилган иплар шунга англатиб турибди. Бу ипларнинг учи ҳовузда чўмилётган қора соқолли кишига туташтирилган: бу бирон илтимос бўлса керак. Болалар бу кишидан нимани илтимос қилишган экан?


Расмнинг чап томонида — қуролланган олтига кишининг шакли, айиқ ва сгулик овқатлар. «Айиқ ови» ўйинидан кейин қорни очган болалар қора соқолли кишидан ҳовуз бўйидаги уйга қайтиб уларни тўйдиришини илтимос

қилмоқдалар. Акс ҳолда улар ўлиб қолиши мумкин, расмнинг чап томондаги юқориги бурчагида ётган шакл шуни англатиб турибди.

Бир вақтлар Марказий Америкада ҳукм сурган қудратли давлат халқи, ацтекларнинг қўлёмаларидаги ажойиб пиктограммалар бизгача сақланиб қолган. Испан истилочилари ацтеклар давлатини емириб ташлаганларидан кейин унинг маданиятини ҳам йўқотишга зўр бердилар, саройларни харобага айлантирдилар, нодир қўлёмаларни куйдириб юбордилар.

Жуда озгина қўлёмалар бизгача етиб келди, улар асосан пиктографик характердадир, мазмуни жиҳатдан қиссага ўхшайди, расмлари эса ранг-барангдир. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий ва хўжалик масалаларига доир ахборот, урф-одат ва маросимлар ҳақидаги ёзувлардан иборат. Пиктографик расмлар билан бир қаторда, сопларни, ҳафтанинг кунларини, отоқли отларни англатиш учун идеография элементларидан ҳам фойдаланилган.

Идеограммалар пиктографик қиссага узвий боғланиб кетган. Ацтекларнинг болалар тарбиясига доир бир ҳикояси бизгача етиб келган. Ацтекларнинг ўз педагогика системаси бўлган бу системага кўра болаларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қатъий чекланган. Расмнинг юқори қисмини мана бундай ўқиш мумкин: ота-она болаларини ўн бир ёшгача (ўн бир доира) боқиши шарт (икки доира—ноннинг рамзи). Ҳар бир ножўя иш учун ота-она фарзандини ўчоқ тутуни ва олови билан жазола-



● В.Ульяновнинг ўртоғига юборган пиктографик мактуби

Ацтеклар кўлёмасидан парча



ши мумкин, бунда унга қилган гуноҳини эслатиши лозим (ота-онанинг оғзидан чиққан нутқ белгиси).

Бола ўн беш ёшигача (ўн беш доирача) ота-онанинг ана шундай қаттиқ назорати остида бўлган. Кейин уни таълим олиш учун коҳин ҳузурига (коҳиннинг оғзидан чиқаётган нутқ белгиси) юборишган (оёқ излари).



Пасьега ғоридаги тасвирлар

Расмлардан иборат мактублардан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Асримиз бошида Испаниядаги Пасьега ғори деворида ажойиб тасвир топилди. Олимлар бу тасвирни мана бундай талқин қилмоқдалар: расм-

нинг чап томондаги бурчагида ғорнинг ички кўриниши тасвирланган бўлса керак, унинг ўнг томонидаги икки-та оёқ изи, эҳтимол, «ғорга кириш» деган тушунчани билдираётгандир. Юқориги ўнг бурчакдаги белги ноаниқ. У балки ғорга кириш тақиқланганлигини ёки, аксинча, ғорга кириш таклиф этилганлигини билдирса керак.

Бундай ёзувлар ҳозир ҳам бор. Бу ёзувлардан тош даврида яшаган одамларнинг ҳаёт тарзини, урф-одатларини, диний эътиқодларини сақлаб қолган қабилалар, чунончи: австралияликлар ва африкаликларнинг, Америка ҳиндларининг баъзи бир қабилалари ва бошқалар фойдаланадилар.

„Сен рус қизини севасан..“


Сибирь халқларининг ўзига хос хати бўлган. Оғир иқлимий шароитлар, юзлаб километр йўл юрилганда ҳам бирон бир инсон учрамайдиган чексиз шимолий кенликлар бу ердаги халқларни хабар беришнинг турли белгилари ва турли йўлларида фойдаланишга мажбур этган.

Одамлар манзилларини тарк этганларида дарахт танасини кертиб, шу кертikka баргларини юқори қаратиб новда тиқиб қўйганлар. Бу билан улар ўзларининг шу ердан кўчганликларини билдирганлар. Қелган одам уларнинг қанчалик узоққа кетганликларини билиши учун эса бир кунлик кўчиш неча марта такрорланадиган бўлса новдага шунча марта кертиб белги қўйганлар.

Шимол халқлари одамнинг ёши ва қаҳат сингаринг содда тушунчаларни ҳам махсус белгилар билан ифодалашган (масалан, қабрлар устидаги шартли белгиларга қараб бу ерга кекса ёки гўдак дафн этилганлигини билиш мумкин бўлган), дами юқорига қаратилган пичоқ — очарчиликни, дами пастга қаратилган пичоқ эса тўқчиликни билдирган). Улар рақамлар учун ҳам махсус белгилар ўйлаб топишган; масалан: кичик хоч—ўнни, узунчоқ доира ичидаги хоч—беш юзни, доирача ичидаги хоч мингни англатган (Обь дарёсининг қуйи оқимида яшовчи ханти ва манси халқларида шундай).

Олимлар Колима районида яшайдиган майда миллат—юқагирларда революциядан олдин бўлган ғалати идеографик ёзув ситемасини кашф қилдилар.

...Кўп йиллар муқаддам қўйкўз, узун қора сочли ёшгина бир юкагир қизи маҳбубасига мактуб ёзади. У шошилмай ва диққат билан чизик кетидан чизик чизар экан, гоҳ чуқур оҳ тортади, гоҳ ўз ишидан беихтиёр завқланади. Ўз мактуби бир қанча вақтлардан кейин олимлар қўлига тушиб жуда нодир ёдгорлик ёзувларнинг энг қимматлисига айланишини у ўша вақтда хаёлига ҳам келтирмаган, албатта.



Пичоқ билан ўйиб, аллақандай тушуниб бўлмайдиган ўқлар, чизиклар, квадратлар тасвирланган, анча яхши сақланган тери парчаси. Унга юзаки қараганлар бу тасвирларни бекорчиликдан солинган мавҳум нақшлар-

га ўхшатиши мумкин. Лекин бунинг ўзига хос ва нисбатан яқинда битилган таъсирчан мактуб эканлиги айрим кишиларнинггина фикрига келади.

Сибирдаги юкагирлар орасида асосан қизлар шундай мактуб ёзишни билишган. Халқ таомилига кўра, қизларнинг муҳаббат изҳор қилиши тақиқланган бўлиб, бу имтиёздан фақат йигитлар фойдаланган. Шунинг учун юкагир қизлари ўз ҳис-туйғусини билдириш йўлини излашга мажбур бўлганлар. Қизлар тери парчаларига турли тасвирлар ёрдамида мактуб ёзиб, аҳён-аҳёнда ўтказиладиган рақс байрамларини орзиқиб кутганлар ва байрам вақтида шу мактубни ўз маҳбубига топширганлар.

Юкагир қизларининг мактублари анча мураккаб бўлган; воқиф бўлмаган киши уни мутлақо тушуна олмайди. Уларнинг «лугатлари» фақат аниқ буюмлар (кийик, дарраҳт, уй)ни ифодаловчи белгиларнигина эмас, балки мавҳум тушунчаларни: қайғу, севги, жудолик ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олган тўлиқ жумлалар тузишга имкон берган.

Мана олдимизда шундай мактубнинг намунаси турибди. Мактубни олган йигит ҳам юкагир қизини севган ва ҳурмат қилган бўлса керакки, уни сақлаб қўйган. Мактуб тарихчи-этнографнинг қўлига тушгунга қадар болалар ва невара-чеваралар яшаган уйда узоқ вақт сақланиб ётган. Ундаги жумбоқ расмларнинг маъносини очиб бериш учун юкагирларнинг урф-одатларини, белгиларини яхши билиш, тасвирлардан иборат хатни тўла тушуна билиш керак эди.

«Сен мени ташлаб кетяпсан. Сен орамизда тўсиқ бўлиб турган рус қизини севасан. Кетма-кет фарзанд кўрасизлар, сен уларга қараб қувонасан. Мен эса қайғу-ҳасратда қоламан: мени севадиган йигит бўлса ҳам, сени доимо ўйлайверамаман...»

Олим бу мактубнинг маъносини қандай тушуна олган экан, ундаги ҳар бир белги, ҳар бир чизиқ нимани англатаётган экан?

Мактубнинг юқори қисмидаги поғонасимон икки йўл уйнинг белгисидир. Мактуб муаллифининг уйи бошқа уйдан чизиларнинг анча мураккаблиги, чалкашиб кетганлиги билан, ўзига хос нақшлари билан фарқ қилади. Бошқа уйнинг томонлари қисмангина чизилган. Уй ичидан тасвири берилган кишининг бу уйдан кетиб қолганлиги шу билан ифодаланган. Эркак ўқейнинг пойнагига

ўхшайдиган белги билан ифодаланган. Аёл киши ҳам худди шундай белги билан тасвирланган-у, бироқ бирмунча энлироқ қилинган, чунки аёллар гавдасининг белдан пастроғи йўғонроқ бўлади. Рус қизи «юбка» да тасвирланган (шу белгининг ўзи, лекин четларида кенг ҳошияси бор). Рус қизининг чап томонидаги иккита кичкина «найза» болалар тасвиридир.

Юкагир қизи ғамга ботган. Шартли белгининг юқориги қисмидаги бир-бирини кесиб ўтган (хочсимон) йўллар шуни билдириб турибди. Қизнинг шакли билан йигитнинг шаклини туташтирувчи параллель чизиқлар қиз кимнинг ишқ ўтида куюётганлигини кўрсатади. «Рус қизи»нинг тепасидан чиқиб ичида иккита диагонали (бир-бирини севиш белгиси) бўлган тўғри бурчакни кесиб ўтган чизиқ йигит билан қиз ўртасидаги тўсиқни билдиради. Юкагир қизини тасвиловчи шаклнинг учидан чиққан тўлқинсимон чизиқ қизнинг фикри-зикри севгилисида эканлигидан далолат бермоқда. Расмнинг ўнг томонида яна бир эркак шакли танҳо турибди, бу шаклнинг учидан юкагир қизига қараб худди шундай тўлқинсимон чизиқ тортилган-у, бироқ қизнинг унга кўнгли йўқ.

„Гапирадиган дарахт“ сукутга ботган...

Тинч океаннинг бепоён кенгликларида қуруқликнинг кичкина бир бўлаги — Пасхи ороли аранг кўзга ташланади. Ороликлар ўз ватанини бир вақтлар «Ернинг маркази» деб билганлар, бугунги авлод уни «Рапануи», «Катта орол» деб атайди. Бу сролни Чилининг энг яқин порти Вальпараисодан 2 минг километр, Австралиядан 10 минг километр, қўшни ороллардан эса бир неча юз километр масофа ажратиб туради. Ҳақиқатан ҳам оролда турганингда ўзингни Ернинг маркази деб тасаввур қиласан, киши.

Орол ялангликдан иборат бўлиб, ўсимлик дунёси жуда камбағал, майдони атиги 165 квадрат километр келади. Баъзи бир сирли вазиятлар бўлмаганда бу орол ўзининг кичиклиги ва чеккадалиги сабабли балки географларга ва денгиз сайёҳларига маълумлигича қолаверарди.

Оролда олти юзга яқин улкан ҳайкал топилди, ҳар бир ҳайкалнинг оғирлиги эллик тонна, баландлиги эса

кўп қаватли биноча келади. Баҳайбат ҳайкаллар бирига жуда пухта мосланган блоклардан ташкил этилган майдончага ўрнатилган. Улар оролнинг ўзидан олинган қизғиш-жигарранг тош—трахеитдан ишланган.

Олимларни яна бир ажойиб топилма ҳаяжонга солди — оролда ёдгорлик ёзувлар, ҳар хил белгилар ғуж-ғуж чизилган кичкина тахтачалар топилди. Шу пайтгача Полинезиянинг бирон бир оролида шундай тахтачалар топилган эмас.


Бу ҳайкалларни ким ва қачон бунёд этган? Уларни ҳозирги оролликларнинг авлодлари ўрнатганми ёки уларнинг ўтмишдошларими? Бу ҳайкаллар нима мақсадда ўрнатилган? Ёзув қаердан пайдо бўлган? Оролга илк бор кимлар келиб жойлашган: Жанубий Америкаликларми ёки Полинезия оролларидаги халқларми?

...1722 йилнинг апрель ойида пасха байрам қилинаётган якшанба куни Голландия флотининг бешга кемаси номаълум оролга лангар ташлайди. Булар оролга биринчи бўлиб қадам қўйган европаликлар эди. Янги очилган бу ер Пасхи ороли деб аталади ва харитага туширилади.

Экспедиция ҳисоботида бунинг гуллаб-яшнаётган ва аҳолиси зич жойлашган орол эканлиги, халқининг меҳмондўстлиги ва хушмуомалалиги ёзилган. Тош ҳайкаллар борлиги эслатиб ўтилган, аммо ёзувлар тўғрисида лом-мим дейилмаган.

Қарийб ярим асрдан кейин, 1770 йилда орол иккинчи марта, бу гал испан капитани Ф. Гонсалес томонидан кашф қилинди. Испанлар ачинарли манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Оролдаги баҳайбат, вазмин ҳайкалларнинг аксарияти қулаган, далалар вайрон қилинган, қаровсиз қолдирилган, аҳоли жуда камайиб кетган. Бу — қабила-лар ўртасидаги қонли урушлар оқибатидир.

Испанлар ана шу бир парча ерни ҳам эгаллаб олдилар. Ф. Гонсалес маҳаллий халққа эндиликда улар испан қиролининг фуқароси эканликларини айтиб, оролнинг испания тасарруфига ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекишни талаб қилди. Ҳужжатга экспедициянинг барча аъзолари имзо чеккандан кейин қабила бошлиқларига ҳам имзо чекиш таклиф этилди. Ун уч нафар кацик—қабила бошлиғи—ҳужжатга имзо чекди—бели чиздилар; шу кунгача европаликларга маълум бўлмаган бу белгиларни кўриб испанлар ҳайрон бўлдилар. Бепоен океандаги, маданий ҳаётдан жуда узоқдаги шу бир пар-



ча ерда ҳам ёзув бор эканми? Ақл бовар қилмайдиган воқеа.

Оролда ҳокимиятнинг испанлар қўлига ўтиши тўғрисидаги акт Пасхи ороли аҳолисининг сирли ёзуви қайд этилган энг биринчи ҳужжат эди.

Кейинчалик қабила бошлиқларининг имзоларини тахтачалардаги белгиларга таққослаб кўрганда уларнинг бир-биридан фарқ қилиши маълум бўлди. Фақат қушни эслатадиган битта ўхшаш белги топилди. Белгиларнинг бир-бирига ўхшамаслик сабаби балки қуйидагичадир: эҳтимол, қабила бошлиқлари ўзларини ёза биладиган қилиб кўрсатмоқчи бўлгандир ёки шу вақтга келиб кохау ронго-ронгодан фарқ қиладиган ёзув ишлаб чиқилгандир.

Европали денгиз сайёҳлари шундан кейин оролга бир неча бор келишди. Бироқ маҳаллий маданиятни ўрганиш экипаж аъзоларининг хаёлига ҳам келмаган.

1862 йилда оролга қулфурушларнинг ёвуз қадамлари ҳам етиб келди. Перуликлар оролнинг забардаст ва соғлом фуқаросини Жанубий Америка соҳиллари яқинидаги оролларга олиб кетиб, энг оғир ишларга қўйдилар. Шулардан тирик қолган юзга яқин кишигина ватанларига қайтишга муваффақ бўлдилар. Бироқ улар ўзлари билан қора чечак касаллигини олиб келдилар. Оролда эпидемия бошланди. Минглаб кишилар ҳалок бўлди. Европаликлар келишидан олдин оролда тўрт мингга яқин киши яшарди. Қулфурушлар ва касаллик дастидан аҳоли жуда камайиб, бир юз ўн кишигина қолди.

Христиан миссионери Э. Эйро ёзув битилган тахтачаларни биринчи бўлиб кўришга мушарраф бўлди. У оролга 1864 йилда келди ва бу ерда узоқ йиллар яшади. Миссионернинг келиши ерли халқни хавотирга солди, шунинг учун уни кўнгли хиралик билан қарши олдилар. Халқ аста-секин тинчланди ва унга ишонадиган бўлишди, ана шундан кейин Эйро ёдгорлик ёзувлар билан таъиниш имкониятига эга бўлди.

Кўп ўтмай Э. Эйро кохау ронго-ронго («гапирувчи дархт» деган маънони англатади) мавжудлигини жахонга маълум қилди. Ороликлар бу тахтачаларни ана шундай атардилар. Миссионер бундай ёзган: «Ҳаммасининг уйида ороликларга маълум бўлмаган ҳайвонлар турли белгилар билан тасвирланган тахтачалар ёки таёқчаларни кўриш мумкин; маҳаллий халқ бу белгиларни учини ўткир тош билан чизади. Ҳар шаклнинг ўз номи бор;


ерли халқ бу тахтачаларга кам эътибор берганлигидан ўйлаяпманки, бу белгилар ибтидоий ёзувлар қолдиғи бўлиб, оролликлар учун анъанага айланган бўлса керак, шунинг учун ҳам маъносини суриштирмасдан сақлашмоқда».

Э. Эйро ёзувларни топди ҳам, йўққа ҳам чиқарди. Миссионер оролликлар орасида христиан динини тарғиб қилди, шундан кейин ерли халқ ўзларини мажусийлик билан боғлаб турган нарсаларнинг ҳаммасини куйдирди; шу нарсалар қатори тахтачалар ҳам йўқ бўлиб кетди.


Орадан икки йил ўтгач, католик миссионерлар қолган-қутган ёзувларнигина топдилар. Миссионер И. Руссел ва унинг ёрдамчиси ёзув битилган тахтачаларни излашга киришдилар ва ёзувларнинг бир неча нусхасини топишга муваффақ бўлдилар: силлиқланган тахтачада балиқлар, қушлар, ўсимликлар ва қандайдир хаёлий шакллар тасвирланган эди.

Ерли халқ бу белгиларни тушунадигандек туюлди, лекин миссионерлар уларнинг маъносини суриштирганларида англаб бўлмайдиган мужмал жавоб олдилар, холос.

Таити оролида яшайдиган епископ Т. Жоссан шу тахтачалардан бирини кўриб қолди. Серҳавас ва билимдон епископни бу ғалати нарса жуда қизиқтириб қўйди. Бу Океания оролларида топилган ёзувларнинг дастлабки изи эканлигини у тушунди. Т. Жоссаннинг қўлида беш тахтача бор эди. Бироқ уларни қандай қилиб ўқиса бўларкин, бу ғалати белгиларнинг маъноси нима, улар қаердан келиб қолган?



● Ёзувли тахтача



Оролликларнинг айтишича, гўё Мараеренга оролидан қирол Хоту Матуа (бу орол Пасхи оролидан ғарброқда) ёзув битилган шундай тахтачалардан 67 тасини олиб келган эмиш. Бироқ қиролнинг ватанида бундай тахтачалардан биттаси ҳам топилмаган. У ерда ёзувнинг ўзи ҳам йўқ, ҳатто шундай ёзув ҳақида бирон маълумот ҳам йўқ.

Ривоят қилинишича, қирол олиб келган тахтачаларда афсоналар, уруғ йилномалари, мақоллар битилган. Ёзувни қирол авлодларидан бўлганлар, Пасхи оролидаги олтита округнинг қабила бошлиқлари, шунингдек уларнинг ўғиллари, баъзан қоҳинлар ва муаллимларгина ўқий билганлар. Барча оролларнинг аҳолиси йилига бир марта Анаксен кўрфазида тўпланиб, уларга ҳамма тахтачалардаги ёзувлар овоз чиқариб ўқиб берилган. Ҳар йили ўтказиладиган бу байрам муқаддас ҳисобланганки, уни на уруш ва на бошқа фалокатлар бекор қила олган.

Т. Жоссан бу ёзувлар билан шахсан шуғулланишга аҳд қилиб, Пасхи оролига жўнаб кетади, оролда тахтачаларни топишга кўп уринади. Бу ниҳоят даражада машаққатли иш эди. Айрим хабарларга қараганда, тахтачалар йўқ қилиб юборилган эмиш; бошқа хабарларга кўра, улар ишончли жойга яшириб қўйилган эмиш. Тахтачалар муқаддас ҳисобланганлиги ва ўзгалар учун ман қилинганлиги учун оролликлар уларни келгиндиларга беришни балки гуноҳ деб билганлардир, уларни берганлик учун инс-жинслар заҳмат етказди деб ишонганлардир. Бу нодир ёдгорликларни яшириш учун махфий ғорлар ишончли жой бўлиб хизмат қилган бўлиши эҳтимол.

Пасхи оролидаги ёдгорлик ёзувларнинг 20 та дан кўпроғи ҳозиргача сақланиб қолган. Уларнинг кўпчилиги бўйи 90 ва эни қарийб 10 сантиметр келадиган тахтачалардан иборат, улар орасида белгилар чизилган ҳасса ва ёзувлар битилган тақинчоқ ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси бир жойда эмас, балки жаҳондаги турли музейларда: Бельгия, АҚШ, Чили, ГДР даги музейларда сақланади. Ана шу кам сонли топилмалар ҳам ҳали тўла нашр этилганича йўқ. Нашр этилганларида эса ёзув белгилари чизиб кўрсатилмаган.

Тахтачалардаги ёзувлар обсеиднан парчаси ёки ақула тиши ёрдамида чизиб битилган. Ҳар бир тахтачага шакллар саккиз қатор қилиб чизилган, қаторлар жуда зич—

бир-бирига ёпишиб кетган. Қушларни, ўсимликларни тасвирловчи белгиларнинг жуда пухта ва симметрик чизилганлигини кўриб ҳайрон бўласан, киши.

Лекин тахтачаларнинг ҳаммаси ҳам яхши сақланган эмас, бу эса уларни ўрганишни қийинлаштиради. Кохау ронго-ронго ёдгорликлари балки яна топилар. Баъзи бир тахтачалар қачон бўлмасин бирор ғордан ва хилватгоҳдан излаб топилар, албатта. Шундай бўлса-да, у ёдгорликлар запасини тўлдиришдан умидвор бўлиш қийин.

Нодир кохау ронго-ронго тахтачаларни тасарруф қилувчилар ўз қўлларида қандай хазина турганлигини билишни, сирли белгиларнинг маъносини билиб олишни истайди, албатта. Бу саволларнинг тўғри жавобини фақат ерли халқдан эшитиш мумкин эди. Европаликлар шу мақсадда энг аввал ерли халққа мурожаат қилдилар, бироқ муваффақият қозона олмадилар.

Оролда туб ўзгаришларга сабаб бўлган нарсалар ҳайкалтарошликни тўхтатиши билан бирга ёзувларда ҳам ўз аксини топган бўлиши мумкин. Тахминларга кўра, оролликлар ичида ўз ёзувларини ўқий биладиган кишилар XIX аср ўрталаригача бўлган; бироқ 1862 йилда ерли халқнинг кўпчилиги ўзга мамлакатларга қул қилиб олиб кетилган. Улар орасида энг билимдон ва ўқимишли кишилар ҳам бўлган. Кейин оролда қора чечак касаллиги тарқалган. Омон қолганлар тахтачалардаги ривоятларни ва ёзувларнинг мазмунини эсласаларда, белгиларнинг маъносини тушунтириб беролмаганлар. Ронго-ронго ҳақида бир неча қариягина сўзлаб бера олган. Уларнинг сўзига қараганда, ёзувларни оролга биринчи ташриф буюрган кишилар олиб келган. Ёзувлар дастлаб банан япроғига битилган экан; япроқлар қуриб қолгач, ёзувлар ёғоч тахтачаларга кўчирилган.

Бу ёзувлар билан шуғулланувчи кишиларни оролда «ронго-ронго кишилари» («тангата ронго-ронго») деб атаганлар. Улар баланд мартабага эга бўлишган, хат битиш, шогирдлар билан машғулот ўтказиш билан шуғулланишган, ҳар бирининг ўз уйи бўлган, бу уйда фақат ўзи турган, бола-чақалари алоҳида яшаган. Таълим олувчилар банан япроғига ақула тиши билан ёзувлар битганлар, тажриба орттирганларидан кейин уларга тахтачага ёзиш рухсат этилган, тахтача оролда ўсган торомиро деб аталувчи дарахт ёғочидан тайёрланган. Талабалар йиллик имтиҳон вақтида барча тахтачаларни ўқиш билан ўз билимларини намойиш этганлар. Муал-

лим ҳам, талабалар ҳам бир-бирларига бир хилда талаб-чаң бўлганлар. Агар талабалар хатога йўл қўйса, уларга танбеҳ берилган; муаллимлар хатога йўл қўйганликларини учун қулоғидан чўзилган.

Т. Жоссан тахтачадаги ёзувни ўқий биладиган кишини қидира бошлайди. Унинг ҳузурига Меторо исмли кишини олиб келишади, бу киши Пасхи оролидан Таитига кўчиб келган экан. Т. Жоссан бундан жуда хурсанд бўлиб унга тахтачани беради.

Меторо ёзувни қироат билан ўқий бошлайди. Ёзув чапдан ўнгга, кейин ўнгдан чапга ўқилиб, шу йўсинда охиригача давом эттирилади. Т. Жоссан ўқилаётган текстни ёзиб олади:

«Ёмғир Хоту Матуанинг икки оламига ҳам ёғсин! У юксак осмон-у фалакда ва ерда ўтирсин! Катта ўғил ерда, ўз оламида бўлади; унинг қайиғи укасининг, бевосита боланинг қаршисига чиқди. У осмон-у фалакда ёки ерда бўладими, барибир эмасми, осмонни шунчалик ёқтирган кимса ерга қайтсин! У ерни қўлида ушлаб турибди. Инсон, кет. Мен ўз еримда қоламан. Тахтда ўтирган падар, ўз фарзандинг олдига кел. Унга осмону фалакда бўлиш ёқарди. Қуш ердан учиб кетди, у ерда ризқланаётган инсон сари учмоқда, Одам товуқни ейди, у товуқни сувга босди, унинг патларини юлди. Товуқ, найзадан эҳтиёт бўл, яхши жойга жўна, тўппа-тўғри қиролнинг олдига, унинг уйига бор, парвоз қил; у яхши жойга, найзадан узоқроқ жойга учиб кетди; у ер фарзандлари сари учиб, бехатар жойда пайдо бўлди».

Мутлақо узвий боғланмаган, маъносиз сўзлар йиғиндиси ҳосил бўлди. Чунки Меторо ёзувни ўқимаган, балки ҳар бир белгининг маъносини тушунтирган экан. У текстни ҳеч қандай тайёргарликсиз, апир-тапир ўқиган.

Шунга қарамай, Т. Жоссан эшитганларини ёзиб олишга аҳд этди ва Метородан такрор ўқишни илтимос қилди. Ёзиб олинган текст жуда катта бўлиб, деярли икки юз саҳифани эгаллади. Т. Жоссаннинг ҳар бир тасвирини ўқилган сўзга мослашга урниши натижа бермади. Шундан сўнг белгиларни мўлжалланган мазмунга қараб танлаб олиб, маъноси бўйича группаларга ажратди: ҳайвонлар, одамлар, ўсимликлар ва бошқалар; шу тарзда Т. Жоссаннинг каталоги вужудга келди.

Кохау ронго-ронгонинг сатрлари тўнтарилган бустрофедон принципида жойлашганлиги маълум бўлди. Одатда бустрофедон шундай ёзиш усулики, бунда хатнинг

биринчи сатри ўнгдан чапга, иккинчи сатри чапдан ўнга ёзилади ва шу тарзда давом этаверади. Шу билан бирга, жуфт сатрлардаги ҳарфлар тоқ сатрдаги ҳарфларга нисбатан қарама-қарши йўналишда ёзилади. Тўнтарилган бустрофедоннинг одатдаги бустрофедондан фарқи шуки, бунда ҳар иккинчи сатрнинг «оёғи осмонга қаратилган» бўлади, яъни биринчи сатрга нисбатан тўнтарилган бўлади.

Ерли халқ тахталарга нималар ёзилганини айтиб берди. Булар худоларга ўқилган мадҳиялар, жангларда ҳалок бўлганларнинг рўяхати, маълум йилда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги ёзувлар (йилномалар), ҳатто сеҳрли байтлардан иборат эди.

Ёзувларни Пасхи оролининг туб жой аҳолисидан ўқитишга уриниш ҳам натижа бермади. Шундан сўнг олимлар бу ёзувларни ўзлари ўқиб тушунишга (изоҳлашга) аҳд қилдилар. Ушандан бери жаҳондаги турли мамлакатлар тадқиқотчиларининг олти авлоди ёзувнинг сирини ечадиган «олтин очкич»ни изламоқда.

Қоҳау ронго-ронго белгилари кўринишидан миср иероглифларига ўхшаб кетади. Шунинг учун бўлса керак, баъзи олимлар бу ёзувлар иероглификадан қолган мерос, Пасхи оролининг маданияти эса Қадимги Миср маданиятидан келиб чиққан, деган нажотбахш фикрни ўртага ташлаб кўрдилар. Лекин бевақт қувонилган экан. Белгилар иероглифга жиддий солиштириб кўрилганда улар фақат кўринишидангина ўхшаш эканлиги маълум бўлди.

Пасхи оролидан топилган ёзувларни миср иероглифлари ёрдамида ўқиб бўлмади. Бу белгилар иероглиф бўлмаса, нима экан? «...Бу пиктография характердаги ёзувдир; гарчи унинг баъзи белгилари бир услубга солинган бўлса-да, кўпчилигидан одамлар, қўшлар, баллиқлар ва бошқаларнинг тасвирини осонгина фаҳмлаб олиш мумкин»,— деб ёзган эди таниқли инглиз тилшуноси Д. Дирингер.

Бироқ совет олими В. Истриннинг бу ҳақдаги фикри унча қатъий эмас. Олимнинг тахминича, ёзув дастлаб пиктографик характерда бўлиб, вақт ўтиши билан мукамаллашиб, логографияга яқинлаша борган ва ҳар белги бир сўзга мос келган бўлса керак.

1932 йилда венгер олими В. Хевешининг шов-шувга сабаб бўлган хабари босилиб чиқди. У Пасхи оролидан топилган ёзувлар Инд водийсидаги қадимги шаҳарлар-

ни қазинётганда топилган тамғадаги белгиларга ўхшашлигини аниқлаган. Демак, бу ёзувлар бир-бирлари билан боғлиқ. В. Хевеши далил учун ўхшаш белгилардан бир нечасини келтирди.

Бу таъбирга замон ва макон қарши чиқди. Пасхи оролида маърифат ва ёзувдан фойдаланиш XIX аср ўрталаридаёқ йўқолиб кетган, Инд водийсида топилган тамғалар эса тахминан тўрт минг йил илгари ишланган. Бунинг устига, Ер шарининг бу икки нуқтаси ўртасидаги масофа 13 минг километр келади. Узоқ йиллар давомида четдан олиб ўзлаштириш натижасида белгиларнинг тўла ўхшашлиги йўқолади, албатта. Бу белгилар шундай катта масофани босиб, шунча вақтлардан кейин Пасхи оролига ўзгаришсиз етиб келган бўлиши мумкинми? Эҳтимол, ёзувнинг ватани Полинезиядир? Ёки Пасхи оролининг ўзидир? Гарчи кохау ронго-ронгонинг «бешинги» ҳақида жуда кўп адабиёт босилиб чиққан бўлсада, бу масала ҳануз жумбоқлигинча қолмоқда.

Бу ёзувни нероглифика деб ҳисоблаган тадқиқотчилар билингда топилишини кутдилар, чунки усиз жумбоқни ечиб бўлмасди. Оқибат-натижада кўпгина олимлар ёзувни яхлит ўқишдан воз кечиб, айрим белгиларни бошқа ёзувлардаги белгиларга таққослаб ўргана бошладилар. Бу усул амалда ҳеч қандай натижа бермайди.

Ёш совет олими Б. Кудрявцев олиб борган тадқиқот ишлари туфайли орол ёзувларини ўрганиш сезиларли натижа бера бошлади. Б. Кудрявцев мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ тиллар билан қизиққан ва Ленинград Антропология ва этнография музейи қошидаги «Ёш этнографлар» тўғарагида қатнашиб тиллар билан қизиққан ва санскрит ёзуви (қадимий ва ўрта аср Ҳиндистонининг адабий тили) билан астойдил шуғулланган. Сирли кохау ронго-ронго ёзуви унинг фикр-зикрини қамраб олди. У бутун куч-ғайратини ва юксак истеъдодини Н. Миклухо-Маклай томонидан олиб келинган ва музейда сақланаётган иккита тахтачани ўрганишга бағишлади. У ҳатто оғир уруш йилларида ҳам бу ишни тўхтатмади.

Б. Кудрявцев ҳар икки тахтачани диққат билан кўздан кечиран экан, бир гуруҳ белгиларнинг бошқа гуруҳ белгилар билан бир хил тартибда келаётганини пайқади. Демак, иккала тахтачадаги ёзувлар асосан бир хил экан.

Афтидан, оддийгина хулоса. Қизиғи шуки, бу тахта-

чаларни Б. Кудрявцевга қадар бошқа олимлар ҳам кўрган. Бироқ бу истевдод билан боғлиқ воқеа. Кўп олимлар тахтачаларни синчиклаб кўздан кечирганлар, белгиларни чизиб олганлар, лекин... кўрмаганлар.

Буни ҳам қўяверинг. Б. Кудрявцев Чилидаги музейда сақланаётган тахтачадан учинчи параллель текстни топишга муваффақ бўлди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Бельгия музейидаги тахтачадан тўртинчи текст ҳам топилди.

Тўртинчи (Бельгиядаги) тахтача ўзига диққатни кўпроқ жалб этди. Ундаги жуда кўп белгилар аввалги учта параллель текстга мос тушмади, айрим қаторларгина тўғри келди. Агар бу тўртинчи текст қадимий текстнинг кейинги, мукамалроқ варианты бўлиб чиқса-чи?

Б. Кудрявцев тўртта текстни солиштирар экан, булар ёзув тараққиётининг турли босқичлари бўлиши мумкин, деб тахмин қилди. Олимлар бу хулосага қўшилишлари ҳам, қўшилмасликлари ҳам мумкин, бироқ ишнинг асосий қисми бажарилган эди. Тахтачалардаги ёзувларнинг параллеллиги исбот этилгач, бир хилдаги белгининг турли вариантларда ёзилганлигини аниқлаш, белгиларни ўзаро солиштириш ва ёзувнинг тахминий мазмуни ҳақида хулоса чиқариш имконияти туғилди.

Б. Кудрявцев ўз ишининг натижаси ўлароқ, «кохау ранго-ранго—ҳали силлабизация (бўгинли ёзув,—В. Д.) даражасига етмаган идеографик ёзувнинг бир туридир», деган хулосага келди.

У тахтачалардаги параллель текстларни таҳлил қилар экан, яна бир муҳим кашфиёт қилди — айрим белгиларнинг тадрижий ўзгариши (эволюцияси)ни аниқлади.

Б. Кудрявцев тахтачалар устидаги илмий ишини давом эттира олмади. У 1943 йил мартда фожиона ҳалок бўлди.

Пасхи оролидан топилган ёзувларнинг мазмуни очиб берилганлиги ҳақида матбуотда бир неча мартаба хабарлар босилиб чиқди. Бироқ уларнинг ҳар бири ёлгон бўлиб чиқарди. Фарбий германиялик олим Т. Бартель 1956 йилда америкашуносларнинг XXXII Жаҳон конгрессида сўзга чиқиб, кохау ранго-ронгонг иг жумла тўла ёзилмасдан, фақат тушунчаларгина бериладиган, гапнинг қолган қисми фаҳмлаб олинадиган ёзувга мансублигини айтди ва уни «эмбрио-ёзув» («муртак ёзув») деб атади.

Совет олимлари Н. Бутинов ва Ю. Кнорозовлар Т. Бартелнинг хулосасидан шубҳаландилар. Улар бу ёзув системаси ҳақида ўз тезисларини илгари сурдилар. Бу тезис Пасхи ороли ёзуви дунёдаги тилларнинг иероглифик системаси принципларига асосланган, деган хулосадан иборат эди.

Орадан икки йил ўтгач, Т. Бартель ёзувнинг изоҳи ҳақида яна доклад билан чиқди. У бу гал тахтачалардаги ёзувларнинг аниқ таржимаси ҳақида эмас, балки уларнинг мазмуни тўғрисидаги тахмининигина таклиф этди ва тез орада мазкур ёзувларнинг асл таржимасини босиб чиқаришни ваъда қилиб, жамоатчиликни қизиқтириб қўйди.

Ҳамма сабрсизлик билан кута бошлади. Ниҳоят, жадваллар ва мулоҳазалар билан тўлиб-тошган тўрт юз саҳифалик текст босилиб чиқди, лекин текстда тахтачалардан биронтасининг ҳам таржимаси йўқ эди. Т. Бартель ўзининг изоҳларига Метородан эшитган ва ўзи ҳақиқат деб билган байтларни асос қилиб олган эди.

Олимларнинг Пасхи ёзувлари ҳақидаги фикрларининг ҳаммаси тахминий бўлиб, унча-мунча ишонса бўлади. Жумбоқ тахтачалар тилга кирмагунча бу тахминлардан биронтаси ҳам тасдиқланмайди. Ёзувларни изоҳлашга, мазмунини очиб беришга ҳар қанча уринилгани билан ҳозирча бу соҳада ҳали муваффақият қозонилгани йўқ. Ҳатто электрон-ҳисоблаш машиналари ҳам ёрдам қилолмаяпти. Бу ёзувларнинг пиктограммами, идеограммами ёки иероглифик ёзувнинг бир турими эканлигини ҳозиргача аниқ билиб бўлмаяпти. Ҳолбуки океандаги узоқ оролдан топилган ёзувларнинг сирини очиб ёзув тўғрисидаги фанга боғлиқ бўлган кўпгина саволларга жавоб бериш имкониятини туғдирар, Океания тарихига бирталай қизиқ саҳифалар қўшган бўлар эди.





МИНГ ЙИЛЛАР
ҚАЪРИДАН

Эҳромлар диёрида

1798 йил май ойида француз флоти Тулондан очиқ денгизга чиқди. Капитан кўприкчасида генерал Бонапарт одати бўйича қўл қовуштириб турарди. Мисрға бо-радиган экспедиция йўлга тушган эди.

Бонапарт К. Нибурнинг «Арабистонга ва атрофдаги мамлакатларга саёҳат тавсифи» деган китобини ўзи билан бирга олиб кетаётган эди. Бу китобда Шарқнинг таомил ва урф-одатларигина эмас, балки қадимий обидалар ҳам баён қилинган эди.

У даврларда Миср Европа учун бир жумбоқ эди. Энг қадимий ёзув ва буюк маданият соҳиби бўлган бу ўлка тўғрисида Ғарбга биринчи бўлиб сўзлаб берган киши Қадимги Юнонистоннинг толмас сайёҳи ва муаррихи Геродотдир. Уч минг йилдан зиёд давр сурган қадимги қудратли давлатни эрамизнинг 638 йилида араб-мусулмонлар забт этган. Искандарияга ҳужум қилинган вақтда у ердаги нодир кутубхона — ўша замондаги энг катта ва ноёб билим хазинаси ёниб кетган. Утмишда улур маданият маркази бўлган Миср шу вақтдан эътиборан христиан олаmidан бутунлай узилиб қолган. Европага Миср ҳақида ҳечқандай маълумот етиб келмаган.

Мисрға бўлажак император билан бирга аскарларгина эмас, турли ихтисосдаги олимлар: астрономлар, кимёгарлар, минералоглар, шарқшунослар ва рассомлар ҳам жўнаб кетишган. Нил соҳилларига илмий асбобанжомлар солинган яшиклар, Миср ҳақида бутун бошли бир кутубхона бўларли китоб олиб борилган.

Наполеон бу ерга келганидан кейин дастлабки ҳафталардаёқ машҳур Миср институтини ташкил этган. Мутахассислар мамлакатнинг ўтмишини ва шу кунини ўрганишга киришганлар. Бироқ Наполеонни кўпроқ мамлакатнинг ҳозирги кунни қизиқтирган. Бонапарт олимларнинг мамлакат аҳволи, савдо-сотиғи тўғрисидаги хулосаларидан кўпинча ҳарбий разведка маълумоти сифатида фойдаланган.

Инглизлар билан французларнинг Миср учун бўлган курашида гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келиб турган. Оқибат-натижада французлар енгилган ва Бонапарт Мисрдан жуфтакни ростлаган.

Бироқ бу экспедиция фанга, шубҳасиз, фойда келтирди. Олимлар гоҳят бой материал тўплади. Шу мате-

риаллар асоенда «Миср тавсифи» деган ажойиб асар вужудга келди.

Жаҳон маданияти учун энг муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳодиса 1799 йил 2 августда содир бўлган. Шу кунни французлар инглизларнинг денгиз томондан бўлаётган ҳужумини даф этиб, соҳилни қўлда сақлаб турганлар. Розеттадан етти километр наридаги қадимий Рашид қалъасини ҳимоя қилаётган аскарлар хандақ қазиш тўғрисида буйруқ олганлар. Аскарлардан бирининг белкураги ногаҳон қаттиқ бир нарсага урилган. Қарасалар, аллақандай ёзувлар битилган қоп-қора тош тупроққа кўмилиб ётган экан. Топилдиқ ҳақида шу заҳоти офицерга хабар етказилган.


Юришни бошлашдан олдин Наполеон осори атиқаларга эҳтиёт бўлиш, энг ноёб ва қизиқарли топилдиқларни тўплаб олимларга топшириш хусусида кўрсатма берган экан. Бундан ташқари, Наполеон офицерлари анча-мунча ўқимингли кишилар бўлган. Кўпчилиги юнон тилини ва бошқа қадимий тилларни билишган.

Шу бонсдан Рашид қалъасидаги топилдиқ олдида бир пасда офицерлар тўпланишган. Силлиқланган бу қора базальт тошга ёзувлар битилган экан. Катталиги стол тахтасича келадиган бу тошдаги ёзувлар уч тилда ёзилганлигини офицерлар бир назар ташлашдаёқ фаҳмлаб олганлар. Ун тўрт сатрлик юқориги ёзув (тошнинг шу жойидан каттагина қисми синиб кетган) иероглифдан иборат; анча яхши сақланган ўртадаги ёзувни офицерлар сурия ёзувига ўхшатганлар (лекин бу ёзув миср демотика ёзувининг бир тури бўлиб чиққан); пастки ёзувнинг эски усулдаги ҳарфлар билан ёзилган юнон хати эканлигини офицерлар ўша заҳотиёқ билишган.

Олимларнинг орзулари ушалди. Ахир, улар иероглифларни ўқишга узоқ йиллар уриндилар ва, ниҳоят, билинган ва, «икки тилдаги» ёзув: иероглиф ва европаликларга тушунарли тилдаги ёзув топилсагина бу соҳада муваффақият қозониш мумкин, деган хулосага келдилар. Буни қаранг, биратўла «уч тилдаги ёзув» — трилингва топилди!

Турган гапки, уч тилдаги ёзув битилган бу тош (уни Розетта тоши деб аташди) келгусида мисршунослик фанининг тамал тоши бўлиши ўша вақтда француз офицерларининг хаёлига ҳам келмаган. Лекин бу қимматбаҳо топилдиқ зудлик билан Қоҳирага, Миср институтига юборилди. Француз олимлари, бундан кейин нима бўли-

шини гўё башорат қилгандек, ёзувларнинг изини қоғозга босиб туширишди ва ундан нусха тайёрлаб, Францияга жўнатишди. Таслим бўлиш шартларига мувофиқ, французлар Мисрдан топган жамикки нарсаларини бир мунча вақтдан кейин инглизларга топшириши лозим эди. Шу тарзда Розетта тоши — инглиз генерали ўз рапорти-



РОЗЕТТА ЯҚИНИДАН ТОПИЛГАН ТОШ

да калондимоғлик билан таъбирлаганидек, «Британия қуролининг мағрур ўлжаси» — Британия музейига келиб қолди.

Миср ёзуви қандай ўқилганлигини ҳикоя қилишдан олдин унинг тузилиш принципларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Миср ёзуви асос-эътибори билан идеографик хат бўлиб, унда ҳар бир тушунча муайян тасвир — белги — иероглиф билан ифодаланган. «Иероглиф» юнонча сўз бўлиб, луғавий маъноси «муқаддас белги». Иероглиф инсоннинг ажойиб топқирлигидан, кузатувчанлигидан далолат беради.

Ёзув системасида уч хил белги ажралиб туради.

Ҳис-туйғу билан идрок этиладиган нарсаларни тасвирловчи идеограммалар.



Жангчи



Кўз



Жирафа



Шоҳ



Кўнғиз



Кўёш



Тоғ



Нон

Ёки ҳис-туйғу билан идрок этиладиган ҳаракатлар.



Урмоқ



Учмоқ



Емоқ



Юрмоқ



Жанг қилмоқ



Эшмоқ




Одимламоқ



Йиғламоқ


Мавҳум тушунчалар тасвирий йўл билан ифодаланган.



Тўғриламақ




Топмоқ



Бошчилик қилмоқ



Кексалик



Юқори Миср



Салқин

Мавҳум тушунчаларни ифодалаш учун фонетик белгилар ҳам қўлланилган. Эшитилиши бир-бирига ўхшаш, лекин маъноси ҳар хил сўзлар, яъни омонимлар шундай белгилар билан ифода этилган. Ҳа, бир-бирига ўхшаш, лекин айнан бир хил бўлмаган «хол» (юздаги хол) ва «қол» (қол-аҳвол маъносида) сингари сўзлар битта белги билан ифодаланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мисрликлар тўла айният бўлишига ҳаракат қилмаганлар.

Юқорида айтиб ўтилган «детерминативлар» ёки «очқич белгилар», гарчи талаффуз этилмаган бўлса-да, жуда катта аҳамиятга молик бўлган. Улар битта белги билан ифодаланган омонимларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилган. Миср белгиларининг аксарият кўпчилиги детерминативга эга. Масалан, жинс детерминативи: эркак киши исмидан кейин ёки эркак билан боғлиқ ифодадан сўнг ўтирган эркакни тасвирловчи белги ва, аксинча, аёл киши исмидан кейин ёки алоқадор ифода охирига аёлни тасвирловчи белги қўйилган. Мамлакатлар детерминативи — катталиги чекланган бир парча ер, вақт детерминативи — қуёш гардиши, иш-ҳаракатлар детерминативи — бирон юмуш билан машғул қўл, мавҳум тушунчаларники—қўлөзма ўрами билан ифодаланган.

Мисрликларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда баён этишларига ёрдам берган бу белгилар икки маъно чиқишини истисно этган.

Энди белгиларнинг жойлашиши хусусида. Хатни




s3-j

Менинг ўғлим,


ndtjj-j

Менинг қасосчим,



Mn-hpr-r'

Мен-хепер-ре,



'nh dt

Абадий яшайверсин

гап

● Иероглифлар билан ёзилган гап

ёзиш йўналиши қатъий белгиланмаган. Биз чапдан ўнгга қараб ёзамиз, мисрликлар эса, белгиларни камдан-кам ҳоллардагина чапдан ўнгга қаратиб чизганлар. Бундан кўра уларга белгиларни ўнгдан чапга ёзиш кўпроқ маъқул тушган. Лекин белгилар асосан устун тарзида, юқс-ридан пастга қўйиб чиқилган. Устунлар ўнгдан чапга қараб жойлаштирилган.

Исм ва номлар «ребус» усулида ёзилган. Бироқ бу ёзувларда унли товушлар йўқ. Унли товушлар сони ва уларнинг жойланиши, ундош товушлар билан бирикиш тартиби кўпинча бизга маълум эмас.

Мисрликлар тилида бир ундош ва унлидан таркиб топган бир бўғинли сўзлар бўлган, лекин унли товуш ёзувда кўрсатилмаганлиги сабабли бир бўғинли сўзлар ҳарфга ўхшаш шаклда ифода этилган. Лекин бундан, мисрликлар ҳарфни ихтиро қилганлар, деган маъно чиқмайди. У замонларда кишилар ўз нутқларини бўғин ва товушларга ажратишни билмаганлар, шунинг учун улар бундай белгиларни ҳарф деб тушунмаганлар.

Юқорида биз миср ёзувини иероглиф деб атадик. Аслини олганда, бундай дейиш тўғри эмас, ёзув тушунчасининг маъноси кенгроқ. Гап шундаки, мисрликлар уч хил: иероглиф, иератик ва демотик ёзувлардан фойдаланишган.

Иероглифика ёзуви ҳашаматли ёдгорликларда қўлланилган. Чет элликларнинг биринчи бўлиб диққатини тортган нарса ана шу иероглифлар бўлган. Улардаги қатъий ва тантанавор чизиқлар асрлар давомида одамларнинг юрагини тўлқинлантирган. Шунинг учун ҳам

кўплар бу шаклларни ҳаётнинг чин маъносини очиб бериш, теварак-атрофдагиларга таъсир этиш қудратига эга бўлган аллақандай мўъжизакор кучлар билан боғлиқ деб тасаввур этганлар.

Иератика ёки китоб ёзуви белгиларининг оддийлиги билан ажралиб турган; бу ёзув ўзининг расмлик хусусиятини бирмунча йўқотган. Иератика белгилари папирус қоғозига тушириш жараёнида шаклланган ва дунёвий китоблар ҳамда хат-хабарлар учун қўлланилган.

Диний ёзувлар ҳам иератикада ёзилган. Иератика ёзувидан иборат энг қадимий ёдгорлик эрамиздан илгари 3000 йилга мансубдир.

Демотика (юнонча «демос» сўзидан олинган бўлиб, халқчил маъносида) ёки тезхат. Бу хат белгиларнинг шаклини тобора соддалаштириш жараёнида эрамиздан аввалги VIII асрда шаклланган. Дастлаб хизматга доир ёзишмаларда қўлланилган, кейинчалик адабий ва илмий асарлар ёзишда фойдаланилган.

Эҳром деворларига, ҳайкалларга, тош тобутларга ўйиб хат ёзиш мисрликларнинг севган машғулотларидан бўлган. Лекин мисрликлар кундалик эҳтиёжлар учун папирусдек қулай материални ҳам топишган. Уни Нил дарёси бўйидан олиб келинган қамишдан тайёрлашган. Папирус синадиган, мўрт материал бўлганлиги учун ундан фақат ўрамлар кўренишида китоб тайёрлаш энг қулай йўл бўлган.

Папирусга чўп ёки мўй қалам билан қора ё зарғалдоқ-қизил ранг сиеҳда ёзганлар.

Иероглифлар кўп асрлар мобайнида жумбоқ бўлиб келди. Бу хусусда ўртага ташланган фаразлар, тахминлар, тусмоллар истаганча топилади. Бировлар, иероглиф ёзув эмас, балки мунажжимларнинг нишонларидир, деса, бошқалар, булар оддий нақшлардир, қоҳинлар уларни ёзув деб кўрсатиб содда юнонларни ишонтирмоқчи бўлганлар, деган. Учинчи тоифа кишиларнинг тахминича, иероглифлар — қоҳинларнинг сеҳр-афсуни... Илоҳий, муқаддас аломатлар... Миср афсоналарининг инъикоси.. Хуллас, тахмин устига тахмин. Бир немис олими иероглифлар — тошни кемириш хусусиятига эга бўлган алоҳида бир туркум шиллиқ қуртларнинг ҳаёт фаолияти натижасидир, дейишгача бориб етган.

Шунга қарамай тадқиқот ишлари давом эттирилган.

Иероглифика						Иератика			Демо- тика

● Қадимги Миср ёзуви

Қадим замонларда Мисрдан Римга сиртига иероглифлар чизилган ёдгорлик тошлар олиб келинган. XVII асрда иезуит А. Кирхер ана шу тошларни ўрганишга киришган. У ҳар қанча урингани билан иероглифларни ўқиб тушуна олмаган, лекин унинг баъзи фикрлари кейинроқ мисршуносларга асқотган. Қадимги миср тилидан келиб чиққан копт тилини билмасдан туриб иероглифларни ўқиб бўлмаслигини биринчи бўлиб А. Кирхер тушунган.

Розетта тоши топилгандан кейин иероглифлар жумбоғини ечишга бўлган иштиёқ янада кучайиб кетди. Иirik француз шарқшуноси С. де Саси бу ёзувлар устида кўп бош қотирган. У дастлаб демотик текстни чуқур ўр-

ганиб чиқиб, унда юнонча текстдаги Птолемей Елифан, Александр ва бошқаларнинг номларига тўғри келадиган белги группалари борлигини аниқлаган. Лекин, барибир, С. де Саси иероглифларни ўқий олмаган ва ошкора суратда: «Муаммо ниҳоятда чигал ва уни илмий жиҳатдан ҳал этиб бўлмади» деган.

Лекин С. де Саси ҳақиқий олим экан: у ўзи қила олмаган ишни бошқалар уддалашига умид боғлаганидан, Розетта тошидаги ёзувнинг бир нусхасини швед археологи Д. Окербладга юборган. Бу олим ўша копт тили билан шуғулланар экан.

Д. Окерблад енг шимариб ишга киришган. У классик ва шарқ филологиясини яхши билганлиги учун демотик текстнинг юнонларга оид қисмидаги барча атоқли отларни мустақил равишда таниб билиш ва ўқишга муяссар бўлган, шу билан бирга айрим мисрча сўзларни (ибодатхона, юнонлар ва бошқаларни) ҳам ўқий олган. Бироқ С. де Саси каби Д. Окерблад ҳам, миср тилида унли товушлар тушиб қолишини ҳисобга олмаган. Бунинг устига, у, демотик ёзув ҳарфларга асосланган, иероглифлар эса фақат сўз ва тушунчаларни билдиради, деб ҳисоблаган. Тадқиқот учун асос қилиб олинган мана шу нотўғри йўл олимни боши берк кўчага олиб кирган.

Ишни келган жойидан давом эттириш машҳур инглиз табиатшуноси ва медици Т. Юнгга nasib этди. Т. Юнг ҳайрон қоларли даражада талантли ва ҳар нарсадан хабардор киши эди. У икки яшарлигидаёқ ўз она тилида шариллатиб ўқий олган, ўн тўрт ёшида араб, қадимги яҳудий, юнон, форс, француз, итальян ва латин тилларини билган. Медицинадан ташқари, физика, биология фанлари, хаттотлик билан шуғулланган.

Унинг ажойиб бир хусусияти бўлган — бошланган ҳар қандай ишни охирига етказмай қўймаган. Айтайлик, дорвозликни ҳавас қилиб қолдими — тамом, маълум фурсат ўтгандан кейин бу касбнинг сирларини ман-ман деган дорвозлар билан рақобатлаша оладиган даражада пухта эгаллаб олган.

Розетта тошидаги демотик ёзувнинг олдинги беш сатри тахлилин Д. Окербладдан олгач, Т. Юнгга янги ғоя тинчлик бермади. Одатда Т. Юнг ёзги таътил вақтида шаҳардан ташқарига чиқиб кетар ва албатта ўз касбига алоқаси бўлмаган бирор нин билан шуғулланар экан. Бу галги таътилда, у, миср ёзувнинг нусхасини олиб

кетган. Бу «арзимас» воқеа мисршунослик илмида катта аҳамият касб этган.

Қизиги шундаки, Т. Юнгнинг махсус филологик тайёргарлиги бўлмаган, шунингдек шарқ тиллари бўйича ҳам чуқур лингвистик билимга эга бўлмаган, ўзининг бу борадаги хулосаларига фақат математик ҳисоблар ва таққослашлар йўли билан келган. Т. Юнг демотик ёзув — иероглифларнинг тез ёзиладиган варианты эканлигини шу усулда исботлаб берган. Олим демотик текстдаги юнонча исмлардан лоақал биттаси унинг иероглифлар билан ёзилган қисмида учраши шарт ва у такрорланаётган овал шакл ичида бўлса керак, деб тахмин қилган.

Т. Юнг иероглифлар жумбогини демотик ёзув ёрдамида ечиш мумкин, деган қатъий фикрга келган. Олим шу йўлдан бориб, 70 дан ортиқ иероглифнинг ёки иероглиф группаларининг маъносини аниқлашга муваффақ бўлган. У подшо Птолемей ва малика Береникаларнинг исмларини излаб топган, бу исмларни товуш ва белгиларга бўлиб, фонетик иероглифларни ўқиш йўлини топган. Шунинг ўзи катта ютуқ эди.

Афтидан, жумбоқнинг ечилишига бир баҳя қолгандек эди. Аммо Т. Юнгнинг тезхат (демотик ёзув)да ҳам, иероглифларда ҳам фонетик белгилар бўлмаган деган эътиқоди унинг йўлида тўғаноқ бўлган. Бу олим ҳам боши берк кўчага кириб қолган. Т. Юнг бошлаган ишини умрида биринчи марта охиригача етказа олмаган.

Лекин бу вақтда Францияда Ж. Шампольон юлдузи чақнайди. Шампольоннинг ҳаёти дунёга келган пайтиданоқ ажойиб бошланган. Фарзанди таваллуди олдидан она оғир дардга мубтало бўлган, врачлар муолажаси бечора аёлга кор қилмаган. Шундан кейин бир азайимхонни айтиб келишган. Азайимхон беморни қиздирилган дори ўсимлик устига ётқизишни буюрган ва беморга ўт-ўландан тайёрланган аллақандай ичимлик ичириб, тезда дарддан фориг бўлиб кетишини ва ўғил кўришини айтган, кетаётганида: «Ўғлинг доно бўлади, келгуси асрларни ақлининг нури билан ёритади» деган.

Доялик қилган врач чақалоқнинг қорамағиздан келганлиги ва юз тузилиши шарқ халқиникига ўхшашлигини, ҳатто кўзининг шох пардаси ҳам худди шарқ болалариникидек сариқ эканлигини кўриб ҳайрон бўлган. Бу йиллар Франция учун алғов-далғов давр бўлган. Ж. Шампольоннинг ота-онаси яшаётган Фижак шаҳар-

часини революция тўлқинлари ларзага келтириб турган. Содир бўлган воқеалар болага қаттиқ таъсир этган бўлиши керак. У катта бўлганидан кейин зўравонлик, монархия, тажовузкорлик урушларининг ашаддий душманига айланган, баттол Наполеоннинг масхарасини чиқарган асарлар ёзган.


Онаси фарзандига черковда ўқиладиган дуолар ёзилган китобдан парчалар ўқиб бераркан. Ж. Шампольон бу дуоларни ёд олиб, кейин оғзаки ва ёзма текстларга солиштирган ва шу йўл билан ҳарф танийдиган бўлиб, мустақил равишда савод чиқарган. Қўзичоғи сира кутилмаганда дуо китобидан бир парча ўқиб берганида онаизор қанчалик ҳайратда қолганини ва суюнганини тасаввур этиш қийин эмас. Ж. Шампольоннинг отаси китобфуруш бўлган, шу туфайли бўлажак олим том маънода китоблар орасида ўсган. Бу ҳол унда ёшлигиданоқ китоб ўқишга ҳавас уйғотган.

Мактабда Ж. Шампольон яхши ўқимаган. Бундан воқиф бўлган акаси, иқтидорли филолог, укасига тарбия беришни ўз зиммасига олиб, уни Гренобль шаҳрига олиб кетган. Бу ерда ўн бир яшар Ж. Шампольоннинг латин, қадимги юнон ва қадимги яҳудий тилларини ўрганишда ҳайратомуз қобилиятлари намоён бўлган.

Акаси унга сирли Миср мамлакати тўғрисида қизиқ-қизик ҳикоялар айтиб бераркан. Шундан кейин 12 яшар бола Миср тўғрисида ниманки қўлига тушса, ҳаммасини завқ-шавқ билан ўқийдиган бўлган. Бунини ҳам қўяверинг; бола араб, сурия ва арамей тилларини сувдек ичиб юборган.

Ж. Шампольон Миср билан шу қадар қизиққанки, лицейда ўқиб юрган чоғларидаёқ «Миср фиръавнлар даврида» деган катта илмий асар ёзган, айни вақтда Қадимги Мисрнинг биринчи географик харитасини ҳам тузган. Бу шу қадар улкан, умумлаштирувчи ва фанга янгилик киргизувчи асар бўлганки, лицейни эндигина битирган ўн олти яшар муаллиф бир оғиздан Гренобль шаҳри академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган. Шунда академия президенти кишини тўлқинлантирувчи нутқ сўзлаб:

«Ҳали ёш бўлишингизга қарамасдан, Академия сизни тантанали равишда ўз аъзоси қилиб сайлайди. Бу билан Академия сизнинг қилган ишларингизни баҳолайди, лекин бунда кўпроқ келгусида қила оладиган ишларингизни назарда тутади! Сиз ўзингизга бўлган умидларни



оқлайсиз деган фикрни Академия мамнуният билан қайд этади, асарларингиз хайрли бир кунда сизга шон-шухрат келтирса, сизни биринчи бўлиб тақдирлаган Академияни эслаб қўйинг!»

Уқувчиликдан бирданига академикликка! Ҳаётдаги бундай фавқулудда ўзгариш учун даҳо эгаси бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бу — маълум мақсадга йўналтирилган катта меҳнат самараси ҳамдир. Болалигиданоқ ўз олдига олижаноб мақсад қўйган, унга содиқ қолган ва ниятини амалга ошириш учун сабот-матонат кўрсатаётган, ғайрат камарини бойлаб олган кишигина шунчалик кўп иш қилиши мумкин. Ўз ҳаётини Миср сирларини очишга бағишлаган Ж. Шампольон бунга яққол мисол бўла олади.

Ун олти яшар академик ўқишни давом эттирган. Қазо-казо олимлар сафига кириш болани довдиратиб қўймаган. Аксинча, унинг руҳи кўтарилиб, ғайратига-ғайрат қўшилиб, у илгаригидан ҳам дадилроқ режалар туза бошлаган.

Ж. Шампольон шарқ тилларини ўрганиш ниятида Парижга жўнаган. Бу вақтда у Розетта тошидан хабардор бўлган. Уни Парижга акаси, яъни васийси, ҳимоячиси, укасининг бахти очилишига қаттиқ ишонган дўсти кузатиб борган. Соябон аравада кетаётиб Ж. Шампольон акасига дебди:

— Мен уларни ўқиб чиқаман... Мен Миср иероглифларининг мағзини чақаман, бунга ишончим комил...

У ўзининг энг яқин кишисига гўё қасамёд қилган. Эни муҳими, у ўз кучига қаттиқ ишонган.

Йигитча пойтахт ҳаётининг ҳавасни жунбишга келтирувчи томонларидан батамом воз кечиб, илмга боши билан шўнғийди. У Луврдан унча узоқда бўлмаган бир кулбани ўн саккиз франкка ижарага олади, лекция тинглаш учун бир неча ўқув юртига танда қўяди, лекин кўпроқ вақтини кутубхонада ўтказади.

Ёш Ж. Шампольоннинг омади келганини қаранг: унга Парижда С. де Саси:— «буларнинг тагига қиёматда ҳам етиб бўлмайди» деб, иероглифлар олдида ошкорона таслим бўлган олим устозлик қилишга бажону дил розилик берган.

Акаси Ж. Шампольонни машҳур профессор билан таништиргани олиб борганида олим уни очик кўнгиллик билан қарши олган дейиш қийин. С. де Саси ўз олдида ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга тайёр турган бў-

лажак жиддий рақиб турганлигини тушунади. «Миср фиръавнлар даврида» асарини ҳам ёғиниб қаршилади. Лекин ўзи илм фидойиси бўлганлиги учун, Греноблдан келган бу улуғ истеъдод соҳибига астойдил, чин юракдан ёрдам беради, тажрибасини, билимларини у билан баҳам кўради. Унинг раҳбарлиги остида Ж. Шампольон санскритни, араб тилини, С. де Саси таъбири билан айтганда, «Шарқнинг итальян тили» бўлган форс тилини тез ўзлаштириб олади.

Ж. Шампольон арабчани шунчалик пухта ўзлаштирганки, сўзлаганида ҳатто товуши ҳам шунга яраша ўзгарар экан. «Мен лабимни деярли қимирлатмасдан гапира оламан, бу эса менга табиат ато этган шарқона қиёфамни янада бўрттириб кўрсатса керак»,— деб ёзган у акасига йўллаган мактубларидан бирида. Хатининг давомида эрмак учун «Хитой грамматикаси» китобини юборишни илтимос қилган.

Кейин Ж. Шампольон заид ва паҳлавий тилларини ўрганади. Лекин унинг асосий диққат-эътибори копт тилида бўлади. «...Мен шунчалик коптлашиб кетдимки,— дейди акасига ёзган яна бир хатида,— миямга келган ҳар қандай жумлани коптчага таржима қилиб, шундан завқ оламан. Ўзим билан ўзим коптчасига гаплашаман, чунки бошқалар мени барибир тушунмасди...»

Шу тариқа у уч йил мобайнида сабр-бардош билан ҳар куни тилдан машқ қилади. Ёш олимнинг моддий шароити анча оғир эди: агар экаси ёрдам қилиб турмаса, очликдан ўлган ҳам бўлар эди.

Ж. Шампольон ўн тўққиз яшарлигида Греноблда тарих фанлари профессори унвонига сазовор бўлган. Лекин «ҳали эрта» деган мулоҳаза билан Розетта тошини текширишга киришмаган, бошқа миср ёзувларини ўрганишни давом эттирган ва улардан нусха кўчирган. Шу аснода у муҳим бир кашфиёт қилган. Ж. Шампольонга қадар мисрликларнинг икки хил — иероглиф ва демотик ёзуви бўлган деб ҳисоблаб келинган. Ж. Шампольон эса қадимги мисрликлар ёзувининг учинчи хилини, яъни иератик ёзувни кашф этган. Шундан кейингина Қадимги Мисрда дастлаб иероглифика пайдо бўлганлиги, ундан иератика ёзуви келиб чиққанлиги, бора-бора тезхатга асосланган демотик ёзув вужудга келганлиги, бу ёзув иероглификадан икки ярим минг йилга ёшроқ эканлиги рўй-рост аён бўлган... Қадимги ёзув ана шундай катга йўлни босиб ўтган.

Ж. Шампольон бир талай қадимги тилларни ўрганганидан ва копт тилини мукамал эгаллаганидан кейин энг асосий масалага киришган — қадимги мисрликлар тилининг моҳиятини англаб олишга ҳаракат қилган. У ишни айрим сўзларнинг маъносини англашдан эмас, балки бутун системани тушуниб олишдан бошлаган; бу уч хил ёзув кўринишидан ҳар хил бўлса-да, уларнинг ички моҳияти бир хил эканлигини тўғри фаҳмлаган. Бу, ҳақиқатан ҳам, ягона ёзув системаси бўлган. Модомики демотикада фонетик белгилар бор экан, бинобарин, улар иероглиф ёзувида ҳам бўлиши керак.

Доҳиёна фикр (айни вақтда оддийлигини айтмайсизми). Шундай қилиб, иероглифлар жумбоғини ечишда олдинга қараб катта қадам ташлаган. Ниҳоят, Ж. Шампольон мисршуносликни олдинги тадқиқотчилар етаклаб кирган боши берк кўчадан олиб чиққан.

Яна бир муваффақият: Ж. Шампольоннинг иероглиф ёзувида фонетик белгилар бор, деган фикри кутилмаганда тасдиқланган. 1821 йил 23 декабрда — аини ўзининг туғилган кунда Ж. Шампольоннинг миясига Розетта тошидаги иероглиф белгилари билан юнонча текстдаги сўзларни санаб чиқиш фикри келади. Ёш олим санаб кўриб ҳайратда қолади: 486 та юнонча сўзга 1419 та иероглиф тўғри келади. Иероглиф ёзувида эса 166 та белги. Ана шундан кейин Ж. Шампольон иероглифлар фақат белги-сўзларгина, идеограммаларгина бўлмай, улар товуш ҳам эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилади.

Энди иероглифлар жумбоғи ечилай-ечилай деб қолган эди. Ж. Шампольон бу ишни бошлаб юборавериши мумкин эди. У бошлаб юборади ҳам.

У иероглифни ўқишни ҳукмдор исмидан бошлашни маъқул топади. Шу йўл оддий ва мантқан тўғри эди... Розетта тошидаги ёзувнинг мазмуни юнонча текстдан маълум эди: Миср коҳинлари подшоҳ Птолемей Епифанни жуда улуғлашган. Птолемейнинг исми иероглифлар билан ёзилган текстда ҳам бор эди, албатта. Махсус рамка — картуш ичига олинган бир гуруҳ белгилар подшоҳнинг исмини ифодаловчи белгилар эканлигини фаҳмлаб олиш қийин эмасди. Ҳақиқатан ҳам, алоҳида ажратиб кўрсатиш учун бундан муносиброқ сўз бўлиши мумкинми, ахир? Ҳа, фақат подшоҳнинг исми ажралиб туриши керак. Саккизта иероглиф белгини саккизта товуш билан солиштириш хамирдан қил суғургандай осон иш.

Аммо буни тасдиқловчи далиллар керак эди. Шун-

дай далиллар топилди. Уша йиллари топилган «Филе ёдгорлиги» деган осори атиқага икки хил — иероглиф ва юнонча ёзув битилган эди. Бу билингвадир! Энг муҳими шуки, бу ёдгорликда ҳам, худди Розетта тошидагидек, Птолемей исми картуш ичига олинган! Энди солиштирадиган нарса бор! Бундан ташқари, рамка ичига олинган яна бир гуруҳ белгилар олимнинг диққатини ўзига тортди. Ж. Шампольон юнонча текстдан малика Клеопатра исмини ўқиб, бу ном иероглифларда ҳам бўлиши керак, деб тахмин қилди. Бундан кейинги ишлар жуда тез кетди...

Ж. Шампольон иккала гуруҳ белгиларни ҳам кўчириб олиб устма-уст жойлаштирди. Рамка ичига олинган Птолемей сўзида «л» товушини ифодаловчи иероглиф (шер тасвири) бошдан ҳисоблаганда тўртинчи ўринга, Клеопатра сўзида эса иккинчи ўринга қўйилган.

— Бу икки шер учинчи шерга ғалаба келтиради!— деб мағрурона хитоб қилди қувонганидан Ж. Шампольон.



Демак, миср фонетикасининг бир белгиси топилди.

Ж. Шампольон белгиларни диққат билан кўздан кечиришда давом этди. Бу исмларда яна иккита айнан бир хил белгилар борлигини аниқлади, улар «п» ва «т» товушларини билдирар эди.

Иероглифлар жумбоғини — Миср сирларини очадиган калит топилди. Аммо Ж. Шампольон сал нарсата ҳовлиқиб кетавермайдиган, ўзини тута биладиган одамлардан эди, шунинг учун кашфиётини ҳеч кимга ошкора қилмасдан, янги далиллар, янги фактлар ахтара бошлади. У бошқа картушларни ўрганиб чиқди. Александр исмини ўқишга муваффақ бўлганидан кейин иероглифлар рўйхатига «н» ва «с» товушларини қўшди. Олим малика Береника исмини ўқигач, иероглифлар алифбосига яна бир товуш — «б»ни қўшди.

Ж. Шампольон бора-бора иероглиф алифбосининг йигирма тўртта товушини бемалол ўқийдиган бўлиб қолди. Катта ғалаба! Лекин унинг учун бу камлик қилади. 1822 йил 14 сентябрь куни эрталаб олим бошқа ёзувдаги бир картушни ўқишга киришди. Бу ёзувда бор-йўғи тўртта белги бўлиб, кейинги иккитаси бир хил экан. «Бу ерда ундошлар такрорланиб келган бўлса керак», деб ўйлади ёш олим беихтиёр.

Биринчи иероглиф унга номаълум: бу — гардиш. Ж. Шампольон шунга ўхшаш картушларни қидира бошлади. Топди. Ҳаммаси бир-бирига тўғри келади, аммо уларда биринчи иероглифда гардиш ўрнига одам шакли тасвирланган, гардиш унинг бошида. Бунинг қуёш худосини ифодаловчи белги эканлигини ҳар бир мисршунс биледи. Бироқ ёзувнинг бир вариантыда иероглиф тўлиқ ва иккинчисида қисқартириб ёзилган (гардиш). Қуёш худосининг исми Ра эканлигини Ж. Шампольон қадимий манбалардан аллақачонлар билиб олган. Демак Ра...

Охириги икки иероглиф Птолемей ва Александр исмларида учраган «м» ва «с». Демак, картуш ичидаги ёзув «Рмес» деб ўқилади. Мисрликларнинг унли товушларни тўшириб қолдиришини ҳисобга олиб, олим бу ёзувни «Рамсес» деб ўқиди. Ж. Шампольон бу улуғ фиръавн тўғрисида «Миср фиръавнлар даврида» деган машҳур асарида ёзган эди.

Ҳаяжонланган Ж. Шампольон яна бир картушни қўлига олди. Бунда ҳаммаси бўлиб учта иероглиф. Кейинги иккита иероглиф унга маълум: «м» ва «с». Биринчи иероглиф—махсус тагликда турган ибис қуши (лайлакка ўхшаш қуш) олимни бир оз ўйлантириб қўйди. Ибис — ой худосининг тимсоли бўлган. Худонинг исми эса — Тот. Демак, «Ттмс» деб ёзилган экан. Тушириб қолдирилган унлиларни ҳисобга олганда бу сўз «Тот-мес» ёки «Тутмес» деб ўқилади. Бу қудратли фиръавннинг номи ҳам олимга илгаридан маълум.

Фиръавнларни қўя турайлик. Ниҳоят, иероглифлар жумбоғи ечилганига Ж. Шампольоннинг имони комил! Олим олинган натижаларни қайта текширишга яна ярим кун сарфлади. Ҳаммаси тўғри. У қоғозларни олиб ўзининг биринчи дўсти — акаси ҳузурига чопди. Акаси шу атрофдаги бир кутубхонада ишлаб ўтирган эди. Ж. Шампольон кутубхонага кириши билан:

— Жумбоқни ечдим!— деб бақирди-ю ҳушидан кетди; бу ойлар ва йиллар давомида бетиним ишлаш, зўри-

қиш ва кейинги кунлардаги қаттиқ ҳаяжон оқибати эди.

1822 йилнинг 14 сентябри мисршунослик фани бунёдга келган кун бўлди. Шу кунни дунё минг йиллардан буён сирли белгиларда — иероглифларда яшириниб ётган энг қадимий маданиятдан яна бирини кашф қилди. Энди тарихчилар учун ҳам, келгуси авлодлар учун ҳам бу маданиятнинг эшиги ланг очилди. Бу эшикни гренобллик ёш олим ечди.

Аммо кашф қилиш билан иш битган ҳисобланмайди. Севган иши билан шуғулланиш, қалбига яқин иероглифларни ўқиш ўрнига рақибларнинг хуружларини даф этишга қимматли вақтини, меҳнатини ва соғлигини сарф-ляяжаги Ж. Шампольоннинг хаёлига ҳам келмаган эди. Унинг рақиблари кўп бўлиб чиқди.

Олимнинг кашфиёти фан оламига маълум бўлгач, ҳамма олимлар Ж. Шампольон таклиф этган «калит»нинг тўғрилигини текшириш, текстларни солиштириш, иероглифларни ўқишнинг бирдан-бир тўғри усули шу эканлигига далил ахтариш йўлига тушиб кетдилар.

Ҳар қандай номаълум ёзувнинг талқини илмий мунозарасиз ўтмайди. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Лекин Ж. Шампольон кашфиёти билан боғлиқ мунозараларда илм-фан манфаатларига қараганда кўпроқ шахсий манфаатлар ҳисобга олинди. Ж. Шампольонга ҳасадгўйлар ҳам («нега кашфиётчи Ж. Шампольон-у, мен эмас?»), инқилобий қарашлари учун Ж. Шампольонга анчадан бери ўчакишиб юрган ашаддий монархистлар ҳам, сохта ватанпарварлар ҳам («кашфиётчи нега француз-у, айттайлик, инглиз Т. Юнг эмас? тарзида) қарши чиқишди.

Кашфиёт ман-ман деган мисршуносларнинг иззатнафсига тегиб кетган эди. Масалан, ўша Т. Юнг, гарчи Ж. Шампольоннинг хулосаларини эътироф этган бўлса-да, ҳар қалай, биринчи кашфиётчи ўзи эканлигини айтишни эсдан чиқармади: «Иероглифларни ўқишга ёрдам берадиган калитни Шампольон Англиядан (Юнг «мендан» демоқчи) олган, лекин қулф шунчалик занглаган эканки, фақат Шампольоннинг бақувват қўлигина калитни бурай олди».

Ёш олимга рақиблари орасида уни плагиатор ҳисобловчилар, фактларни бузиб кўрсатишда айбловчилар, француз инглиз тадқиқотчиси ишлаб чиққан усулга асосланиб унинг ишини фақат тўлдирди, дейдиганлар ҳам топилди. Бунга Ж. Шампольон бамаъни жавоб қайтар-

ди: «Нега Юнг икки исми — Птолемей ва Береникани таҳлил қилишга уринди-ю, кейин бирданига тўхтаб қолди, мен эса ўз таҳлилим натижаларини қўлланиб, бошқа талайгина исмларни қийналмасдан ўқидим?» Бу саволга яна ўзи жавоб бериб: «чунки менинг системам билан Юнгнинг системаси бир-бирига ўхшамайдиган, мутлақо бошқа-бошқа системалардир» деди.

Ж. Шампольоннинг: «Қадимги мисрликларнинг иероглиф системаси очерки ёки бу муқаддас ёзувнинг асосий элементлари ҳақидаги, уларнинг турлича комбинациялари ҳақидаги ва мазкур система билан бошқа миср ёзув усуллари ўртасидаги боғланишлар бўйича изланишлар» номи билан босилиб чиққан жиддий илмий асари унинг рақибларига сезиларли зарба бўлди. Олим бу асарида ёзув системасини муфассал тушунтириш билан кифояланиб қолмай, Юнг усули билан ўз усули ўртасидаги фарқни ҳам кўрсатиб берган.

Ж. Шампольоннинг тарафдорлари ҳам бор эди. Россиянинг ўқимишли, билимдон кишилари француз олимнинг кашфиёти нақадар катта аҳамиятга молик эканлигини дарҳол фаҳмладилар. Россия Фанлар академиясининг аъзоси, Халқ кутубхонасининг директори А. Оленин уни ёқлаб чиқди. У миср ёзувларини ўқишни ўзи тажриба қилиб кўрсатиб, улуғ француз олими ишлаб чиққан усулнинг тўғрилигини тасдиқлади. 1827 йил 10 январда Ж. Шампольон улуғ немис шоири И. Гёте билан бир вақтда Россия Фанлар академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайланди.

Йиллар кетидан йиллар ўтаверди, иероглифларни янгича ўқиш усулининг тарафдорлари ҳам кўпаяверди: С. де Саси, П. Лаплас ва Ш. Фурье, В. Гумбольдт Ж. Шампольоннинг системасини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Олимнинг ўзи-чи? У кечанч кеча, кундузни кундуз демай, ишини давом эттирди. Франция музейларидаги Миср ёдгорликларини ўрганиб чиққач, Қадимги Миср билан боғлиқ осори атиқаларининг ўша вақтда дунё бўйича энг катта хазинаси тўпланган ўлкага — Италияга равона бўлади.

Ж. Шампольоннинг энг катта орзуси иероглифлар ватани бўлмиш Мисрга бориш, болалик чоғиданоқ хаёлини камраб олган мамлакатни ўз кўзи билан кўриши эди. Ниҳоят, Франция ҳукумати экспедиция уюштиришга рухсат беради ва бунга маблағ ажратади.

Ж. Шампольон Мисрда бир ярим йил яшаб, шу вақт ичида жуда кўп иш қилди. У ўз таъбирлари тўғрилигини исботлаш билан бирга, Миср маданияти тўғрисида кўп материал тўплади. Олим бундай деб ёзган: «Миср қадам-бақадам кезиб чиқилди, мозийнинг зеб-зийнатларидан нимаики сақланиб қолган бўлса, ўшанинг олдида тўхталиб ўтдим, ҳар бир ёдгорликни махсус ўрганиб чиқдим; номи қадимий адабий ривоятлар билан боғлиқ халқнинг тарихини ойдинлаштириб берадиган барча нақшларни суратга олишни, ҳамма ёзувлардан нусха кўчиришни ҳамроҳларимдан илтимос қилдим. Тўплаётган материалларим кутганимдан ҳам ажойиброқ бўлиб чиқди. Портфелларимда бебаҳо дурдоналар сақланмоқда, саёҳатим меваси бўлган расмлар чоп этилгандан кейингина Мисрнинг тарихи, бу ўлка динийнинг ва санъатининг тарихи одамларга маълум бўлади ва тўғри баҳоланади, деб айтишга ўзимни ҳақли деб ҳисоблайман».

Бироқ Ж. Шампольон тўпланган материалларини (жами 20 том) ишлаб чиқишга улгурмади. Доимий муҳтожликда яшаш, зўр бериб, қаттақ ишлаш олимнинг силласини қуритди... У бошлаган ишни шогирдлари, издошлари давом эттирдилар. Ж. Шампольон қўйиб кетган тамал тоши устида янги фан — мисршунослик фани қад кўтарди.

Кейинроқ бориб қадимги миср ёзуви системаси бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқилди, шу пайтгача «сир»-лигича қолиб келган ёдгорлик ва мақбаралардаги ёзувлар, папируслар тилга кирди.

...1891 йилда Юқори Мисрда ер остидан оддийгина сопол идиш топилди. Бу идиш ичидан найсимон қилиб ўралган бир неча қадимий папирус чиқди. Папирусларга битилган иероглифлар шундайгина билиниб турарди. Бир неча папирусни рус мисршуноси В. Голенишчев сотиб олди. Олим ёзувни таржима қила бошлаши билан ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳамма папируслар бир яхлит ҳикоянинг давоми экан. Текстнинг мазмуни шу қадар ғалати эдики, ҳанузгача олимлар бу ерда нима тўғрида сўз кетаётганлиги хусусида аниқ бир фикрга келган эмаслар.

В. Голенишчев папирусларнинг ҳаммасини сотиб олмаганига кейинчалик жуда ачинди. Текстнинг бир қисми бадар йўқолган, қолгани эса уваланиб кетадиган ҳолга келган.

Папирусларда мана бундай гаплар ёзилган:

«...29 кун Библ бандаргоҳида бўлдим, ҳоким «Бу ердан жўнаб кет» деган буйруқ билан ҳар кун менинг ҳузуримга бандаргоҳ бошлиғини юборар эди.

Мен ўзимга тегишли нарсаларни Мисрга жўнайди-ган кемага юклаб, қоронғи тушишни кутиб турдим. Кемада эдим, бандаргоҳ бошлиғи ёнимга келиб: «Эрта-гача шу ерда қол. Хўжайин буюрди» деди.

Тонг отгач мени денгиз соҳилидаги саройга олиб келишди. Хонага кирганимда ҳоким ойнага орқасини ўгириб ўтирарди. Унинг орқа томонида улуг Сурия денгизи мавж урар эди.

Мен унга: «Сени тангри Амун ёрлақасин!» дедим. У мендан сўради: «Сенинг Амун масканидан кетганингга қанча вақт ўтди?». Унга жавоб бердим: «Шу бугунга қадар беш ой-у бир кун бўлди».

Бу ерда гап фивалик коҳин Ун-Амуннинг Финикияга сафари тўғрисида борар эди. У муқаддас кемабоп ёғоч олиб келиш учун Финикиянинг Библ шаҳрига юборилган. Тангри Амун маъбадининг бош коҳини сайёҳга тавсиянома ҳамда ёғоч ҳақини тўлаши учун кумуш пул ҳам берган. Лекин йўлда Ун-Амун тавсияномадан ҳам, кумушдан ҳам жудо бўлган. Аммо бу ҳол унинг шаштини пасайтирмаган. У аҳволни тўғрилаш, ёғоч сотиб олиш учун кумуш топиш ниятида муттаҳамлик йўлига ўтиб олиб, йўлда кимнидир тўнаган.

Ун-Амун элма-эл юриб, ниҳоят, Библга етиб келади. Бироқ унинг сарсонгарчиликлари бу билан тугамайди. Аввало, мисрлик коҳинни шаҳарга киритишмайди. У йигирма тўққиз кун бандарда қолиб кетишга мажбур бўлади. Шаҳарга киришдан умидини узиб, келган жойига қайтай деб турганида Чекер-Баал шаҳри ҳокимидан элчи келиб, зудлик билан ҳоким саройига бориши зарурлиги хусусида буйруқ борлигини айтади. Ҳикоянинг юқорида келтирилган парчасида сўз шу ҳақда бораётган эди. Шундан кейин ҳоким Ун-Амундан тавсияномани кўрсатишни талаб қилади. Аммо, бизга маълумки, коҳинда тавсиянома йўқ эди. Қўлида шундай хат бўлганлигига у ҳокимни аранг ишонтиради. Ун-Амунда кумуш ҳам жуда оз эди, шунинг учун зарур маблағнинг етишмаган қисминий олиб келиш учун Мисрга одам юборишга тўғри келади.

Ун-Амуннинг тишни-тишга қўйиб чопарни кутишдан бошқа иложи йўқ эди. Ниҳоят, Мисрдан олтин ва кумуш, қимматбаҳо кийимбошлар, папируслар, балиқ ва бошқа

совға-саломлар ҳам етно келади. Буларнинг ҳаммасини кўриб Чекер-Баал ҳоқими ийиб кетади, у дарахтларни кесиб, бандарга олиб бориш тўғрисида буйруқ беради.

Егочларни кемага ортиб, Ун-Амун юртига жўнаб кетади. Аммо унинг мусибатлари ҳали тугамаган экан, денгизда довул кўтарилиб, кема Аляшия ороли соҳилига лангар ташлашга мажбур бўлади.

Худо Амун бандасининг бундан кейинги тақдири бизга маълум эмас. Ҳар қалай у сафардан омон қайтган, акс ҳолда ўз сафари ҳақида ёзмаган бўларди.

Гапнинг очигини айтганда, бу сафарнинг таажжублантирадиган жойи йўқ. Лекин гап шундаки, буни эрамиздан олдинги XI асрдаги Финикия шаҳарларининг тавсифи берилган бирдан-бир ҳужжат деб ҳисоблаш мумкин. Ахир, Геродот Финикияда Ун-Амундан олти аср кейин бўлган. Ун-Амуннинг қадимги шаҳарлар, мамлакатлар, давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми тўғрисидаги ҳикоялари, география ва этнографияга онд ёзувлари олимларга жуда кўп ва қизиқарли маълумотлар берди.

Папирусдаги қизиқ бир тафсилот диққатни ўзига тортади: сафарда юрганида коҳиннинг ёнида тилмочи бўлмаган, балки қадимги миср тили анча кенг тарқалган тил бўлгандир.

Бу янги маълумот ва тафсилотлар эрамиздан олдинги икки мингинчи йилликдаги давлатлар тўғрисидаги билимларимизни анча кенгайтди. Қўлимиздаги папирус ўша замонлардан қолган якка-ю ягона ёзма ҳужжат эканлигини, унинг бошқа нусхаси йўқлигини ҳисобга олсак, мазкур ёдгорликнинг қанчалик зўр аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади.

Лекин Ж. Шампольон бўлмаса, бу папирус тилга кирмас эди. Шу жиҳатдан олганда француз олимнинг бажарган ишини том маъноси билан жасорат дейиш мумкин. У топган «калит» туфайли ибодатхона ва ҳайкаллардаги ёзувлар ҳам, сарғайиб кетган папирус ўрамлари, асрлар ғубори остида қолган мўмнёлар ҳам гўё тилга кирди ва биз Қадимги Миср ҳаётининг ич-ичига назар ташлаш, Мисрнинг адабиёти билан танишиш, қадимги шеърятнинг кишини ўзига ром этувчи сеҳрини ҳис этиш имкониятига эга бўлдик.

Миср адабий асарларининг бош қаҳрамонлари яхши ва ёмон, ҳар нарсага қодир худолардир, кўпинча қуёш худоси, ёруғ кун, эзулик ва адолат тангриси Ра дир.

...Ра кемаси осмон гумбази бўйлаб ўзининг кундузги йўлини сузиб ўтгач, ҳар кун и кечқурун ғарбдаги тоғлар олдига етиб боради, ер ости салтанатига кириладиган жой шу ерда. Тоғ павнанлари тилла юзли худо Ра шарафига қўшиқ айтадилар:

Павнанлар зотини
Яратгани куйлаймиз,
Унга ўйин тушамиз,
Уни мақтаб тўймаймиз.

Ра асъаса-ю дабдаба билан кун қайиғидан тун қайиғига ўтади. Ун икки дарвозали узун ва тор водийдан оқиб ўтган ер ости Нили бўйлаб дўзах томон суза бошлайди. Дарвозаларни оғзидан ўт сочувчи илонлар қўриқлайди. Ра кемаси ҳар дарвозадан туннинг маълум бир соатида ўтади, у ер ости Нили бўйлаб сузиб борар экан, ўлганларнинг руҳлари ўз мақбараларидан чиқиб қуёшни қаршлайдилар, унинг ёғдусидан баҳраманд бўладилар:

Шараф бўлсин сенга, Ра!..
Дуат аҳли қилар сенга эътиқод,
Жаҳаннамдан сажда қиларлар бот-бот
Таҳсин ўқиб бор бўл дея сени жаҳон бахтига...

Мана бу мисралар қуёшга бағишланган мадҳиядан:

Сен — ўлкалар, халқлар учун битмас ҳаёт манбаи,
Буюк Нили осмонларга жо қилдинг ўзинг.
Пайкаллар ҳам озиқланар шуълаларингдан,
Чиқсанг—чиқиб ниҳоллар ҳам шарафлар юзинг.

Илнинг ҳар фаслига тартиб бердинг сен
Ўзинг бунёд этган жопларни бўйлаб.
Қишни — улар бўлмоғи учун бардам,
Ёзни — қудратингни кўрсатмоқчун ҳам.

Кўк гумбаз яратдинг — ярқираб бутун
Ердаги ишларинг кузатмоқ учун.
Танҳосан ўзинг!

Мисрликлар китобни ниҳоят даражада улуғлаганлар, ҳатто муқаддас нарса деб билганлар. Уни «инсон руҳининг малҳами» деб таърифлаганлар. Одатда китобхоналар ибодатхоналарга қарашли бўлган, у ерга фақат тагли-тахтли одамлар, аслзодалар кира олган. Бу китобларнинг аксарияти лийнӣ мазмунда бўлган, худоларга мадҳия, ҳамду санолар ҳамда турли-туман кароматлар,

башоратли сўзлар, сеҳр-афсунлар, илтижолар, диний китоблар бўлганлиги турган гап. Лекин астрономия, тиббиёт, мунажжимликка оид китоблар, хизматга доир ҳужжатлар, сўз санъатига оид асарлар ҳам бўлган.

Қадимги мисрликлар ҳазил-мутойибани яхши кўришган. Ҳатто математикадек жиддий фанда ҳам геометрик прогрессияга оид масала мана бу тарзда берилган: «Етти уйда еттитадан мушук бўлган, ҳар бир мушук еттита сичқон тутиб еган, ҳар бир сичқон еттита бошоқча еган, ҳар бир бошоқчада еттитадан дон бўлган. Ҳаммасини қўшганда қанча бўлишини ҳисоблаб топинг».

Мисрликларнинг лирик асарлари туйғуларнинг тираклиги, оташинлиги ва гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун этади:

Сенинг муаттар ҳидинг — малҳамнинг хуш бўйндир.
Баданинг ўхшар, лейман, позик мева гулига.
Ўшатаман умрингни доннинг ҳаёт кучига
Тонгги қуёшдир чехранг,
Қувонч тўла нигоҳинг...

Инсоний доноликни ўзида тўплаган Миср китоблари қадимги дунё маданиятига катта таъсир кўрсатган. Улар биз учун ҳам чинакам илм хазинасидир.

„Чигалнома“

Ҳозирги замон хитой ёзуви шакли жиҳатдан ҳам, қўлланилиш усули жиҳатдан ҳам бизнинг ёзувларимиздан шунчалик фарқ қиладики, биз бу ёзувнинг мазмунини жуда қийинчилик билан тушунамиз. Ажи-бужи ёзилган хатни ўқиб тушуниб бўлмаганидан уни баъзан «чигалнома» дегинг келади. Хитой ёзуви ҳам бизга «чигалнома» бўлиб кўринади.

Хитой ёзуви дунёдаги ноёб ёзувлардан бири бўлиб, ҳозирги замон кишиси фойдаланадиган ёзувлар орасида энг қадимийсидир. Қадимги Миср иероглифларига ва Шумер миҳхатига тенгдош бўлган бу ёзув ўзига хос тараққиёт йўлига эга бўлганлиги учун ҳам шу пайтгача сакланиб келмоқда.

Эрамыздан олдинги III асрдаги Хитой. Мамлакатда қадимги хитой маданиятининг асослари яратилган. Конфуцийлик ва даосизм диний-фалсафий системалари шаклланиб бўлган. Биринчи адабий ёлгорликлар тўплами — «Қўшиқлар китоби» (Шинцин), энг қадимги хитой халқ поэзияси мажмуаси (эрамыздан олдинги XI—

VII асрларга мансуб уч юздан ортиқ асарни ўз ичига олган), «Ўзгаришлар китоби» (Ицзин) ва хитой табиат фалсафаси ёдгорлиги вужудга келган.

Бу даврда Хитой марказлашган империяга бирлашган, Улуғ хитой девори қад кўтарган. Ана шу вақтда, аниқроғи, эрамиздан олдинги 221-йилда хитой ёзуви ислоҳ қилиниб, иероглифлар тартибга келтирилган ва бутун мамлакат учун ягона ёзув системаси жорий этилган. Натижада хитой ёзуви муайян тарзда шаклланган иероглифлар системасидан иборат бўлган. Ҳар бир иероглиф алоҳида бир сўзни билдирган.

Хитой оғзаки тили ўзига хос ва турланувчандир. Унда товуш, оҳангнинг баланд ёки пастлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чет элликлар хитой тилининг бу хусусиятини аранг сезадилар ва уни катта қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Бир хилдаги товушлар йиғиндиси (хитой тилида бир бўғинли сўзлар кўп) қандай оҳангда талаффуз этилишига қараб, мутлақо бошқа-бошқа маънони билдиради.

Сўз паст оҳангда талаффуз қилинганда бир маънони, салгина баландлашиб борувчи оҳангда — бошқа маънони, баланд оҳангда талаффуз этилганда эса — учинчи хил маънони англатади. Масалан, *ли* бўғини ўзбекча ҳарфлар билан ёзилса-ю қандай оҳангда талаффуз этиш кераклиги кўрсатилмаса, хитой учун у ҳеч қандай маънони англатмайди. Лекин оҳанги кўрсатилган шу бўғин кўпгина мустақил маъноларни билдиради: *куч, маросим, тепа ё дўнг, дон, ҳукм суриш, туриш* ва ҳоказо. Ҳар бир маънонинг ўз белгиси бор, хитой сўзнинг маъносини шу белгидан билади.

Хитой тилининг яна бир хусусияти шуки, унда грамматик формалар ва категориялар, умуман, грамматика ҳам йўқ. Лекин бизникидан фарқ қиладиган синтаксиси бор. Жумлада сўзлар тартиби қатъий белгиланган. Бир иероглифнинг ўзи ҳам феъл, ҳам от, ҳам сифат бўлиб келиши мумкин, бу эса иероглифнинг жумлада қайси ўринда келишига боғлиқ.

Иероглифлар тик устун тарзида ўнгдан чапга қараб ёзилади. Саҳифада биринчи сўз ўнг чеккада, энг юқорида, охириги сўз эса чапда, энг пастда жойлашган бўлади.

Бошқа кўп ёзув системалари каби, хитой ёзуви ҳам аслида пиктограммадан бошланган. 1899 йилда Хэнань вилоятинда ўтказилган қазувлар вақтида хитой ёзувининг эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликка мансуб

қадимги намуналари топилдики, бу ёдгорликлар ҳам юқоридаги фикримизни тўла тасдиқлайди. Буюмнинг тасвири сақланиб қолган, лекин, шу билан бирга, анча схемалаштирилган ва иероглифларга ўхшаб кетадиган белгилар ҳайвонлар суягига ва тошбақалар косасига тушурилган экан... Фолбинлар ана шу буюмлар ёрдамида ром очишган. Олимларнинг фикрича, булар подшо валиларига тегишли буюмлар бўлган. Ёзувлар яхши сақланган. Баъзи бир суяклар кўзгудек силлиқ.

Фол очиш қадимги замон кишисининг ҳаётида гоят муҳим одат ҳисобланган. Фол очтирмасдан туриб бирон-та жиддий ишга қўл урилмаган. Қўйидагича фол очилган. Суякка белгилар ўйиб туширилган, тескари томондан бронза таёқча ёрдамида куйдирилган. Белгилар жавоб олиниши лозим бўлган саволни билдирган. Суяк куйганида дарз кетган. Шу дарзлар, ёриқлар қандай иероглифга ўхшаса, қўйилган саволнинг жавоби ана шундан иборат бўлган.

Бориб-бориб иероглифлар шакли жуда ўзгарган, дастлабки белгилар тушунилмайдиган бўлиб қолган, натижада қадимги «фол» суяклари муқаддас буюмга чиқарилиб, шифобахш восита сифатида ниҳоятда қадрланган. Уларни «аждаҳо суяги» («лун гу») деб атай бошлаганлар, ҳовончада туйиб, турли дориларга қўшиб берганлар.

Топилган ёзма ёдгорликлар (улар юз мингдан кўпроқ) вақт ўтиши билан иероглифлар шакли қандай ўзгариб борганлигини кўз олдига келтириш имконини берди. Бу ёзувларнинг «мағзини чақиш»га 1900 йилдан буён уриниб келинмоқда, лекин ҳозиргача уларнинг баъзиларигина ўқилган. Дастлаб мутахассислар, шу жумладан хитой мутахассислари ҳам белги-иероглифлардан яхлит ёзув тузишга ҳаракат қилдилар, лекин бундан натижа чиқмади. Фақат айрим белгиларнигина ўқишга муваффақ бўлинди.

Белгиларни ўқиш қўйидаги тартибда борди. Турли даврларга оид ҳар бир иероглиф учун белгиларнинг ўзига хос қатори ҳосил қилинди. Олимлар ҳар «тадрижий» қаторни суяклардаги ўхшаш белгилар билан солиштириб маъносини аниқладилар.

Улар шу йўлдан бориб, белгиларнинг учдан бир қисмини, яъни бир ярим мингдан ортиқ белгини ўқий олдилар. Бошқа белгилар тил ривожланган сари ўз-ўзидан йўқолиб кетган деган тахминлар ҳам бор. Ер, тоғ, дарё,

қуёш, ой, ёмғир, шамол париларига қилинган илтижони билдирувчи ёзувлар ҳам ўқилди. Қадимги хитойларнинг этиқодича, турли табий офатларни келтириб чиқариш ёки уларни даф қилиш шу париларнинг измида бўлган. Бу фол ёзувларида «олий тангри»ни билдирувчи иероглиф «подшо» тушунчасини ҳам ифодалаган.

Профессор Х. Криль хитой ёзувининг ўқилиши миср иероглифларининг ўқилиши каби аҳамиятга эга, деб ҳисобламоқда.

Тўрт минг йил давомида хитой тилининг структура-сида бирор жиддий ўзгариш рўй бермаган. Лекин белгиларнинг шакли анча ўзгарган. Сўз состави кенгайган, лекин сўз ясаш ва жумла тузиш принциплари қандай бўлса, шундайлигича қолган, албатта. Бундан қарийб икки минг йил бурун яратилган иероглифлар таснифи ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мазкур тасниф хитой олими Сюй Шэннинг «Қадимги ишораларни тушунтириш ва таркибий белгиларни анализ қилиш» номли асарида баён қилинган. Олим оғзаки сўзларнинг ёзувда ифодаланиш усулига асосланган барча иероглифларни олти гурппага бўлади.

Белгиларнинг биринчи категориясига аниқ бир буюмни билдирадиган иероглифлар киради. Бу иероглифлар шакли жиҳатдан белги-расмларга оиддир. Бу гурппа хитойчасига «сян» деб аталиб, «шаклан ўхшашлик» деган маънони билдиради.

Иккинчи гурппага киритилган белгилар «чжи-ши» деб аталади. Унга мавҳум тушунчаларни тасвирловчи иероглифлар киритилган. Улар ана шу тушунчалар билан боғлиқ буюмлар ёки хатти-ҳаракатлар воситасида

𠂇	子	Бола	雨	雨	Ёмғир
木	木	Дарахт	犬	犬	Ит
門	門	Эшик	巴	巴	Катта илон
矢	矢	Найза ўқ	手	手	Қўл
心	心	Юрак	貝	貝	Жавоҳирот
言	言	Сўз	田	田	Дала

ифодаланади. Масалан, «хунар» деган тушунча бирор меҳнат қуролининг тасвири билан ифодаланади.

Учинчи группа «Хузэй-и» деб аталиб, мураккаб тушунчаларни, мантиқий бирликларни ўз ичига олади. Белги иккита ёки бир неча иероглифнинг бирга қўшили-



勿 йўқ, йўқ (эътироз билдириш)



言 Сўзламоқ, сўз



中 Ўрта



界 Чегара

шидан ҳосил бўлади. Масалан, *аёл* белгисининг иккита-си — *жанжал*, учтаси — *фитна* тушунчасини, *одам* плюс *сўз* — *очиқ кўнги*л, *дала* плюс *куч* — *ёш* деган маъноларни билдиради.

Тўртинчи группа — «чжуань-чжу» деб аталган; бунини «четга чиқиш ва ўрин алмаштириш» деб таржима қилиш мумкин. Бу группага янгича маънода ишлатиладиган иероглифлар киради. Масалан, *шаҳзода* белгиси иероглифларнинг вазияти, ўрнига қараб *мансабдор* ёки *хат ташувчи* мазмунини билдириши мумкин.

«Цзя-цзэ» дейиладиган бешинчи группа «ўзлаштириш воситасила ёрдам» деб таржима қилинади. Эшитилиши бир-бирига ўхшаш, лекин бошқа-бошқа маънони билдирадиган сўзлар — омонимлар — битта иероглиф билан ифодаланади.

Олтинчи группа — «се-шэн» деб аталиб, «маънони товуш билан мослаш» демакдир. Иероглифларнинг аксарият кўпчилиги ана шу группага киритилган бўлиб, белгиларнинг ўндан тўққиз қисмини ўз ичига олади. Ҳар бир белги икки қисмдан: сўзнинг қандай айтилишини билдирадиган фонетик элемент ва «очқич белги»дан иборат. Хитой тилидаги белги яшаш принциплари минг йиллар давомида ўзгармаган бўлса-да, хитой иероглифларининг шакли тадрижий тараққиёт босқичини босиб ўтган.

Хитой иероглифи дастлабки тўққизта чизиқ (штрих)дан таркиб топади. Иероглиф белгиларининг турли-ту-

манлиги шу чизиқларнинг комбинациясидан иборат. Баъзи чизиқлар битта белгида икки-уч мартадан такрорланади. Иероглифлар шаклида 1 тадан 28 тагача чизиқ (штрих) бўлиши мумкин. Иероглиф шаклининг ўзгариши аввало улар тушириладиган материалга боғлиқ. Ингичка бамбук чўплар билан ипак матога ёзилганда тўғри чизиқларни ҳам, эгриларни ҳам бир хил катталиқда тушириш осонроқ бўлади. Белгиларнинг шаклига қилдан тайёрланадиган мўйқаламлар таъсир кўрсатган.

Хуснихат Хитойда энг юксак санъат ҳисобланган. Хаттотлик санъатига бағишланган дostonлар пайдо бўлган, ёзув белгиларининг айрим чизиқларини узайтириш, қисқартириш, айрим чизиқларни бирлаштириш ёки тушириб қолдиришга бағишланган кўплаб қўлланмалар яратилган. Хатто «Квадратга жойлаштириш» деган тушунча ҳам бўлган. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир иероглиф квадрат ичига ёзилган. Янги хат намуналарини топган хаттотларнинг обрў-эъгибори атоқли рассомлар, ёзувчилар ва шоирларникидан кам бўлмаган. Турли нарсаларнинг қиёфаси билан боғлиқ кўплаб жимжимадор хатлар пайдо бўлган: «итбалиқлар хати», «юлдузлар хати», «аждарҳолар хати», «булутлар хати».

Қоғоз ихтиро қилиниши иероглиф тасвирининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Хат ёзиш учун узоқ вақт давомида ноқулай бамбук тахталардан ва қимматбаҳо шойи ўрамларидан фойдаланилган. Агар тахталаларга ёзилган текст узун бўлса, тахталалар худди елпиғичга ўхшатиб даста-даста қилиб боғланган, шойи эса таёқчага ўралган.

Биринчи қоғозни конфуцийчи-олим, кўзга кўринган давлат амалдори Цай Лунъ эрамизнинг 105 йилида ихтиро қилган. Хитой тилида қоғозни «чжи» деб аташган. Қоғозни авваллари ипак чиқиндисидан, лосдан, бамбук ва тут пўстлогидан тайёрлашган. «Чжи» папирусдан енгил ва пишиқ бўлган. Уни дафтардек буклаш мумкин бўлган.

Хитойда китоб чоп қилиш ишлари эрта бошланган. Хитойда тамга босишни эрамиздан илгариеқ билишган. Тошга киска текстлар ўйиб ёзилиб, кейин улар қора бўёқ (тушь) суртиб қоғозга туширилган. VII—VIII асрларга келиб ёғоч тахталардан фойдаланиш расм бўлган. Тахтага ҳарфлар бўртма қилиб ўйиб ёзилган. VIII асрдан бошлаб дунёда биринчи бўлиб Хитойда ҳукумат бюллетени босма усулда нашр этилган, бюллетень даст-

лаб «Сарой нухалари» («Дичао») деб, кейин «Пойтахт ахбороти» («Цинбао») деб аталган.

1050 йилдан бошлаб сўзлар айрим белгилар билан терилган. Уша даврдаги қомусий бир асарда айтилганидек, бу усулни «ип газлама либосдаги одам» — темирчи Би Шэн ихтиро қилган. Босма ҳарфлар дастлаб сополдан тайёрланган, XIV асрда эса бронзадан қуйиб тайёрлана бошлаган. Босма ҳарф, яъни шрифт сақланадиган босмахона кассасида 7 мингта ҳар хил лигера (ҳарф) бўлган.

Уша даврдаги қомусий маълумотларга қараганда, кўчма литералардан сўзлар қуйидагича терилган (набор тузилган): «...у қовушоқ лойни олиб, унга баландлиги танга ҳошиясича келадиган белгиларни ўйиб туширган, ҳар бир белги учун алоҳида лигера тайёрлаган, тошдек қотиб қолиши учун уни оловда пиширган. Бундан олдин у темир тахта тайёрлаган, унга смола, мум ва қоғоз кулидан тайёрланган елим суртган. Кейин темир тахтача устига темир рамка қўйган, рамка ичига литераларни бир-бирига тақаб тизган (жойлаштирган). Рамка тўлгач, бамисоли яхлит босма тахта ҳосил бўлган. У бу тахтани оловга тутиб, унинг юзидаги елим қатламини бир оз юмшатган; шундан кейин у жуда силлиқ тахта олиб, уни наборли тахтача устига қўйган ва жуда қаттиқ сиққан, натижада терилган литералар, яъни наборнинг юзаси қайроқтошниги сингари теп-текис бўлган. Агар бу набордан фақат икки ёки уч нусха (оттиск) босиладиган бўлса, бу секин кетадиган ва ноқулай жараёни ҳисобланган, лекин ўнлаб, юзлаб ёки минглаб нусха босишда иш жадал борган...

Ҳар бир ёзув белгиси учун унинг ихтиёрида бир қанча лигера, кенг қўлланиладиган белгилар... учун... эса ҳатто 20 дан кўпроқ лигера бўлган. Ёзув белгилари бир саҳифада такрорланиб турганлигидан унга запас литералар керак бўлган... Агар тайёрлаб қўйилмаган кам учрайдиган белгилар зарур бўлиб қолса, у ўша заҳоти лойдан бу белгиларни ўйиб олган ва уларни похол ёқиб пиширган; бир зумда янги лигера тайёр бўлган...

Наборни босиб бўлгач, у, темир тахтачани яна оловга тутиб елим қатламини юмшатган, кейин рамкага қўли билан уриб литераларни туширган; сочилиб тушган литералар куп-қуруқ, ёпишмайдиган бўлган».

Замонавий хитой тили — жаҳондаги кенг тарқалган тиллардан биридир. Деярли бир миллиард киши шу тил-

да сўзлашади. Хитой иероглифик ёзуви грамматик формалари: келишиклари, замонлари, флексиялари бўлмаган тилнинг структурасига жуда мос келади. Баланд оҳангда талаффуз этилиши билангина фарқ қиладиган ўхшаш жарангдор сўзларни иероглифлар билан ифода-лаш (баён этиш) қулай.

Бироқ хитой ёзувида белгилар жуда кўп бўлганлигидан у кўп жойни эгаллайди ва ўзлаштирилиши қийин. Энг содда текстни ўқиб тушуниш учун камида икки мингта иероглифни билиш керак, ўртача мураккаб замонавий текстни ўқиш учун эса қарийб саккиз минг иероглифни эсда тутиш талаб қилинади. Буларнинг ҳаммаси хитой ёзувининг халқ орасида тарқалишига жиддий тўсқинлик қилади.

Хитойда хитой нутқининг оҳангини етказа оладиган алифбе яратишга бир неча бор уриниб кўрилган. Шулардан бири 1918 йилда пайдо бўлган («Чжу-инь цыму»). Бу алифбе 40 ҳарфдан иборат бўлиб, хорижий номларни ва отларни ёзиш (транскрипция қилиш) учун қўлланилган. Бошқа алифболар ҳам бўлган: «гоюй ломацзы» (давлат тилининг романлаштирилиши), «латинхуа синьвэньцзы» (латинлаштирилган янги ёзув).

Ҳарфли-товушли ёзувга ўтиш мамлакатда тарқалган кўплаб шеваларни қийинлаштирган. Гарчи барча шева-ларнинг тузилиш негизи ва луғат фонди умумий бўлса-да, эшитилиши (оҳанги) жиҳатдан жуда ҳам, лексикаси жиҳатдан бир озгина фарқ қилади. Масалан, пекинликлар ва кантонликлар бир-бирларини иероглифлар ёрдамида тушуниши мумкин, бироқ уларда иероглифлар турлича ўқилади. Улар фонетик ёзувдан фойдаланганларида бир-бирларини анча қийинлик билан тушунган бўлардилар. Хитойнинг фонетик ёзувга ўтишига яна бир, эҳтимол, энг муҳим сабаб халақит берса керак. Бу — иероглифик ёзувларда мужассамланган қадимги кўп асрлик маданият билан ора узилиб қолиши муқаррарлигидир. Хитой иероглифларининг хусусияти шундаки, улар график структурасидан ҳам, бир-бири билан уйғунлашишдан ҳам қўшимча стилистик-маънавий мазмун, оҳанг олади.

Шуларнинг ҳаммаси бирданга янги алифбога ўтишга йўл қўймайди.

Бизга «чигалнома» бўлиб кўринаётган ёзув ўзига яраша тушуниб бўлмайдиган мураккаблик синонимидир.



ЙЎҚОЛГАН
ДУНЁЛАРНИ
ИЗЛАБ

Шумерлар: миххат ва яна миххат

«Оҳ Шумер, оламдаги барча ўлкалар орасида сўнмас нурга тўлган, балқиган, кун чиқишдан то кун ботишгача бўлган барча халқларга илоҳий қонунларни белгилаб берган буюк диёр!» деб фахрланиб ёзган қачонлардир шумер шоири ўз ватани ҳақида.

Бу ўлка бахтиёр Месопотамия («Икки дарё оралиги») ерларида жойлашган. Осиёнинг икки буюк дарёси Дажла билан Фротнинг суви билан таъминланган, унумдор лёсс тупроқли, серқуёш бу ўлкада қарийб олти минг йил бурун қадимги даврнинг энг буюк цивилизацияси — шумер цивилизацияси вужудга келган.

Кулолчилик ишлари, гилдирак, плуг, сеялка, елканли қайиқ, суғориш каналлари — буларнинг ҳаммасини шумерлар туфайли билиб олганмиз. Шумер давлатининг гавжум шаҳарларида ажойиб идиш-товоқ ясайдиган, мис ва бронзадан ҳашамдор буюмлар қуядиган, қасрлар ва ибодатхоналар қурадиган моҳир усталар меҳнат қилган. Ниҳоят, сопол лавҳаларга битилиб, асрлар оша бизга етиб келган миххат айни шу ерда яратилган.

Биз ҳозир бу давлатнинг тарихини яхши биламиз. Бироқ шумерлар цивилизацияси ассирийлар, бобиллар, оккадлар цивилизациясидан кексароқ эканлигини бундан бир неча йил муқаддам олимлар мутлақо билмаганлар.

Энг қизиғи шундаки, шумерлар археологлар белкураги ёрдамида кашф этилган эмас. Бу тасодифий ҳол ҳам эмас. Дастлаб бу кашфиёт олимларнинг... кабинетларида қилинган. Уларни тарихчилар эмас, балки тилшунослар — лингвистлар кашф этган. Улар миххатнинг хусусиятларини ўрганар эканлар, шу дамгача номаълум бўлган қандайдир халқнинг изини топганлар. Бунда уларга дедукция методи ёрдам берган.

Тилшунослар осурий-бобил ёзувининг хилма-хил эканлигига эътибор берганлар. Миххат лавҳалари (уларнинг сони Ассирия ва Бобил шаҳарлари ўрни қазилгандан кейин анча кўпайди) ҳарфли, бўғинли ва расмли ёзувнинг жимжимадор аралашмасидан иборат эди. Полиглот-олимлар жуда кўп марта текширганларидан кейин, миххатдаги белгиларнинг бунчалик хилма-хиллиги ёзув системасининг узоқ тараққиёти натижасидир, деган

фикрга келдилар. Бундан эса мана бу хулоса келиб чиқади: миххатни бобилликлар ҳам, ассирияликлар ҳам яратган эмас, бу қандайдир бошқа халқнинг ижодидир. Олимлар ҳатто, бу қадимий халқ (бундай халқ бўлганлигини исботлайдиган далил ҳали ўша вақтда топилмаган эди) Икки дарё оралиғига Шарқдаги тоғли районлардан келган, деган тахминларни ҳам айтдилар.

Дадил тахмин! Тадқиқотчиларнинг ўз тахминларига ишониши буюк иш. Бу ишонч шунчалик кучли, эътиқод шунчалик теран эдики, олимлар бу халқнинг номини излашга киришдилар. Ёзувлардан бирида семит шоҳи Саргон (Икки дарё оралиғи жанубий қисмининг қадимги ҳукмдори) ўзини «шумерлар ва аккадлар шоҳи» деб атаган. Шунинг учун баъзи олимлар тахмин қилинаётган халқни шумерлар деб, бошқалари эса аккадлар деб атадилар.

Консуллик вакили француз Э. де Сарзек бир вақтлар сирли шумерлар-аккадлар яшаганлигини исботловчи қатъий фикр айтган. У Қадимий Шарқнинг катта мухлиси эканлиги билан ном чиқарган. 1877 йилда Э. де Сарзек Икки дарё оралиғидаги тепаликлардан бирини қазий бошлаган. Кўп ўтмай, бир ажойиб ҳайкалчага дуч келган, бу ҳайкалча шу давргача топилган ҳайкалчаларга ҳеч ўхшамаган. Дастлабки муваффақиятдан руҳланган ва ўз ишига берилиб кетган Э. де Сарзек қазишни давом эттирган. Бахт унга бундан кейин ҳам кулиб боққан; у жимжимадор нақшлар билан безатилган идиш синиқлари, ҳайкал ва турли ёзувлар битилган сопол тахтачалар — лавҳалар топган. Шу аснода Э. де Сарзек тўрт йил ишлаган.

Ниппур шаҳри шумер ҳужжатларини излашга қизиқтирувчи, ундовчи кашфиёт бўлган. XIX аср охирида америкалик археологлар бу ердан миххат битилган бир неча мингта лавҳа топганлар. Ниппур тахтачалари — лавҳалари 62 та хонага жо бўлган.

Шумерлар қадимги кутубхонасининг топилиши навбатдаги, деярли энг кутилмаган кашфиёт бўлган: кутубхона шумерларнинг қадимги шаҳри — Шуруппакдан топилган; ривоятга қараганда, Нух пайғамбар шу шаҳарда яшаган эмиш.

1902 йилда таниқли немис археологларининг бир гуруҳи, Икки дарё оралиғининг ҳали мутлақо ўрганилмаган, сирли ва номаълум районига дадил экспедиция уюштирган.

Йўл жуда ҳам оғир, азоб-уқубатли бўлиб, уни матонатли, фанга ўз гоёлари ва ижодий ниятларига содиқ кишиларгина чидам билан босиб ўтиши мумкин эди. Жазирама иссиқ (июлнинг ўрталари эди), илонлар ва захарли ҳашаротлар гужгон ўйнаётган таги йўқ ботқоқликлар, чивинлар галаси. Бир неча йил муқаддам америкали археологларга ҳужум қилган бадавийларга дуч келиш эҳтимоллиги. Шунинг учун янги экспедиция кўпроқ ҳарбий қисмга ўхшаб кетарди: ҳар бир археологнинг камарига қурол осилган эди. Бироқ ҳаммаси яхши ўтди. Пул йўлнинг хавфсиз бўлишини таъминлади.

Олимлар ботқоқликлардан, диққи нафас қамишзорлардан кўп қийинчиликлар билан ўтиб олға боравердилар, худо ҳам, одамлар ҳам ташлаб қўйган, унутилган ўлкада, биёбонда шумерлар кутубхонасини... топиш умиди уларга куч-қувват бағишлар эди.

Фарага етиб келинди. Бу катта бир қишлоқ. Унинг аҳолиси қамишдан қурилган кулбаларда яшардилар. Ҳолбуки беш минг йил бурун шумерлар бундай уй-жойларни эскириб қолган ва инсоннинг яшаши учун яроқсиз деб ҳисоблаганлар... Фаранинг ҳокими (у ҳам қамишдан қурилган «сарой»да яшарди) ишчи кучи топиб берганлик учун алоҳида ҳақ тўланишини талаб қилди; у қишлоқдан олинаётган ҳар бир ишчи учун алоҳида ҳақ тўлаши лозим эди. Ишчиларнинг ўзлари ҳам ўз меҳнатларини етарлича юксак баҳоладилар. Бунинг устига, биринчи кунлари қазиладиган жойни қўлларига оғир найза ушлаган, ғамгин чеҳрали, соқолли уч юз киши ўраб олиб иш... талаб қилишди. Улар билан ҳам муомала тўғриланди. Буларнинг ҳаммаси яхшилик билан тугади: бир неча кундан кейин археологлар миҳхат битилган дастлабки сопол тахтачаларга дуч келдилар. Кейин шумер миҳхати билан қадимий ёзувлар битилган кўплаб тахтачалар келиб чиқди. Ниҳоят, ҳақиқий лавҳалар хазинаси топилди...

Шумер кутубхонаси топилди! Кутубхона олимларни ташвишга солиб қўйди. Чунки лавҳалар — тахтачаларнинг кўз ўнгида уваланиб кетиш хавфи бор эди. Улар зах ердан чиқариб олинди, қуритилди, тозаланди, фотосуратга олинди, оловда пиширилди ва пухта ўраб яшикларга жойланди. Бунга саккиз ой, иш натижаларини эълон қилишга эса йигирма йил кетди.

Олимлар шумер кутубхонасини серияларга ажратиб тасниф қилдилар. Биринчи серияни — хўжалик ишлари-

га онд текстлар, иккинчи серияни мактабга тегишли текст: ҳозирги мактаблардаги дафтарлар ролини ўйнаган сопол тахтачалар ташкил этди (бу материаллар шумер педагогикасининг юксак даражада бўлганлиги, шумер ўқувчилари ёзишни қандай ўрганганликлари ҳақида тасаввур берарди). Энг муҳими шуки, шумер кутубхонаси «архаик миҳхат белгилари»нинг рўйхатини тузиш имконини берди.

Бағдоддан Форс кўрфазига бориладиган йўлнинг ярмига етганда катта тепаликка дуч келинади, маҳаллий халқ уни «Тал-ал-муққайир» («Қатронли тепалик») деб атаган. Шумер шаҳарларининг энг йириги — ёруғ юлдузи ҳисобланган қадимий Ур шаҳрини шу тепалик ўз бағрига яширган, деган фикрлар XIX аср ўрталаридаёқ айтилган.

Бироқ бу ерларда археологик қазिशлар 1922 йилдагина бошланган. Инглиз Л. Вулли бу ишни нақ ўн икки йил давом эттирган. Йиллар ўтган сари тупроқ қатламлари остидаги сарой, қасрларнинг харобалари, бир вақтлар салобат сочиб турган ибодатхоналарнинг зиналари очилаверди.

Кўп тоннали қум ва шағал қатламлари олиб ташланиши билан поғонали сариқ минора — «зиккурат», шаҳарда ой худоси Нанна шарафига қурилган бош ибодатхонанинг негизи кўзга ташланди. Бу қачонлардир уч қаватли айвондан ташкил топган салобатли иншоот бўлиб, юқорига кўтаришган сари торайиб бораверган. Миноранинг тепаси теп-текис бўлган, ибодатхона ўша ерда (минора тепасида) жойлашган, ҳар қаватдаги айвонда дарахтлар ўсиб турган. Зиккурат шаҳар ташқарисидан — узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турар экан.

Л. Вулли дафн этилган Ур подшоҳлари даҳмаларининг қолдиқларини очиб кўрди. Аёл ҳокимлардан бирининг даҳмасидан қимматбаҳо буюмлар: олтин идишлар, маликанинг бош кийими топилди. Буларнинг ҳаммаси нафис заргарлик буюмлари бўлиб, шумер усталарининг қўлидан чиққанига беш минг йилдан ҳам кўпроқ вақт ўтган.

Маданияти юксак даражада ривожланган шумер халқи бўлганлигига энди ҳеч ким шубҳа қилмас эди.

Подшоҳлар қабридан топилган яна бир нарса ҳамманнинг диққатини ўзига тортди; бу бурчаклари бир-бирига бириктирилган ва иккита ён учбурчаклар ёрдамида маҳкамлаб қўйилган иккита тўғрибурчакли тахтача-

дан иборат байроқ эди. Байроқлар узун таёққа маҳкам-ланиб, тантанали маросимлар вақтида қўлда кўтариб юрилган, деган тахминлар бор. Лекин энг асосийси: садафлар ва чиганоқлар қадаб нақшлар солинган байроқларда шумерлар ҳаётининг турли кўринишлари тасвирланган.

Мана тўй-томоша, айш-ишрат манзараси тасвирланган байроқ. Бу ерда подшоҳ ва унинг аёнлари, шумерларнинг кийган кийимлари, жиҳозлари ва урф-одатлари кўришиб турибди. Қурбонликка аталган ҳайвонлар олиб кетиляпти — бу манзарадан эрамиздан олдинги учинчи минг йилликда шумерларда қандай ҳайвонлар хонакилаштирилганини билиб олиш мумкин. Мана, асирлар ва жангчилар кетяпти — бу тасвир бизни шумерларнинг қуроллари билан таништиради. Байроқда икки ғилдиракли арава тасвирланган. Бу, кашфиёт эди. Ахир, шу вақтга қадар қадимги дунёнинг кўп мамлакатлари тарихида катта роль ўйнаган икки ғилдиракли вазмин араванинг ижодкорлари ассирийлар деб ҳисобланилар эди-да.

Ҳа, Ур шаҳри ҳақиқатан ҳам гўзал ва улуғвор бўлган. Шумерлар гимнида бу шаҳарга мадҳия ўқилганлиги бежиз эмас:

Эй суви сероб ва адосиз,
Фаровон шаҳар,
Қудратли таянч,
Яшил тоғ мисоли сервиқор,
Тўқлик макони,
Тақдирин Энки башорат қилган диёр,
Муқаддас Ур, доврўғинг тутсин осмонни!

Ур узоқ «яшаган». Урушлар ҳам, ёнғинлар ҳам унинг қаддини букмаган. Лекин табиат кучлари олдида одамлар ожизлик қилган. Фрот дарёси шаҳардан аста-секин узоқлашиб, унинг ҳаётбахш суви ўн беш километр узоқдаги янги ўзандан оқа бошлаган.

Урда ҳаёт сўнган. Ҳашаматли бинолар қум ва чанг билан қопланган, ям-яшил боғ-роғлар қуриб, қақраб ётган чўлга айланган. Агар археологик қазилмалар ўтказилмаса ва жуда кўп хатлар битилган сопол лавҳаларни Л. Вулли харобалар остидан топиб олмаса, бизга бу шаҳарни ҳеч нарса эслатмаган бўларди. Топилган лавҳалар сонини 20 мингдан ҳам кўп. Улар катта бир кутубхона ташкил этди.

Инглиз Л. Вуллинг ажойиб қазилмалари унгача олиб борилган ишларнинг гўё якуни бўлди.

«Биз шундай замонда улғайдикки,— деб ёзган у,— бу даврда Юнонистонни санъатнинг бешиги деб ҳисоблаганлар, юнонистоннинг ўзи, бамисоли Паллада, олимпик Зевс калласидан яратилган, деб ўйлаганлар. Бироқ биз шунга амин бўлдикки, санъат ўзининг ҳаётий кучини лидияликлар, хетлар, финикияликлар, Крит, Бобил, Миср аҳолилари маданиятидан олган, демак, санъат равнақ топганлиги учун шу халқлардан ғоят миннатдордир; санъатнинг илдизи янада олисга — асрлар қаърига қараб кетган: ана шу барча халқлардан нарида шумерлар турибди».

Л. Вулли Икки дарё оралигидаги қадимий харобаларни узоқ йиллар давомида қазиганидан кейингина шундай хулосага келган.

Биз шумер цивилизациясининг сирини очадиган — миҳхатни ўқиб тушунишга ёрдам берадиган асосий очқични топмаганимизда бойликлар тилга кирмай қолаверарди ва биз шумерлар ҳақида жуда кам нарса билардик.

XVII асрдаёқ европали саёҳатчилар ва турли компанияларнинг вакиллари Эронда, Арабистонда ва бошқа мамлакатлардаги миҳхат белгиларининг нусхаларини кўчириб олишган эди. Дастлабки вақтларда миҳхат тошга туширилган безак, нақш деб ҳисобланилган. Буни ҳатто қушларнинг юмшоқ лойда қолдирган оёқ излари ҳам дейишган. Бироқ европали олимлар, бу қадимий ёзув, эҳтимол, уни ҳеч қачон ўқиб бўлмас, деган фикрни кўпроқ қувватлар эдилар. Ахир, лавҳалардаги хатнинг қандай: юқоридан пастга, чапдан ўнгга ёки аксинча ўқилишини ҳам билишмаган.

Бироқ пайти келди, даниялик К. Нибур сирли ва жуда муҳим миҳхат текстларининг нусхаларини келтирди.

1761 йилда Дания қироли узоқ Арабистон, Эрон ва бошқа номаълум шарқий мамлакатларни ўрганиш учун экспедиция уюштирган. Экспедициянинг мақсади Даниянинг савдо-сотиқ ишларини кенгайтириш эди.

Экспедиция составига жасур, ақлли кишилар киритилган. Шулар орасида руҳонийнинг ўғли — Шарқ билан қизиқадиган ва араб тилини яхши биладиган ёш, ғайратли йнгит К. Нибур ҳам бўлган.

Экспедициянинг қисмати аянчли бўлган. Дастлаб экспедицияни Қоҳирада узоқ вақт ушлаб туришган. Би-

роқ бу ҳол фан учун, бўлажак мисршунослар учун катта бахт бўлган: Қ. Нибур эрмак қилиб вақт ўтказиш учун қадимги ҳайкалларга ва тошларга битилган сирли, нималигини ҳали ҳеч ким билмайдиган, ҳатто Европага маълум ҳам бўлмаган белгиларни — иероглифларни қоғозга тушира бошлаган. Қ. Нибур ҳар куни, ойлар бўйи, хуллас, ярим йил давомида иероглифик ёзувлардан нусха кўчирган. Бу эса унга бир қанча вақтлардан кейин ёзув сифатидаги иероглифларнинг моҳияти тўғрисида жуда қизиқ ва муҳим фикрларни айтиш имкониятини туғдирган. Мисршунослар келгусида бу фикрлардан моҳирона фойдаландилар. Айни вақтда Қ. Нибур шу ярим йил ичида ўзида кузатувчанлик, пухталиқ билан текшириш ва аниқлик каби хислатларни тарбиялайдики, буни ўзи ҳам сезмайди; бу хислатлар унга келажакда жуда асқотди.

Яна бир муҳим психологик тафсилот. Экспедициянинг барча аъзолари шу ярим йил мобайнида иссиқдан қийналишади, бекорчиликдан зеркиб хуноб бўлишади, асабийлашади, ўзаро аразлашади, арзимайдиган нарсалар тўғрисида баҳслашиб асабларини бузишади. Бунинг натижасида соғлиқлари заифлашади, мадорлари қурийди, буларнинг ҳаммаси кейинчалик катта зарар етказади. Бекорчилик одамни ҳалок қилади!

Фақат Қ. Нибур ҳар куни эртадан кечгача зўр бериб меҳнат қилади; астойдил, сабот-матонат ва завқ-шавқ билан ишлайди. Жазирама иссиқда ҳайкал олдида соатлаб туриб, жимжимадор мураккаб белгилардан жуда пухталиқ билан, аниқ қилиб нусха кўчириш учун қанчалик чидам ва ирода, сабр-тоқат керак бўлишини бир тасаввур қилинг-чи. У қутилаётган катта қийинчиликларга бардош бериш учун ўзини гўё чиниқтиради.

Ниҳоят, Дания экспедициясига сафарни давом эттириш руҳсат этилади. У Сурия, Фаластин, Арабистондан ўтиб, Арабистон ярим оролининг жанубий районларига етиб келади. Бироқ касалликлар, эпидемиялар, муҳтожлик ўзини кўрсатди: экспедициянинг барча аъзолари ҳалок бўлиб, битта Қ. Нибур омон қолади.

Жасурлик ва тadbиркорлик унга доимо ҳамроҳ бўлади. Қ. Нибур араб тилини ва унинг шеваларини билганлигидан шароитга усталиқ билан мослашади, маҳаллий аҳоли сингари кийинади ва еб-ичади. Одамлар билан мулоқатда бўлади, ўзига иш топади, аҳоли унга ёрдам бериб туради. Қ. Нибур яна саёҳат қилади, мамла-

катни, унинг урф-одатларини, тили ва маданиятини ўрганади. Шу йўсинда бир неча йил ўтади. У Бомбайгача етиб келади, сўнг яна йўлга отланади, Арабистонга қайтиш орзуси унга тинчлик бермайди.

1765 йилда К. Нибур Арабистонга жўнаб кетади. Бу гал унинг маршрути анча аниқ эди. У Месопотамиядан, Эрондан ўтади ва, ниҳоят, Ширознинг шимоли-шарқий томонида ундан етти миля нарида унинг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқади — у қадимги Персеполийнинг харобаларини топади. Жасур данияликнинг кўз ўнгида Искандар Зулқарнайн беандиша, енгилтаклик билан вайрон қилган Доро ва Ксеркснинг маҳобатли саройи қолдиқлари намоеъ бўлади.


...Катта тантана, айш-ишрат базми айни қизиб турган вақтда афиналик сатанг хотин Таис жазаваси тутиб, меҳробдаги ёниб турган машъални юлиб олиб саройнинг ёғоч устунлари орасига ирғитади. Бу Искандар Зулқарнайнга маъқул тушади. У ёш ва қизиққон, бунинг устига, анча маст бўлади. Шунга кўра машъални олиб ёғоч болхонага отади. Унинг мулозимлари ҳам саркардадан ибрат оладилар. Бунинг ҳаммаси Искандар Зулқарнайннинг кўзини қувонтирган даҳшатли ёнғин билан тугайди.

Асрлар ва минг йиллар мобайнида, то асримизнинг 30- йилларига қадар, Римдаги Колизей сингари, Доро саройи ҳам маҳаллий халқ учун тош қони бўлиб хизмат қилади. Шундай бўлса ҳам К. Нибур бу ердан энг керакли нарсани топади... У уч ҳафта қаторасига миххатлардан: улуғвор ҳайкалларга, ёдгорлик-қабртошларга, баҳайбат тошларга битилган ёзувлардан нусха кўчиради.

Олимлар дунёси тарих учун жуда муҳим бўлган Доро ва Ксеркс ёзувларининг нусхасига эга бўлади. К. Нибур ўзининг «Арабистонга ва атрофдаги мамлакатларга саёҳат тавсифи» деган асарида бу нусхаларни берган. Бонапарт, бу китобни юқорида айтганимиздек, ўзининг Мисрга қилган сафари вақтида ёнида олиб юрган.

К. Нибур тадқиқотчилик соҳасида жасорат кўрсатди — бебаҳо миххат ҳужжатларни топди. Бу билан у олимлар олдига жуда оғир ва қийин вазифа қўйди: олимлар ташқи кўринишидан ҳақиқатан ҳам аллақандай афсонавий қушларнинг тартибсиз оёқ изларига ўхшаб кетадиган ёзувларни ўқиши лозим эди.

Европанинг кўпгина олимлари Персеполь ёзувларини ўқишга узоқ йиллар давомида ҳаракат қилдилар, ле-



кин ёзувлар «тилга кирмади». «Мана Г. Гротефенд келиб қолди...» Афсонага айланишига сал қолган бу ажойиб киши ҳақидаги ҳикоя одатда ана шундай бошланар эди. Дарҳақиқат, воқеа афсонага ўхшаб кетади. 1801 йили Мюнденлик йигирма олти яшар бир ўқитувчи, этикдўзнинг ўғли Г. Гротефенд дўстлари даврасида тентакларча гаров ўйнаган: Персеполдан топилган миххат — ёзувнинг сирини очадиган очқични топаман деб баҳшашган. «Шундан кейин, — деб таъкидлайди тарихчилар, — у боради-да миххатларни анча тез ва осонгина ўқиб — мағзини чақиб беради»... «Мутахассис эмас!», «гимназиянинг оддий ўқитувчиси»... «этикдўзнинг ўғли».

Меҳнатсеварликкина ўзига бахт келтириши мумкинлигини моддий жиҳатдан жуда оғир аҳволда яшаган Г. Гротефенд болалик чоғидаёқ тушунган эди. У мактабда ҳаммадан яхши ўқиган. Кейин педагогика билим юртида ўқиган, сўнгра Геттинген университетига ўқишга кирган, университетда Г. Гротефенд теология ва философияни мукамал ўрганган, классик филология билан шуғулланган. Кўзга кўринган профессорлар унга эътибор беришган ва студентлигидаёқ уни гимназия ўқитувчиси лавозимига тавсия этишган.

Г. Гротефенд муайян мақсадни олдига қўйиб, онгли равишда фан йўлида хизмат қилиш учун маблағ тўплайди, мураккаб жумбоқ, топишмоқларни бўш вақтларида эрмак учун, шавқ-завқ билан ечади, ребуслар, шарадалар, мувашшаҳлар билан шуғулланади, бу билан ўзини қандай бўлмасин, буюк кашфиётларга беихтиёр тайёрлайди. Кўп ўтмай унинг «умумий» ёки «жаҳон» тили ҳақидаги илмий асари босилиб чиқади. Бу ҳам Г. Гротефенднинг миххат белгиларини изоҳлаб беришга жиддий киришганлигини исботловчи фактдир. Тўғри, гаров ўйналган. Бироқ бу вақтда у чуқур билимга эга эди.

Хатларнинг уч хил кўринишдаги ёзувда битилганини К. Нибур ҳам пайқаган эди. Кейинчалик Г. Гротефенд эрамиздан олдинги 540-йилда Кир Бобилни тормор қилиб, буюк Эрон (Персия) подшолигини барпо этганлигини билиб олади; ахир, Персеполь ёзувларининг ҳеч бўлмаса биттаси ғолиблар тилида битилган бўлиши мантиқий жиҳатдан тўғри-ку. Олимлар, қадимги форс тилидаги текст ўрта устунда жойлашган — имтиёзли мавке, деган тахминни ҳам айтишади.

Олимлар яна бир муҳим нарсани пайқашган: белгиларнинг бир туркуми текстда анча тез учрайди — бу

подшоҳлик унвони эмасмикин? Такрорланаверган михат белгиси ажратувчи сўз эмасмикин? Бунинг устига, даниялик олим Ф. Мюнтернинг «Персеполь ёзувлари тўғрисида тадқиқот» асари босилиб чиқади. Бу асаридо олим улар Ахманидлар сулоласидан чиққан қадимги Персия (Эрон)нинг улуғ шоҳига тегишли халқ бўлса керак, деган қизиқ фикрни айтган.

Г. Гротефенд текстларни синчиклаб ўрганиб чиққандан сўнг Персеполь михатида ёзилган текстларни юқоридан пастга ва чапдан ўнгга қараб ўқиш керак, деган хулосага келади. Бироқ асосий иш ҳали олдинда...

Г. Гротефенд олдида ётган текстлар ёдгорликлар, ҳайкаллар, қабртошлардаги ёзувларнинг кўчириб олинган нусхалари эди. Улуғвор вазмин қабртошлар қўйилган даҳмаларга кимлар дафн этилган бўлиши мумкин? Подшолар, албатта. Хўш, тошга нималар ёзилган бўлиши мумкин? Подшоларнинг номлари, унволари ва «улуғ ишлари»нинг тавсифи.

Эски ва янги замонларнинг ёдгорликларидаги барча ёзувлар балки бир қолипдаги шажарадан: фалон шоҳ, шоҳлар шоҳи, фалончи ва фалон мамлакатларнинг подшоҳи, шоҳлар шоҳи, улуғ подшо фалончининг ўғли ва ҳоказо тартибда бошлангандир, деган фикрга борди Г. Гротефенд. Бу доҳиёна фикр эди. Агар ёзувдаги биринчи сўз подшонинг исми бўлса,—деб мулоҳаза юритди Г. Гротефенд,—ундан кейин келадиган қийшиқ белги — айирувчи сўз, ундан кейингиси — «подшо» («шоҳлар шоҳи») деган сўз. Бу сўз, шубҳасиз, текстнинг кейинги сатрларида ҳам қайтарилиши керак.


Сўнгра Г. Гротефенд жуда муҳим тафсилотни пайқади: барча лавҳаларда дастлабки группалардаги михатларнинг фақат икки хил варианты учрайди. Демак, К. Нибур ёзувлардан нусха кўчирган барча ҳайкаллар, монументлар — ёдгорликлар икки подшога, аниқроғи, ота ва ўғилга тегишли бўлган бўлиши керак. Яна бу номлар алоҳида-алоҳида ёзилганида бир исмдан кейин «шоҳ» сўзини ифодаловчи белги қўйилган, иккинчи исмдан кейин эса белги қўйилмаган. Бундан келиб чиқадиган схема: В шоҳ Б шоҳнинг ўғли, Б шоҳ А шоҳнинг ўғли. Демак, охирги шоҳнинг отаси подшо бўлмаган, масалан, Доронинг отаси сингари.

«Сўз Ахманидлар сулоласидан бўлган икки шоҳ тўғрисида бораётганлигига тўла ишонч ҳосил қилдим,—деб ёзган Г. Гротефенд,—чунки воқеалар ва моҳир ҳи-

коячиларнинг замондошлари бўлган қадимги юнонларнинг тарихи ҳамма тарихлардан ишончлироқ бўлиб кўринди. Шундан кейин мен Эрон шоҳлари сулоласи, наслнасабини ўрганишга киришдим ва қайси исмлар ёзувлар характерига кўпроқ тўғри келишини аниқлашга ҳаракат қилдим. Бу Қир ва Қамбиз бўлиши мумкин эмас эди, чунки ёзувда тилга олинган подшоларнинг номи ҳар хил ҳарфдан бошланган; бу Қир ва Артаксеркс бўлиши ҳам мумкин эмас эди, негаки бу исмларнинг биринчиси жуда қисқа, иккинчиси эса ҳаддан ташқари узун. Схемага фақат Доро ва Қсеркс номлари яхши жойлашарди, шунинг учун исмларни тўғри танлаганлигимдан шубҳа қилмадим». Бунинг устига, Доронинг отаси ва Қсеркснинг буваши подшо бўлмаган.

«Энди ҳар бир белгини тўғри аниқлаб, шоҳлик унвонини ўқиш ва шу йўл билан ёзувлар қайси тилда битилганлигини билиш учун,— деб ёзган Гротефенд,— юнонча транскрипцияда маълум бўлган бу исмга унинг форсча шаклини бериш керак эди. Гистаспнинг исми форсча Гошасп, Густасп, Қистасп ёки Вистасп деб ёзилишини Авестадан (форслар Муқаддас ёзишмаларининг йиғинди номи) билиб олдим. Шундай қилиб, Гистаси исмидаги биринчи етти ҳарфни Доро ёзувидан олдим, қолган учтасини барча подшоларнинг унвонларини таққослаш йўли билан аниқлаган эдим». Ниҳоят, Г. Гротефенд ўқий олди:

«Доро, улуғ шоҳ, шоҳаншоҳ, мамлакатлар шоҳи, Гистаспнинг ўғли, Ахманид, бу саройни ўша қурдирган».



- (1) X(a)-š(a)-y(a)-a-r(a)-š(a)-a (2) x(a)-š(a)-a-y(a)-š(a)-l-y(a)
 (3) v(a)-z(a)-r(a)-h(a) (4) x(a)-š(a)-a-y(a)-š(a)-l-y(a) (5) x(a)-š(a)-a-y(a)-
 š(a)-i-y(a)-a-n(a)-a-m(a) (6) D(a)-a-r(a)-y(a)-v(a)-h(a)-u-š(a) (7) x(a)-š(a)-
 a-y(a)-š(a)-l-y(a)-h(a)-y(a)-a (8) p(a)-u-š(a) (9) H(a)-x(a)-a-m(a)-n(a)-i-
 š(a)-i-y(a)

Xšāyāršā xšāyaθiya vazrka xšāyaθiyānām Dārayavaha-
 uš xšāyaθiyakya piša Nahamanšiya

«Қсеркс, царь великий, царь царей, Дария, царя, сын. Ахеменид»

Таржима „лабораторияси“

«Қсерке, улуғ шоҳ, шоҳаншоҳ, Доро, шоҳ ўғли, Ахма-
нид...» деб ўқилсин.

Бу 1802 йилда бўлган гап. Ассирия ва Бобил ёзувлари-
рини, шумерларнинг миҳхат кутубхоналарини ўқиб чи-
қишга йўл очиб берилди. Йўқолиб кетган олис дунёлар
йўқликдан қайтарилди. Инсоният тарихи узоқ минг йил-
лар қаърига кириб борди.

Агар Д. Смитнинг номини эсламасак, шумерларнинг
миҳхат битилган лавҳаларини ўқиш ҳақидаги ҳикоямиз
тўлиқ бўлмайди. Д. Смитнинг ишлари шумершуносликка
муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Д. Смит гарчи табиатан хаёлпараст бўлмаса ҳам,
унинг ҳаёти анча қизиқарли ва романтикага бой бўлган.
Бу идрокли инглиз бир куни шундай аҳволга тушиб қол-
ганки, бундай кечирмаларни фақат саргузашт ишқивоз-
ларигина орзу қилиши мумкин.

Ёшлигидан илмга ҳавасманд ва қобилиятли бола би-
лим олишга талпинади, бироқ камбғал, аранг тирикчи-
лик қилаётган ота-онанинг пул сарфлаб уни ўқитишга
қурби етмас эди. Д. Смит нон пули топиш учун Лондон-
даги зарбхонага гравёр (ҳаккок) бўлиб ишга жойлаша-
ди. У бу ерда ишлаб туриб, чет тилларни мустақил ра-
вишда ўрганади, тарихга оид асарларни қунт билан
ўқийди.

Кунлардан бир куни Д. Смитга «Ғарбий Осиё миҳхат
текстлари» альбому учун босмахона клишелари тайёр-
лаш топширилади. Бу воқеа унинг тақдирини ҳал қи-
лади.

Уста кўрмай илм олган бу йигитчанинг кечалари ух-
лаб ором олиш ўрнига диққи нафас, катакхонада ассиро-
логия сирларини ўрганиши нақадар қийин бўлганлиги-
ни фақат тасаввур қилиш мумкин, холос. Бироқ ўз сў-
зида турадиган Д. Смит муродига эришади. У миҳхатни
ўқишни ўрганади; бунга ҳам қўяверинг. Кўп ўтмай, у ас-
сирологияга доир дастлабки илмий асарларини нашр
қилдиради. Бу асарлар туфайли дарҳол шуҳрат қозонади
ва ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлади.

Ниҳоят, Д. Смитнинг орзуси рўёбга чиқади. Уни Бри-
тания музейига ассистентликка таклиф этишади. У шу
ердагина ўзини севимли ишига тўла ва бутунлай бағиш-
лаши мумкин эди. Бу ерда шуғулланиш учун иш кўп эди.
Музейнинг ертўлаларида Қуюнжиқ тепалигидан топил-
ган машҳур Ашшурбанипал кутубхонасига мансуб сопол
лавҳалар яшиқларда айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Д. Смит

лавҳаларни чанг-лойдан тозалади, синиқларни елимлаб ёпиштириб бир бутун ҳолга келтирди — бунга бир ой вақт кетди. Ана, энди, ёзувларни ўқиш (дешифровка қилиш) билан шуғулланса бўлади.

Д. Смит ишга боши билан шўнғиди. Унинг кўз ўнгида Қадимги Шарқнинг ҳаёти намоён бўлди: гоҳ қурилишга оид ёзувлар, гоҳ аллақандай инвентарлар рўйхати — ҳаммасининг мазмуни хийла бир хил. Бир куни кўримсиз кулранг лавҳадан Шарқнинг дилрабо поэзиясининг сирли оҳанглари янгради.

...Гильгамеш, Урук ҳукмдори, ўз фуқароларига нисбатан шафқатсиз бўлган. Оғир ишлардан мадори қуриган бу мазлумлар золимнинг жазосини беришни сўраб худоларга илтижо қилганлар. Худолар мазлумларнинг илтимосини қондирганлар: Гильгамешга ўрмонда ҳайвонлар орасида яшаган полвон Энкидуни юборганлар. Бундан хабар топган Гильгамеш Энкидуни шайдо қилиб йўлдан оздириш учун унинг ҳузурига чиройли қоҳинани махфий равишда жўнатган.

Энкиду Урукка келиб, Гильгамеш билан яккама-якка олиша бошлаган. Бироқ рақибларнинг кучи тенг бўлгани учун ҳеч ким ғолиб чиқолмаган. Шундан кейин улар дўстлашганлар ва халқ манфаати йўлида биргаликда жасорат кўрсатганлар: даҳшатли шерлар билан биргаликда олишиб, маъбуда Иштарни баҳайбат махлуқ панжасидан халос қилганлар.

Тўсатдан Энкиду касал бўлиб, вафот этади: Гильгамеш содиқ дўстидан жудо бўлганига қаттиқ қайғуриб, зор-зор йиғлайди ва абадий яшашлик (боқийлик) сирини топишга аҳд қилади. У абадий ҳаёт, мангулик сирини биладиган киши — Утнапиштимни излаб кетади. Жуда кўп машаққатларни бошдан кечириб, у, худолар бутун дунё тўфонидан омон қолишни пешонасига ёзиб қўйган, мангулик инъом этган якка-ю ягона кишини — Утнапиштимни топади.

Д. Смит кўзларига ишонмайди. Наҳотки Библиядаги Нух пайғамбар қадимги шумерлар достонида тирилган бўлса? У сабрсизлик билан давом этиб қуйидаги мазмундаги сатрларни ўқийди:

«Гильгамеш сенга махфий сўзни айтиб берай,
Худолар сирдан сени воқиф қилай.
Шурупак — Фрот соҳилидаги шаҳар, биласан;
Бу кўҳна шаҳар, унга худолар яқин.
Буюк тўфонни ният қилибдў худолар...»

Шуруппак, Шуруппак! Д. Смит ҳеч кутмаган эди. Ахир, бу шаҳарнинг номи узоқ йиллардан буён тадқиқотчиларга тинчлик бермаётир. Бу қаердаги шаҳар? Ўзи умуман бўлганми?

Саволнинг жавоби миҳхат лавҳалардан топилди. У шумерлар шаҳри экан. Афсонавий Нух, аниқроғи, Библиядаги Нухнинг тимсоли бўлиб қолган, халқ Утнапиштим деб атаган киши шу шаҳарда яшаган.

Афсуски, бошқа лавҳа йўқ экан, Д. Смит яшиқларни ҳар қанча титкиласа ҳам лавҳа чиқмади.

Бироқ таржима қилинган шу ёзувларнинг ўзи ҳам бутун Лондонни оёққа турғизди. Ҳазил гапми! Қадимги шумер достони Библия ижодкорлари бутун дунё тўфони ҳақидаги афсонани шумерлардан олганликларини очиқдан-очиқ айтиб Библияни зарбага учратди. Бу кўпчиликни қизиқтириб қўйди, ҳатто «Дейли телеграф» газетаси қолган лавҳаларни топган кишига минг фунт стерлинг ваъда қилди.

Бу ишдан натижа чиқармикин? Қалин қум ва шағал қатламлари орасидан етишмаётган бир неча лавҳани топиб бўлармикин? Лекин Д. Смит бунга жазм қилди. Месопотамия бўйлаб қилган саёҳатидан у 1873 йилнинг май ойида қайтди. Етишмаётган 380 та лавҳани топиб келди.

...Одамларнинг гуноҳларига тоқат қилолмаган баджаҳл худо Энлиль одамзот уруғини қуритишга аҳд қилди. Қиёмат — мудҳиш жазо куни яқинлашаверди. Наҳотки дунёни сув босиб, ер юзида бирон-бир мавжудот, жонивор омон қолмаса?

Тун. Ҳаммаёқни зулмат қоплади. Қадимий шаҳар чеккасида қамиш ва шох-шаббадан қурилган кулба якка ўзи қаққайиб турибди. Бу — Утнапиштим деган тақводор кишининг олачиғи. Унга шамол ёқимли овоз билан шивирляпти: «Қулоқ сол! Ўзингга кема қуриб ол, молмулкингни ташла, ҳаётингни сақлаб қол! Кемага бир оз уруғ ва ҳар хил жонзотлардан жуфт-жуфт қилиб ол!..»

«Ажабо, бу қандай гап?» — ўйлади Утнапиштим. Яна илоҳий овоз эшитилди. Бу, осмоннинг «туби тешилиб», жала қуйиб ер юзини сув босганда қутулиб қолиш учун керак бўладиган кемани қандай қуриш зарурлигини унга тушунтираётган овоз эди.

Утнапиштим кема қурди, барча тешик-ёриқларини энг яхши мум билан мумлади. Кема жуда кўп бўлимларга ажратилган, бир неча қаватли жуда катта яшиқ-

дан иборат эди. Унинг томи зўр ҳафсала билан ёпилган бўлиб, энг кучли ёмғир ҳам ўтолмас эди. Утнапиштим илоҳий товушдан эшитганларининг ҳаммасини бажо келтириб бўлган ҳамона даҳшатли довул турди, осмонни қопқора булутлар қоплаб олди, момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақди ва кучли жала қуйди.

Жала олти кун-у етти тун давом қилди. Утнапиштим Ницир (Нисир) тоғига етиб келгунча даҳшатли тўлқинлар унинг нажот кемасини пайрахадек уёқдан бу ёққа иргитаверди.

Инсонлар «лойга айланди». Теварак-атроф бепеён денгиз, фақат Ницир (Нисир) тоғининг чўққисигина сувдан чиқиб турарди.

Қурғоқликни излаб топиш учун Утнапиштим каптар учиради. Худди Библиядаги афсонада ёзилганидек:

Учиб кетган каптар орқасига қайтди:
Ер тополмай, қайтиб келди.
Қалдирғочни олиб чиқиб қўйиб юбордим,
Учиб кетган қалдирғоч ҳам орқага қайтди:
Ерни тополмай қайтиб келди.
Қаргани олиб чиқиб қўйиб юбордим;
Қарга эса учиб кетаётиб сув қайтганини кўрди,
Қайтиб келмади...

Библия тарафдорлари энди ҳеч қандай эътироз билдиrolмадилар. Халқ афсонасининг тарихий асосини тасдиқловчи далил тезда топилди. Археолог Л. Вулли Урдаги даҳмаларнинг қолдиқларини қазиб очар экан, қалинлиги тахминан 3,5 метр келадиган лойқа қатламига дуч келди. Бу лойқани Фрот дарёси олиб келган бўлиши мумкин эмас, чунки лойқа қатлами дарё сатҳидан анча юқорида жойлашган эди. Геологиянинг барча қонунларига кўра, лойқа қатлами фақат катта, даҳшатли сув тошқини оқибати бўлиши мумкин эди. Ваҳима босган шумерларга бу, эҳтимол, тўфон бўлиб кўрингандир.

Кўп минг йиллар мобайнида миҳхат ўзининг узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Шу бугунгача тадқиқотчилар томонидан жуда кўп миҳхатли «сопол китоблар» ўқиб чиқилган. Улар миҳхатнинг ривожланиш тарихига оид жуда кўп бой материаллар берди. Ҳар ҳолда миҳхатга замин яратган, уни бунёдга келтирган

«отаси» тўғрисида, протошумерлар ёзуви деб аталадиган ёзув тўғрисида маълумотлар ҳали кам.

Мамлакатимизда, Эрмитажда шумер белгилари битилган кичкина сопол лавҳа сақланмоқда. Мугахассислар бу лавҳанинг ёши беш минг йилдан ҳам зиёд дейишмоқда ва уни ер юзида топилган энг қадимги ҳужжатлардан бири, деб ҳисоблашмоқда.

Лавҳада бор-йўғи тўртта белги чизилган: Тиара, аёлни тасвирловчи белги, қўл ва тўсиқ (иҳота). Гарчи барча белгилар суратлардан иборат бўлса ҳам, уларни пиктограмма ҳисоблаш мумкин эмас. Бу — маълум тушунчаларни англатувчи ўзига хос ёзув, белгилар эса — типик идеограммалардир. Идеограммаларнинг пиктограммалардан келиб чиққанлиги бизга маълум. Мана бу расмлардан иборат ёзувнинг ана шу дастлабки намуналарини олимлар ҳали етарлича ўрганмаганлар.

Миххатнинг ривожи расмларни содалаштириш йўлидан борган.

Мураккаб идеяларни, тушунчаларни, фикрларни ифодалашга интилиш ёзувни такомиллаштирувчи муҳим омилдир. Бунинг учун содда идеограммаларга янги белгилар қўшилган. Масалан, «емоқ» тушунчаси учун икки логограмма: «нон» ва «огиз», «ёввойи ҳўкиз» тушунчаси учун эса «ҳўкиз» ва «тоғ» қўлланилган ва ҳоказо.

Вақт ўтishi билан бу ҳам шумерларни қаноатлантирмаган, чунки у тилнинг бойлигини ва кўп оҳангдорлигини акс эттира олмаган. Шумер ёзувларидаги белгилардан хўжалик ишларига доир маълумотларни ёзишда, мол-мулкни ҳисоб-китоб қилишда, яъни энг содда ва конкрет ҳолларни қайд қилиш учун қўлланилган.

Афсоналарни, тарихий воқеаларни, дostonларни қандай қилиб ёзиш мумкин? Шумерларни ёзувга фонетик қўшимчалар киритишга ундаган нарса шу бўлди. Шумерлар турлича талаффуз этиладиган кўп оҳангли белгиларни (бунда бир белги кўп товуш комплексларини ифодалаган) ва, аксинча, бир оҳангли белгиларни қўллана бошлаганлар (бунда бир бўғин бир неча белги орқали ифодаланган).

Бўғинли белгилар ёрдамида род, сон, келишик, суффикс ва бошқа грамматик формаларни акс эттириш мумкин бўлган. Шумерлар ёзуви шу тарзда идеографиядан логографик ёзувга, кейин эса бўғинли ёзувга айланган, гарчи бу ўзгариш жуда узоқ давом этган бўлса ҳам, то-

вушли нутқни шумер ёзуви билан ифодалаш, баён қилиш имкониятини туғдирган.

Бироқ шумер миҳхати ҳарфли ёзув даражасига кўтарила олмай, шу босқичида қолаверган.

Вақт ўтиши билан белгиларнинг ташқи кўриниши ҳам ўзгарган, расмлар тобора кўпроқ шартли тус олган. Миҳхат сополга битиладиган ёзув сифатида қарор топгач, бу белгилар тош, шиша, металл каби қаттиқ материалга ўйиб ёзила бошланган. Шумерлар маданиятини мерос қилиб олган бобиллар ва ассирийлар шумер ёзувини ҳам қабул қилиб, уни ўз тилларига мослаб соддалаштирганлар ва тубдан ўзгартирганлар. Тўғри, бу соҳада улар маълум қийинчиликларга дуч келганлар. Бўғинли система шумерлар учун маъқул бўлган, чунки уларнинг тилида сўзлар асосан бир, энг кўпи икки бўғиндан тузилган. Сом тилларида сўзлар кўп бўғинли бўлганлигидан шумерлар ёзуви уларга тўғри келмаган, ёзув ҳаддан ташқари чўзилиб кетган, яъни кўп жойни эгаллаган.

Ассирийлар миҳхат системасини соддалаштирганлар: ундаги белгилар сонини камайтирганлар ва ўз қўшимчаларини киритганлар.

Миҳхатлар ўқилгач, кўримсиз, кулранг лавҳаларга муносабат ўзгарган. Агар улар илгарилари яшиқларга пала-партиш ташлаб юборилган бўлса (Британия музейи подвалларида сақланган Ашшурбанипал кутубхонасига тегишли лавҳалар худди шундай чанг босиб ётганку), кейинчалик улар сараланган, чанг-лойдан яхшилаб тозаланиб, илмий марказларга юборилган.

Бошқача қилиб айтганда, қадимгилардан ўрнак ола бошлаганлар. Кўп миқдорда сопол лавҳалар топилган. Урукнинг ўзида ҳам улар тол новдасидан тўқилган саватларда сақланган, кейин даста-даста қилиб боғлаб, дасталарга «ишчилар мактуби», «боғ ишларига доир ҳужжатлар», «тўқимачилик устахонасига тегишли ҳужжатлар солинган қамиш сават» деб ёзилган ва бошқача ёрлиқлар осиб қўйилган.


Булар подшолар ва ибодатхоналар хўжаликларининг архиви бўлган. Архивларда диққатга сазовор нарса бўлиши даргумон, дастлаб шундай туюлди. Мана бу ёзувнинг нима қизиғи бор: «Қемани тузатиш учун керак бўлган қамишни ташиш ва саройга тўсинлар келтириш учун бир кунга қирқ беш нафар қул юборилди». Бирор

афсона ёки тарихий юриш ҳақидаги ёзувлар бошқа гап, уларни ўқиса арзийди.

Бироқ олимлар бу тўғрида бошқача ўйлайдилар. Хўжалик ҳужжатлари қулдорлик тузумининг моҳиятини очиб беради, шунинг учун ҳам улар жуда пухталиқ билан ўрганилади.

Мана, онанинг ўғлини сотганлиги тўғрисидаги воқиқа:

«Синнурининг Залилум исмли ўғлини Бальмунамхе унинг онаси Синнуридан сотиб олди. Унинг тўла баҳоси сифатида онасига у 11 шекеля кумуш тортиб берди. У келгусида даъво қилмайман деб заргар Иби илабрат олдида, қуш тутувчи Сингамил олдида, Варад Наннар олдида, Син Эриб олдида, Аҳувақар олдида, Энлильшеми олдида, Аҳувакрум олдида, Луниншубурка олдида, Илимаахи олдида қасам ичди».



Қадимги Шумер миҳхати

Қисқа ҳужжат. Ўз ўғлини сотишга мажбур бўлган онанинг қандай қашшоқликда яшаганини тасаввур қилинг-чи.

Лувр фондларида қадимги Шумернинг ҳисоб-бухгалтерия китобларидан олинган «саҳифа» сақланмоқда. Нозир қулларни боқишга керак бўладиган донни ҳисоб-

лаб чиқиш учун қулларнинг рўйхатини тузган. Аёллар ва болаларнинг исми устунча қилиб ёзилган бўлиб, кўп исмлар ёнига «ўлган» деб белги қўйилган. Ҳар ойда қуллар кўп ўлаверганидан истеъмом қилинадиган дон миқдори ҳам камайиб бораверган.

Зийрак, синчков одам ҳар бир рақам, шахс ёки буюмнинг рўйхатидан диққатга сазовор маълумотларни, қизиқ ҳолларни билиб-тушуниб олиши мумкин.

Шумерлар хизматга доир бу ҳужжатлардан ташқари, бизга математика, қишлоқ хўжалиги ва медицинага доир ва адабий асарлар ҳам қолдиришган.

Пифагор теоремасини Месопотамия математиклари ўша замонлардаёқ исбот қилган. Шумер олимлари календарлар, хариталар тузганлар, табобатда турли ўсимликлардан муваффақиятли фойдаланганлар.

Сопол лавҳалар бизга шумер халқининг дополиги, ижодкорлиги, кўркемлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Мақолаларни олинг. Улар миср мақолаларидан ҳам қадирийроқдир.

Агар мамлакат яхши қуролланган бўлмаса,
Душман ҳеч қачон дарвоза олдидан кетмайди,

Ёввойи ҳўкиздан қочиб,
Ёввойи сизирга дуч келди.

Мазмунини Эзоп ўйлаб топган деб ҳисоблаб келинган масаллар анча илгари, Шумерда ижод қилинган экан.

...Шумерларнинг миҳхат ёзилган ўн еттита лавҳаси ер бағрида қарийб тўрт минг йил ётган. Уларни қазиб олиб ўқиб кўрган археологларнинг таажжубдан оғзи очилиб қолди: бу ўзига хос педагогик дoston экан, ҳозирги кунда ҳам у катта аҳамиятга эга. Ундан бир парча, отанинг ўғли билан суҳбатини келтирамиз:

«Қаерга бординг?

— Ҳеч қаёққа бормадим.

— Ҳеч қаёққа бормаган бўлсанг, нега бекор юрибсан? Мактабга жўна, «устозинг» олдида туриб, тайёрлаган дарсларингни унга айтиб бер, сумкангни оч, ўз тахтачангга ёз, «аканг» сен учун янги тахтача ёзиб бера қолсин. Дарсларингни тайёрлаб бўлгач муаллимнингга кўрсатгин, сўнг кўчада санғиб юрма, олдимга қайт. Нима деганимни тушундингми?

— Тушундим, ҳаммасини айтиб бераман.

- Қани такрорла.
- Ҳозир айтаман.
- Айт, ахир! Қани бошла!

— Сен менинг мактабга боришимни, тайёрлаган дарсларимни «устоз»га гапириб беришимни, сумкамни очишимни, ўз тахтачамга ёзишимни ва «акам» мен учун янги тахтачага ёзиб беришини айтдинг. Дарсни тайёрлаб бўлгач, машғулотимни давом эттиришим, кейин ҳаммасини мураббийга кўрсатишим, сўнгра сенинг олдингга қайтиб келишим керак. Сенинг менга айтганларинг шу.

— Қулоқ сол, ўғил бола бўлсанг-чи! Бекорчиларга ўхшаб майдонда турмагин, боғда тентираб юрмагин. Кўчада кетаётиб ҳар томонга аланглайвермагин. Одобли, илтифотли бўлгин, муаллимнинг қаршисида қўрқиб, титраб тургин. Муаллимнинг кўзларингга қўрқув кўрса, сенга меҳр қўяди».

Сўнгра отанинг меҳнатнинг фойдали эканлиги ва бекорчиликнинг зарарли таъсири ҳақидаги монологи келтирилган.

Бу ўн еттита сопол лавҳа бизга яқин ва тушунарли бўлган ажойиб педагогик назария ёдгорлигидир.

Кадеш яқинидаги жангда ким ғолиб чиқди?

Эрамиздан олдинги 1296 йилнинг баҳорида Оронт дарёси водийси бўйлаб миср армияси юриш қилади. Бу армия Миср тарихидаги энг қудратли армиялардан бири эди. Йигирма минг жангчи тўрт колоннага тизилади, ҳар колонна Мисрнинг бош худолари номи билан аталади. Амон номи билан аталган биринчи колоннага Рамсес II, Миср фиръавни, «худонинг ўғли» қўмондонлик қилади. Ундан икки километр орқада Қуёш худоси Ра номидаги колонна боради, бу колоннадан етти километр орқароқда ҳунар ва санъат ҳомийси Птах колоннасининг байроғи ярқирайди. Энг кейинда уруш ва саҳро худоси Сет номи билан аталган колонна боради.

Миср ва хетт подшоликлари чегарасида узоқ вақтлардан буён қонли тўқнашув давом этарди. Шаҳарлар вайрон қилинар, аҳоли ўлдириллар ва ҳайдаб олиб кетиларди. Ўрта денгизнинг шарқий соҳиллари устидан ҳукмронлик қилиш учун кураш борарди.

Рамсес II подшолигининг бешинчи йилида хеттлар Фаластинга бостириб киришади. Ана шунда фиръавн қўшин тўплаб Финикия соҳиллари бўйлаб шимолга, Суриядаги энг катта хетт қалъасига — Қадешга юриш бошлайди. У бевосита ўз қаршисида хеттларнинг шоҳ Муваталлис бошчилигидаги асосий кучлари турганлигини биларди...

Хеттларнинг армияси ҳам 20 минг жангчидан иборат эди. Унинг ўзагини ўша даврнинг энг даҳшатли қўшин тури — жанговар аравалар ташкил қиларди. Хетт араваларининг экипажи аравакаш, ўқёйчи ва қалқонли жангчидан иборат эди. Миср араваларида эса фақат икки киши бўлиб, ўқёйчи ўзини ўзи ҳимоя қилишга мажбур эди.

Хетт аравалари анча енгил ва ҳаракатчан бўлиб, бошқа қўшин турлари билан жанг қилишда катта тажрибага эга эди.

Рамсес II Қадешга томон, ўз душманига қарши йўлга тушади. Бироқ хеттлар кўринмас эди. Рамсес саросимага тушиб ўз қўшин бошлиқлари билан аҳволни муҳокама қилар экан, Муваталлис олдиндан белгилаб қўйилган план бўйича ҳаракат қилади. Мисрликлар лагерига иккита айғоқчи юборади, улар ўзларини қочоқлар қилиб кўрсатиб, хеттлар фиръавннинг қудратли армиясидан даҳшатга тушиб, узоқ шимолга чекинди деб, ёлғон хабар тарқатадилар.

Шунда Рамсес ўзининг асосий кучларини анча орқадан қолдириб, илғор отрядининг бошида туриб олға ташланади. Душманнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб турган Муваталлис мисрликлар армиясининг олдинги қисмини орқадан айланиб ўтиб, юриб кетаётган Ра колоннасига бостириб киради. Катта тезликда ҳаракат қилаётган жанговар енгил аравалар мисрликларнинг жангга тайёрланмаган қўшинига ёриб кириб, уларни роса ўққа тутлади. Ра колоннасининг ваҳимага тушган қолган-қутган жангчилари Амоннинг олдинги колоннаси лагерига ёпирилиб, уларни ҳам ўзига эргаштиради. Хеттларнинг жанговар аравалари қочоқлар орасидан яшиндек ёриб ўтиб, Рамсес II ни қуршаб оладилар. Бу воқеалардан бутунлай беҳабар бўлган Сет ва Птах колонналари бу вақтда орқадан, жуда узоқда эдилар.

Мисрликлар тамоман мағлубиятга учрагандек туюлган эди. Бироқ мўъжиза рўй беради, кейинчалик Рамсес буни ўз тангрисининг ёрдами билан изоҳлаган эди.

«Аравалардаги солдат ва жангчиларим мени ташлаб кетиб шу қадар катта жиноят қилдиларки, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Кўриб турибсизки, Амон менга ғалаба инъом қилди... қўл остимда биронта арава ва аравакаш йўқ эди... Уларда (хеттларда — В. Д.) ҳаммаси бўлиб мингта жанговар арава бор эди, уларнинг барчаси оловни (яъни Рамсеснинг оғзидан ўт сочиб турган муқаддас илон тасвирланган тиллақош кийган бошини — В. Д.) мўлжалга олдилар. Мен уларга ташландим! Мен... куч-қудратимни, қўлларим нимага қодирлигини уларга бир зумда билдирдим. Қаерда бўлмасинлар, мен уларни йиқитиб ўлдиравердим. Шунда ораларидан кимдир қичқирди: «Бу киши инсон эмас, бу енгилмас Сетнинг ўзи... У қилаётганлар одамзоднинг қўлидан келмайди!».

Рамсес жанубга ёриб ўтишга муяссар бўлади ва у ерда Миср гарнизонини учратади. Уларга бошчилик қилиб, Рамсес, дарҳол хеттлар ишғол қилган лагерга қайтиб келади.

Ғалабадан эсанкираган хеттлар бу вақт мисрликлар лагерини талаётган экан. Қўққисдан ҳужум қилинганлиги туфайли хеттлар ўз душманига зарба беролмайдилар. Янгидан қонли жанг бошланиб кетади. Птах колоннаси ҳам етиб келади. Муваталлис унга қарши мингта жанговар арава ташлайди, бироқ жой торлигидан аравалар ҳаракатчанлигини йўқотиб қўяди. Қоронғи тушиши билан хеттлар Кадеш деворлари орқасига чекинадилар, Рамсес эса ўз чегарасига қайтиб кетади.

Бу жанг ҳар иккала давлатнинг кучлари тенг эканлигини кўрсатади. Ҳукмдорлар ўртасида «абადий тинчлик ва дўстлик тўғрисида» битим тузилади. Бу сиёсий ҳужжатлар тарихидаги энг биринчи битим бўлиб, кучларнинг бараварлигини тасдиқлаган. Рамсес II нинг хетт шоҳи қизига уйланиши битимни янада мустаҳкамлайди.

Тинчлик даври етмиш йил давом этади.

Рамсес II Кадеш воқеасидан кейин мамлакатга қайтиб келгач, мисрликлар уни хеттларнинг ғолиби..! деб аташади. Уни «бутун мамлакатда ҳурматга сазовор... хеттлар мамлакатининг мақтанчоқлигига барҳам берган, довюрак, буюк сиймо», «Ра худонинг, хеттлар мамлакатини оёқ ости қилган ўғли» деб эълон қилишади. Буюк ғалаба шарафига ёдгорликлар ўрнатилади. Сарой шоири Рамсес II нинг ғалабасига бағишлаб дoston яра-

тади, дostonда Кадеш яқинидаги жангларнинг бориши тасвирланади.

К. Керам ўзининг «Тор дара ва қора тоғ» деган китобида бу асарни батафсил таҳлил қилади, дostonнинг ҳақиқатга зид томонларини ва Рамсеснинг ўз ғалабаси тўғрисидаги даъволари асосизлигини тўла ишонарли қилиб кўрсатади. К. Керам бу фактни «тарихни тўғридан-тўғри сохталаштириш», «бизга маълум бўлган биринчи сохталаштириш», «қалбаки тарғибот дурдонаси» деб атайди.

Бу ёлғон уч минг йил «яшаб» келади. Бунга шароит тўғдирган сабаб шу бўлганки, хеттлар узоқ вақтларгача чегарада яшовчи кам сонли халқ ҳисоблаб келинган. Тарихчилар Кадеш яқинида ўша узоқ даврлардаги иккита энг катта ҳарбий куч тўқнашганлигини ҳатто билмаганлар.

Узоқ йиллар ўтади, ниҳоят, хеттлар «кашф этилади».

XIX асрнинг 70-йилларидаёқ Британия шарқшуноси А. Сейс Қадимги Шарқда фақат икки — оссурий-бобил ва миср маданияти ва ёзувигина бўлган эмас, бу ерда учинчи халқ маданияти ва ёзуви ҳам бўлганлигини айтган, қадимги цивилизацияни тарқатувчи учинчи халқни хеттлар деб атаган. Бироқ унинг баёнотига совуқ муносабатда бўлганлар, А. Сейсга эса «хеттлар ихтиросиси» деган лақаб берганлар. Лекин шу вақтда хеттларнинг ёзма ёдгорликлари топилган, мазкур фикрлар шунга асосланиб айтилган.

«Хетт» халқининг номи Библияда ҳам келтирилган. Унда, жумладан: патриарх Авраам давридаёқ хеттлар Ханаанни эгаллаган, дейилган. Бироқ XVIII аср охири—XIX аср олимлари тарихий маълумотлар манбаи сифатидаги Библияга ишончсизлик билан қараганликлари бу далилга жиддий муносабатда бўлишга халақит берган, ҳолбуки Қадимги Шарқ айна шу вақтда чинакамига кашф этилган. Бу даврда археология ва тилшунослик жадал ривожланган. Иероглифлар ва миххатлар ўқилган, изоҳлаб берилган.

Янги ёзувга эътибор беришга мажбур қилган биринчи топилма Хама тоши бўлади. Бу тошни Суриянинг Хама шаҳридаги бозордан топишган. Кўп ўтмай яна тўрт тош топилган. Тошларнинг учтаси деворга ўрнатилган, тўртинчиси эса майдонда ётган экан. У «шифобахш» кучга эга бўлган. Бод касалидан азоб чекувчи киши


унинг устида бир пас чўзилиб ётса, «бир зумда соғайиб кетаркан».

Олимлар тошдаги ёзувлардан нусха кўчириш учун бир неча бор уриниб кўришган, лекин мутаассиб оломон тошга уларни яқин йўлатишмаган, бу табаррук нарса-ни жон-жаҳди билан кўриқлашган. Фақат Сурия нойиби аралашгандан кейингина тошларни олиб кетиш (шунда ҳам солдатлар ёрдамида!) ва ўрганиш мумкин бўлган.

Қисқа вақт ичида Олд Осиёнинг бир-биридан узоқ масофадаги турли жойларидан яна хетт ёзма ёдгорликлари топилади. Бу А. Сейсга, хеттлар олимлар ўйлагандек кам сонли Шимолий Сурия қабилалари бўлмай, катта территорияни ишғол қилган, ўз салтанатини тузган қудратли халқ бўлган, деган хулоса чиқаришга ёрдам берган.

Сурияда археологик қазилар ўтказилган вақтда Хама тошларидагидек ёзувлар битилган ҳайкаллар топилади. Туркиядаги Мараша шаҳри дарвозасини безаб турган шернинг елкасига ва биқинларига шундай ёзув бўртма белгилар билан ёзилган.

Анқарадан 150 километр масофада қояга ўйилган ибодатхона — ўзига хос худолар силсиласи топилган. Худолар ҳайкалига ҳам шу номаълум ёзув ўйиб чизилган.


Ҳайкалларда бир белги  такрор-такрор учрайди. А. Сейс уни «худо» тушунчасини англатувчи идеограмма бўлса керак, деб тахмин қилди.

1900 йили юзлаб номни ўз ичига олган хетт ёзувлари рўйхати нашр этилган.

Қадимги Шарқда учинчи буюк давлат бўлганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқловчи бошқа ишончли далиллар ҳам бор эди. Бундай далиллардан бири сифатида аввало Миср фиръавнлари архивларида сақланаётган мактубни кўрсатиш мумкин, бу хеттлар подшоси Суппилулиумаснинг мактубидир. Мактубда хеттлар подшоси Миср фиръавни Аменхотепнинг тахтга минганини маълумот учун қабул қилганлиги айтилган. Мактуб хушмуомалалик ва ифтихор билан ёзилган. Мавқеи тенг кишигина шундай ёзиши мумкин эди. Рамсес II нинг хеттлар ҳукмдори устидан «ғалаба» қозониши муносабати билан унинг номига айтилган мадҳиялар ҳам хеттларнинг қудратли ва даҳшатли рақиб бўлганлигидан далолат беради. Бироқ бу қандай халқ бўлган? Қачон пайдо

бўлган, қайси тилда сўзлашган, қандай маданиятни яратган, қандай сиёсий ва иқтисодий тузумга эга бўлган? Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб излаш керак эди...

1905 йили археологлар 22 йил бурун хетт ёзувлари битилган сопол лавҳалар топилган Бўғозқоя районини қазий бошлайдилар ва кутилмаганда хетт подшолигининг давлат архивини топадилар! Топилган лавҳаларнинг бир қисмидаги ёзувлар аккад тилида экан. Бу вақтда аккад миҳхатининг сири очилган, «аккад» ёзувлари ўқиладиган эди. Шундан экспедиция хетт давлатининг пойтахти ерида турганлиги маълум бўлади. Худди шу ердан ҳаммани ҳаяжонга солган нарса—Миср фиръавни билан Хетт подшоси ўртасида тузилган «абдий тинчлик ва дўстлик ҳақида»ги, Фивадаги Амон қасрида миср тилида ўйиб ёзилган машҳур битим (шартнома)нинг хетт тилидаги варианты топилади.



Хетт иероглифлари

Энди олимлар ихтиёрида етарли миқдорда ёзма ёдгорликлар бор эди, уларни ўқишга киришилса ҳам бўларди. Хетт ёзувлари икки хил белгилардан — миҳхат ва иероглифлардан иборат бўлиб чиқди. Қадимги Шарқда миҳхат иероглификага нисбатан кенгроқ тарқалган эди. Урта аср Европасида латин алифбоси қандай роль ўйнаган бўлса, у ҳам шундай роль ўйнаган ва латин алифбоси сингари кўпгина қадимий тилларни ёзишда фойдаланилган.

Миххатларни, иероглифларни ўқиш принципи маълум бўлгани учун дешифровка проблемаси хетт тилининг хусусиятларини аниқлашдангина иборатлиги кўриниб турарди. Хеттча текстларни тушунмоқ учун тил структурасини ва унинг грамматик шаклларини аниқлашгина қолган эди.

Хетт ёзувининг миххат ва иероглифли вариантларини ўқишнинг бошланиши чех олими Б. Грозний номи билан боғлиқ.

Б. Грозний Вена ва Берлинда профессионал тайёргарликдан ўтган. У 24 ёшида Вена университетининг профессори бўлган. Б. Грознийнинг фаолияти фақат қадимги тилларни изоҳлаш, ўқиш билангина чекланмаган. У қадимги Шарқ цивилизациясини ўрганишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг замондошлари қадимги Бобил ва Ассириянинг мифологияси ва динини ўрганиш билангина шуғулланган бўлсалар, Б. Грозний улардан фарқли ўлароқ, мазкур давлатларнинг экономикасини ўрганган...

Б. Грозний биринчи жаҳон уруши олдидан хетт миххатидан нусха кўчириш билан шуғулланган. Хетт текстларини ўқишни биринчи навбатда, билингва йўқлиги қийинлаштирган (билингва кейин топилган ва сўзларнинг тўғри тушунилганлигини тасдиқлаган). Биргина йўл қолган эди, у ҳам бўлса мантиқий хулосалар чиқариш ва белгиларни солиштириш воситасида тилнинг структурасини аниқлаш эди.

Б. Грозний ишни хетт қонунлари ёзилган текстларни изоҳлашдан бошлаган. Қонунларнинг параграфларидаги жумлаларнинг тузилиши бир қолипда бўлган: «агар кимда-ким шундай-шундай қилса, у шунча тўлайди». Олим тилнинг грамматик тузилишини ҳайрон қоларли даражада тез ўрганган. Унинг Олд Осиёдаги кўпгина қадимги тиллар сингари, сом тили бўлмай, ҳинд-европа тили бўлиб чиқиши олимни таажжублантиради. Бир сўзнинг ўзи ўзгариб бориши, яъни турловчи қўшимчанинг алмашиб туриши аниқ билиниб туради. Сўзлар турланишининг бутун системаси, гарчи аккад сўзлари ва сўз бирикмалари кўп бўлса-да, бунинг ҳинд-европа тили эканлигидан далолат беради.

Б. Грозний бир жумла (гап)ни анализ қилгач, хетт тилининг табиати тўғрисидаги ўз хулосаси тўғрилигига батамом ишонди. Бу жумла бир хил тузилишдаги икки бўлақдан иборат эди. Олим жумланинг биринчи бўлаги-

да «нон» сўзининг *ан* қўшилган шумерча-бобилча идеограммасини, сўнг рус тилидаги *есть* (*емоқ*), немисча *essen*, латинча *edere* сўзларига жуда ўхшаб кетадиган *ezzateni* сўзини кўрди. Олим бу сўзнинг маъноси *емоқ* бўлса керак, деб тахмин қилди. Жумланинг иккинчи бўлагидаги биринчи сўз — *wadar* — қадимги қуйнемис тилидаги *wadar* — *сув* сўзига ўхшарди. У кутилмаганда гапнинг маъносини тушуниб олади: «эндиликда ўз нонингизни енг ва ўз сувингизни ичинг».

Олим бутун-бутун жумлаларнинг моҳиятига таяниб хеттча кўпгина сўзларни, грамматик шакллар маъносини анча тез аниқлай олди. Шундай қилиб, Б. Грозний яхши маълум бўлган ҳинд-европа тилларидан энг қадимгиси бўлмиш хетт миҳхатининг тилини очишга муваффақ бўлди. Агар илгарилари Гомернинг поэмалари ва эрамиздан олдинги икки минг йилликнинг ўрталарига мансуб бўлган ҳинд эпоси «Ригведа» ҳинд-европа тилларидаги энг қадимги текстлар деб ҳисобланилган бўлса, хетт текстларининг ўқиб чиқиши олимларга асрлар қаърига — эрамиздан олдинги XVIII асргача нигоҳ ташлашга ёрдам берди.

Хетт ёзувининг энг қадимги ёдгорлиги — йигирма тўққиз нафар хетт подшосининг рўйхатини ўз номи билан бошлаб берган шоҳ Аниттас ёзуви ана шундай имконият туғдирди. Аниттас хетт қабилаларини бирлаштирди, душманларини енгди ва Хетт давлатини барпо этди. Аниттас йирик қўшин тортиб, хатт қабилаларига қарши юриш қилди, уларни тор-мор этди, бош шаҳар Хаттусасни эса ер билан яксон қилиб, ибодатхона тошида бундай ёзув қолдирди: «Мен уни тунда ҳужум қилиб забт этдим ва ўрнига бурган экдим. Агар мендан кейин подшолик қилувчилардан биронтаси Хаттусасни яна обод қилса самодаги Момақалдироқ худоси унинг жазосини берсин!..»

Тадқиқотчилар хетт тили жумбоқларини жуда секинлик билан еча бордилар. Текстлардаги бир хилдаги сўзнинг ўзи бир ҳолда идеограмма ёрдамида, бошқа ҳолда фонетик усулда ўқилганлигидан уларнинг қандай талаффуз этилиши аниқ маълум бўлаборди. Кўп қўлланиладиган сўзларнинг доимо идеограммалар билан ифодаланиши хетт тилида уларнинг қандай талаффуз этилишини аниқлаш имкониятини бермайди. Масалан, *Уғил*, *ака*, *хотин*, *ит* сўзлари хетт тилида қандай талаффуз этилиши ҳозирга қадар маълум эмас.

Эндиликда хеттларнинг миҳхат ёзуви — тили кўпчилик олимларнинг меҳнати туфайли икир-чикиригача эчиб берилди. Бу халқнинг тарихи баён қилинган миҳхатли лавҳалар ўқиб чиқилди.

Аввало шу нарса маълум бўлдики, хеттлар Кичик Осиёнинг туб аҳолиси эмас экан. Улар Фарбдан келиб, Анатолияда ўрнашиб қолишган.

Бўғозқояда топилган миҳхатли лавҳалар орасидан кўп бўлмасада, хетт тилидан фарқ қиладиган, лекин ҳинд-европача ҳам, сомча ҳам бўлмаган тилда ёзилган лавҳалар чиқиб қолди. Уларга дуолар, афсунлар, космогоник афсоналар ёзилган экан. Серғайрат Б. Грозний томонидан очилган бу янги тил янада қадимийроқ ва ибодат тили бўлса керак. Уни хаттлар тили деб атадилар.

Хеттлар Кичик Осиёга кириб келганларида бу ер чўл эмасди, бу ерда хетт қабилалари яшардики, хеттлар кейинчалик шу номни олишган (хеттларнинг хаттлар билан бўлган курашини биз, хетт ёзувидан иборат энг қадимги ёдгорлик ҳисобланган шоҳ Аниттас ёзуви тўғрисида ҳикоя қилганимизда эслатиб ўтган эдик). Кейинчалик хаттлар билан хеттлар аралашиб кетган. Қелгинди қабилалар хатт тилини бу халқнинг диний урф-одатлари, худолари ва маданияти билан бирга ибодат тили сифатида қабул қилганлар. Бироқ хетт-нессий тилигина зодагонлар тили, умумий тил бўлиб қолган.

Хетт подшоларининг ўша архивидан ҳинд-европалувий тилидаги лавҳалар ҳам топилган эди. Фарб халқлари янги ерларга кўчаётган вақтларида бу қабилалар Кичик Осиё ерларига келиб қолишган.

Бўғозқоя архивида саккиз тилда миҳхат битилган лавҳалар бор эди. Уларнинг ҳаммаси: дипломатик ёзишмалар, қонунлар тўплами, суд ҳукмлари, диний китоблар, саройда ўтказиладиган маросим тартиблари, отларни ўргатиш бўйича кўрсатмалар, медицинага оид асарлар, ҳарбий уставлар, солиқ ҳақидаги ёзувлар ўқиб чиқилди.

Бироқ миҳхат намуналаридан анча илгари топилган хетт ёзувлари ўқилмасдан қолаётган эди. Бу ерда гап хетт иероглифлари тўғрисида бораётир. Уларнинг ўқилишини дешифровка методларининг яна бир катта синовдан, текширувдан ўтиши деса бўлади.


Иероглифлар монументал ёзувларда қўлланилган. Машҳур Ҳама тошлари, Ёзувлиқояга ўйиб ишланган худолар шакли — галерияси ва бошқа 69 жойдан топилган

кўплаб ёдгорликлар ҳали тилга кирмаган эди. Олимлар уларни тилга киритиш учун 60 йил курашдилар.

Хетт иероглиф ёзувидаги айрим белгиларни биринчи бўлиб А. Сейс ажойиб усулда ўқишга муяссар бўлди.


У биринчи навбатда билингва топишга ҳаракат қилди, чунки билингва номаълум хатни муваффақиятли ўқишни таъминлаши мумкин эди. А. Сейс бир журналдан ғалати белгилар билан ўраб олинган одам тасвирланган кумуш дискнинг таърифини ўқиди. Дискнинг те-варагига миҳхат битилган эди.

«Бу — билингва!» А. Сейс шундай хулосага келди. Бу диск муҳр бўлиши эҳтимол, А. Сейс дискни излаб топиш учун куч-ғайратини аямади. Кўп ўтмай уни топди. Бу, чиндан ҳам билингва эди. Бироқ унда белгилар жуда кам эди, шунга кўра иероглифлар билан миҳхат белгилари ўртасидаги бир хил боғланишни аниқлашнинг иложи йўқ эди. Ундаги ёзувнинг мазмуни мана буъдай: «Тарриктимме, Ерме ерининг жаноби».

 - Шоҳ
(жаноб)

А. Сейс икки белгини тўғри ажрата олди.

 - Диёр
(ЕР)

Белгилардан яна бири  — худо
Ёзувлиқоя ибодатхонасидаги худолар ҳайкаллари орасида бор эди.

Асримизнинг 30- йилларида ўғил идеограммаси, қилмоқ феъли ва кўпгина қадимий ёзувлар охирига қўйиладиган қарғиш формуласи аниқланган эди. У одатда бир хилдаги иборалардан тузилар экан, бу эса жумла, гап тузилиши тўғрисида бир хулосага келиш имкониятини берди...

Бўғозқояга битилган шоҳ Суппилулиумас исмини ва бошқа подшоларнинг отларини ўқиш миҳхат вариантыда маълум бўлган хетт иероглифларини шарҳлаш йўлидаги янги муҳим қадам бўлди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида бўғинларни ифодаловчи белгиларнинг анчасини ўқиш методи билиб олинган эди. Кейинроқ ёзилган узун текстларни тадқиқ қилиш натижасида турлаш ва турланишлар ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилинди.

1947 йил кузда ҳаммани ҳаяжонга солган кашфиёт юз берди. Немис профессори Г. Боссерт Туркиянинг жануби-ғарбидаги Қоратепа деб аталувчи тепаликдан қисман хетт иероглифида ва қисман финикияликлар тилида ёзилган анча узун текст топди. Синчиклаб ўрганиш натижасида унинг билингва эканлиги аниқланди.

Воқеа бундай бўлган. Г. Боссерт турклар яшайдиган кичкина бир қишлоқда кўчманчилардан «Шертоши» тўғрисидаги ҳикояни эшитади ва бу сирли тошни топишга қарор қилади. Шер хеттларнинг энг кенг тарқалган рамзий ҳайвонларидан бири эканлигини Г. Боссерт яхши биларди.

Олимнинг матонат билан узоқ йиллар олиб борган изланишлари муваффақиятли тугади: у Қоратепа тоғли районида «шернинг изини» топди. Қалин тўқайзордан ўтиб, Г. Боссерт ўз ҳамроҳлари билан чангалзорлардаги чўпонлар сўқмоғидан тирмашиб тоққа чиқди. Тоғ тепасида орзиқиб кутилган «Шер тоши»га дуч келди.

Г. Боссерт қаршисида тупроқ қўрғон ва қалъа деворларининг фақат қолдиқлари қад кўтариб турарди. У бу ердан тик ўрнатилган қора-қўнғир базальт тош тахтани топди, тошга бўртма нақшлар туширилган, финикияликлар ёзуви ва иероглифлар битилган эди. Зориқиб кутилган билингва шу эди.

Финикийча ёзувларни ўқиб чиққандан сўнг белгиларни иероглифларга солиштирса ҳам бўлар эди-ю, бироқ аввал бунинг билингва эканлигини исботлаш талаб қилинди.

Тошга хеттча икки иероглифик текст билан баробар учта финикийча ёзув ҳам битилган эди. Лекин белгилар шу қадар тартибсиз ҳолда сочилиб ётар эдики, хеттча иероглифик текстнинг бошини топиб бўлмасди.

Текстларда шоҳ Азитавад ҳақида сўз бораётганини аниқлашга муваффақ бўлинди. Лекин икки тилда битилган текстларнинг бир хил мазмунда эканлигини бутун бир жумлани ўқиб чиққандан кейингина исботлаш мумкин эди. Аниқ мантиқий анализнинг сезги билан уйғунлаштирилишигина олимларга иероглифик текстнинг бошини топиш имконини берди. Бу билингва хетт иероглифларини ўқиб тушуниш устида олиб борилган ишларни якунлаши билан бирга, кейинги тадқиқотлар учун йўл очиб берди.

Иероглиф билан ёзилган текстларни янада батафсил ўрганиш натижасида бу текстлар лувий тилига ўхшаш тилда, яъни Анатолиядagi яна бир ҳинд-европа тилида ёзилганлиги аниқланди. Бундай ёзувлар Хетт давлати архивларида ҳам бор эди.

Бу ёзув ҳам идеограммалар, фонетик белгилар ва «очқич белгилар»дан иборат эканлиги энди бизга маълум. Текстни ўқиш ўзини кўрсатиб турган инсон тасви-

ридан бошланади, бу тасвир *мен (есмь)* дегани. Унинг боши, қўл ва оёқлари сатр бошига қаратилган. Сатрларнинг йўналиши ўзгариб туради: биринчи сатр тугаган жойда тескари йўналишда навбатдаги сатр бошланиб кетади. Хетт ёзувини ўқиш давом эттирилмоқда. Тадқиқотлар тўла яқунланишига ҳали вақт бор. Шу нарса ҳам аниқландики, бўғинларнинг бир неча варианты бор экан, лекин бу вариантлар ажратилмаган, ўқишнинг батамом тўғрилиги ҳақида бир нарса деб бўлмайди, сўз бойлиги ҳам оз.

Хеттлар икки ярим минг йил муқаддам тарих саҳна-сидан ғойиб бўлганлар. Бу, марказлашган давлат айрим қарам областларга парчаланиб кетгандан сўнг юз берган. Лекин хеттларнинг маданий анъаналари айниқса лувийлар яшайдиган жанубий районларда узоқ вақтларгача сақланган. Иероглиф билан ёзилган ва эрампиздан олдинги X—VIII асрларга оид сўнгги хетт ёзувлари аини шу жойлардан топилган.

Хеттлардан маданият ёдгорликлари кам қолган. Улар ҳам асосан фрагмент (парча)лардан иборат. Лекин хетт ёзувларини ўқиш натижасида бизга бу халқ, унинг табиати, урф-одатлари, хўжалик тузилиши тўғрисида жуда кўп нарсалар маълум бўлди.

Хетт худолари содда бўлган, улар доноликлари билан ҳам, гидроклилиги билан ҳам ажралиб турмайди. Хеттлар ўз худолари билан баҳслашадилар, адолатсизлик учун улардан гина қиладилар ва уларга ялвориб, ўтиниб, чиройли сўзлар билан илтижо қиладилар, илтимосларини изҳор этадилар.

Хеттлар поэзияси таъсирчан воситаларга бой. Мана уларнинг Қуёш тўғрисидаги шеъри:

Сенга салом айтаман, кўкнинг Қуёш тангриси!
Ҳамманинг юрагини кўриб турасан ўзинг,
Аммо сенинг қалбингни кўра олмас ҳеч одам.
Қим агар жиноят-ла бадном қилса ўзини
Бошида сен тургансан, кўкнинг Қуёш тангриси!
Тўғри йўлда юрибман, ўзинг шоҳидсан бунга,
Қим бошимга ғам солди, о кўкнинг Кун тангриси!

Насрий ва назмий адабий асарлар орасида оригинал, қайта ишланган афсоналар жуда кўп.

Биз хетт адибларидан бирининг исми Қиллас эканлигини билиб олдик. У бизга ҳозиргача маълум бўлган шоирларнинг энг қадимийсидир. Гомердан беш юз йил илгари яшаган бу шоир осмон салтанатида худоларнинг

ҳукмронлик учун кураши тўғрисида катта эпик асар яратган ёки қайта ишлаган.

Хеттларнинг Момоқалди роқ худоси тўхтовсиз ўсиб худо тахтини емириш хавфини туғдираётган базальт қоя — Хацци томон укаси Тасмис билан бирга йўл олди:

Қўлидан ушладню, йўл олди Хацци томон,
Шитоб билан қаради у даҳшатли қояга,
Бўлди даҳшатли қоя кўз олдида намоён,
Ғазабдан ўзгардию, юзларидан қочди қон.
Чақмоқ тангриси мана ўлтирди ерга,
Ва кўзларидан оқди дарё-дарё ёш.

Деди Чақмоқ тангриси нигоҳлари нам бўлиб:
Бу даҳшатни кўрмоққа ким тоқат қила олар?
Бу билан курашмоққа ким журъат қила олар?
Маъбуда Иштар деди Чақмоқ сочувчи зотга:
Жигарим, у кучли ҳам, ожиз ҳам эмас зинҳор,
Гарчи бу (тош) нодондир, ўн йигитча кучи бор...

Бу поэзия намуналари хеттларнинг бой адабий анъаналари бўлганлигидан далолат беради.

Хетт адабиётида ўзига хос жанр — қисқа ҳикоялар ҳам яратилган, тарихчилар уларга «гафлат ва номаъқулчилик тасвирлари» деб ном беришган. Ташқи кўринишидан улар бировларнинг чизилган расмига ўхшаб кетади ва ишқемас, виждонсиз амалдорларни, бюрократ судьяларни тасвирлайди.

Ўқилган ёзма ёдгорликлар орасида илмий асарлар кўп. Маълумки, бобилликлар Пифагор, Архимед ва Эвклиддан ўнбеш аср муқаддам учбурчаклик, тўғри бурчаклик, трапеция ва доиранинг сатҳини, куб, параллелепипед, оддий ва кесик пирамида, конус ва бошқа шаклларнинг ҳажмини ҳисоблаб чиқариш учун формулалар яратганлар, хеттлар ана шу бобил халқидан математикага доир бой адабиётларни ўзлаштириб олганлар. Бобиллар сонларни даражага кўтариш қоидаларини билганлар, квадрат илдиз ва куб илдизлар кўрсатилган махсус жадвалларга эга бўлганлар. Хеттлар бу ҳисобларга ўзларидан ҳеч нарса қўшмаганлар.

Лекин хеттлар ҳуқуқ-қонунларни ўзлари ишлаб чиққанлар. Афсуски, хетт кодексидан миҳхат билан битилган атиги иккита сопол лавҳа сақланиб қолган. Аммо шу текстнинг ўзи айбдорлик билан айбсизлик, масъулият билан вазифани бажаришга совуққонлик билан қараш

ўртасида нақадар жиддий фарқ мавжудлигидан далолат беради. Уша даврларда ҳуқуқ-қонун тўғрисида бунчалик ўткир фикр юрита билишлик ҳозирги замон фани учун ажойиб кашфиёт бўлди.

Воқеалар аниқ йиллар бўйича ёритилган «Аннали Мурсиллиса» муҳим тарихий асар бўлиб ҳисобланади. Бу эрмак учун ўқиладиган асар эмас. Унда фактлар қисқа ва старли даражада объектив баён этилган. Мазкур асар тарихий манба сифатида ҳатто ҳозирги даврда қўйиладиган талабларни ҳам бемалол қондиради.

Хаттусас харобалари ичидан (вайрон қилинган бу шаҳар кейинчалик тикланган ва хеттлар пойтахти бўлиб қолган) шумер-бобил-хетт тилларидаги, яъни уч тилдаги луғатларнинг кўплаб парчалари топилди. Бу луғатлар айтилиши вақтда бобиллар тилидаги ёзувлар бўйича дарслик бўлган, шунингдек ўша даврга келиб ўлик тил ҳисобланган шумер тили бўйича ҳам дарслик сифатида хизмат қилган.

Отларни ўргатиш бўйича қўлланма бу адабиётлар орасида алоҳида ўринда туради. Бу бизга маълум бўлган шу тоифадаги асарларнинг энг биринчисидир. Уни хеттлар подшосининг отбоқари Киккули ёзган. Отларни ўргатишнинг бу асарда баён этилган принциплари ҳозирги «инглиз мактаби» принципларига мос келади.

Хеттлар бобиллар билан асурийлардан ўзлаштириб олинган кўплаб «сеҳргарлик», астрология бўйича ёзилган китобларни, кўп уйдирмаларни ўз ичига олган медицинага доир китобларни илмий асарлар жумласига кiritишган.

Энди, хеттлар қандай ёзганликлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз. Барельефларнинг бирида Таргумпиас тахтининг вориси бўлмиш бола онаси билан тасвирланган. Боланинг ёнида ўқувчилар дафтари билан сиёҳдон ётибди. Дафтар илмоқли ва тамбали буклама тахтадан иборат. Хеттлар ёғоч тахтага мато тортиб, унинг устига оҳак қоплашар экан. Улар қалам ва тушь билан ёзишган. Хат қўрғошин «тасма»га ёзилган. «Тасма»ни осонликча ўраб қўйиш, ёзувни эса ўчириш ва яна қайтадан ёзиш мумкин бўлган.

Асосан ёғоч тахтачалардан фойдаланилгани учун ёзма ёдгорликларнинг аксар қисми бизгача етиб келмаган.

Хеттларнинг дастлабки ёзуви иероглиф бўлганлиги ҳозир тасдиқланган ҳисобланади. Хеттлар уни ўзлари,

яъни расмли ёзувдан ҳосил қилиб, мисрликлардан мустақил равишда, яратганлар. Хеттлар кейинчалик миҳхатни ўзлаштирганлар, шунга қарамай, нероглифик ёзув кенг тарқалган.

Миҳхат давлат маҳкамаларининг ёзуви бўлган. Давлат шартномалари кумуш, темир ёки қўрғошнинг тахтага ўйиб битилар экан.

Хеттларнинг яна бир ажойиб ёзуви бўлган: бу тошга ўйиб ёзиш санъатидир. Бунда ҳар бир белги шу қадар зўр ҳафсала ва пухталиқ билан ижро этилганки, ёзув чинакам санъат асарига айланган...

Яқин ўтмишдагина нероглиф билан битилган ва олимларнинг эътиборини жалб этган юзлаб сирли ёзувлар эндиликда тадқиқотчиларнинг кўп йиллик меҳнатлари туфайли тилга кирмоқда, хеттлар ўзларининг кўп қиррали, бой ва юксак маданияти билан кўз ўнгимизда тобора яққолроқ гавдаланмоқда.

Турли тиллар ороли

Эрамиздан олдинги учинчи ва иккинчи минг йилликларда Эгей денгизидаги оролларда, Кичик Осиёнинг ғарбида, Юнонистонда ва Крит оролида юксак даражада тараққий этган ёрқин маданият мавжуд эди. Унинг кўплаб излари ҳамон топилмоқда. Крит ороли ва Микени бизга анча йирик археологик ёдгорликлар берди. Шунинг учун ҳам уни Крит-Микени маданияти деб аташ қабул қилинган.

Буюк Гомер «Одессия»сида Критга бағишланган мана бундай сатрлар бор:

Шаробранг денгиз ичра бордир Крит ороли,
Ажойиб, фаровон жой, одамлар билан гавжум;
Улар яшайди бунда — тўқсон йирик шаҳарда.
Турли тиллар янграйди: у ерда кўриш мумкин —
Жанговар крит зотли ахейлар, киконларни;
Бу ерда яшар яна жингалак соч дорийлар,
Қнос шаҳридаи бўлмиш пеласг уруглари...

Билимга ҳавасманд юнон халқи Критда бўлганлар; бунинг устига, ўзларининг кўп сонли афсона ва қисса-



ларида бу оролни тез-тез тилга олганлар. Афсоналарда Критнинг қудрати ва ўтмишдаги улуғворлиги ўз аксини топган.

Бундан бир неча ўн йил муқаддам бизнинг Крит тўғрисидаги маълумотларимиз афсоналар билан, қадимги дунёнинг буюк мутаффакирлари бўлмиш Геродот, Аристотель ва бошқаларнинг асарлари билангина чекланган эди.

Қадимги Кнос қасри ўрнида археологик қазилар ўтказилган. Г. Шлиман ҳам урниниб кўрган. Афсоналарда айтилишича, бу қасрда Минотавр яшаган эмиш. Бироқ қазилари лозим бўлган ер участкаси бир кишининг шахсий мулки бўлиб чиқди, демак, у билан ҳисоб-китоб қилиш керак, буни эса Г. Шлиманнинг ҳамёни кўтармади.

Крит маданиятини очиб бериш бошқа кишига — бой онладан чиққан инглиз А. Эвансга насиб экан. Унинг отаси геолог ва асори-атиқаларни йиғувчи киши бўлиб, Оксфорд университети ҳамда Лондон қироллик жамияти билан яхши алоқада экан. Бола қадимги ёдгорликларга зўр қизиқиш билан қараладиган муҳитда ўсиб камол топган.

Оксфордда университетни тамомлаб тарих ўқитувчиси лавозимига тайинланган А. Эванс осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши мумкин эди. Лекин бу инглиз унақа одам эмас эди. У елкасига йўл халтасини осиб Руминия, Норвегия, Швеция ва Болқон ярим оролини кезиб чиқди, доимо сиёсий воқеалар ичида бўлди. У гоҳ қўзғолончиларга қўшилди, гоҳ партизанлар ҳамласида иштирок этди, гоҳ жанубий славянларни ҳимоя қилиб чиқарди.

Оксфорддаги ишлари ташлаб қўйилган, экспонатлари тартибга солинмаган кичкина бир музейнинг ходими бўлиб ишлаб башлагач А. Эванс ишга боши билан шўнгиди.

1889 йилда бир ҳаваскор саёҳатчи Юнонистондан ватанига қайтиб келгач, Оксфорддаги музейга бир неча антик буюмлар тақдим қилади. А. Эванснинг сердолик (қимматбаҳо тош)дан қилинган, ҳар қиррасига турли тасвирлар туширилган тўрт қиррали муҳр айниқса қизиқтиради. Тасвирларнинг баъзилари тилини осилтириб турган бўри калласини, баъзилари қўйни, бошқаларни аллақандай қушни эслатарди. Улар хетт иероглифларига ўхшаб кетарди. Бироқ бошқа белгилар на иероглифга ва на миҳхатга ўхшарди.

Бу, эҳтимол, ҳозирга қадар маълум бўлмаган маданиятдан гувоҳлик бераётгандир? Муҳр Юнонистонга қандай келиб қолган?

А. Эванс ғаройиб муҳрларни излаб Афинага жўнайди, узунчоқ тешиклари бўлган шундай бир неча муҳрни топишга муваффақ бўлади. Муҳр эгалари уларнинг Критдан олиб келинганлигини айтишади. Шундан кейин археологда, юнонлар ўзлаштириб олган бу муҳрлар энг қадимги крит маданиятининг изи бўлиши эҳтимол, деган фикр туғилади.

А. Эванс Критга келгач, аёллар шундай сердолик муҳрларни тумор ва тақинчоқ сифатида тақиб юрганини кўриб жуда ҳайратда қолади. Маҳаллий деҳқонларнинг бидъатпарастлиги туфайлигина бу осори-атиқа сақланиб қолган. Уларнинг эътиқодича, эмизукли она шундай «галоус» («сутни кўпайтирадиган» тумор) тақиб юрса сутни доимо кўп бўлармиш.

Иўл-йўлакай А. Эванс номаълум ёзувлар битилган тош тахтага ҳам дуч келади: ёзувлар иероглифларга ўхшамас, балки ҳарфларга ўхшайдиган белгиларни эслатарди. Кейинчалик шундай ҳарфлар битилган бир неча сопол лавҳа ҳам топилди. Олим бу буюмларнинг ҳаммасини диққат билан текширди, ўрганди. Крит ёзувини шу оролда яшаган халқ бу ерларга юнонлар келишидан олдин яратганлиги эҳтимолдан узоқ эмасди.


Лекин тахмин, бу ҳали исбот қилини эмас. А. Эванснинг тушунишича, исботловчи далилни археолог белкурак ёрдамида топиши мумкин. Демак, қазини керак. А. Эванс бир неча йилдан сўнг қайтиб келиб, Кнос қасри жойлашган деб тахмин қилинган ер участкасини сотиб олди.

Ҳормас-толмас тадқиқотчи ўттиз йил давомида жуда катта қасрни қазиб очишга муваффақ бўлди. Бундай улкан ёдгорликни топиш ҳатто Г. Шлиманга ҳам насиб бўлмаган эди. Қадимги меъморлик намунаси бўлган бу ажойиб ёдгорлик — ҳашаматли қаср фрескалар билан безатилган, водопровод ва канализация тармоқлари билан таъминланган эди, юнонлар у даврларда водопроводни билмаганлар ҳам.

А. Эвансни ҳаммадан кўпроқ ёзма ёдгорликлар қизиқтирди. Қазини вақтида анчагина шундай ёдгорликлар топилди. Олим бу текстларни ўрганар экан, уларни уч группага бўлди: иероглифлар, чизиқли ёзув А ва чизиқли ёзув Б. Критнинг дастлабки хати иероглифлардан ибо-

рат бўлган. Чизиқли ёзувнинг А индекси берилган кўриниши эрамиздан олдинги XVII асрда, Б индекси берилган иккинчи тури эса XV асрда пайдо бўлган. Чизиқли ёзувнинг шу иккинчи тури битилган ёдгорликлар ҳаммадан кўпроқ топилди.

А. Эванс 1909 йилда Англияда крит ёзуви ёдгорликлари тўғрисидаги асарининг биринчи йирик жилдини нашр қилди. Лекин бу асарда мисоллар сифатида нероглифлардан иборат ёзма ёдгорликлар берилган эди. Чизиқли ёзувнинг А ва Б кўринишларидан иборат текстларни у навбатдаги жилдларда босиб чиқаришни ваъда қилди.



Крит чизиқли ёзуви „Б“

Бироқ А. Эванс 3 мингга яқин лавҳадаги ёзувларнинг озгина қисмини — атиги 120 тасини нашр эттиргунча орадан 26 йил ўтиб кетди. Бу билан у чизиқли ёзувнинг ўқилиши, изоҳланишини кечиктириб, фанга катта зиён етказди.

Хатларни ўқиш, изоҳлаш А. Эванснинг қўлидан келмас эди; шунга қарамай, у, бошқаларга ҳам бу ишни амалга ошириш учун имкон бермади. Унинг дастлабки тутган йўли тўғри эди. У сопол лавҳалардаги ёзувларнинг ижодкорлари юнонлар бўлса, керак деб ўйлаб, бир неча сўзни юнонча ўқиб чиқди. Кейин бу хулосасидан воз кечди ва умрининг охиригача нотўғри нуқтаи назарда

турди. А. Эванс, лавҳаларни юнонлар ёзган бўлиши мумкин эмас, деганида қисман ҳақ эди. А индекси қўйилган лавҳалардаги чизиқли ёзув чиндан ҳам бошқа тилда, Б индекси қўйилган лавҳалардаги чизиқли ёзув эса юнон тилида ёзилган эди. Олимларнинг буни аввал бошдан тўғри аниқлай олмаганликлари ёзувларни ўқишга ҳалақит бериб келди.

А. Эванс ёзувнинг бўғинли системада ёзилганлигини ҳам тўғри аниқлади. Гарчи лавҳалардаги белгилар кам — юздан камроқ бўлсада, бу ҳарфли системадаги ёзув бўлиши мумкин эмасди. Маълумки, ҳарфли системада 70 ҳам эмас, 90 ҳам эмас, балки, 30—40 белги бўлади.

Олим ёзувда бўғинларни ифодаловчи белгилардан ташқари, рақамлардан ҳам фойдаланилган деб кўрсатди ва улардан баъзиларини тўғри аниқлади. Масалан, тик чизик бирни, ётиқ чизик ўнни, доира эса юзни ифодалаган ва ҳоказо.

Кўпгина олимлар крит ёзувини ўқишга уриниб, ўз кучларини синаб кўрдилар. Машҳур чех олими Б. Грозний ҳам бу ишга қўл уриб кўрди, бироқ муваффақият қозона олмади. Б. Грозний крит-микени белгиларини гоҳ хеттлар белгиларига, гоҳ шумерлар, гоҳ финикияликлар белгиларига солиштириш йўли билан тушунишга ҳаракат қилди ва ўхшаш белгиларни ана шу тиллардан бирида «ўқиди» ҳам. Натижада турли-туман элементлардан иборат аралаш тил ҳосил бўлдики, «ўқилган» ёзувлар бирорта маъно англатмади.

1943—1950 йилларда крит-микени ёзувлари билан америкалик А. Кобер хоним шуғулланди. Математик бу аёл тиллар билан жуда қизиқар ва хетт, шумер, санскрит, қадимги форс тилларини биларди. Шунинг учун унинг крит-микени ёзувларининг сирини очишга уриниб кўрганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Шунини айтиш керакки, А. Кобер бу ишни ўзидан олдинги тадқиқотчиларга нисбатан яхшироқ удалади.

Дастлаб у зўр диққат билан барча белгиларнинг рўйхатини тузиб чиқди, кейин уларни солиштира бошлади. У ўзининг бу соҳадаги биринчи кашфиётини белгиларни солиштириш чоғида қилди: бир хилдаги сўзларга турли қўшимчалар қўшилганлигини, бу қўшимчалар род, сон ва келишикка қараб ўзгариб боришини аниқлади.

Сўз қўшимчаларини диққат билан ўрганиб чиқиш А. Кобернинг иккинчи муҳим қадами бўлди. Шунда у

қўшимчалар унли ва ундош белгилардан иборат эканлигини, унли белгилар родни билдиришини аниқлади. А. Қобер ўз кузатишларининг натижаларини координата тўрида акс эттирди: тўрга унли ва ундош белгиларнинг барча группаларини жойлаштирди.

Бироқ А. Қобер фақат расмий анализ қилди. У битта ҳам белгини ўқимади, лавҳалар қайси тилда ёзилганини ҳам аниқламади. А. Қобернинг координата тўридан фойдаланиб, *Б* индекси билан белгиланган лавҳалардаги чизиқли ёзувни инглиз тадқиқотчиси М. Вентрис ўқиб чиқди.

М. Вентрис кўп нарсаларга осонликча эришадиган, омади баланд киши эди. Истеъдодли бу архитектор истеъдодли тилшунос ҳам эди. Бахтли тасодиф туфайли, у, болалигидаёқ тилларни ўрганиш ва солиштириш имкониятига эга бўлган. Унинг онаси поляк миллатидан бўлган, ўқимишли, ақлли бу аёл ўглига поляк тилини ўргатган. Бола бошлангич маълумотни Англияда эмас, Швейцарияда олган. Бу ерда у французча, немисча ва италянча тилларни эшитган. М. Вентрис мактабда француз ва немис тилларини ўрганган. Билимга ҳавасманд бола ўша вақтлардаёқ ўз-ўзига: кўпгина сўзлар нима сабабдан турли тилларда бир хилда: масалан, инглиз тилидаги «гуд» сўзи («яхши, хайрли» маъносида) немис тилида «гут», инглизча «хауз» сўзи («уй» маъносида) немис тилида ҳам «хауз» деб талаффуз этилади? деган саволни берган. Бу ўхшашликлар ёш М. Вентрисни шу қадар қизиқтирганки, у мактабда ўқитилмайдиган тилларни ҳам ўргана бошлаган. У етти яшарлигида қадимги миср тилини тушунган ва мисрча ўқий билган. М. Вентрис мактабда ўқиб юрганида беш тилни билган. Лондонга келганидан кейин, у, латин ва юнон тилларини ҳам ўрганган. Кейинчалик, унинг ўзи айтишича, бирор янги тилни ўрганиш унга доим ҳузур бағишлаган. Мактабни жуда камтарона баҳолар билан тамомлаган; тиллар билан доимо қизиқадиган бу боланинг тез орада жаҳонга машҳур бўлиб кетиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.

Улғайиб колган ҳурматли олим А. Эванс 1936 йилда Лондондаги Британия Афина мактаби юбилейида сўзга чиқиб, ўзининг Критда ўтказган археологик қазишлари тўғрисида, аллақачонлар йўқ бўлиб кетган цивилизация ҳақида, номаълум халқ қолдирган ёзувлар тўғрисида сўзлаб беради. М. Вентрис унинг нутқини эшитади, ўша

вақтда бола ўн ёшга тўлган бўлади. Уша пайтдан бошлаб крит-микени ёзувлари боланинг тинчлигини олади.

М. Вентрис архитектурага қизиқиб кетади-ю, аммо крит сопол лавҳаларидаги ёзувларни унутмайди. У ана шу ёзувлар билан шуғулланаётган олимлар билан хат ёзишиб туради ва уларга бу ёзувларни этрусслар тилида ўқишни қайта-қайта маслаҳат беради. У ўн икки йил давомида шу фикрида туради.

Иккинчи жаҳон уруши бошланади. М. Вентрис қирқлик ҳарбий-ҳаво кучларига штурман бўлиб кетар экан, крит-микени ёзувлари битилган лавҳаларни ўзи билан олиб кетади.

Урушдан кейин, у, зўр бериб архитектура билан шуғулланади. Институтда ўқиш, спорт машғулотлари сопол лавҳалар билан шуғулланишга вақт қолдирмайди. Лекин М. Вентрис сирли крит-микени ёзувларини ўрганишни кечаси ва тушлари давом эттиради, ўз тадқиқотлари натижаларини машинкада кўчириб, Европадаги энг йирик олимларга жўнатади.

М. Вентрис, чизиқли ёзувнинг Б турида этрусслар тилига қардош тил яширинган, деган фикрни ҳамон қувватлайди. Айни вақтда у А. Кобер «тўри»ни кенгайтиради. Олим қайси йўлдан борганлигини унинг иш жараёнидаги ёзувларидан билиш мумкин.

Дастлаб М. Вентрис нашр этилган Крит ва Пилос лавҳаларининг ҳаммасидан бир хил белгилар билан битилган сўзларни кўчириб олади ва бу белгилар орасидаги боғланишни аниқлашга киришади. У бир хил сўзларни турли келишиқ қўшимчаларига қараб группаларга бўлиб чиқади. Олимнинг эътиборини ўзига жалб этган нарса шу бўлдики, бир хилдаги сўзлар эркак ва аёл идеограммалари бўлган тақдирда сўзларнинг охириги белгилари бир-бирига ўхшамас экан. М. Вентрис уларни родни билдирувчи қўшимчалар бўлса керак, деб тахмин қилди. Мазкур қўшимчаларни кузатишни давом эттириб, олим, охириги бўғинда ундош белгиларнинг бир хил, унли белгиларнинг ҳар хил эканлигини кўрди.

Бироқ қайсилари унли белгилар эканлигини қандай билиш мумкин? М. Вентрис ўйлаганидек, ҳар тилда унлилар бешта: «а», «е», «и», «о», «у». Лекин уларни қайси белгилар билан ёзишган экан? Барча талантили дешифровкачилар билан бўлганидек, бу ўрinda М. Вентрисга ҳам сезги ёрдам берди. У унли товушлардан энг кўп учрайдигани «а», сўнгра «е» деб тахмин қилди. Чин-

дан ҳам шу унлилар тилларда одатда бошқаларга нисбатан кўпроқ учрайди.

М. Вентрис ўз «тўри»ни бўлакларга бўлиб, унли ва ундош белгиларни маълум тартибда жойлаштирди. Крит лавҳаларини синчиклаб кўздан кечириб, пилос сопол лавҳаларида бўлмаган сўзни топиб ва, аксинча, крит сопол лавҳаларида бўлмаган сўзни пилос лавҳаларида учратди. Булар Кносс ва Пилос жойларининг номлари бўлса керак. У бу сўзларни бўғинларга бўлиб ўқишга уриниб кўрди. ко-но-со. Таниш бўғинларни қўйиб ва янгиларини билиб олиб худди шу йўл билан Фест, Тиллос, Амнис ва Ликтос сўзларини ўқиди.

Шу тарзда, ўттиз бир белгини аниқлаш ва улар қандай бўғинларни ифодалашини билиб олиш мумкин бўлди. М. Вентрис этрусск тили ҳақидаги фикрдан қайтиб, ўз «тўри»да юнон тилини қўллангани туфайлигина ёзувни ўқиш йўлида шундай жиддий қадам қўйилди. 1952 йилда А. Эванс кашф этган лавҳалар матбуотда эълон қилинган, олимлар ўзлари учун керакли катта қўшимча материалга эга бўлдилар. М. Вентрис уларни ўрганиб чиқиб, 66 бўғим белгисини аниқлашга муваффақ бўлди.

Энди у баъзи сўзларни бемалол ўқий оларди. Бироқ ушнинг нимадандир кўнгли ғаш эди. Крит лавҳаларидаги сўзларнинг ёзилиши классик юнон тилидаги сўзларнинг ёзилишидан фарқ қилар эди. Масалан, сўзлар ўзгарганда крит тилидаги унли белгилар тушиб қолар ёки юнон тилидагидан бошқача тартибда бошқа бўғинларга ўтар эди. Нега? Бу ўринда қадимги юнон тилини яхши биладиган филологнинг ёрдами керак бўлди. Бу яна шунинг учун зарур эдики, М. Вентрис дешифровкасига қарши чиқаётган олимлар мазкур номувофиқликка ёпишиб олиб, унинг бутун методини шубҳа остига олмоқчи бўлишди.

Ёрдамчи топилди. Кембридж университети классик филология кафедрасининг доценти Д. Чэдуик ёрдамга келди. 1952 йилдан бошлаб Д. Чэдуик билан М. Вентриснинг бирга давом эттирилди. Шундан буён крит-микенни ёзувлари ҳақида сўз борганда уларнинг номлари бирга тилга олинади.

Д. Чэдуик крит тили билан мустақил равишда шугулланиб, лавҳаларда юнон тили яширинган бўлиши эҳтимол, деган хулосага келди. Лекин у бундан нари ўтмади. Д. Чэдуик янги материал босилиб чиқишини кут-

ди; бунинг устига, кафедранинг ишлари уни бутунлай банд қилиб қўйган эди.

Вентрис «тўри» уни яна ишга солди. Олим бу «тўр» билан шу қадар қизиқиб кетдики, бир неча кун кабинетдан чиқмади. Д. Чэдуик текстларга М. Вентрис таклиф қилган тушунчаларни қўйиб чиқиб, бир қанча юнонча сўзларни ўқиди.

Олим М. Вентрисга мактуб йўллаб, «тўр»нинг тўғрилигини тасдиқлади. Шундан кейин М. Вентрис Д. Чэдуикни доко ва билимдон шерик дебгина эмас, балки яхши, камтар ва масалани тушунадиган дўст ҳам деб ҳисоблайдиган бўлди.

Кейинчалик Д. Чэдуик бу ҳақда бундай деб ёзган эди:

«...Товушларнинг маъносини шундайгина аниқлаш ишининг бошланишигина эди, изоҳланган сўзларни тушуниладиган юнон тилига таржима қилишдан иборат жуда мураккаб, қийин вазифани бажариш учун биз тенг ҳуқуқли шериклар сифатида меҳнат қилдик: ўз мулоҳазаларимизни бир-биримизга ҳамиша юбориб турарканмиз, кўпинча, бир-биримиздан мустақил равишда мутлақ бир хил хулоса чиқарар эдик.

Вентрис билан ишлаш жуда гаштли эди. Бирор масалада келиша олмай қолсак, биримиз бошқамизнинг нуқтаи назарини осонгина билиб олар эдик ва келишиб бирор қарорга келар эдик ёки қарама-қарши фикрларимизни бир-биримизга аниқ баён этардик».

Б индекси билан белгиланган крит чизиқли ёзуви ўқилди. Ҳар иккала олим 1953 йилда матбуотда босилган мақолаларида шу ҳақда ахборот бердилар.

Одатдагидек, олимлар дунёси икки лагерга бўлинди: тарафдорлар ва рақиблар, лекин кўп ўтмай рақиблар сафига парокандалик солган, рад этиб бўлмайдиган далил — Пилосдан кўримсизгина сопол лавҳа топилди.

Шуниси қизиқки, бу лавҳа дешифровкага шубҳа билан қарайдиган америкалик К. Блегеннинг қўлига тушди. У Пилосда археологик қазинишлар ўтказиб, ёзувлар битилган кўп сопол лавҳалар топган. У 1953 йил майида М. Вентрис «очқичи» ёрдамида бу ёзувларни ўқишга уриниб кўрди.

Америкалик олимнинг лавҳани олишдан мақсади англиялик дешифровкачиларнинг обрўсини тўкиш эди. Лекин у М. Вентрис «тўри»даги белгиларни Пилосдан топилган лавҳага қўйиб кўриб ўзи учун кутилмаган на-

тижани олди: ҳамма сўзлар юнонча бўлиб чиқди. Дешифровка тўғри экан! Бундан қойил қолган Қ. Блеген англияга — М. Вентрис билан Д. Чэдуикка — ҳар иккала дўстга катта хизмат кўрсатган бу сопол лавҳа тўғрисида хат ёзди.

Бу хабар олимларга янги куч-қувват бағишлади, уларнинг ўзларига бўлган ишончини оширди. Улар келажакдаги ишлар учун режа туздилар, ёзувларни аниқлашга киришмоқчи бўлдилар. Бироқ М. Вентрис муродига эриша олмади — у 1956 йил сентябрь ойида автомобиль ҳалокати натижасида вафот этди. Лекин унинг ишини Д. Чэдуик ва жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг олимлари давом эттирдилар.

Олимлар чизиқли ёзувларнинг Б индекси билан белгиланган турини ўқиб тушунганларидан кейин қадимги тарихни археологик қазилар вақтида топилган турли нарсалар ва афсоналардангина эмас, балки Гомер яшган даврдан етти юз йил олдинги даврга мансуб ёзувлардан ўрганган имкониятига эга бўлдилар. Тўғри чизиқли ёзувнинг Б тури битилган лавҳалар фақат хўжалик ҳисоблари, реестрлар, рўйхатлардангина иборат бўлиб чиқди; лекин улар ҳам кўп нарсани тушунишга ёрдам берди ва Критни айнан юнонлар забт этганлиги ҳақида хулоса чиқариш имкониятини туғдирди.

А. Эванс Крит оролида топган ёзувларининг уч гуруписи тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди. Шундай нероглифлар гуруписи ҳозиргача ўқилган эмас. Эҳтимол, улар оролдаги ёзувларнинг энг қадимги кўриниши бўлиб, номаълум халққа тегишлидир. Олимлар нероглифларнинг келиб чиқиши тўғрисида баҳслашмоқдалар. Улардан баъзилари расмлардан иборат ёзув Критнинг ўзида туғилган деса, бошқалар — четдан келиб кирган, дейишмоқда. Ажойиб денгизчи бўлган критликлар бошқа халқларнинг ёзувларини ўзлаштирган бўлишлари ҳам мумкин. албатта. Қим ҳақ эканлигини келажак кўрсатади.

Чизиқли ёзувнинг А тури битилган ёдгорликлар жуда кам топилган ва яхши сақланмаган.

М. Вентрис кашфиётидан сўнг чизиқли ёзувнинг А турига хос белгилар ўқиб чиқилди, бироқ уларни ҳеч қим тушуна олмапти. Бошқача қилиб айтганда, А ёзув ўқилган, лекин мазмуни тушунтириб берилган эмас, чунки критлар тили номаълум. Бу худди ўзбек тилини билмайдиган кишига русча ҳарфлар билан хат ёзганга ўхшайди. Чунки у русча ҳарфларни билгани учун хатни

ўқийди, бироқ ўзбек тилидан беҳабар бўлгани учун унинг маъносини тушунолмади.

А ёзувини юнотча ўқишга ҳам уриниб кўрилди, бундан ҳам натижа чиқмади. Гарчи Б ёзуви А ёзуви асосида яратилган бўлиши мумкин деган тахминлар айтилган бўлса-да, уларнинг ҳар иккаласи бир вақтда мавжуд бўлган ва ишлатилган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Крит ёзувларининг сирлари тўғрисида гапирганда яна бир ёзувини эслатиб ўтишга тўғри келади. 1908 йилда археологлар номаълум белгилар билан қопланган дискни топиб олишади. Шундан буён «Фестдан топилган диск» дунёга машҳур. Унча катта бўлмаган бу сопол



диск аслида Критнинг ўзида яратилган эмас, деб тахмин қилинмоқда. Белгилар дискнинг ҳар иккала томони-га спиральсимон чизиқ бўйлаб, афтидан, махсус штем-

пеллар билан босилган. Белгилар орасида одам, ҳайвон ва ўсимликларнинг тасвирлари ҳам бор.

А. Эванс, бу диний характердаги ғалаба гимнини ифодаловчи ёзув бўлса керак, деган фикрни айтган эди. Ўшандан буён бу диск тўғрисида кўп фикрлар айтилди: унинг пайдо бўлган жойи Ликия, Кария, Ливия ва Анатолия ҳам дейилди. Уни тарихшунос, тилшунос бўлмаган олимлар ва ҳаваскорлар ҳам ўқишга уришиб кўришди. Эҳ-ҳе, бу ишга кимлар қўл урмади, дейсиз.

Социалистик мамлакатларнинг антиқ дунё ёдгорликлари билан шуғулланувчи олимлари — тадқиқотчиларининг 1976 йил май ойида Ереванда бўлиб ўтган XIV халқаро конференциясида таниқли болгар олими В. Георгиев сўзга чиқиб, Фест дискини ўзи қандай изоҳлаганлигини айтиб берди. У қуйидаги мулоҳазаларга асосланди: диск эрамыздан олдинги XVII асрда яратилган ва Крит оролининг юнонлар келишидан олдинги даврига мансуб. Қадимги тарихчиларнинг маълумотига қараганда, ўша даврларда бу ерда термиллар яшаган. Кейинчалик бу қабила Ликияга, Кичик Осиёнинг жануби-ғарбий қисмига кўчиб кетган. Шундан кейин улар ликияликлар деб атала бошлаган. Бинобарин, термил тили ўнлаб ёзувлардан маълум бўлган ликияликлар тилига яқин бўлиши керак.

Дискнинг ҳар иккала томонидаги текст 259 та белни ўз ичига олган, текстда кўпгина белгилар такрорланган. Ҳаммаси бўлиб 46 хил белги ишлатилган. Тик чиқиқлар белгилар группасини — сўзни ёки сўз бирикмасини бир-биридан ажратиб туради.

В. Георгиев, бу ёзувни бўғинли системадаги крит ёзувига ва ливияликларнинг пиктографик ёзувига ўхшаш деб ҳисоблайди. Ана шу ўхшашликларга асосланиб, дискдаги хат бўғинли системада ёзилган, деган хулосага келади.

Агар бу тахминлар тўғри бўлса, ёзувни изоҳлаш ишини бошлаб юбориш мумкин, лекин бунда қуйидаги қондаларга амал қиллиниши шарт:

ҳар бир белги бўғинни ифодалайди: унли ёки ундош+унли ва тасвирланган буюмни билдирувчи лувий сўзнинг биринчи бўғинига фонетик жиҳатдан мос келади;

бўғинли крит ёзувида ёки лувий пектографик ёзувида шакли жиҳатдан ўхшаш белгилар бир хил ёки бир-бирига яқин фонетик маънога эга бўлади;

аниқланган фонетик белгилар лувий сўзларини ўқишга имкон бериши керак.

В. Георгиев крит ёзувларининг мазмунига асосланиб, дискда шахсларнинг исмлари ва географик номлар ёзилган бўлиши шубҳасиз, дейди.

Олим дастлаб лувияликлар ўртасида тарқалган отларни ифодаловчи 10 белгининг (текстда бундай отлар 11 та) фонетик маъносини аниқлайди, кейин дискдаги бошқа ҳамма белгиларнинг маъноларини бирма-бир очиб беради.

Текст Қичик Осиёнинг жануби-ғарбий томонида содир бўлган воқеани ёритувчи маълумот бўлиб чиқди. Фестга жўнатилган бу маълумот подшога топширилиши керак экан.

Фест дискининг В. Георгиев таклиф қилган таржимаси қуйидагича:

Дискининг А томонида:

«Яра Лилимувага қарши юриш бошлаган вақтда ва бу юришда мағлуб бўлганидан кейин Ярамува уни четлаштирди, ўзига манзур бўлган одамни ҳайдаб юборди ва бу одам Лилимуванинг ўзини яксон қилди.

Тархумува эса, Яра ишни ташлаши керак, деган қарорга келди. Тархумуванинг Лилимува билан алоқаси ёмон эди. Тархумува эса Ярани саройга ҳаловатга қайтаришга қарор қилди.

Сондалия билан Апулимува Самос вилоятига қочиб кетдилар (чекиндилар).

Упарамува ўз манфаатларига путур етгани учун мени ғазаб билан кутиб олди. Рунда эса кучини ишга солиб, уни улоқтириб ташлади.

Сурмасу Ярамува ҳузурига қайтди».

Дискининг Б томонида:

«Сарма ўйлаб кўряпти ва бемалол ўз режаларини тузаяпти: у гижгижляяпти. Илион (Троя) унга галамуслик қияпти, лекин мен сергак турибман.

Эфесос туфайли ғазабга келган Сарма ўз фойдасини кўзлаб муайян қарорга келди. Илион уни гижгижляяпти. Сармасу озод бўлди, етиб келди ва куч ишлатди. Илион уни тақдирлади.

Ярани таҳқирлаш учун, у Ялисосга бориб Ярага кўн солиқ солди, лекин кўнгилчанлик қилди ва Газенга қайтиб келди.

Бироқ Яра камситилганлиги учун ғазабга келди. Яра буғдой ҳосилни йиғиб олди, менинг бу ерда ҳаловатда

яшашимни таъминлади ва ўз манфаатларига зид бўлгани учун кўнгилсизлик туғдирмасликни қасамёд қилди.

Сандатимува».

„Билиб олинглар: ўша тош менман...“

Ҳарфли-товушли ёзув ҳақида сўз бошлашдан аввал яна бир ўзига хос ёзув урхўн-енисей ёзувлари тарихига қисқача саяҳат қиламиз. Бу, кўпчилик олимларнинг айтишича, эрамининг VII—XI асрларига онд бўлган ҳарфли ёзув эди.

Бу ёзув ўзига хос хусусиятларга эга бўлган: баъзи бир ундош товушлар турли унлилар билан бирга келганда ҳар хил белгилар орқали ифодаланган. Бу эса баъзи олимлар, жумладан таниқли тилшунос Д. Дирингернинг урхўн-енисей ёзувини ҳарфли ёзувга эмас, балки аралаш — бўғинли-ҳарфли ёзувлар қаторига киритишига асос бўлди.

Дастлаб тарихга нича назар ташлайлик.

1889 йил. Қимсасиз Мўғул чўли. Бепоев кенгликларида аҳён-аҳёнда одам яшайдиган кулбалар учрайди. Озиқ-овқатни етарлича гамламай, узоқ йўлга енгил-елпи отланган киши бу жойларда жуда қийналади.

Дарё соҳилидан совуқ шамол эсмоқда. Гарчи июнь ойи бўлса ҳам, совуқ суяк-суяккача ўтиб киради. Отда жуда букчайиб олган бир неча чавондоз Урхун дарёсининг чап соҳили бўйлаб кетяпти. Улар кетидан икки от араваларни аранг тортиб бормоқда. Араваларнинг бирида огир касал Н. Ядринцев ётибди.

У бошчилик қилаётган кичкина экспедиция неча-неча кунлардан буён Мўғулистоннинг кам ўрганилган районлари ичкарасига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Кўп нарса планлаштирилган, ҳаммасига улгуриш керак. Шунинг учун ҳам Н. Ядринцев шундай огир йўллардан бормоқда.

Ҳаммасига бу романтикнинг, қидирувчининг беором характери айбдордир. Сибирнинг, унинг халқи ва табиатининг мафтун бўлган Н. Ядринцев бу ўлканинг тарихчиси ва этнографи сифатида ҳам, археологи ва экономисти сифатида ҳам, публицисти ва халқ маорифи арбоби сифатида ҳам иш олиб борди. У Сибирнинг буюк келажакига ишонар ва бу йўлда ўзини аямас эди.

И. Ядринцев Угр-Олтой қабилалари билан аллақачонлардан бери қизиқиб келар ва Мўғул империясининг афсонавий пойтахти Қорақурумни топишни пинҳона орзу қиларди. У Қорақурум тўғрисида ақалли бирон-бир сатр эслатиб ўтилган жамки рус ва чет эл адабиётларини кўздан кечириб чиқди. Бироқ энг қийини экспедиция ташкил қилиш эди. Бунинг учун кўп вақт ва куч талаб қилинарди; бунинг устига, маблағ ҳам, йўл кўрсатиб боровчи ҳам ажратилмаган эди. Унта от билан иккита арава топилди, холос.

Тола дарёси яқинида экспедиция XVI асрда қурилган Ирхе-Мерганхон саройининг харобаларига дуч келди. Кейин археологик топилмалар бирин-кетин учрайверди. Хорухдаги монастырь вайроналари, Тошин-Чил тепалигида топилган гранит пойдеворли баҳайбат бионинг қолдиқлари шулар жумласидан эди. Бироқ булардан ҳам қизиқроғи ҳали ўз навбатини кутаётган эди.

Экспедиция аъзолари дастлаб тўрт бурчакли меҳроб ёки қурбонгоҳ кўрдилар. Унинг орқасида узунлиги 25 метр келадиган пастак гишт девор; унинг тагида аллақандай иморатнинг харобалари кўзга ташланарди.

Девор орқасида, худди пойдеворидан қулатилгандек, ҳамма томони тарашланган мармар тош ётарди. Эҳтимол, бу тош бир вақтлар маҳоратли ёдгорлик бўлгандир. Мармар тошнинг баландлиги уч ярим метр, эни эса 1 метру 31 сантиметр келар эди. Сочилиб ётган бўлақларда бир-бирига чирмашган аждарлар тасвирланган барельефлар яққол кўриниб турарди. Аждарларнинг «тангачалари»ни тушуниб бўлмайдиган белгилар қоплаб олган; шунга ўхшаш белгилар Минусинск ўлкасида ҳам учраган эди. Ёзувлар хийла ўчган, лекин белгиларни аниқлаш мумкин эди.

Ярим вайрона девор ёнидан бошсиз мармар ҳайкаллар топилди. Улар либосларига кўра қадимги туркларни эслатар эди. Сал нарироқда бир-бирига ўгирилган икки ҳайвон шакли турарди. Тўрт ярим километрлик масофада бир-биридан 10—12 метр оралатиб ўрнатилган тош ҳайкаллар қатор тизилган эди.

Бу бир вақтлар мўғул хонларининг гуллаб-яшнаган пойтахти — Қорақурумнинг харобалари эди.

Бир оз нарироқда бошқа шаҳар харобалари — девор ва минораларнинг қолдиқлари, ўтирган ёки турган аёллар ва баҳодирларнинг кўпгина тош шакллари, мармар тошдан қилинган ҳайкалларнинг қолдиқлари ётарди.

Эрдени-Цзо монастири харобалари орасидан тошбақа, шер, калтакесакни тасвирловчи учта баҳайбат ҳайкал топиб олинди.

Экспедиция аъзолари ёзувларни айниқса диққат билан текширдилар; белгилардан пухта қилиб нухса кўчирдилар, синган ёдгорликнинг иккита катта парчасини яхшилаб ўраб, аравага жойладилар. Маблағ ва озик-овқат тугай деб қолганлигидан экспедиция қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Экспедиция топган ёдгорликлар Россияда ҳам, чет элларда ҳам катта қизиқиш туғдирди. Н. Ядринцев бу ёдгорликлар қадимги турк рулий ёзувини ўқиб-изоҳлаш учун асос бўлади деб ўйламаган ҳам эди.

Руний белгилари чизилган ёдгорликлар Россияда Пётр I замонасидаёқ маълум эди. Бу ёзувлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар «ҳарбий киши» С. Ремезовдан тушган эди. Кейинчалик асир тушган швед офицери Ф. Страленберг Енисей дарёси водийсида ҳам шунга ўхшаш ёзувлар битилган тошлар борлиги ҳақида ёзган. Енисей водийсини диққат билан текшириб чиққан Д. Мессершмидт ҳам ҳайвонлар, одамлар тасвирланган ва сирли руний белгилари битилган тошларни учратганини ёзган. Бироқ Урхунни текширган Н. Ядринцевнинг экспедициясидан кейингина руний белгилари урхун-енисей ёзувлари деган умумий ном билан аталди.

Н. Ядринцев томонидан топилган икки катта даҳма харобалари, кейин маълум бўлишича, шаҳзода Култегин билан унинг акаси Билкаҳоқонга тегишли ёдгорликлар экан. Бу ака-укалар кимлар, улар ҳаётликларида қандай роль ўйнаганлар? Буни ёзувдан олдинроқ, тўла аниқлашнинг катта аҳамияти бор эди.

Мана, дастлабки жавоблар. Ака-укаларнинг номи қадимги турк давлати билан боғлиқ экан. Бу маълумотлар эрамининг VI асрига мансуб бўлган энг ишончли манбалардан олинган.

Қадимги турк давлати (унинг территорияси Сирдарёдан Манжурияга қадар чўзилган) VI асрнинг иккинчи ярмидаёқ тараққиётнинг анча юксак босқичида турган. Византия империяси бу давлат билан савдо муносабатларини йўлга қўйишга ҳаракат қилган.

Бироқ орадан бир қанча вақт ўтган, турк давлати икки — шарқий ва ғарбий подшоликларга бўлиниб кетган. Бундан Хитой императори дарҳол фойдаланади. У икки подшолик ўртасига нифоқ сола бошлайди ва тез



орада кўзлаган мақсадига эришади: туркларнинг ерлари Хитойга қарам бўлиб қолади.

Кейин хонлардан бири яна куч тўплаб, турклар давлатини тиклаш ва юксакликка кўтаришга муваффақ бўлади. Бироқ у бошлаган ишини охиригача етказа олмай, вафот этади. Ҳоқонлик эса унинг вояга етмаган икки ўглига қолади.

Марҳумнинг қудратли давлат тузиш орзуси билан юрган шухратпараст укаси бунда фойдаланади. Унинг бечама золимлигидан азоб чеккан аҳолининг кўпчилиги Хитой императори томонга қочиб ўтадилар, қолганлари эса тез орада ўзларининг мустабид ҳукмдорларни ўлдирдилар.

Ана шу вақтда сиёсий майдонга ака-ука: Билқаҳқон билан укаси Култегин чиқади. Ака-укалар ўзларининг амакиларига қараганда анча уддабуро ва эҳтиёткор эдилар. Билқаҳқон Хитой императори билан дўстлик алоқалари боғлайди, шундан кейин кўп ўтмай, илгари қочиб кетган турклар ватанларига қайтадилар. Давлат секин-аста оёққа босади, мустаҳкамланади, қудратга тўлади.



Кул - тегин ёдгорлигидаги Ёзувлар

Тўсатдан Култегин вафот этади. Унинг ўлими турклар учун оғир жудолик бўлади. Акаси Хитой императори билан бирга укасининг қabri устига улуғвор ёдгорлик қурдиради. Билқаҳқон ўлгандан кейин унинг ўгли

ҳам (яна Хитой императори билан бирга) отасининг қабри устига худди шундай ёдгорлик қурдиради.

Ака-укаларнинг ўлиmidан кейин кўп ўтмай, уйғурлар турк давлатини тор-мор қилади ва у давлат сифатида барҳам топади.

Ака-укалар жасади аллақачонлар тупроққа айланган бўлса-да, улар ўз номлари ва қилган ишларини яхлит харсангтошда абадийлаштириб, ўзлари ҳақидаги хотираларни авлодларига етказганлар. Ёдгорликда Култегин тилидан бундай дейилган:

«Ҳоқон бўлганимдан сўнг мен хароб, камбағал халқни кўтардим (тўпладим?), камбағал халқни бой қилдим, оз сонли халқни кўп сонли қилдим. Наҳотки менинг сўзларимда бирор ёлғон (сохталик) бўлса? Эй, турк йўлбошчилари ва халқ, буни эшитинг! Сизларнинг (эй, йўлбошчилар ва халқ) турк халқини тўплаганингизни, (ўз) қабилавий иттифоқингизни тузганингизни мен бу ерга ёздим, сизларнинг қандай хатоликлар қилганингизни, бўлиниб кетганингизни — ҳаммасини мен шу ерга ўйиб ёздим. Мен (нимаки) айтмоқчи бўлсам, шуларнинг ҳаммасини абадий тошга ўйдим. Сизлар, ҳозирги турк йўлбошчилари ва халқ, унга қараб билиб олинг! Тахтнинг итотатгўй бошлиқлари, сизларнинг хатога йўл қўйишга майлингиз бор, шекилли? Мен абадий тошман... Мен ёдгорлик ўрнатдим... Унга қараб билиб олинглар: ўша тош менман...»

Бу ёзувларни тез орада ўқиб чиқишга муваффақ бўлинди. 1893 йилда даниялик олим В. Томсен матбуотда бостирган мақоласида сирли ёзувларнинг изоҳини берди. Бу чинакам ажойиб иш эди. Олимлар аллақачонлардан бери руний ёзуви билан шуғулланиб келсалар-да, бу ёзувнинг сирини очиш уларнинг ҳеч қайсисига nasib бўлмаган, академик В. Радловгина бир неча белгини аниқлай олган эди.

В. Томсен ўз кашфиётини жуда қисқа муддатда амалга оширди. Турк тиллари даниялик олимнинг диққатини анчадан буён ўзига жалб қилиб келарди. У Енисей ва Урхўн ёзувларининг кашф этилишини қизиқиш билан идрок этди. Олим аввал бошдаёқ ўзига ишчи материални тўғри танлади: бу Култегин ва Билкаҳқон ёдгорликларигадики иккита энг узун ва мукамал руний ёзувларни эди.

Дастлаб В. Томсен урхўн-енисей ёзувини бошқа тадқиқотчилар айтганидек, чапдан ўнгга томон эмас, бал-

ки ўнгдан чапга томон ўқиш керак, деб ўйлади. Кейин, бошқа ҳар қандай дешифровкачи каби, ёзувларда қанча белги учрашини ҳисоблаб чиқди. Ҳаттиз саккизта белги бор экан.

Бу кашфиёт, биринчи галда, ёзувнинг турини аниқлаш учун асос бўлди. Маълумки, ҳарфли ёзув системасида белгилар асосан ўттизта белги атрофида, бўгинли ёзув системасида эса камида элликта белги бўлган. Демак, урхўн-енисей ёзуви ҳарфли ва бўгинли ёзув системалари оралигидаги ўртача ёзув бўлиши керак, деган хулосага келди олим. В. Томсен яна фикр юритди: эҳтимол, бу ҳарфли ёзувдир, унда бир товушни ифодаловчи белгилар ўзидан кейин келадиган ёки ўзидан олдинда турган белгига қараб алмашилиб келадигандир.

Бироқ тахмин заминда катъий далиллар бўлмаса, у тахминлигича қолаверади. Олим белгиларни биринчи белгилашдаёқ, ўзининг ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, бошқача йўлдан борди. У ёзувларни маълум ҳарфли белгилар ёрдамида ўқишга уринмади, балки бир хилдаги белгиларнинг бошқалари билан муносабатни таққослаб кўрди.

Отоқли отлардан бошлаш керак ва бошқа, маълум текстдан шунга ўхшаш отларни топиш лозим.

Маълум текст топилди. Бу хитой тилидаги ёзув эди. Тўғри, у, том маъноси билан айтганда, билинганга эмасди: хитойча текст анча қисқа эди. Бироқ бир хилдаги атоқли отларнинг ҳам у, ҳам бу текстда учраши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Рушӣ текстда бундай отларни қандай қилиб топиш мумкин? Улар текстда тез-тез такрорлангани билан ёки янги парчанинг бошида турганлиги билан ёхуд яна қандайдир бошқа йўл билан эътиборни ўзига тортса керак.

Тадқиқотчи ҳар иккала ёзувдаги белгилар қаторини диққат билан кўздан кечирди. Тўхта! Нимадир топилганга ўхшайди. Текстларда белгиларнинг бир группаси

𐰽𐰺𐰾 бир хилда тез-тез такрорланган. Бу груп-

падаги белгиларнинг энг охириги, чапдаги энг четкиси і товушини англатади. В. Томсен уч белгили группаларни таққослаб бунга ишонч ҳосил қилди, бу ерда икки белги мутлақо бир хил, бир белги эса улардан фарқ қиларди.

Ана шундай тадқиқотчи дадил тахминни олға сурди: агар охирги товуш *i* бўлса — у эпитет бўлиши мумкин; бунинг устига, бундай эпитет князлик унвонини ифода-лайди, мўгул тилида ва турк шеваларида кенг қўллани-лади ҳамда *худо*, *осмон* сўзини билдиради.

Ёзувларни изоҳловчи (дешифровкачилар)нинг ишида кўпинча сезги (фаҳм, мушоҳада юритиш), яъни тилнинг яшириниб ётган туйғуси жуда иш беради. В. Томсенда шундай сезги кучли эди. Унга бу йўлни ўша сезги кўрса-тиб берди. Кейин олим текстда кўпроқ учрайдиган белги-лар группасини *tänggi*, яъни *осмон*, *худо* сўзига ўхшатди, уларни айнан бир деб ҳисоблади.

Бир сўзнинг маъноси тушунилди, деб фараз қилай-лик. Хўш, кейинчи? Кейин тадқиқотчининг тажрибали кўзлари қуйидагиларни пайқади: бир тошдаги ёзувларда

мана бу белгилар группаси **𐰽𐰺𐰸𐰸𐰸** бир неча марта такрорланган, бошқа тошда эса улар йўқ. Хулоса ўз-ўзидан келиб чиқди: ёзув кимга бағишланган бўлса, бу ўша кишининг исми. Бу ерда ҳам хитойча текст ёрдам-га келди. Хитойча текстда бу исм Кюэ-те-гинь (туркча «тегин» — шаҳзода дегани) деб ўқилади. В. Томсен хи-той ёзувида *l* товушининг тушиб қолишини биларди; шу-нинг учун у руний белгилари группасини *Kül-tegin* (шаҳ-зода Қул) сўзи билан таққослади. Иккинчи тошдаги исм

𐰽𐰺𐰸𐰸𐰸 — «Билка» ҳам шу йўл билан аниқланди.

Тўртинчи сўзнинг маъноси аниқланган, барча шуб-

ҳалар йўқолди. Бу сеҳрли сўз **𐰽𐰺𐰸𐰸𐰸** эди. Бу сўз ҳар-иккала ёдгорликда ҳам тез-тез учрар эди. В. Томсенга уч белги маълум, фақат охирги, чапдан четдагисигина но-маълум эди. Модомики, уч белги *t-ü-g* деб ўқилар экан, у ҳолда тўртинчи белги ўрнига «к» ҳарфини қўйишдан бошқа чора йўқ. Шундай қилиб, бу тўрт белгидан «турк» деган сўз келиб чиқди.

Бунда алифбонинг яна бир ҳарфи аниқланишидан ташқари, ёзувнинг тили ҳам аниқланган эди! Турк шева-си барча маълум турк тилларига қараганда ҳам қадимийроқ бўлиб, уни ўқиш мумкин эди! Очқич топилди. Энди маълум ҳарфлар ёрдамида бошқаларини ҳам аниқ-лаб, аллақачонлар унутилиб кетган ёзувни қадам-бақа-дам тиклаш қолган эди.

«Илоҳий тангри яратган... турк ҳоқони», мен бугун ўтирдим (тахтга). Менинг сўзларимни (сиз), орқамдан келувчи кичик қариндош-уруғларим ва ёшлар (сиз), менинг иттифоқчи қабилаларим ва халқларим тўла эшитинг...»

Кулранг тошдан бизга асрлар нигоҳ ташлайди, туркларнинг улуғ ҳокими ўз авлодларига мурожаат қилади. Култегин ўзининг улуғворлиги, хизматлари тўғрисида, давлатнинг қудрати тўғрисида, урушлар ва юришлар тўғрисида сўзлайди, келажак авлодларга аждодлари йўл қўйган хатоларни такрорламасликни маслаҳат беради.

«Энди бизга беҳисоб олтин, кумуш, мусаллас ва ипак берувчи товғач халқининг тили (ҳамма вақт) ширин эди, жавоҳирлари эса «юмшоқ» эди; ширин сўз ва мўл-кўл жавоҳирлар билан улар узоқда (яшовчи) халқларни ўзларига шу қадар қаттиқ жалб қилдилар. (Ўшалар) зич ўрнашиб олиб, кейин у ерда ўзларига бемаъни билимни ўзлаштирдилар. Яхши ва доно одамларни, олижаноб қаҳрамонларни товғач халқи ва уларнинг тарафдорлари (ҳақиқий йўлдан) тойдира олмадилар. Бироқ агар турклардан (айрим кишилар йўлдан озган бўлсалар), бугун бошли уруғлар (ҳатто) то қуда томондан (никоҳгача) қариндош бўлган кишилар йўлдан тоймадилар. Уларнинг ширин сўзига ва мўл-кўл жавоҳирларига учиб, сен, эй турк халқи, кўплаб ҳалок бўлдинг».

Шундай қилиб, яна битта ёзув бизга қадимги турк қабилалари ва Марказий Осиё давлатлари тарихининг йўқолиб кетган янги саҳифаларини тиклади. Буларнинг ичида, том маъноси билан айтганда, бабаҳо қадимги турк ёзувлари — Монголия «солномалари» борки, уларда номаълум қадимги турк геродотлари Уйғур ҳоқонлигининг ва иккинчи шарқий турк ҳоқонлигининг бутун тарихини анча мукаммал ёзиб қолдирганлар. Уларнинг маълумотларидан бугунги кунда барча мамлакатлар тадқиқотчилари фойдаланмоқда; Марказий Осиёдаги дастлабки турк давлатлари тарихи билан қизиқувчи миннатдор авлодлар ҳам бу манбаларга мурожаат қилишлари мумкин. Топиш ва ўқиб чиқишни мақсад қилиб қўйган, куч-ғайратини, вақтини аямай, шу муқаддас орзусини рўёбга чиқарган кишиларнинг меҳнатлари мутлақо бекор кетмади; эришилган ютуқлар бунинг далилидир.



**ХУДОЛАР ЕРИ -
ОДАМЛАР ЕРИ**

„Зевс... билан онт ичаман“

Археологлар олдида тош тахта ётибди. Аввалига унга ортиқча эътибор берилмади. Оддий тош тахта-да. Биринчи марта топилишимиди. Бундайлар жуда кўп топилган. Лекин уни яхшилаб тозалаб, сиртидаги ёзувларни ўқигандан кейин археологларнинг таажжубдан оғзи очилиб қолди: бу... херсонесликларнинг гражданлик қасами эди, эрамиздан олдинги III асрга мансуб эпитафик ёдгорликларнинг ҳозиргача топилганлари ичида энг ноёби, энг бебаҳоси эди.

Қасам жуда қисқа ва дабдабали экан:

«Зевс, Гея, Гелиос, Дева билан, олимпа тангрилари ва маъбудалари билан, херсонесликлар шаҳрини, шаҳар территориясини, истеҳкомларини эгаллаган қаҳрамонлар билан онт ичаман.

Давлатни ва халқни қутқарувчилар, озод қилувчилар билан маслакдошман; Херсонес, Керкентидани, Гўзал бандаргоҳни ва бошқа истеҳкомларни ёвлардан ҳимоялайман; херсонесликлар идора қилаётган ва идора қилган бошқа территориялардан бегоналарга, эллинларга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч нима бермайман, бу ерлардаги нарсаларнинг ҳаммасини Херсонес халқи учун кўз қорачиғидек сақлайман.

Демократик тузумга қарши чиқмайман, ўзгаларнинг ҳам қарши чиқишига йўл қўймайман, хониларни яширмайман, давлат амалдорларига улар тўғрисида дарак бераман.

Херсонес ёки Керкентидани, Гўзал бандаргоҳ ёки истеҳкомларни, херсонесликлар ерINI ёвга топширишни ният қилаётганларнинг ёки бу ерларни забт этувчиларнинг ашаддий душманига айланаман.

Халққа ҳалол хизмат қиламан; давлатга ва гражданларга олижаноблик кўрсатинглар, адолатпарвар бўлинглар, деб авом халққа панду насиҳат қиламан.

Мен «састер»ни халқ учун қўриқлайман ва давлатга зинён етмаслиги учун давлат сирини ҳеч кимга: эллинларга ҳам, бегона юртликларга ҳам ошкора қилмайман.

Давлатга ва гражданларга зарар етдирган қилиб совға бермайман ҳам, олмайман ҳам.

Авом халқ билан яқдил бўлганларга нисбатан адолатсизлик қилмайман, ўзгаларнинг ҳам адолатсизлик қилишига йўл қўймайман, адолатсизлик қилувчилар ҳа-

қида тегишли жойга хабар қиламан ва судда қонуний равишда ўз фикримни айтаман.

Херсонесликлар жамоасига қарши, халқ душмани деб эълон қилинмаган фуқарога қарши фитна уюштирмайман; фитна қўзғалоқчи бўлиб бирор кимса билан тил бириктирган бўлсам, шу ниятимдан қайтганим учун ўзимга яхшилик ёр бўлсин, мол-мулкимга барака берсин, фитначининг эса боши балодан чиқмасин.

Фитна уюштирилганлигидан ёки уюштирилаётганлигидан дарак топсам, мансабдор шахсларга хабар қиламан.

Еримизда етиштирилган галлани ҳеч кимга сотмайман, бошқа жойга ҳам олиб кетмайман, фақат Херсонесга ташийман.

Зевс, Гея, Гелиос, Дева, олимпа тангрилари! Сизларга бўлган баланд эътиқодим учун менга, авлодларимга бахт-саодат ато этгайсиз, мол-мулкимга барака бергайсиз; садоқатсизлик қилсам, ўзим ҳам, авлодларим ҳам марҳаматингиздан маҳрум бўлмай, мол-мулкимнинг баракаси учмай, оч қолгаймиз, аёлларимиз кўзи ёришолмай дунёдан ўтмай...»

Қасам жуда сермазун. Унинг мазмунидан мамлакатдаги сиёсий вазият, Херсонесга қарам шаҳарлар, шаҳар халқининг ҳис-туйғулари, кайфияти, ҳатто ҳудодларга сизиниши ҳам англашилиб турибди.

Қасамнинг келиб чиқишига сабаб нима? Бунга нима мажбур қилган?

Эрамиздан олдинги V асрда Юнонистондан ва Поит Гераклеясидан чиққан муҳожирлар улугвор кемаларда Қрим соҳилларига сузиб бориб, Гераклея ярим оролида денгиз соҳилига ўрнашиб олиб шу ерларда истиқомат қила бошлаганлар. Таврия Херсонеси, яъни мустақкам истехкомлари, баланд миноралари ва мраммар устунли ибодатхоналари бўлган шаҳар шу тарзда вужудга келган.

Бу — шимол-ғарбий Қрим территориясини эгаллаган, танга-чақаси ўзида зарб қилинадиган, жўшқин ҳаёт кечираётган, савдо-сотиги чаққон, ҳунармандчилиги ва маданияти юксак даражада ривожланган шаҳар бўлган. Шаҳарда театр ҳам бўлган экан; ҳозирча бу — қадимий Шимоллий Қораденгиз бўйида топилган якка-ягона театр дир. Археологик қазилар вақтида археолог О. Домбровский бу ердан архестра — хор қатнашчилари ашула айтадиган майдончани топди. Майдонча атрофига



ярим доира шаклида тошдан узун-узун курсилар қилинган. Бу ердан схена — артистлар кийинадиган хона ҳам топилди.

Херсонесдан полларига нақшинкор қилиб ранг-баранг тошлар ётқизилган мўрчалар, ювинадиган тослар, чорхишлар, яъни узум эзадиган охурлар, май тўлдирилган хумлар сақланадиган омборлар... топилди.

Херсонесликлар ҳамма вақт фароғатда яшаган деб бўлмайди. Урушқоқ, шафқатсиз қўшни қабилалар шаҳарга тез-тез ҳужум қилиб турган. Боспор билан скиф қабилалари ўртасидаги муносабатлар мураккаблашаверган. Херсонеснинг ўзида ҳам бетинч бўлган. Ҳокимият учун кураш кучайиб кетган. Херсонесликларнинг Қасамиди ана шулар ўз аксини топган.

Эллада фарзандлари ўз ватанидан узоқ-узоқларга тарқалиб кетишган. Улар Шимолий Қора денгиз бўйида Ольвия, Херсонес ва Пантикапей, Танаис, Фанагория, Мирмекий ва Тира, Нимфей ва Кепа, Имурад ва Китей... каби жуда кўп шаҳарларни барпо этишган.


Археологик қазинишлар бизга бу шаҳарлардан, асрлар қаъридан янгидан-янги маълумотлар олиб келмоқда. Гоҳ у, гоҳ бу ердан турли тасвирлар туширилган танга-чақалар, хумдонлар, тамғали амфора (мўнди)лар, сопол кошин қолиплари, нафис ҳайкалчалар, ажойиб сурат (фреска)лар топилмоқда.

Бундан бошқа нарсалар ҳам бизга Шимолий Қора денгиз бўйи шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилмоқда. Боспор пойтахти Пантикапея харобалари орасидан қабртошлар топилди. Қабртошларга ўйиб ёзилган хатлар, гарчи қисқа бўлса-да, бизга жуда кўп қизиқ маълумотлар беради.

Пантикапей эрамининг биринчи асрида қадимги дунёнинг маданияти юксак даражада ривожланган йирик марказларидан бўлиб, ўз шоирлари, олимлари бўлганлигини, боспорлик файласуф Сфэр тарих ва философияга оид кўпгина асарларнинг муаллифи эканлигини, биз, айни шу ёзувлардан билиб олдик.

Ёзувлар орасида диний мазмундагилари ҳам кўп. Улар Боспор подшолиги фуқаросининг диний эътиқодлари тўғрисида бирмунча тўғри тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Юнонлар Афродитани Боспорнинг ҳомийси ва ҳимоячиси деб ҳисоблаб, Афродита Урания номи билан юритганлар («Урания» сўзи «самовий» деган маънода). Би-



ХЕРСОНЕСДАН ТОПИЛДАН ТОШТАХТА

роқ Афродита боспорликларнинг ёзувларида Афродита Апатурийская ёки Афродита Апатура деб ҳам аталган.

Афсонада «Апатура» сўзи қадимги юнонлардаги «ёлгон» сўзига тенглаштирилган. Ҳа, ҳа, шундай; Самовий Афродитанинг исми аини шу сўз билан боғлиқ эканлигига таажжубланмасангиз ҳам бўлади. Афсонада бу қуйидагича талқин қилинган.

Афродитага довлар ҳужум қилган эмиш. У қадимги юнонларнинг машҳур қаҳрамони Гераклни ёрдамга чақирган. Кейин довларни алдаб-сулдаб Гераклга тутиб берган, Геракл уларни ўлдирган. Афродитанинг ёлгонни ишга солганлиги тўғрисидаги халқ афсонасини Страбон айтиб берган, шунга кўра «Апатура» эпитети маъбуданинг муайян хислати сифатида тушунилган.

Лекин баъзи тадқиқотчилар «Апатура» эпитетининг бундай талқин қилинишига қарши чиқиб, бошқа фикрни айтмоқдалар. Улар ионияли юнонлар истиқомат қиладиган қадимий шаҳарларнинг деярли ҳаммасида Апатура байрами ҳар йили жуда тантанали вазиятда ўтказилишини асос қилиб олмоқдалар. Бу байрам фратриялар (қабил аидаги уруғлар бирлашмаси)нинг дини бирлигини билдирган. Байрам вақтида фратриялар рўйхатига янги туғилган чақалоқлар ва эндигина никоҳдан ўтган келинлар киритилган.

Турли шаҳарларда бу байрамнинг ўз ҳомийлари бўлган эмиш. Масалан, Афинадаги байрам ҳомийлари — Зевс Фратрий билан Афина Фратрия, Боспорда эса —

маъбуда Афродита; уни шу боисдан Афродита Апатура деб аташган эмиш.

Херсонесдан топилган ёзувлардан маълум бўлишича, шаҳар ҳаётида тарих, адабиёт, шеърят (поэзия), музика алоҳида ўрин тутган. Херсонеснинг тарихи тўғрисида қимматбаҳо асар яратгани учун тилла гулчамбар билан мукофотланган тарихчи ва адабиётчи Сирикка бағишланган хат бизгача етиб келган. Бу асар Херсонесдаги театрда ўқилган. Театрда томошалар кўрсатилган, драматик ролларни ижро этувчи артистлар, қизиқчилар чиқишган, шеърлар ва бошқа бадий асарлар ўқилган.

Баъзи ёзувлардан маълум бўлишича, Херсонес аҳолиси спортни кенг ёйишга катта аҳамият берган. Югуриш мусобақалари ғолибларига, кураш ва спортнинг бошқа турларидан ўтказилган мусобақа ғолибларига соврин — махсус амфора топширилган.

Юнонлар ёзувида ишлатиладиган ишора-белгилар одатда тош-тахталардан, идишлардан, турли буюмлардан ва иморатлардан топилмоқда. Лекин шундай белгилар ёзилган қўرғошин пластинкалар топилган ҳоллар ҳам бўлган.

Бу пластинкалар қадимги Юнонистондан бизгача етиб келган ўзига хос мактублардир. Улар тасодифан, эгасига тегмаганлиги учунгина бизгача етиб келган. Тўғри, бундай мактублар жуда кам. Атиги олтита. Шулардан бири Грецияда, қолганлари Совет Иттифоқи территориясида, Қораденгиз бўйида топилди.

Тикланган битта қўрғошин пластинка ёш тадқиқотчи Ю. Виноградовнинг қўлига тушди. Пластинкадаги хатни ўқиш керак эди. Лекин бу анча қийин иш бўлиб чиқди.

Пластинкадаги хат эраминдан олдинги VI асрга оид бўлиб, ёзилганига тахминан 2,5 минг йил ўтган. Хатда иони шевасининг ва унинг милет вариантнинг таъсири бор эди. Бундан ташқари, хатдаги истеъмолдан чиққан, қадимий (архаик) сўзларни ҳам ҳисобга олиш керак эди, чунки ҳозирги вақтда бу сўзлар бутунлай бошқа маънода тушунилиши мумкин. Бунинг устига, мактуб учинчи шахс номидан ёзилган бўлиб, ким тўғрисида сўз бо раётганлиги баъзан тушунилмас эди.

Ниҳоят, мактуб ўқиб чиқилди. Хўш, мактуб нима тўғрида экан? Маълум бўлишича, эллинлар бир қўл тўғрисида ўзаро келиша олмабдилар.

Найсимон қилиб ўралган пластинканинг сиртига хат эгасининг адреси жуда пухта ёзилган: «Қўрғошиндаги

мактуб Ахиллдордан ўғлига ва Анаксагорга». Мактуб энг қадимий бўлишидан ташқари, жуда мазмундор эди. У эрамиздан олдинги VI асрда Юнонистонда қандай ижтимоий муносабатлар бўлганлигини ёритиб берди.

Қўрғошин мактублар нега бунчалик кам учрайди? Қадимий Юнонистонда қўрғошин, гарчи нодир металл ҳисобланмаса-да, жуда қадрланган. Ундан қадоқтош ва чўк тайёрланган, идиш-товоқни кавшарлашда фойдаланилган. Хат ёзиш учун мўлжалланган қўрғошидан кўп марталаб фойдаланганлар. Мактуб ёзилган қўрғошин ўз вазифасини бажариб бўлгандан кейин ёзувлар ўчириб ташланиб, ўрнига бошқа хат ёзилган ва ҳоказо.

Юнонча хат ёзилган ёдгорликлар Греция чегарасидан анча узоқ жойлардан топилди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади. Ахир, алифбога унли товушларни киритиб, унинг мукаммалашувиغا айни юнонлар салмоқли ҳисса қўшган. Юнонлар алифбоси бутун дунёга тарқалган. Юнонлар ўрнашиб олган ороллардан ва Эллада материгидаги алифбо Юнонистон колонияларига ва бошқа мамлакатларгача етиб борган. Бу алифбо шу қадар мукаммал бўлганки, мана уч минг йилдирки, турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг қулай алоқа воситаси бўлиб келмоқда. Унинг асосида бошқа кўпгина алифболар келиб чиқди. Лидияликлар, писидияликлар, мизияликлар, ликияликлар, карнияликлар, фригияликлар, хуллас, Кичик Осиёда яшовчи халқлар ҳам уни ўзлаштириб олганлар.

Масалан, лидияликлар юнон алифбосига ўз тилларига хос бўлган бир неча янги товушни киритишган, холос. Лидияликлар тилидаги хат битилган ёдгорликлар жуда кам — атиги бир неча қабртошдан топилди. Бу ёзувлар қисқа ва қолипга тушган, сийқа иборалардан иборат бўлганлигидан лидияликлар тили тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бермайди.

Писидияликлар тили билан мизияликлар тили тўғрисида ҳам шунини айтиш мумкин. Бу халқларнинг иккаласи ҳам юнон ҳарфлари билан ёзганлар. Уларнинг ёзма меросларидан писидияликлар тилида ёзув битилган 16 та қабртош ва мизияликлар тилида ёзув битилган битта мрамартош бизгача сақланиб қолган.

Ликияликлар тилидаги ёзувлар кўпроқ сақланиб қолган. Улар юнонлар алифбосига ўз тилларига хос товушларни киритиб, алифбони ўз тилларига мослаштирганлар.

Карияликлар ёзуви кўпгина мунозараларга сабаб бўлмоқда. Карияликлар алифбоси ўттиз белгидан иборат бўлиб, белги бўғин ва ҳарфларни билдиради. Карияликлар тилидаги энг қадимий ёзув (текст)лар ҳам юнон тилидаги ёзувлардан кексароқ бўлиб чиқди. Бу ҳол олимларни ўйлантириб қўйди. Олимлар, Кичик Осиёда яшаган кам сонли бу халқ, яъни карияликлар финикияликларнинг ёзувини ўзлаштириб олмаганмикин, карияликлар алифбоси кейинроқ юнонлар алифбоси таъсирида ўзгартирилмаганмикин, деган фикрга бормоқдалар. Карияликлар юнонлар билан бир қаторда ўз алифболарини ўзлари тузганлар, деган жуда дадил тахмин ҳам туғилди. Ҳар ҳолда, карияликлар юнонлар алифбосини ўзлаштириб олган, деган фикр тўғрироқ ҳисобланади.

Эрамиздан олдинги VIII асрда Кичик Осиёдаги энг қудратли давлат ҳисобланган Фракия халқи юнонлар алифбосини тўла қабул қилган. Шу билан бирга, бу алифбо фракияликлар тилига шу қадар мос тушганки, унга янги товушлар киритишнинг ҳожати ҳам бўлмаган.

Юнон алифбоси Жанубий Италияда истиқомат қилувчи, ҳинди-европа тилида сўзлашадиган мессап халқига ҳам манзур бўлган.

Готлар алифбосининг келиб чиқиш тарихи жуда қизиқ. Қадимги герман қабилаларидан бири — готлар — қачонлардир Балтика денгизи соҳилларида яшаган. Эрамизнинг III асри бошларида улар бошқа қабилаларга бошчилик қилиб, Шимолий Қора денгиз бўйига келишган, III—IV асрларда бу ерда яшовчи халқларни даҳшатга солишган, сўнгра Дунайда, Никополь шаҳри яқинига ўрнашиб олишган. Кейинроқ готлар Испанияга ва Италияга кўчиб кетишган ҳамда маҳаллий халққа ағлашиб, тарих саҳифасидан ғойиб бўлишган. Гот халқидан катта ҳажмли бир неча қўлёзма — Библиянинг таржима қилиб гот алифбосида ёзилган парчаларигина қолган, холос.

Эрамизнинг IV асрида епископ Вульфила герман халқи ичидан биринчи бўлиб христиан динини қабул қилган қавмнинг маънавий ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиб, Библия (христианларнинг муқаддас диний китоби)ни гот тилига таржима қилмоқчи бўлган. Бунинг учун Вульфилага шошилиш суратда алифбо тузишга тўғри келган. Юнон алифбоси герман тилининг фонетик хусусиятларини мутлақо акс эттирмайди, шунинг учун епископ бу алифбога бир неча латин ҳарфини киритган, бир

неча ҳарфни ўзи ўйлаб топган, шундан кейини ўша йиғма алифбодан фойдаланиб тўқ қизил рангдаги пергамент қоғозга Библиядан олинган муқаддас сўзларни кумуш ва тилла ранг ҳарфлар билан ёза бошлаган, 187 varaқни шу тарзда тўлдирган.

Юнон ёзуви Мисрға ҳам ўз таъсирини ўтказиб, мисрликларнинг миллий ёзувларини сиқиб чиқарган. Мисрлик христианлар мажусийларға хос нарсаларнинг баҳридан ўтишға аҳд қилиб, бир varaқайиға мисрликлар хатидан ҳам воз кечганлар. Унинг ўрниға юнон алифбосини асос қилиб олганлар, лекин ўзларининг эски ёзувларидан ҳам баъзи ҳарфларни қолдирганлар. Шунингдек қадимги миср халқ ёзуви (демотик хат) дан ҳам бир неча белги олинган.

Дастлабки пайтларда копт алифбоси диний мазмундаги ёзувлар учунгина фойдаланилган. Кейинчалик шу ёзувлар асосида коптларға хос адабиётлар пайдо бўла бошлаган. Копт халқининг жуда кўп қадимий афсоналари, ҳикоялари, қўшиқлари, диний асарлари, ҳатто шоҳ Кўмбиз тўғрисидаги тарихий роман ҳам бизгача сақланиб қолган. Эрамизнинг 640-йилида, Миср истилочилари — араблар маҳаллий халқ орасида ўз тиллари, ёзувлари ва динини қатъиятлик билан тарқата бошлагач, коптлар адабиёти ривожланишдан тўхтаган.

Искандар Зулқарнайн жуда кўп халқларни забт этиб, йирик давлат барпо қилган. Юнон тили, ёзуви, юнон маданияти бу давлатнинг ҳамма бурчакларига етиб борган. Улар ҳатто узоқ Бақтрияға ҳам тарқалган. Искандар Зулқарнайн бақтрияли малика Роксанаға уйланиб, Бақтрия давлатини барпо этган; бу давлат ҳозирги жанубий Ўзбекистон, шарқий Тожикистон ва шимолий Афғонистон территориясини ишғол қилган экан. Уша замонлардаги Бақтрияда юнон маданияти гуллаб-яшнаган, юнон тили бир неча асрлар мобайнида, эрамизнинг II асрида кўчманчи сакс қабилаларининг истилосигача, ҳукмрэн тил бўлган. Келгиндилар Бақтрия ўрнида йирик Кушон подшолигини барпо этишган. Унинг территорияси собиқ Бақтрия подшолиги чегарасидан узоқ-узоқларға чўзилиб кетган. Кушонлар ҳам ўз алифболарини яратишда юнон алифбосини асос қилиб олганлар.

Ёзувларига юнон алифбоси таъсир кўрсатган халқлар рўйхатини шу билан тугатса ҳам бўлади. Шунинг ўзидек юнон алифбосининг катта аҳамиятға эга бўлганлигидан далолат беради. Шундай бўлса-да, этрусклар,

арманлар, грузинлар ва, асосан, славянлар алифбосини тилга олмай ўтолмаймиз. Буларнинг ҳаммаси юнон алифбосидан келиб чиққан!

Юнонлар тарих саҳифаларида тахминан эрамиздан олдинги минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Улар Болқон ярим оролига қаердан келиб қолишган, қайси ер уларнинг асл ватани бўлган — буниси номаълум. Бизга маълуми шуки, юнонлар шимолнинг қайсидир еридан тўлқиндай бостириб келиб Қадимий Элладада мустаҳкам ўрнашиб қолишган. Қулай табиий шароитлар, денгиз йўлларининг яқинлиги, Элладанинг қадимги дунё мамлакатлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бу ерларга кимларни жалб қилмаган дейсиз.

Дастлаб кўчиб келган юнонлар ахейлар бўлган. Улар материкда жойлашиб, Критгача бориб кирганлар. Эрамиздан олдинги XII асрда ахейлар маданияти юксак даражада ривожланган, лекин бу ерларда юнонлар, доридаликларнинг навбатдаги оқимлари бостириб кириб маданий тараққиёт барҳам топган.

Лекин ахей маданияти соҳасида эришилган ютуқлар дом-дараксиз йўқолиб кетмаган. Уларни доридаликлар ўзлаштирган. Вақт ўтиши билан маданиятни айни шу юнонлар энг юксак даражада тараққий эттирган. Европа маданиятига ҳам ана шу юксак маданият асос солган.

Қадимги юнонлар эътиқодича, ёзув уларга худо томонидан ато этилган. Қадимги юнонлар афсонасида ёзувнинг келиб чиқиши Маиа бундай таърифланган.

Финикиялик шоҳ Агенорнинг ўғли Кадм тез сузар кемада Фера оролига (ҳозирги номи Санторин) борган ва оролдаги юнонларга ўқиш-ёзишни ўргатган. Юнонларни бу санъат жуда таажжублантирган. Кадми худо ҳисоблаб, унга тегишлича иззат-икром кўрсатганлар. Бошқа ривоятда айтилишича, Кадм уларга фақат 16 та ҳарфни кўрсатган, бир неча ҳарфни Троя жангининг афсонавий қаҳрамони Паламед, яна бир нечасини эса шоир Симонид қўшган.

Афсоналарда кўп нарсалар айтилган, лекин шулардан фақат биттаси тўғри — юнонлар ўқиш-ёзишни финикияликлардан ўрганишган.


Улар финикияликлар алифбосини ўзлаштириб олиб, анча такомиллаштиришган. Гап шундаки, финикияликлар алифбоси фақат унсиз товушлардан иборат бўлган.

Финикияликларнинг ўзлари ҳам бу системанинг кам-кўсти борлигини сезиб, унга унли товушларни киритмоқчи бўлишган. Тўғри, бу товушлар ўрнига муайян ҳарфларни белгилашга уларнинг қурби етмаган, шунга кўра бошқа усулни ўйлаб топишган. Ёзув осонликча тушуниладиган бўлиши учун улар ёрдамчи белгилар ишлатишган; бу белгилар унсиз товушларнинг қайси биридан кейин қандай унли товуш келишини англатган. Ёрдамчи белгилар нимадан иборат бўлган ёки «дастлабки саводхонлар» уни яна қандай атаган? Буни мисол билан тусунтириш осонроқдир. Масалан, финикияликларга «се-мит» сўзни ёзиш керак бўлган дейлик; улар буни «сmt» ва «смйт» кўринишида ёзиши мумкин эди. Лекин бу икки сўз бошқа-бошқа маънодаги сўзлар эмас, албатта. Кейинги вариантда биз ёрдамчи «й» белгиси ишлатилганлигини кўриб турибмиз. Бу белгининг вазифаси нимадан иборат бўлган? Биринчи ҳолда уч белги «се-миты» деган уч бўғинни англатган. Иккинчи ҳолда ёрдамчи белги ўқилмаган, у иккинчи бўғиннинг «ме», «ма», «му» деб эмас, балки «ми» деб ўқилиши кераклигини кўрсатган.

Бу унли товушларга ўтиш йўлидаги биринчи қадам бўлган. Навбатдаги қадамни юнонлар қўйган; аслини олганда, шу қадамдан кейин улар ҳарфли ёзувнинг «отаси», асосчиси ҳисобланадиган бўлди. Ҳарфлар билан ёзишга секин-аста ўтилган; қадимий юнон ёзувида бўғинли ёзув элементларини кўриш мумкин, кейинчалик бу элементлар бутунлай йўқолиб кетган.

Юнон алифбосининг финикияликлар алифбосидан келиб чиққанлиги чин ҳақиқат. Ҳатто финикияликлар алифбосидаги унсиз ҳарфлар билан юнон алифбосидаги унсиз ҳарфларни юзаки кўздан кечирганда ҳам уларнинг ота билан фарзанддек бир-бирига ўхшаш эканлиги кўзга ташланади. Бу ҳарфларнинг номлари ва бирин-кетин келиш тартиби ҳам бир хил. Дастлабки юнон ёзувлари ўнгдан чапга қараб ёзилиши билан ҳам финикияликлар ёзувиغا ўхшайди.

Юнонларнинг финикияликлар ёзувини ўзлаштириб олган вақти X—VIII асрларга тўғри келади, лекин аниқ бир сапани айтиш амри маҳол. Эрамизнинг VIII—VII асрларига мансуб энг қадимий юнон ёзувларининг намуналарини фақат тошларгина бизгача етказган. Бу ёзувлар Элладанинг табиий «архиви»да, яъни Фера оролидаги қояларда сақланмоқда. Булар финикияликлар



ёзувига жуда яқин бўлган энг қадимги (архаик) ёзув намуналаридир.

Юнонлар ўз алифбосини асрлар давомида такомиллаштирган, натижада у бизга маълум бўлган ҳозирги кўринишига кирган.

Алифбога унли ҳарфлар киритилишидан ташқари, хатнинг ёзилиш томони (йўналиши) ҳам ўзгартирилган. Феро оролидаги ёзувлар финикияликларникидек, ўнгдан чапга қараб ёзилган. Бироқ юнонлар бундай ёзувнинг амалий жиҳатдан ноқулайлигини пайқаганлар. Бу хусусан сиёҳ ишлатила бошлагандан кейин яққол сезилган. Ноқулайлик шундан иборат бўлганки, хатнинг бир сатрини ёзиб бўлиб қўлни яна ўнгга кўчираётганда тепадаги сатр суркалиб кетган. Эрамизнинг VI асрига келиб чапдан ўнгга ёзиш қатъий қарор топган.

Вақт ўтиши билан финикияларнинг ёзиш усули ҳам ўзгаради. Улар дастлаб бустрофедон усулида ёза бошлайдилар; бу усулда бир сатр ўнгдан чапга ёзилса, иккинчи сатр чапдан ўнгга ёзилади ва ҳоказо. Лекин кўп ўтмай бу усулдан ҳам воз кечилган ва барча сатрлар бир йўналишда, яъни бир томонга қараб ёзиладиган бўлган.

Юнонлар тили (алифбоси)даги бир неча янги товуш финикияликларда бўлмаган. Бу товушларни талаффуз этиш учун алифбога қуйидаги ҳарфлар киритилган:

Ψ, Φ, Χ.

Аввал бошда бир неча маҳаллий юнон алифбоси бўлган. Улар аста-секин бир-бирига яқинлашиб, эрамиздан олдинги V асрда Афинада Милетнинг ионий алифбоси қабул қилинган, IV аср ўрталарида эса бу алифбо бутун Юнонистонга тарқалган.



24 ҳарфдан иборат классик юнон алифбосининг шаклланиши ниҳоясига етган. Ҳозирги греклар ёзувида бу ҳарфлар бош ҳарф ўрнида ишлатилади. Улардан тош, металл ва ёғоч лавҳаларга ёзишда ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин папирус, қоғоз, пергаментга ёзиш учун бу ҳарфлар тўғри келмайди. Бу мақсадда анча тез ёзиладиган осон ёзув — тезхат — шикаста хат ишлаб чиқилган.

Юнонлар тилида ёзилган лавҳалар, хатлар қадим-қадим замонларда бўлиб ўтган воқеаларни тиклашга ёрдам беради. Масалан: топилган бир гуруҳ тош ёдгорликларни олайлик; булар шартномалар, афиналикларга уларнинг иттифоқдошлари бўлаши лозим бўлган хирожлар рўйхати, қарорлар, қонунлардан иборат. Шу ёдгорликлар эрамиздан олдинги V асрда Афина давлати билан унинг иттифоқдошлари ўртасидаги муносабатларни билиб олишимизга ёрдам берди. Крит оролидан топилган ва Гортина ёзуви еб аталган хат эрамиздан олдинги V аср ўрталарига мансуб бўлиб, қадимги юнон шаҳри Гортинанинг қонунлар тўпламидан иборат экан.

Абусимбелдаги Рамсес II ҳайкалидаги (оёғига ёзилган) хат бўлмаганда, биз эрамиздан олдинги VI аср бошларида юнонлар томонидан ёлланган навқарлар (юнон малайлари)нинг Нубияда бўлганлигини билармидик.

Ҳатто арзимаган сопол парчалари ҳам бизга кўп нарсалардан ахборот бериши мумкин. Бир замонлар Афинада яширин овоз беришда сопол парчалари-остракдан фойдаланишган. Сопол парчаларига Афина граждандарига матлуб бўлмаган сиёсий арбобларнинг номлари ёзилган. Мамлакатдан сургун қилинадиганларнинг номзодларини яширин овозга қўйишда шу сопол парчаларидан фойдаланганлар. Қарзни узганлик тўғрисидаги тилхат ҳам сопол парчасига ёзилган.

Папирусга ёзилган хатлар узоқ сақланмаган, папирус тезда чириб кетган. Мисрнинг иқлими кўрүк бўлгани учун улар Мисрдагина сақланиб қолган. Археологик қазинишлар ўтказган вақтда бу ердан қадимги юнонларнинг папирусга ёзган икки мингдан кўпроқ хати топил-



Юнонча хат ёзилган тош ёдгорлик

ган. Бу хатлар хизматга доир ёзишмалар, судга оид ишлар, солиқ тўлайдиганларнинг рўйхатлари, савдо-сотик актларидан иборат экан. Булар орасида подшоҳ Птолемей II Филадельфнинг солиқ йиғиш, ҳунармандчилик устахоналари ташкил этиш қондалари ва бошқа тартиблар ёзилган солиқ низомномаси ҳам бор экан; папирусга ёзилган «Зенон архиви» — бир тўранинг иш бошқарувчисига тегишли хўжалик масалаларига доир ҳақиқий дostonдир. Юнон ҳарфлари билан тўлиб кетган катта папирус Аристотелнинг дом-дараксиз йўқолган деб ҳисобланилган «Афинская полития» номли трактатининг бизгача сақланиб қолган тексти эканлиги кимнинг хаёлига келган дейсиз.

Мана бу гекзометр сизга танишми?

Парвариш қилиб, сўнгра ўстириб экинларни,

Мардикорлар ўришар ўроқлари ярқираб.

Ерга тасмадай бўлиб тинмай ётар дасталар,

Кетдан боғ қилиб уни боғчилар боғлаб борар.

Ўроқчилар ортидан борар учта боғловчи, кетида

болаларни,

Машоқ йиғиб эпчил — тез, қўлтиқлаб бирин-кетин

Боғловчиларга берар. Ҳукмдор ҳам шу ерда сукут

ичра жим,

Қўлда дастали сўйил, тахтда ўлтириб, қалбидан

хурсанд бўлар.

Ҳа, бу Гомернинг машҳур «Илиада» сидир. Унинг тексти пергаментга битилган энг қадимги ёзувлардан бири бўлиб, эрамизнинг тахминан III асрига мансубдир. Юнон тили Геродот ва Фукидид асарларини, Эсхил, Софокл ва Еврипид фожиаларини, Аристофан комедиясини бизгача етказди.

...Биз юнон алифбоси туфайли энг юксак маданият босқичидаги ижтимоий тузум, сиёсат, фан ва маданият билан танишамиз, уларни билиб оламиз, юнон афсоналарининг жозибадорлигидан завқланамиз, адабиётларни ўқиб маза қиламиз, ўша даврлардаги бошқа халқлар билан танишамиз. Юнон алифбоси инсон заковатининг улуғ ютуғи, суратдан ҳарфга айланган ёзувнинг ривожланиш қонуний оқибатидир.

Сирли этрусклар

Биз кўп нарсани биламиз ҳам, ҳеч нарса билмаймиз ҳам. Эрамиздан олдинги минг йилликда Италияда яша-



ган қадимий халқ — этрусслар ҳақида ана шундай дейиш мумкин. Олимлар этруссларнинг унутилиб кетган тилини «Барча италиялик жумбоқларнинг ҳам жумбоғи» деб атаганлар. Олимлар этрусслар қолдирган ёзма ёдгорликларнинг маъзини чақиш устида бош қотиришар экан, уларга бу ёзувлар маълумдек, ўқиб «тушунса» бўладигандек кўринган (этрустлар ўз сўзларини юнэн ҳарфлари билан ёзганлар). Мазкур ёзувларни ўқиш мумкин бўлган-у, ammo сўзларнинг маъноси тушунилмаган. Бу, озарбайжон тилини билмайдиган одамнинг рус ҳарфлари билан ёзилган озарбайжонча текстни ўқиганидек бир гап.

Аввало эпчил, жасур этрусслар тўғрисидаги маълум нарсалар билан танишайлик.

Бутунлай йўқ бўлиб кетган бу халқни Урта денгиз харитасидаги ақалли иккита географик ном бизга эслатади. Булардан бири — Тоскана — Италиядаги анча катта область (бу латинча «туски» сўздан олинган; римликлар этруссларни «туски» деб аташган); иккинчиси — Тиррен денгизи (юнонлар этруссларни «тирренлар» ёки «тирсенлар» деб аташган, денгизнинг номи ана шу сўзлардан келиб чиққан).

Этрустлар эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ Апеннин ярим оролида яшовчи қабилалар орасида етакчи роль ўйнай бошлаганлар. Этруриянинг гуллаб-яшнаган, энг қудратли вақти эрамиздан олдинги VII—V асрларга тўғри келади. Этрустлар қуруқликнинг ва денгизларнинг катта қисмига эгаллик қилишган. Улар шимолда По дарёси водийсининг, жанубда эса Кампанияни ишғол қилишган. Корсика ҳам уларнинг таъсирида бўлган. Тиррен денгизининггина эмас, Адриатик денгизининг номи ҳам этрусслар билан боғлиқ. Тускиларнинг колонияларидан¹ бири Атрия деб аталган.

Ана шу катта территорияда этрусслар кўп шаҳарлар барпо этишган, шаҳарларда савдо-сотиқ жуда чаққон бўлган; Шарқдан бу шаҳарларга финикияликлар товар олиб келишган; карфагенликлар уларни металл идиш-товоқ, фил суяги, шиша безаклар — тақинчоқлар билан, юнонлар эса сопол буюмлар билан таъминлаб турган. Этрустларга қарашли денгиз соҳилларига мисрликлар,

¹ Бу ерда *колония* сўзини бошқа мамлакатдан келиб жойлашган кишилар манзили деган маънода тузунуш керак.

испанлар, сицияликлар ҳам кемаларда сузиб келишган. Этрусклар анча узоқ районлар, масалан, Урарту давлати билан ҳам савдо муносабатлари боғлаган.

Шаҳар этруск халқининг улуғворлик, шон-шараф, куч-қувват рамзига айланган. Кўпгина шаҳар-қалъалар барпо этилган, лекин ассийлари ўн иккита бўлган. Буларнинг ҳар бири қудратли ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳисобланиб, ўз қиёфаси бўлган. Масалан, Вейя шаҳри ҳайкалтарошлик мактаби билан шуҳрат қозонган, ажойиб этруск ҳайкалтарошлик намуналарини яратган моҳир усталар шу мактабда етишиб чиққан. Вейялик ҳунармандлар Рим тепалигида Капитолия ибодатхонасини қуришда иштирок этишган.

Цереда металл буюмлар ясаш санъати равнақ топган, чунки шаҳар яқинида жуда бой темир рудаси конлари бўлган. Турли мамлакатлардан беҳисоб кўп кемалар келиб-кетиб турадиган денгиз порти ҳам шаҳар яқинида жойлашган; шаҳар кўчаларида дунёнинг ҳар хил мамлакатларидан келган савдогарларни учратиш мумкин бўлган. Тархна (ёки Тарквиния) ҳунармандчилик марказига айланган. Бу шаҳарда бронза буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, бошқа шаҳарларда тайёрланган товарлар бу буюмларга асло бас келолмаган.

Кўп сонли археологик қазилмалар этруск усталарининг моҳирлиги тўғрисидаги билимларимизни янада ортирди. Этруск ҳунармандлари қўлидан чиққан буюмлар Афинада ҳам шуҳрат қозонганлиги аниқланди.

Этрурия усталари шу қадар ажойиб сопол буюмлар тайёрлаганки, улар бутун Ўрта денгиз мамлакатларига ҳам донг таратган. Амфоралар, бошқа сопол идиш-товоклар махсус усулда пиширилиб қорайтирилган. Пиширишнинг бу усули «буккоро» деб аталган («буккоро» италянча сўз бўлиб, «қора тупроқ» деган маънони билдиради). Сўнгра идишга қиздирилган тош билан жило берилган ва сиртига бўртма нақшлар солинган, баъзиларининг сиртига ўткир асбоб билан турли нақшлар ёки ҳайвон ва қушлар шаклидаги ганчбанд суратлар ўйиб солинган.


Этрусклар нодир, қимматбаҳо металлларга ишлов бериш, бронзадан буюмлар қуйиш усулларини мукамал билганлар. Рим Капитолиясидаги машҳур урғочи бўри ҳайкалини айтилишича, эрамиздан олдинги 753- йилда Римни барпо этган эгизак болани шу бўри эмизиб катта қилган эмиш.

Қадимги замон асарлари муаллифларининг гувоҳлик беришича, Рим шаҳри ўзининг бунёдга келганлиги учун кўп жиҳатдан этрусклардан миннатдор бўлиши керак. Этрурия шаҳарлари гуллаб-яшнаган ва мамлакат соҳилларига ҳар хил юртлардан савдо кемалари бирин-кетин келиб турган даврларда Тибр дарёси бўйидаги тепаликларда катта-кичик қишлоқлар бўлган, уларнинг оз сонли аҳолиси чорвачилик ва деҳқончилик билан кун кўрган, тепаликлар орасида эса кенг ботқоқликлар ястаниб ётган, кейин айни шу тепаликларда буюк шаҳар қад кўтарган.

Кўп шаҳарлар барпо этиш, ботқоқликларни қуритиш соҳасида тажриба орттирган этрусклар бу ердаги ботқоқликларни ҳам қуритишга аҳд қилиб, сув ташланадиган канал қазинган. Кейинчалик римликлар бу ажойиб иншоотга слоаса таҳита деб ном беришган, римлик тарихчилар эса ер ости каналининг мустаҳкамлиги ҳақида завқланиб ёзганлар. Кейин «шаҳарнинг барча ювиндиси тушиб кетадиган ўра»га айланган бу иншоотни ўша вақтда ерли халқ қурган. Уни қуриш ниҳоят даражада машаққатли, оғир иш бўлганки, кўплар бардош беролмай ўз жонига қасд қилган. Шунда ҳокимлик қилувчи этруск Тарквиний Приск ўзини ўзи ўлдирганларни дафн этишни ман қилган ва мурдани йиртқич қушларга ем бўлиши учун оёқ-қўлидан ёғоч крестга тортиб михлашни буюрган. Бу чора одамларга жуда таъсир этган. Канал қурилиб битган ва ботқоқлик суви Тибр дарёсига ташланган. Қуритилган ерда *Fogium Romanum* майдони барпо этилган; дастлабки вақтларда бу майдон Рим шаҳрининг, кейин — Италиянинг ва, ниҳоят, юзлаб йиллардан кейин Буюк Рим империясининг марказига айланган.

Этрусклар жасур халқ бўлган. Қадимги солнома-ларда ҳикоя қилинишича, уларнинг йўлбошчиси кема юргизиш маҳорати билан ажралиб турган; этрусклар узоқ даврларгача денгизда ҳокимлик қилишган. Юнон ривоятларида даҳшатли этруск денгиз қароқчилари тилга олиниб, қадим замонларда денгиз жангларида кемалар бир-бирига ҳужум қилган вақтда ишлатиладиган чангакларни айни шу қароқчилар ўйлаб чиқарган дейилган.

Шаҳарлар тўла мустақил бўлганликлари учун этрусклар Италия ерида истиқомат қилувчи бошқа халқлардан устунлик қилганлар. Этруриянинг ожизланиб, инқирозга юз тутишига ҳам шу шаҳарлар сабабчи бўл-



ган. Ҳар бир шаҳар иқтисодий жиҳатдан кучли ва сиёсий жиҳатдан мустақил давлат ҳисобланган. Давлатга аслзодалар авлоди ҳокимлик қилган. Этрусклар доимий сиёсий ёки ҳарбий бирлашмалар тузмаган. Уларда фақат дин умумий бўлган, яъни улар битта худога — маъбуда Вольтумнага сиғинишган. Бу халқ умумий ибодатхона қуриб, шунда йилига бир марта маъбуда шарафига тантанали ўйинлар ўтказишган.

Вақт ўтиши билан этруск шаҳарлари ожизланиб, куч-қувватини йўқотаверган, Римнинг қудрати эса, аксинча, ошаверган. У тарқоқ италийлар қабилаларини ўз салтанатига тўплаган.

Этруск шаҳарлари осонликча таслим бўлмаган. Эрамиздан олдинги 406- йилда Рим билан Вейя ўртасида жуда қаттиқ жанг бўлиб, жанг этруск шаҳрининг мағлубияти билан тугаган. Римликлар шаҳар аҳолисининг бир қисмини ўлдиришган, бир қисминини қулликка сотишган. Шаҳарнинг тақдирини енгилмас тускиларга сабоқ бўлиши керак эди.

Римликлар этрускларнинг энг сўнгги шаҳрини эрамиздан олдинги 265- йилда забт этишган. Бу Этрурия тарихининг ниҳояси эди. Шундан кейин этруск шаҳарларини романлаштириш бошланган. Кўчаларда латин тилидаги сўзлар янграган. Этрусклар аста-секин тақдирга таян беришган. Қонун-қонда чегарасидан чиқмаганликларини учун уларга имтиёзли шароит тўғдирилган, яъни кенг гражданлик ҳуқуқи берилган. Этрусклар тенг ҳуқуқли бўлиши билан бирга, римликларнинг урф-одатларини ўзлаштириб, ўз она тилларидан воз кечганлар.

Бироқ этрусклар маданияти унутилиб, йўқолиб кетгани йўқ. У Рим маданиятига асос солган. Грек тарихчиси Посидонийнинг таъкидлашича, римликлар этрусклардан кўп нарсани ҳирс билан ўрганишган. Очiq ички ҳовлиси бўлган уйлар қуриши, шаҳарларни планлаштириши ва водопроводлар қуриши ҳам римликлар улардан ўрганган, шунингдек ҳаётда ўрнашиб қолган кўпгина анъаналар (тога деб аталадиган ёппиғич, ликторларнинг ҳокимлик рамзи ва бошқалар)ни, санъат, динни қабул қилган. Археологларнинг аниқлашича, этруск санъат буюмлари яратилган устахоналар эрамиздан олдинги I асргача ишлаб турган. Этруск алифбосини латин алифбосига асос қилиб олган.

Римга мерос қолган нарсаларнинг ҳаммасини этрусклар ихтиро қилган, яратган дейиш нотўғри бўлур

эди. Улар кўп нарсаларни, юнонлардан мамлакатнинг жанубидаги юнон колониялари орқали ўзлаштириб олганлар.

Этрусслар театр санъатини, мифологияга оид томошаларни қадимги Эллададан олганлар, ўз олтин тангаларини юнон тангалари шаклида зарб қилганлар. Этрурия аслзодалари юнонларнинг турли шаклдаги ажойиб қора ва қизил вазаларига юксак баҳо беришган. Археологик қазилар вақтида очилган этруск мақбараларининг кўпчилигидан шундай вазалар топилган. Бироқ этруск маданиятининг тарихий хизмати шуки, у юнон маданияти билан рим маданияти ўртасидаги кўприк вазифасини бажарган.

Этруссларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала ҳам фан олдида турган жумбоқ ҳисобланади. Улар Апеннин ярим оролида жойлашиб олган ибтидоний қабилалар орасида юксак маданиятлиги билан ажралиб турган; бу эса этрусслар қадимги дунёнинг анча тараққий этган районларидан, биринчи галда Кичик Осиёдан кўчиб келган бўлсалар керак, деган фикрга олиб бормоқда.

Этрусслар қаёқдан келиб қолганлиги тўғрисидаги масала устида қадим замонларда ҳам мунозаралар бўлиб ўтган. Геродот этруссларнинг эрамиздан олдинги VIII асрда Шарқдан кўчиб келганликларини таъкидлаб бундай деган: «Манеснинг ўғли шоҳ Атис даврида Лидиянинг ҳамма жойида (экин битмаганлиги натижасида) қаттиқ қаҳатчилик бўлган. Лидияликлар муҳтожликка аввал бошда чидаб келганлар, кейин очарчилик тобора зўраявергач, бундан қутулиш йўллари излаб бошлаганлар. Улар мана бундай йўл тутганлар: овқат тўғрисида ўйламаслик учун бир кун эртадан кечгача турли ўйинлар билан кунни ўтказганлар, эртасига эса ўйинни қўйиб, бир оз тамадди қилиб олганлар, лидияликлар шу тарзда 18 йил яшаганлар. Лекин офат зўрайса зўрайган-у, ammo камаймаган. Шундан кейин подшоҳ мамлакат аҳолисини икки гуруҳга бўлиб, кимлар ватанида қолишлигини ва кимлар ватанини ташлаб кетиши лозимлигини ҳал этиш учун уларга қуръа ташлашни буюрган. Подшоҳнинг ўзи ватанида қолувчиларга қўшилган, ватанини ташлаб кетувчиларга бошлиқ қилиб ўғли Тирсенни тайинлаган. Шундай қилиб, қуръа чиққанлар денгиз бўйига Смирнага жўнаганлар. У ерда кемалар қуриб, зарур буюмларини олиб, ризқ излаб бошқа (янги) юртларга йўл олганлар. Улар кўп юртлардан ўтиб омбрик-

лар ерига етиб келганлар ва шу ерда шаҳар барпо этганлар; лидияликлар ҳозир ҳам шу шаҳарда яшамоқдалар, лекин улар ўз номларини ўзгартириб, ўзларини денгиздан омон-эсон олиб чиққан Тирсен (подшоҳ ўғлининг номи) шарафига тирсенлар деб аташган. Ватанида қолган лидияликларни форслар қулга айлантирган».

Эрамиздан олдинги I асрда яшаган рим адиби Дионисий Галикарнасский этрускларнинг дастлаб қаерда «қайд қилинган» («пропискадан ўтган»)лиги ҳақида мутлақо қарама-қарши фикрни айтган. Унинг ҳисобича, лидияликларнинг тускиларга мутлақо дахли бўлмаган; булардан ҳар бирининг ўз тили, ўз худоси, ўз қонунлари ва анъаналари бўлган. Дионисий этрускларни маҳаллий қабилалар қаторига қўшган.

Қадим замонларда, этрусклар шимолдан кўчиб келган, деган учинчи нуқтаи назар ҳам бўлган. Буни рим тарихчиси Тит Ливий айтган. У этрускларни қадимги Ретияда яшовчи альплик қабилаларнинг «қариндошлари» қаторига қўшган; Боден кўли билан Дунай дарёси оралиғидаги область (ҳозирги Тироль ва Швейцариянинг бир қисми ҳам шунга кирди) ўша даврларда Ретия деб аталган. Мазкур назария тарафдорлари бундай хулосага келишда икки фактга асосланишган. Биринчидан, «Ретия» ва «расенна» деган сўзлар (этрусклар ўзларини шундай атаганлар) бир хил жаранглайди. Иккинчидан, Дунай бўйидаги Ретия областида этруск ҳарфлари билан ёзилган хат топилган; ёзув тили этруск тилига ўхшашгина бўлмасдан, ҳатто, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, этруск тили билан бир хил экан.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда фанда этрускларнинг келиб чиқиши тўғрисида уч хил фикр мавжуд. Шимолий назария тарафдорлари камроқ; олимларнинг кўпчилиги, этрусклар Шарқдан келган деган, Геродот назариясига қўшилмоқда. Бугунги кунда тадқиқотчилар қўлидаги кўпгина далиллар ҳам шуни тасдиқламоқда. Масалан, кичик осиеликларнинг ва этрускларнинг исмларида кишини ҳайратга соладиган даражада умумийлик борлиги аниқланди. Этрускларга мансуб қадимги тасвирий санъатда шарқ санъатига хос элементлар топилди. Бироқ шарқий назарияга зид келадиган далиллар ҳам етиб ортади; масалан, Италияга Шарқдан денгиз йўли билан келган этрусклар нега ўз шаҳарларини денгиз бўйида яшайдиган халқлар сингари денгиз соҳилларига қурмай, соҳилдан анча узоққа қуришган?

Ҳар ҳолда, этрускларнинг Шарқдан кўчиб келганлиги тўғрисидаги назарияни қувватлайдиган ва бу назария ганимлари индамай қолдириб кетаётган бир далил бор. Бу Лемнос оролидан топилган қабртошга дахлдордир. Археологлар Лемнос оролидан жангчи тасвирланган ва, тахмин қилнишича, этруск тилида ёки унга қардош тилда хат ёзилган қабртош топишди. Юнон ҳарфлари билан ёзилган бу хатни ҳали ҳам ўқиб бўлмаётир. Лекин Кичик Осиё соҳилларидан унча узоқда бўлмаган Лемнос оролида этрускларга қардош элатлар яшаганлиги тўғрисидаги фикр, этрусклар ғарбга шарқ томондаги денгиз орқасидан келишган, деб хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Болгар олим В. Георгиев бу назариянинг қизиқ бир вариантини таклиф этди. У, этрусклар Гомер ва Вергилийнинг поэмаларидан бизга маълум бўлган трояликлардан бошқа халқ бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. В. Георгиев трояликларнинг Эней бошчилигида Италияга кўчиб келганлиги тўғрисидаги афсонага асосланиб (бу афсона рим халқ достонида ҳам, юнон халқ достонида ҳам учрайди), ўз нуқтан назарини лингвистикага оид маълумотлар билан қувватлайди, «Этрурия» ва «Троя» дегаги номларнинг келиб чиқиши (генетикаси) бир хиллигига далиллар келтиради.

Эгей ерида сиёсий жиҳатдан етакчи роль ўйнаган этрусклар «Илнада» ва «Одиссея»да тилга олинмаганлиги ҳам мазкур назарияни қувватлайди. В. Георгиевнинг фикрича, бу асарларда этрусклар «трояликлар» номи билан тўлиқ тасвирланган.

Этрускларнинг қаёқдан келганлиги ва этруск маданиятининг шунчалик тез юксалиш сабаблари ҳозирча аниқ маълум эмас. Айтиб ўтилган назарияларнинг эса ҳозирча биронтасини ҳам қатъий деб бўлмайди, чунки бу назариялардан ҳар бирининг ўзига яраша ожиз томони бор. Фан бўлса, фактларга асосланган, мантиқий жиҳатдан тўғри, аниқ далилларнинггина тан олади.

Езма ёдгорликлар далиллар занжирида асосий бўғинни эгаллайди. Лекин эрамиздан олдинги I асрда, Цезарь ва Август даврларида амалда бўлган этруск тилини эрамизнинг II асрига келиб латин тили сиқиб чиқарган; шундан кейин бу тил бутунлай унутилиб кетган. Ўз она тилини сақлаб қолишга этрускларнинг ўзлари ҳам ҳаракат қилмаганлар. Улар Рим давлатида юқори


лавозимларни эгаллаб, ўз халқининг тарихидан кўра, кундалик воқеалар билан кўпроқ қизиққанлар.

Ҳозир биз этрусқлар ҳақида анча кам нарса биланмиз.

Вазалар, ҳайкалчалар, кўзгулар, идиш-товоқлар, кўрғошин лавҳалар, тоштахталар, мақбара деворлари, тош тобут (саркофаг)ларга ёзилиб бизгача етиб келган этрусқ ёзувларининг сони ҳозир тўққиз мингдан зиёд. Бу ёзувларнинг энг қисқаси бир сўздан, энг узун иса тахминан бир ярим минг сўздан иборат; афсуски, бу якка-ягона ёзувдир. Қабртошга ёзилган 1—5 сўздан иборат қисқа хатлар кўпроқ топилган, уларнинг сони етти мингтача келади. Булар қабртошдаги ёзув (эпитафия)лар, ҳадяномалар ва бағишлаб ёзилган хатлардир. Улардаги сўзлар одамларнинг исми, ёши, қардошлик алоқалари, лавозимларидан иборат, холос.

Едгорликлар орасида этрусқлар ҳаётининг баъзи бир ўзига хос томонларини очиб берадиганлари ҳам учрайди. Масалан, 1877 йилда Пьяченец яқинидан четлари думалоқланган узунчоқ шаклдаги бронза лавҳа топилган. Лавҳанинг юзи тўғри чизиқлар билан ҳар хил шаклдаги кўп бурчакликларга бўлинган, улардан ҳар бирининг ичига сўзлар ёзилган.

Лавҳага қўй жигарининг шакли берилган. Гаруспичия деб аталадиган диний урф-одат этрусқлар орасида кенг тарқалган экан. Вульчида топилган кўзгуга ўйиб туширилган расмда ичак-човоқлар қолдиги ётган стол



устида энгашиб турган этруск қоҳини тасвирланган. Башорат қилувчи бу шахс чап қўлидаги бронза жигарчи синчиклаб кўздан кечирмоқда. Бронза жигар қоҳин учун таъбирнома вазифасини ўтаган, бўлимлар ичига ёзилган сўзлар худолар, малоикалар ва девларнинг номларини англатган. Уларнинг баъзилари олимларга маълум, бошқаларининг номлари биринчи марта учраши, учинчиларини эса олимлар ҳали тўғри ўқий олгани йўқ.

Бир тасодифий топилма этрускшунослик соҳасида катта воқеа бўлди. Утган аср ўрталарида хорватли бир турист Мисрда бальзамланган аёл жасади, яъни мумиёни сотиб олган. Бу киши вафот этгандан кейин мазкур мумиё Загреб музейидан жой олган. Музейда мумиёчи текшираётганда жасад ўралган бинтда қисман ўчган ёзув кўзга чалинган. Бу хатнинг қайси тилда ёзилганлигини олимлар узоқ вақтларгача билолмаганлар. Аввало бу ёзувлар араб тилида бўлса керак, деб тахмин қилинган, кейин эфиопияликлар тилида ёзилган, деган фикрга келинган. XIX аср охиридагина унинг этруск тилидаги ёзма ёдгорлик эканлиги аниқланган. Бу ёдгорликка «Загреб пардаси» ёки «Мумиё китоби» деб ном берилган. Бу *liber linteus* — «льняная книга», яъни матага қўлда ёзилган китобнинг бизгача сақланиб қолган бирдан-бир намунаси экан. Аввал бошда у эни тахминан 35—40 сантиметр ва бўйи бир неча метр келадиган ўрам шаклида бўлган. Урамдаги хат ўнгдан чапга қараб устунлар тарзида ёзилган. Урамнинг сақланиб қолган бўлагида тахминан 1500 белги бор.


1932 йилда «Загреб пардаси» инфракизил нурда фотосуратга олинди, шундан кейин бебаҳо қўлёзманинг ўчган жойлари ҳам ўқиса бўладиган ҳолга келди. Этрускшунослар бу қўлёзмага катта умид боғладилар. Ахир, жуда кам сўзли ёзувларнинг тилини ҳам билиб олиш мумкин бўлган-ку.

Бизгача етиб келган этруск алифбоси олимларга этруск тилини қисман тушуниб олишга ёрдам берди. Тадқиқотчиларга шу алифбо ёрдамида фақат бир вазифани бажаришга: ёзувнинг тилини билиб олишга тўғри келди. Топилган ёдгорликлар орасида ҳарфлар рўйхати ёзилган бир неча буюм ҳам бор, шуларга қараб олимлар этруск алифбосининг қандай ривожланганини ҳам кузата оладилар.

Марсилиана де Альбенья шахри яқинидаги никрополь (қабристон)да археологик қазишлар ўтказган

вақтда бир алифбо, қабрдан эса катталиги 5×9 сантиметр келадиган, фил суягидан ясалган пластинка топилган. Пластинкадаги мум юқи устига кесгич ёрдамида ҳарфлар ўйиб ёзилган экан. Пластинканинг бир четига эрамиздан олдинги VIII асрдаги этруск алифбоси ёзилган.

Пластинка жуда кичкина бўлганлигидан хат ёзиш учун фойдаланилмаган бўлса керак. Баъзи олимларнинг тахминича, пластинка ёзиш-ўқишни ўрганувчилар учун алифбе китоби вазифасини бажарган. Бошқа олимлар эса, бу пластинка ўз эгасининг саводли эканлигидан, ёза билишлигидан ва шунинг учун ҳурматга сазовор эканлигидан далолат берувчи гувоҳнома вазифасини ўтаган, деган фикрда. Пластинкага «Марсилиана алифбоси» деб ном берилган. Алифбо 26 ҳарфдан иборат бўлиб, шулардан 21 таси ундош ва 5 таси унли ҳарфлардир. Пластинкада ёзувнинг бошланғич босқичи тасвирланган, бу босқичда ёзув этруск тилининг ўзига хос оҳангда жаранглашига ҳали мослашмаган бўлади.



«Марсилиан алифбоси».

Черветерида «Реджоллини-Галасси қабри»дан этрускларнинг яна бир алифбоси топилган. Алифбо идишнинг пастки ҳошиясига ёзилган; мазкур идиш сиёҳдон ўрнида ишлатилган бўлса ажаб эмас. Бу алифбо эрамиздан олдинги VII асрга мансуб бўлса керак. Бундай алифбо китоблари кўп топилди.

Қадимги қабрлардан топилган буюмларга алифболар битилганлиги машҳур этрускшунос, француз Ж. Эргонда мана бундай фикр тугдирди. Қадим замонларда

яшаган бошқа халқлар каби, этрусслар ҳам, алифболар алоҳида сирли кучга эга бўлиб, кишини замон ҳукмидан халос қила олади, деб ишонганлар. Бироқ баъзи олимлар, бу — ажойиб, ўзига хос, аммо ҳаддан ташқари мураккаблаштирилган, дадил айтилган фикр, деб ҳисобламоқдалар.

Бошқа ёзма ёдгорликлар ҳам топилган; эрамиздан олдинги V асрга мансуб бўлган тахминан 300 сўз ёзилган сопол лавҳа, қарғишлар ёзилган иккита қўргошин лавҳа, бирдан олтигача бўлган рақамлар ҳарфлар билан ёзилган соққалар шулар жумласидандир. Аммо сўзларнинг маъносини очиб беришга фойдаси тегадиган ёзувлар анча кам.

Этрусскология фани қарийб икки минг йил муқаддам вужудга келган. Эрамизнинг I асрида яшаган император Клавдийнинг этруссларга бағишлаб ёзган асарлари 20 томни ташкил этган.

Олимлар этрусслар ёзувини XVI асрдан ўргана бошлаган. Улар дастлаб ўз олдиларига этрусск алифбосининг маъзини чақиш, алифбодаги ҳар бир белги қайси латин ҳарфига тўғри келишини аниқлаш масалаларини қўйишган. Бу иш XIX аср охирида ниҳоясига етказилган. Этрусскунослар этрусск алифбосининг 26 ҳарфини аниқлаганлар.

Этрусск алифбоси юнон алифбосидан бошланганлиги аниқ. Лекин у эрамиздан олдинги VIII асрда, сатрлар ўнгдан чапга қараб ёзиладиган босқичдаёқ юнонча негиздан ажралиб чиққан. Шундан кейингина тилнинг тузиллиш қонуниятларини ҳамда ҳар бир сўзнинг маъносини изоҳлаш мумкин бўлган.

Гарчи этрусскунослар ихтиёрида ёзма ёдгорликлар етарли бўлса-да, этрусск тилини тушуниб олишга халақит берадиган сабаблар ҳали бор.

Булардан биринчиси, кўп ҳолларда фойдаланишга ўрганиб қолинган биллингвалар (икки тилдаги ёзувлар)нинг йўқлигидир; Пиргидаги қадимги ибодатхона ўрнини қазинётганда топилган учта тилла лавҳа бу ҳисобга киритилмаган. Мазкур лавҳаларнинг иккитасига этрусск тилида ва учинчисига финикияликлар тилида ўйиб хат ёзилган. Лекин бу лавҳалар этрусск тилини тушуниб олишга деярли ёрдам бермади.

Латин-этррусск тилида хатлар ёзилган яна бир неча қабртош бор; улар маъноси очилган этрусск сўзлари сонини атиги бир-уч сўзга кўпайтирди, холос. Хуллас, икки

тилда ёзилган етарлича узун ёзув (билингва)лар топилмаётганлиги жойдан жилмай турганлигимизнинг асосий сабабларидан биридир.

Иккинчи сабаб шуки, ҳозиргача тадқиқотлар вақтида сўзларнинг маъносини очиб беришнинг асосан икки усули: комбинацияга асосланган усул ва этимология усули қўлланиб келинмоқда. Биринчи усул ёзувни унинг тексти тузилишидан келиб чиқадиган қонуниятга асосланиб ўқиб чиқишдан иборат; иккинчи усулда эса ёзувнинг тили қардош тил деб тахмин қилинган тилга солиштирилади.

Этрусск ёзувлари биринчи усулда ўқилганда кўп қийинчиликларга дуч келинди. Юнонлардан ўзлаштириб олинган алифбо ҳар қанча тузатилган бўлса ҳам этрусск фонетикасига хос хусусиятларга тўғри келмас экан. Шунинг учун этруссклар баъзи товушларни талаффуз этганда гоҳ бир ҳарфни, гоҳ бошқа ҳарфни ишлатганлар. Бу ёзув муаллифларини унинг ўз замондошларига тушунарли бўлиши қизиқтирган, икки минг йилдан кейин мазкур ёзувларни бошқалар тушунадими-йўқми — бу уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Бундан ташқари, эрамизгача бўлган сўнги асрларда яшаган этруссклар хат ёзганларида баъзи унли товушларни тушириб қолдирганлар. Масалан, *елкан* деган сўз унли ҳарфларсиз ёзилса, сўзнинг маъносини тушуниб бўладими? Этруссклар ёзуви ҳам шунга ўхшаган.

Хуллас, этрусскларнинг кўпгина сирли ёзувлари маъносини очадиган ҳаммабоп калит ҳали топилгани йўқ.

Бунга қараб, биз этрусск тили тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз, деб айтолмаймиз. Дунёдаги кўпгина мамлакатлар олимларининг, шу жумладан рус ва совет тадқиқотчиларининг синчковлик билан олиб борган ишлари гуфайли, биз, этрусск тилидаги юз элликдан зиёд сўзнинг аниқ маъносини ва этрусск тилининг айрим грамматик формаларини билиб олдик. Олимлар бир мунча қабртошлардаги қисқа хатларни, бировга бағишланган ва бошқача ёзувларни таржима қилишган, сўзларнинг ва грамматик формаларнинг, баъзан катта текстлардаги сўз бирикмаларининг ва ҳатто жумлаларнинг айрим қисмлари маъноларини ҳам очиб беришган, узун текстларнинг, жумладан «Загреб пардаси» нинг вазифаси ва мазмуни тўғрисида тасаввур ҳосил қилинган.

Келинг, немис этрускушуноси К. Ольцша «Загреб пардаси»ни қандай қилиб изоҳлаганини кўриб чиқайлик.

Ҳақиқий билингвалар топилмаганлиги сабабли олим сунъий билингва яратишни таклиф этган. Билингвистик усул деб аталган бу метод, этрусклар бошқа италик қабилалари билан ҳар хил алоқа боғлаганлар, бу алоқалар этруск ёдгорликларида из қолдирган бўлиши керак, деган тахминга асосланган.

К. Ольцша шу фикрга асосланиб «Загреб пардаси» («Мумия китоби»)ни изоҳлашга киришган. Унгача бу ёзма ёдгорликнинг диний характерда эканлиги маълум бўлган. К. Ольцша дастлаб бу ёзув (текст)нинг қандай қисмларга бўлинишлигини аниқлаган. Сўнгра Крап, Гатунс деган ва бошқа худоларга бағишланган бобларни ажратган, кейин китобнинг айрим қисмларини таққослаган ва китобнинг тузилишини ўрганган. Олим бунини диний маросимга оид ёзув, деб ҳисоблаб, унинг тузилишини тушуниб олиш учун умбр тилидаги шундай ёзувга мурожаат қилган. К. Ольцша диний адабий ёдгорликларнинг сийқа асарлигига, уларда бир хилдаги таърифиодадалар ҳа деб такрорланаверишига, шунга кўра уларни таққослаш қулай бўлишига қатъий ишонган.

Тадқиқотчининг хулосасига кўра, «Загреб пардаси» дуолар, худога илтижо қилиб ялворишларни ўз ичига олган, худо йўлига хайр-эҳсон бериладиган кунлар кўрсатилган, қурбонлик бериш қоидалари келтирилган диний календарь бўлиб ҳисобланади.

Бироқ олимнинг фикрига ҳамма ҳам сўзсиз қўшилавермаган. Баъзи бировлар, олим ёзма ёдгорлик тилларининг ва формаларининг ўхшашлигини бўрттириб кўрсатган, деб унга таъна қилганлар.

Комбинация усулини қўлланиш натижалари ана шундай бўлган.

Этруск тилини этимология усули ёрдамида тушуниб олишга ҳам кўп уриниб кўрилди. Этруск тилини изоҳлаш мақсадида жуда кўп тиллардан, шу жумладан, қадимги яҳудий, юнон, латин, санскрит, кельт тиллари, Кавказда яшаган кўпгина халқларнинг тиллари, фин тили, Жанубий Ҳиндистон халқлари — дравидларнинг тили, Америка ҳиндларининг тиллари, баск, шумер тиллари ва, ниҳоят, рус тилидан ҳам фойдаланилди. Бироқ ҳозиргача маълум бўлган тилларнинг биронтаси ҳам этруск тилининг сирини очишга ёрдам бера олгани йўқ.

Яқинда бу сирни очишга яна бир марта уриниб кўрилди. Француз тадқиқотчиси Э. Майани бу мақсадда албан тилидан фойдаланди. У тилларни таққослашдан

қандай натижа олинганлигини «Этрусқлар тилга кирди» деган китобида баён қилган.

Этрусқ ва албан тиллари қардош тил эканлиги тўғрисидаги фикр аллақачонлар айтилган. Бундан юз йил илгари бир олимнинг албан халқининг урф-одатлари, расм-русумлари, дини, тили тўғрисидаги салмоқли асари босилиб чиққан. Мазкур асарда албан халқи этрусқларнинг яқин қариндошлари, деган тахмин айтилган. Олим ўз тахминини «туски» сўзи (этрүскларнинг латинча номи) билан «тоска» сўзи (Албаниянинг жанубида яшовчи халқларнинг номи)нинг, шунингдек, «Тирана» сўзи (Албаниянинг пойтахти) билан «тиррена» сўзи (этрүскларнинг юнонча номи)нинг оҳангдошлигига асосланган. Шундан кейин ҳам албан ва этрусқ тилларидаги айрим сўзларнинг бир-бирига яқинлигини, оҳангдошлигини топишга кўп марталаб уриниб кўрилган.

XX аср бошида этрусқ тилининг сирини «албан калити» ёрдамида очишга бўлган уринишлар якунлаштирилди. Якуний иш муаллифи Д. Буонамичи ҳар иккала тилнинг кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашлигини тан олгани ҳолда, этрусқ тили билан албан тилини тўғридан-тўғри солиштириш тўғри эмаслигини таъкидлади. Сўзлар икки хил сабабга биноан ўхшаш бўлиши мумкин: ё тиллар қадимдан қардош тил ёки ҳар иккала тил узоқ ўтмишдаги бирор уруғнинг тилидан (бошланғич тилдан) келиб чиққан.

Албан тили этрусқ тилининг маъносини очишга ёрдам бериши мумкинлиги шубҳасиз. Бироқ бу икки тилни тўғридан-тўғри солиштириш ярамайди. Умумий асосни қайта қургандан кейингина бу тилларнинг грамматика формаларини таққослаш мумкин.

Э. Майани этрусқ ва албан тилларини яна тўғридан-тўғри солиштириб кўради; совет олими А. Кондратовнинг фикрича, ижодкорлик билан қилинган бу уриниш яна пучга чиқди.

Этрусқ тилига қардош тилни топишга уринаётган тадқиқотчиларнинг энг кўп йўл қўйган хатоси шуки, улар этрусқ сўзларининг маъносини аниқлашда бу сўзларнинг этрусқ тилини тушунишга ёрдам бера оладиган тилдаги сўзларга ташқи жиҳатдан ўхшаш эканлигига асосланганлар.

В. Георгиев этрусқ тилидаги сўзларни талқин қилиш учун комбинация-этимология усулидан фойдаланди. У этрусқ тилидаги сўзларнинг ва морфемаларнинг маъ-

ноларини комбинация методиди аниқлади. Сўнгра бу сўзларнинг аниқланган тўғри маъносига ва келиб чиқишига асосланиб, улар билан бошқа, қардош деб тахмин қилинган тиллардаги сўзлар ўртасидаги умумийликни топишга ҳаракат қилди.

В. Георгиев этрусск тили фонетик тузилиши жиҳатидан арман тилига жуда ўхшайди, деган хулосага келди. Бу ўхшашликни у қуйидагича тушунтирди: Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Троя области этруссларнинг биринчи она ватани бўлган; бу ерда фригияликлар яшаган, қадимги маълумотларга қараганда, арманлар шу халқдан келиб чиққан. Олим этрусск тили ўзига хос томонлари билан хетт тилига ўхшаса-да, аслида ҳинд-европа тили бўлиб, ҳинди-европача бўлмаган элементларни ўз ичига олган, деган фикрда.

Лекин этрусск тилини ҳинди-европа тиллари оиласига сўзсиз киритиш учун бу тахмин етарли асосга эга эмас. Бу масалани ҳал этиш учун ҳали кўп фактлар, далиллар тўпланиши керак.

Этрусскунослар олдида жуда машаққатли йўл, ҳаддан ташқари синчковликни, сердиққатликни талаб қиладиган ишлар, муваффақиятсизликлар, ютуқлар ва... турибди, «кутмаганда билингда топилса-чи!»

Ҳозирча янги хабарларгина эшитилиб турибди. Охириги хабар 1976 йилда Болгария телеграф агентлиги бюллетенининг иккинчи (январь) сониди босилиб чиқди. Бу хабарда айтилишича, академик В. Георгиев «инсониятнинг тил тарихидаги кашфиётчи — этрусск тилидаги ёзувларни ўқиб чиққанлиги» билан шуҳрат қозонган.

Латинсиз фйўнеқ

Сарлавҳада ҳикматли латин масали берилган. Бу кенг тарқалган масаллардан бўлиб, уни ҳар куни ишлатамиз, унга одатланиб қолганмиз, ўзимизники ҳисоблаймиз, унинг ватани Рим эканлиги хаёлимизга ҳам келмайди. Бунинг боиси шуки, у сермазмун, фикрни қисқа ва аниқ ифодалайди, аини «нишонга тегади». Ҳақиқатан ҳам латинсиз фаннинг ўзи йўқ.

Ўрта асрларда латин тили олим ва дипломатлар сўзлашадиган халқаро тил бўлган. Ҳозирги вақтда дунёнинг бирон бир жойидан латин тилида сўзлашадиган одамлар жамоасини, муайян халқни тополмайсиз.

Лекин латин тили дом-дараксиз йўқолган эмас. Аксинча, бирон бир тилнинг бунчалик омади келмагандир. Дунёдаги ҳамма тилларда у ўзини эслатади. Латин тили — фанга ва техникага оид терминларнинг ҳақиқий кони; биологлар, медиклар, филологларнинг усиз иши битмайди.

Нега фақат илмий ва техникавий терминларнинг кони ҳисобланади? Чунки фан тили сўзлашув тилига қараганда кўпроқ аниқликни талаб қилади. Фанда оддий сўз эмас, термин керак. Биз сўзлашганимизда бир неча маънони англатадиган сўзларни тез-тез ишлатамиз. Масалан, «тузламоқ» ёки «тузладим» деган сўзлар қандай маънода ишлатилганини контекстдан билиб оламиз. Фан бунга тоқат қилиб туролмайди. У битта аниқ, муайян маънони талаб қилади. Агар «синф» деган сўз ишлатилар экан, у фақат муайян босқич, разряд ёки гуруҳ, туркум маъносида келади, масалан, *сутэмарлар синфи, туркуми*.

Илмий терминология шундай аниқ маънога эгаллиги туфайли уни турли тилларда сўзлашувчи кишилар ҳам гушунлади. Бир маънодаги сўзни бошқа тилга таржима қилиш осон. Шу билан бирга, бу иш билан кишининг шугулланиши шарт эмас, буни берилган программа бўйича машина ҳам бажариши мумкин. Бир неча тилда бир маънода келадиган терминлар кўп, булар — халқаро терминлардир. Масалан, *минимум, максимум, интернационал, эффект, объект* деган сўзларни олайлик. Бу сўзлар латин тилидан келиб чиққан. Инглиз, немис, француз, испан, поляк тилларида ва бошқа тилларда ҳам мазмуни ҳамда оҳангдошлиги (жаранглаши) жиҳатдан бу сўзларга мос келадиган сўзлар бор.

Рус тилида «конец — делу венец» ибораси бор (бизнингча «Иш тамом — вассалом» деган маънода). Унинг латин тилидан ўтганлигини кўпчилик билмайди. Баъзилар ажабланиб: «Ахир, бу рус мақоли эмасми?» дейишади. Бу латин сўзлари тилимизга узвий суратда кириб келганлигининг энг яхши далилидир. Унинг чет тил эканлигини ҳатто сезмаймиз ҳам.

Рус тилини бойитган, уни жарангдор, таъсирчан қилган латин иборалари жуда кўп; масалан: «отец семейства» («онла бошлиғи» маъносида), «благие намерения» («яхши ниятлар» маъносида), «повторение — мать учения» (маъноси жиҳатдан «деҳқон бўлсанг, шудгор қил, олим бўлсанг, такрор қил» деган мақолимизга тўғри кел

лади) ва ҳоказо. Бундай иборалар ва мақоллар ифодаларни ўткир, тилимизни жўшқин, таъсирчан қилади.

Биз латин тилидан кирган ҳикматли иборалардангина фойдаланиб қолмаймиз. Рус адабий тилига сингиб кетган латин сўзларни беҳисоб кўп. Бугун дам олиш кунини деб фараз қилайлик. Қаерга борамиз? Аввало *ботаника* боғига бориб *примула*, *аврикула* ўсимликларини кўриш, атиргул *плантацияларини* томоша қилиш, ҳазон бўлмайдиган ҳаммиша яшил *лавр* дарахти тагида бир пас дам олиш, Африка *пальмаси* ёнидаги ёзувни ўқиш, *цитрус* ўсимликлари ўсиб турган участкага ҳам назар ташлаб ўтиш мумкин (латин сўзларни курсив билан терилган — В. Д.). Кейин тасвирий санъат музейига борамиз; у ерда ажойиб *скульптура* (ҳайкал)ларни, полотнога ишланган, қатъий бир *стиль* (услуг)даги, ўз *колоритининг* ёрқинлиги билан ажралиб турадиган *монументал* суратларни кўрамиз. Кечқурун бизни чироқлари ҳамма ёққа нур сочиб турган *театр* кутиб олади. Янги *спектаклда актёрларнинг* ролларни моҳирлик билан бажариши бой *декорация* билан уйғунлашиб кетади.

Дам олиш кунини тугай деб қолди. Эртага *студентлар*, *профессорлар*, *аспирантлар* ўз институт ва университетларига боради. *Аудиторияларда лекция*, *консультация*, *коллекциумлар* (имтиҳоннинг бир тури) бошланади. Ишчилар ўз *аппаратларида инструмент* (асбоб) ясай бошлайдилар, механизаторлар *тракторларини* далага чиқаради, химиклар турли химиявий *элементлар* билан *эксперимент* (тажриба) ўтказишни давом эттирадидилар, синоптиклар эса *календарга* қараб, *январь*, *февраль*, *март* ойларида бўладиган об-ҳавонини олдиндан айтиб беришга тайёрланадилар.

Биология ва медицинада латин сўзларни хусусан кўп. Студентларга турли организмлар ва уларнинг айрим аъзолари, дори-дармонлар, рецептларнинг латинча номларини пухта ўзлаштириб, ёдлаб олишга тўғри келади. Ана сизга жонсиз тил!

Кўп асрлар муқаддам жонли латин нутқи кенг территорияда янграган. Бу тилда аввало латин қабиласи сўзлашган, шунинг учун у латин тили деб аталган. Латин халқининг Италияга қачон ва қаердан келганлиги номаълум. Тибр дарёси бўйидаги Лациум деган тепаликда ана шу ёввош деҳқонлар ва чўпонлар яшаган. Эра миздан олдинги VIII—VII асрларда бу қабилалар бирлашиб, эра миздан олдинги 753- йилда қурилган Рим

шаҳрининг унча катта бўлмаган маркази атрофига ўрнашиб олишган.

Римнинг тарихи бошқа давлатлар тарихидан анча кейин бошланган. Қадимги Шарқдаги баъзи бир қулдорлик давлатларининг барпо этилганлигига бу даврга келиб бир минг йил бўлган экан.

Латинларнинг теварак-атрофдаги қўшилари юксак даражада ривожланган давлатлар бўлган. Апеннин ярим оролининг жанубида ва Сицилияда юнонлар колониялари жойлашган. Урта денгизнинг Африка соҳилларида финикияликлар яшаган, Карфаген кейинчалик уларни қудратли денгиз бўйи давлатига бирлаштирган. Пиреней ярим оролининг жанубида Тартесс давлати тараққий этиб, қудратини ошираверган.

Латин халқига уларнинг шимолдаги қўшилари — этрусклар сиёсий ва маданий жиҳатдан кучли таъсир кўрсатган. Эрамиздан олдинги VII—VI асрларни ўз ичига олган даврда латинлар ибтидоий тузуми бузилиб, дастлабки давлат бирлашмалари вужудга келган. «Подшоҳ» даври деб аталган бу даврда ёзувга эҳтиёж туғилган.

Бу даврда юнонлар ва этрускларнинг ҳарфли-товушли ёзувлари бўлган. Бунинг устига, этрусклар Римда бир мунча вақт ҳукмронлик ҳам қилганлар, шу сабабли латинларга бевосита таъсир кўрсатганлар. Уларга этруск тили ҳам кучли таъсир этган, латин халқи шу тил туйғули юнон ёзувини қабул қилган.

Латинлар матонатли халқ бўлган. Улар бошқа қабилаларни сиқиб чиқариб, ўз территорияларини жадаллик билан кенгайтирганлар. Латин тили италийлар тили ҳисобланган умбр, оск, сабелл, этруск, галл тиллари ўрнини аста-секин эгаллаган. Бу тиллар баъзи жойлардагина эрамизнинг I асригача сақланган.

Латин тили ва ёзувининг бундан кейинги тараққиёт тарихи Рим тарихи билан боғлиқ. Этрусклар ҳайдаб юборилгач, республика ташкил этилади ва урушлар деярли узлуксиз бўлиб туради. Римликлар Апеннин ярим оролини ўзига тўла бўйсундиради. Лекин уларнинг иштаҳаси тобора зўраяверади. Римликлар бошқа ерларга ҳам қўл чўзадилар, улар «бутун дунёни» забт этишга ҳам рози эди. Сиракуза билан Карфаген узоқ вақтлар бир-бирлари билан урушиб ўзаро тақсимлай олмаган Сицилияга Рим очкўзлик билан назар ташлаган. У Сиракуза



билан Карфаген орасидаги можарога аралашиб ўз фаолиятини ошираверган ва Карфагенга тегиншли ерларнинг ҳаммасини бирин-кетин забт этган, кейин Фарбий Урта денгизга деярли тўла эгалик қилган.

Эрамыздан олдинги II аср ўрталарида Юнонистон билан Македония ҳам истило қилинган.

Бу ерда қизиқ бир ҳодиса кузатилади. Рим томонидан забт этилган Галлия, Шимолий Африка, Британия, Паннония, Дакияда, Иберий ярим оролида ҳамда Рейн бўйи Германиясида голиб чиққан халқ тили, яъни латин тили маҳаллий тилларнинг ҳаммасини сиқиб чиқарган. Юнон маданияти тарқалган областларда юнон тили сиқиб чиқарилиш ўрнига, аксинча, римликлар тилига кучли таъсир кўрсатган.

Рим империясига Пергам подшоҳлиги қўшилгач «халқаро устунлик» даври тугаган. Шу вақтга келиб латин адабий тили батамом шаклланган. Эски ва янги даврлар чегарасида Рим ўз тараққиётининг энг юқори босқичига кўтарилган, империя тили унга қарам давлатларнинг барчасига тарқалиб сингиб кетган.


Рим империяси емирилгач, эрамызнинг V асрида латин тили аста-секин роман тилларига: италян ва провансал тиллари, сардинияликлар тили, француз тили ва бошқа тилларга алмашинган. Бироқ латин тили фақат латин ва маданият тили сифатида бир неча аср яшаган. Тош, металл лавҳалардаги ва сопол идишлардаги қадимги латин ёзувлари эрамыздан олдинги VII—VI асрларга мансубдир. Лекин бундай ёзувлар жуда кам.

1871 йили Пренестда унча катта бўлмаган тилла фибула (соч тўгнағичга ўхшаш буюм) топилган. Фибуладаги ёзувлар аниқ кўриниб турган. Заргар бу буюмни тахминан эрамыздан олдинги VII асрнинг охири — VI асрнинг бошида ясаган. Заргар тилла пластинкага ҳафсала билан «Маний мени Нумезия учун ясади» деб ўйиб ёзган. Ҳарфлар ўнгдан чапга қараб ёзилган. Ёзувдаги икки ҳарф юнон алифбосида йўқ. Латин нутқидаги ўзига хос овозларни акс эттириш учун бу ҳарфлар этруск алифбосининг илк формасидан олинган.

Римдаги Форум ўрнидан емирилиб хароби чиққан тош устун топилган. Устунга «қора тош» деб ном беришган. Чор қирра устуннинг ҳамма томонига ёзувлар битилган; олимларнинг фикрича, бу ёзувлар эрамыздан олдинги VI асрга мансуб. Бу — юнон ва этруск ёзувлари сингари ривожланган энг қадимги латин ёзувининг яна

бир намунасидир. Ёзувдаги ҳарфлар юқоридан пастга—вертикал бустрофедон усулида ёзилган.

Ҳарфларнинг ёзилиш йўналиши ва устуннинг емирилганлиги ёзувни ўқишни жуда қийинлаштирган.



„Қора тош“

Дуэноснинг қурбонлик идишига гир айлантириб ёзилган учинчи ёзувнинг қайси асрга мансублиги тўғрисида олимлар ҳозиргача ягона бир фикрга келган эмас. Баъзи олимлар бу ёзувни эрамиздан олдинги VI асрга мансуб деса, бошқалари IV асрга мансуб дейишмоқда. Бунда ҳам ҳарфлар ўнгдан чапга ёзилган.

Бу учта ёзув ва улардан кейин топилган баъзи ёзувлар олимлар кўз ўнгида илк латин ёзувини гавдалантирди. Уша даврларда римликлар алифбосида 21 ҳарф бўл-

ган (этруск алифбосида 26 ҳарф). «Тета», «фи» ва «хи» деб аталувчи юнон ҳарфлари алифбода фойдаланилмаган, чунки римликлар тилида бундай товушлар бўлмаган; бунинг эвазига улар рақамларнинг белгиланишига ажойиб ёндошганлар. Этруск тилида S товуши учта ҳарф билан ифодаланган. Римликлар фақат «сигма»дан фойдаланишган. Кейинроқ тузилган этруск алифбосида бўлмаган икки ҳарф: «d» билан «o» латин алифбосида бэр. Аммо бу ҳарфлар илк этруск алифбосида бўлган; демак, латин алифбоси этрусклар бу ҳарфлардан воз кечишидан олдин тузилган экан.

Эрамиздан олдинги I асрда, Цецерон даврида Юнонистон Римга қарам бўлган; ўша вақтда Рим империяси маданиятига юксак даражада ривожланган юнон маданияти кучли таъсир кўрсатган. Римликлар кўпроқ юнон адабиёти билан қизиққанлар. Юнон сўзларини куп ишлатганлар. Бу сўзларни ёзиш учун фақат юнон тилига хос ҳарфлар керак бўлган. Шу муносабат билан латин алифбосига юнонча икки ҳарф: «дзета» билан «ипсилон» қўшилиб, алифбодаги ҳарфлар сони 23 га етказилган.

Латин алифбоси ўрта асрларгача мутлақо ўзгармаган, фақат ўрта асрлардагина унга уч ҳарф, тўғрироғи, ҳарфлар эмас, балки мавжуд ҳарфларнинг вариантлари киритилган. Алифбонинг бундан кейинги тарихида ҳам сезиларли ўзгариш бўлмаган. Унинг бундан кейинги ривожини бошқа тилларга мослашишдан ва ёзувнинг турига қараб ҳарфлар шаклини ўзгартиришдан иборат бўлган.

Роман-герман халқларининг барчаси: французлар билан испанлар, италянлар билан португаллар, руминлар билан немислар, инглизлар билан шведлар, норвегияликлар билан данияликлар римликлар ёзувидан фойдаланишган. Финлар билан можорлар, эстонлар билан поляклар, чехлар ва Европанинг бошқа халқлари ҳам латин алифбосини қабул қилган.


Латин адабий тили эрамиздан олдинги III асрда тараққий эта бошлаган. Плавта билан Теренциянинг комедияларида, Катоннинг прозаик (наср билан ёзилган) аса-рида бу «ибтидо» акс эттирилган.

Эралар чегарасида «классик» латин тили пайдо бўлган. Унинг асосини абстракт лексика, қатъий тил қоидалари, тилнинг уйғунлиги ташкил этган. Саллюстий ва Цезарь ижодлари, Цецерон нутқи, Катулл, Вергилий, Гораций, Лукреций асарлари буюк, дабдабали услубда ёзилган.

Эрамизнинг I—II асрларида «Серебряная латынь» деб аталмиш («жарангдор латин тили» деган маънога яқин) давр бошланган. Бу тил «классик» тил сингари, қатъий қоидалари, лириклиги, ўткирлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб турмаган, албатта. Бу тарихчи Ливий, шоир Овидий, файласуф Сенека, адиб Петроний услуби бўлган.

Агар турли даврларга мансуб латин ёзма ёдгорликлари бир-бирига солиштириб кўрилса, ҳарфлар шаклининг хилма-хиллиги, ёзувлар турининг кўплиги кишини ҳайратга солади. Бунга мавжуд материалларга мавжуд ёзув қуроллари билан осонгина ёзишга имкон берадиган қулай усулни топиш йўлидаги уринишлар сабаб бўлган.

Асосий ёки монументал ёзув келиб чиққунча кўп меҳнат сарфланган ва кўп йиллар ўтган. Тошга чиройли қилиб аниқ ҳарфлар ўйиб ёзилган. Қабртошларга, ёдгорлик лавҳаларга битилган ёки давлат арбобларига бағишланган шундай ёзувлар замонлар ўтиши билан



Тош ёдгорликдаги ёзувлар

ҳам ўчмаган, абадий сақланиб қолган. Император Август шарафига ёзилган ёзув сингари кўпгина монументал ёзувлар шунинг учун ҳам бизгача етиб келган. Бу ёзувларни бронза ёки қўرғошин лавҳаларга ёзиш мум-

кин бўлган. Бундай материалларга ҳарф (белги)лар ўткир кескич билан ўйиб ёзилган.

Римда кундалик ёзувлар учун юзига мум суртилган тахтачалар ишлатилган. Мум қатламига ўткир учли чўп —«стиль» билан ёзилган. Ёзув ўз вазифасини бажариб бўлгач, «стиль»нинг тўмтоқ учи билан мум қатлами текисланган ва зарур пайтда унга яна ёзилган. Римликлар бундай тахтачаларни даста-дастаси билан белбоғига осиб юришган, бинобарин, улар қўйини дафтарчаси вазифасини бажарган. Ҳарфларни қамишдан ясалган учли перо билан, VI асрдан бошлаб эса қуш патидан ясалган қалам (перо) билан тирнаб ёзиш мумкин бўлган. Бу хилдаги «перо» («қалам»)дан узоқ вақтгача фойдаланилган, ўтган асрдагина унинг ўрнини металл перо эгаллаган.

Римликлар тасмасимон узун папирусга ҳам ёзишган, сўнгра уни найсимон қилиб ўрашган. Бироқ папирус Мисрдан келтирилганлиги учун жуда қимматга тушган, мўртлиги сабабли тез синаверган; хуллас, ёзувни ўқишда катта ноқулайлик туғдирган. Пергамент¹ ундаи кўра қулайроқ ва чидамлироқ бўлган. Бир тахта пергаментнинг ҳамма томонига ёзиш ва уни буклаб қўйиш мумкин бўлган.

Қоғоз ихтиро қилингач кўп муоммалар ҳал бўлган ва китоб ёзиш ишлари юришиб кетган. Эрамининг II асрдан қоғоз дунёдаги ҳамма мамлакатларга тарқала бошлаган ва XIV асрда пергамент батамом истеъмолдан чиқиб қолган. Римликлар бу материалларга шикаста хат ёзишган.

Римликларнинг тошга, папирусга, пергаментга, қоғозга ёзиб қолдирган ёзувлари Рим империясининг ва бошқа мамлакатларнинг тарихини ҳамда маданиятини билиб олишимиз учун бебаҳо материал ҳисобланади.

Қадимги замоннинг машҳур файласуфлари, тарихчилари, юристлари, шоирлари римликлардан етишиб чиққан. Латин тилида римликларгина ёзган эмас, албатта. Бу Т. Қампанелла, Э. Роттердамский, И. Ньютон, Т. Мор ва бошқа улуғ мутафаккирлар асарларининг тилидир.

Россияда латин тилидан XIII асрда ҳам кенг фойдаланилган. Ҳар бир ўқимишли, билимдон киши икки тилни: юнон ва латин тилини билиши шарт бўлган. М. Ло-

¹ Бузоқ терисидан тайёрланиб, қоғоз ўрнида ишлатилган материал.

моносос, ишчилар синфининг улуг доҳийлари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. Ленин, кўпгина ёзувчилар ва олимлар латин тилини жуда яхши билганлар ва ўз асарларида фойдаланганлар.

Латин тилини билувчилар ҳозир ҳам римлик муаллифларнинг асарларини асл нусхасидан ўқий олганликларидан беҳад хурсанддирлар.

Латин тили римликлар тарихининг баъзи бир сирларини очишга ёрдам берадики, бу сирлар уларнинг ватани билангина эмас, балки римликлар қадам босган бошқа жойлар билан ҳам боғлиқ. Бундай жойлар кўп. Муҳожир юнонлар, сўнгра римликлар кўчиб келиб ўрнашган Шимолий Қора денгиз бўйи айни шундай жойлардандир. Ватанимизнинг жанубида римликлар бўлганлиги ҳақида ҳали кўп нарса номаълум; топилган ҳар бир ёзув тарихий фактларни янгича ёритиши ва олимларнинг тахминларини тасдиқлаши мумкин.

1954 йили Херсонес ўрнида ўтказилган археологик қазишлар вақтида О. Домбровский қадимги театр қолдиқларини топди; уч йилдан кейин эса бу ерда оҳактошдан ясалган ва латинча ёзувлар битилган меҳроб (алтарь) ҳам топилди. Украина ССР Фанлар академияси Археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Э. Соломоник бу меҳробни синчиклаб кўздан кечирди. Унинг қўлидан ўтган бундай қадимги ёдгорликларнинг сон-саногини йўқ. Бир қарашда бу ёдгорликдан ҳеч нарса билиб бўлмайдигандек, ундаги ёзувларни ўқишнинг иложи йўқдек туюларди, чунки ёдгорлик жуда емирилган. Лекин олим юнон ва латин тилларини билганлиги учун ёдгорликдаги ёзувларни ўқиди.

Ҳозир ҳам унинг олдида сердиққат иш турибди. Олим оҳактошдан қилинган меҳробни ўрганар экан, Ялтадаги музейдан ўрин олган Харакс меҳробларини эслади. Уруш вақтида бу меҳроблар ғойиб бўлган, уларнинг фақат фоторасмлари ва М. Ростовцев улардан кўчириб олиб матбуотда бостирган ёзувларгина қолган. Эрамининг I асрида Рим легионерлари Херсонесни босиб олган, лекин улар бу билангина чекланиб қолмаган. Қрим ярим оролида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун уларга бошқа истеҳкомлар керак бўлган. Харакс қалъаси шундай истеҳком бўлган бўлса керак. Ёзма манбалар ва археологик қазишлар бунини тасдиқлади.

Херсонес Харакс билан денгиз орқали алоқа боғлаган. Лекин римликларни ишончсиз денгиз йўли қаноат-

лантирганлиги эҳтимолдан узоқ. Эҳтимол, қуруқликда ҳам йўл бўлгандир? Меҳробдаги ёзувлар бу саволнинг жавобини топишга ёрдам берди.

Рим легионлари қаёққа бормасин йўл қурувчилар ва йўлларни қўриқловчи соқчилар (бенефициарийлар) улар билан бирга боришган. Харакс меҳробларининг учаласидаги бағишлама ёзувларда соқчиларнинг номи кўрсатилган. Демак, Хараксда йўл қурувчиларнинг пости бўлган.

Херсонесдан топилган меҳробдаги ёзувда бундай дейилган: «Клавдий легиони XI консулярининг бенефициарийси Тит Флавий Цельсин ўзини ва болаларини омон сақлаб қолган Ҳомий маъбуда Немесидага атаб ўрнатди». Тўхтанг! Тит Флавий Цельсин — ахир, бу ном Хараксдан топилган меҳробда ҳам бор-ку. Бу шахс Херсонесдаги ҳарбий йўл постининг бошлиғи бўлган ва икки шаҳарда меҳроб ўрнатган. Бу нарса мазкур шаҳарлар орасида қуруқликдан бориладиган тўғри йўл бўлганлигидан далолат бермайдими? Римликларнинг ҳарбий йўли шу тарзда топилган.

Латин тили рим тарихининг калити бўлиб, олимларнинг жуда кўп саволларига жавоб берди. Бу тил буздан кейин ҳам инсониятга содиқлик билан хизмат қилади.





САЛОМ, РУСЬ!

„Чўл иероглифлари“нинг сири

Шимолий Қора денгиз бўйи... Бу ерларни қачонлардир ўзлариники деб билган халқлар узоқ ўтмишдан бизга назар ташламоқда. Улар бу ерларда кўп асрлар илгари яшаган, кейин бошқа қабилалар ва халқлар орасига тарқалиб, тарих майдонидан ғойиб бўлишган. Лекин уларнинг ҳар бири нимададир сақланиб қолган: бирлари — юзимизнинг бичимида, бирлари — тилимизда ва яна бирлари анъаналаримизда.

Қора денгиз бўйида яшаган қадимги халқларнинг ҳам энг қадимгиси, ёзув манбаларидан маълум бўлишича, киммерийлар бўлган. Улар бу ерларда тахминан уч минг йил муқаддам яшаганлар. Эрамиздан олдинги VIII асрда уларни скифлар бу жойлардан ҳайдаб юборган. Скифларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этмаган: эрамиздан олдинги биринчи асрларда уларни сарматлар сиқиб чиқариб, бир неча аср давомида Шимолий Қора денгиз бўйида ўзлари сиёсий етакчи куч бўлганлар.

Эрамиздан олдинги VII—V асрларда, шу воқеалар содир бўлган вақтларда Шимолий Қора денгиз бўйида юнонлар пайдо бўлган; улар Понт Эвксинский (Қора денгиз) соҳилларида колония-шаҳарлар барпо этишган; бу колония-шаҳарларнинг бир қисми, чунончи Киммерий Боспори (Керчь бўғози) соҳилларида жойлашганлари бирлашиб, Боспор подшолигини вужудга келтирган. Юнонлар олиб келган қадимги (антик) маданият ютуқлари скиф ва сарматларга ўз таъсирини ўтказган. Варварларнинг (Юнонлар ўзлари тушунмайдиган тилда сўзлашган чет қабилаларни «варварлар» деб атаганлар) турмуш тарзи, урф-одатлари ва маданияти, ўз навбатида, Қора денгиз бўйида яшовчи юнонларга таъсир кўрсатган.

Юнонлар билан варварлар ўзаро қандай муносабатда бўлган, қандай воқеалар бу халқларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берган? Дастлабки, қадимги рус давлати (Киевская Русь) айна шу ерда, Қора денгизнинг шимол томонидаги бепоён ялангликларда бунёдга келган, ахир. Афсуски, бу тўғридаги маълумотлар жуда кам. Шимолий Қора денгиз бўйида яшаган скифлар ҳам, сарматлар ҳам, варварлар ҳам ўз тарихини ёзиб қолдирмаганлар. Бу халқларнинг тарихини тиклаш учун олимлар уларни йўлакай тилга олган қадимги муаллифларнинг маълум

мотларига ва турли археологик ёдгорликларга асослан-моқдалар. «Чўл иероглифлари» бу материаллар ўртасида муҳим ўрин эгаллайди.

...Тернополь ерида қад кўтариб турган тош устун тўғрисида ўтмишда кўп афсоналар тўқилган; бўйи беш мегр келадиган бу устунга ўйиб учта сирли белги чизилган. Ўзига хос бу баҳайбат ҳайкални кимлар, қачон ва нима мақсадда ўрнатишган экан?

Шундай белгилар ўйилган тарихий ёдгорликлар мамлакатимизнинг кўпгина музейларидан ўрин олган. Музейлардаги экспонатлар орасида Кривой Рог ва қадимги Ольвия (Буг кўрфази соҳилида) яқинидан қазиб олинган, афсонавий Таврия чўлларида, Азов бўйидан топилган тоштахта парчалари, қадимги замоннинг олифта, сатанг аёллар қўлида ушлаган кўзгулар, одам қиёфасига ўхшатиб дағал тарашланган, юз бичими аранг билинадиган ҳайкал ҳам бор, бу ҳайкал бир вақтлар қўрғондаги қабрлардан бири устига ўрнатилган бўлса ажаб эмас. Москва ва Ленинграддаги музейларда ноёб ёдгорликлар айниқса кўп. Бу коллекциялар орасида сопол ўйинчоқларни ҳам, мрамар тошдан ясалган (Ольвиядан топилган) машҳур шерларни, ноёб тангаларни, нафис заргарлик буюмларини... ҳам кўриш мумкин.

Бу ёдгорликлардаги «ёзувлар»ни ким ёзган: Қадимги юнонларми ёки скифларми, римликлар ёки сарматларми, готлар ёки гуннларми, аланлар ёки ант ва росларми?

«Сирли белгилар» узоқ ўтмишдаги жўшқин ҳаёт, воқеаларнинг ўзига хос «солномаси», ахир. Уларнинг изоҳини топиш Қора денгиз бўйидаги чўлларда истиқомат қилган қадимги халқлар ҳаётининг номаълум томонларини тушуниб олишга ёрдам беради. Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг энг йирик, пешқадам мутахассислари деярли икки юз йилдан буён бу ғалати шаклларнинг сирини очишга уринмоқдалар. Бу тўғрида қандай хабарлар тарқалмаган дейсиз, не-не шов-шувлар кўтарилмаган дейсиз!

«Чўл иероглифлари» билан шуғулланган олимлар уларнинг келиб чиқиши тўғрисида ўтган асрдаёқ турли фикрларни айтишган. Уларни бу белги номаълум ёзувдаги белгилардан тузилган монограмма, аниқланмаган ҳарфлар, иероглифлар ҳам дейишган, бир мунча содда-лаштирилган иероглиф ёзуви, қисман ҳарфлар ва қисман белги (символ)лар ишлатилган шартли ёзув ҳам дейишган.

Қора денгиз бўйи чўлларидан топилган сирли белгилар асримизнинг 20- йилларидан бошлаб мунтазам равишда ўрганилмоқда. Баъзи олимлар бу белгиларга сармат ёзувини яратиш йўлидаги уриниш деб қарайди. Масалан, М. Ростовцев шу таъбирни асосламоқчи бўлиб, хетт халқининг белгилардан иборат иероглиф ёзувини далил қилиб келтиради.

Замонамизнинг энг йирик лингвистларидан бири бўлган академик И. Мешчаниновнинг 30- йилларда айтган тахминига кўра, мазкур белгилар асосан идеограммага, бўғин белгиларига айланиши мумкин, кейин эса пиктограмма ҳолатидан идеограмма ҳолатига сакраб ўтиб, ундан келгусида бўғинли ёзув, бориб-бориб ҳарфли ёзув келиб чиқиши мумкин, дейди. У мазкур белгиларни ўзлаштириб олган деб тахмин қилинган алифбога мисол қилиб глаголицани (славянлар алифбосидан бири) келтиради.

50- йилларда белгиларни текшириш соҳасида икки йўналиш: сармат ва славян йўналишлари келиб чиқди. Сармат йўналиши тарафдорлари «сирли белгилар» сармат ёзувидир, деган тахминни айтишди. Славян йўналиши тарафдорлари эса бу белгиларни гоҳ қадимги антлар (славянлар қабиласи) ёзувидаги ҳарфлар деб, гоҳ қисман юнон алифбосига, қисман руна ёзувларига мансуб ёзув белгилари деб ҳисоблаб, улар Шимолий Қора денгиз бўйининг аллақасерида гўё узоқ ривожланиш натижасида вужудга келган глаголица алифбосидаги славян ёзувига асос бўлган, деган фикрни изҳор қилишди.

Масалан, Н. Константиновнинг концепцияси ҳам, глаголица Қора денгиз бўйи белгиларидан келиб чиққан, деган назарияга асосланган. Унинг фикрича, Қора денгиз бўйидан топилган кўпчилик белгиларга битта қадимги система — Қора денгиз бўйига гўё колониячи юнонлар олиб келган Кипр бўғинли ёзуви асос солган. Боспор подшолиги емирилгач мазкур белгиларни эрамизнинг V асрдан бошлаб Ғарбий Қрим шаҳарлари аҳолиси қўлланган ва уларнинг ташқи шаклини аста-секин ўзгартиришган. Кейинчалик бу ёзувни славянлар ўзлаштирган. Н. Константинов ғалати ёзувларнинг сирини очадиган калит топилган ҳисоблаб, қадимги руслар ишлатган (эрамизнинг VI—VII асрларига мансуб) белгиларни ҳамда қадимги Русь давлати (Киевская Русь) князликлари белгиларини «ўқишга» уриниб кўради, беш



юздан ортиқ исм, сўз ва номларни ўқиб тушунганлигини айтади-ю, ammo «талқиннинг» ўзини келтирмайди.

Германия Федератив Республикаси олими Г. Гумбах Қора денгиз бўйидан топилган белгиларни юнон ҳарфларидан тузилган монограмма сифатида ўқишга уриниб кўради. Масалан, бу олимнинг «таъбирча», Боспор подшоҳи Тиберий Евпаторнинг тамғаси (белгиси) юнонча «күёш» деган сўзни англатар экан. Шимолий Қора денгиз бўйи чўлларидан топилган белгиларни маълум ёзувлардаги ҳарфлар ёрдамида «ўқишга» ҳам кўп марта лаб уриниб кўрилган.

Мазкур сирли белгиларнинг келиб чиқиши ва маъноси тўғрисидаги бир-бирига зид нуқтаи назарлар 50-йиллар бошида мени ҳам қизиқтирди, шундан кейин мен ҳам уларни ўрганишга киришдим. Дарҳақиқат, бепоён чўлларга бу белгилар қаердан, қандай қилиб ва қачон келиб қолган?

Изланишлар узоқ давом этди. Энг аввало Қора денгиз бўйи белгилари ёзилган ёдгорликларнинг мамлакатимиз музейларидагиларини ҳам, чет эл музейларидагиларини ҳам, қояларда, ғорларда топилган ёзувларни ҳам — хуллас, барчасини жуда синчиклаб — иқри-чқиригача ўрганиш зарур эди, чунки матбуотда бостириш учун бу ёдгорликлардан нусха кўчирганда белгиларнинг шакли бузилган, шу сабабдан олимлар уларни кўпинча нотўғри талқин қилганлар ва нотўғри хулоса чиқарганлар. Шунга кўра белгиларни миллиметрли қоғозга ниҳоят даражада аниқ кўчиришга тўғри келди. Қадимги одам белгини ўйиб, кертиб ёзган вақтида тасодифан тирналган, учган, синган жойлар аниқ кўриниб турмоғи учун тасвир оптик асбоблар ёрдамида кўп марта катта-лаштирилди, махсус усулларда суратга олинди ва тасвир ёруғлик нури турли бурчак остида тушадиган қилиб ўрилди. Бизга химия ҳам катта ёрдам берди. Белгилар, тасвирлар сирти кўп асрлик қатламдан махсус эриткичлар ёрдамида тозаланган эдики, кўз ўнгимизда мутлақо янги, шу вақтгача олимларга маълум бўлмаган яхлит «ёзувлар» намоён бўлди.

Ниҳоят, Қора денгиз бўйидан топилган белгиларнинг ҳаммаси бир бутун қилиб тўпланган жадваллар тузилди. Энди, илгари маълум бўлган 240 белги ўрнига илмий оборотга бир минггача белги киритилди. Уларнинг кўпчилиги аниқ сармат белгилари бўлиб чиқди. Энг қадимги белгилар айна сармат ёдгорликларига чизилганлиги

бу хулосани янада қувватлади. Бироқ «чўл иероглифларининг бир қисми — Киммерий Боспорига тегишли мураккаб белгилар, гарчи сармат белгиларини эслатса-да, бу қабилаларга эмас, балки Боспор подшолигига мансуб экан. Боспорда ишлаб чиқарилган буюмлардагина шундай белгилар учратилди.


Энди, Қора денгиз бўйи белгиларининг келиб чиқиши, график эволюцияси ва маъноси тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал этиш керак эди. Изланишлар бизни кутилмаган хулосага олиб келди: ҳайвон инсоннинг ажододи, бобокалони деб ишонувчи қадимги одамларнинг тотёмик тасаввуридан шундай белгилар келиб чиққан экан.


Аммо ҳайвонларнинг воқеий, реал қиёфасидан, тасвиридан қандай қилиб сармат белгиларининг схематик, геометрик шакллари келиб чиққан? Бу хилдаги ўзгаришлар жараёнини тушуниб олишга ўзинга хос «биллингва», яъни уруғдошлик тузумини ҳозиргача сақлаб турган қабилалар билан этнографик жиҳатдан солиштириш ёрдам берди.


Мисол учун Обь дарёси бўйидаги районларда яшган угр халқини олайлик. Угр П. Кукин «филин»лар авлодидан бўлган; демак, уларнинг уруғ белгиси — тогеми филин (укки) бўлган. П. Кукин авлоди ўзининг асосий тармоғидан ажралиб чиққанидан кейин ўзларининг уруғ

белгиси қилиб қуш панжасини  олган. П. Кукин-

нинг ўзи авлодидан ажралиб, онласи билан бўлак чиққач, анъанага кўра, ўз авлодидан ажралган етим фарзанд сифатида, бутун авлоднинг белгисини — филин (ук-

ки) панжасини  мерос олган. П. Кукинининг ука-

си ўз белгиси акасиникидан фарқ қилиши учун, белгининг тепасига битта тик чизиқ тортган  . П. Кукин-

нинг ўғли белгининг пастки томонига чизиқ тортган 

Бу авлоднинг бошқа тармоғи — Кукинларнинг қавм-қариндошлари белгининг ён томонларидаги чизиқларни бутунлай олиб ташлаган. Гарчи бу тармоқ «филкнлар» уруғига мансуб бўлса-да, янги белги қуш панжасидан

кўра стрела (найза) га кўпроқ ўхшаганлигидан унга «стрела» («найза») деб ном қўйилган. **А**

Вақт ўтиши билан уруғ белгиси қандай ўзгарганлиги, умумий тотем элементи қандай йўқолганлиги ана шу ажойиб мисолдан яққол кўриниб турибди. Уруғ белгиси шахсий белгига айланган, кундалик ҳаётдан олинган ўзгача ном билан аталган. Кукинлар уруғига мансуб тармоқнинг белгиси бўлиб қолган «стрела» бунга мисол бўла олади. Вақт ўтиши билан турмушдаги буюмларнинг тасвири бу хилдаги белгиларнинг «тимсоли»га айланган, уларнинг тотемик негизи унутилган.

Сармат белгилари билан ҳам шундай ҳол рўй берган. Маъноси жиҳатдан улар аввало уруғ, сўнгра оила белгиси бўлган, кейинчалик шахсий белгига айланган. Улар ҳар бир конкрет шароитда қандай мақсадда қўлланилишига қараб маъносини ҳам ўзгартган. Улардан диний мақсадларда ёки шахсий белги сифатида фойдаланилган, кейинги ҳолда хусусий мулк, буюм ва ҳоказоларга у тамға сифатида босилган. Бу белгиларнинг маъносини билладиган уруғ, авлод ичида улар ёрдамида қандайдир маълумотлар берилган.

Сармат «ёзуви»дан иборат антик ёдгорлик — Керчдан топилган оҳактош плита сармат «иероглифлари» билан тўлиб тошган. Бу — сармат белгиларининг чинакам энциклопедик тўпламидир; ундаги белгилар сони тахминан 500 га боради. Жанговар чўл халқи сарматлар вақт кетказиб нега бундай «тўплам» тузишган экан?


Олимлар бу белгиларнинг пайдо бўлиш сабабини лавҳанинг диний мақсадларда фойдаланилганлиги билан тушунтирмоқчи бўлдилар. Бироқ белгиларни синчиклаб текшириш, этнографик параллеллар ва бошқа материалларни ўрганиш натижасида мазкур «тўплам» амалда фойдаланиш учун, масалан, қишлоқ ёки шаҳарда яшовчиларни қайд қилиш учун (ўзига хос «хонадон дафтари» сифатида) ёки яйловлар, сув ҳавзалари ва ҳоказоларни белгилаш учун ишлатилганлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, сармат белгиларининг сирини очилди. Киммерий Боспорининг мураккаб белгилари-чи? Уларнинг маъноси аниқландими? Афсус, улар ҳозирча «тилга кирмаяпти».


Бу белгилар, одатда, турли буюмларга: қабртошларга ва заргарлик буюмларига, белбоғ пойнакларига, тўғаларга, даҳма деворларига, сопол идишларга ва ҳоказоларга чизилган. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган юнон ёзувлари ёзилган мрамар ва оҳактош лавҳаларда ҳам шундай белгилар бор.

Боспор белгиларининг маъносини очиб беришга ҳам ўзига хос биллигва туртки бўлди. Ўтган асрнинг охирида топилган лавҳа (плита)ларда ҳам бир хилдаги белгилар тасвирланган эди. Лавҳаларнинг битта шоҳ ҳукмдорлик қилган даврга мансуб эканлиги ҳам аниқланди. Улар Боспор ҳукмдорларининг шахсий белги (тамға)ларидан бошқа нарса эмаслиги ҳам маълум бўлди. Лавҳалардаги юнонча ёзувлар бизга ҳукмдорларнинг номларини ҳам айтиб берди. Бу тахмин тўла изох, тўла талқишнинг фақат учини чиқариб қўйди. Аввало белгиларнинг қандай ҳосил бўлганлигини аниқлаш зарур эди.

Белгиларнинг шакллари кишини таажжубга соларди. Ҳар бир белги мутлақо мустақил икки қисмдан, яъни устки («сурат») ва остки («махраж») қисмлардан иборат эди. Баъзи белгиларнинг «сурати» ўзгарган, «махражи» эса бир хиллигича қолган.



Бу нимаси? Ўзгарадиган устки қисм сармат белгиларига ўхшашти ва сармат ёдгорликларининг кўпчилигида учрайпти-ку.



Боспор белгиларининг мураккаб пастки элементи сармат ёдгорликларида умуман учрамайди. Хулоса ўзидан келиб чиқди: белгининг пастки қисми, «махраж»и ҳукмдор Боспор сулоласининг белгиси (тамғаси) экан, шунинг учун у ҳамма белгиларда бир хил бўлган, белгининг устки қисми, «сурат»и эса шахсий белги (тамға) вазифасини ўтаган ва ҳокимлик бошқа шахсга ўтганда шунга яраша ўзгарган.

Энди, шу тахминни текширишгина қолди. Бунинг ҳам иложи топилди. Эрмитажда юнонча ёзув битилган мрамар лавҳа сақланмоқда, лавҳада Савромат II нинг ўғли

Рескупорид III нинг шоҳлик белгиси (тамғаси)




тасвирланган. Савромат II нинг шоҳлик белгиси бизга Керчдаги музейда сақланаётган оҳактош лавҳадан маълум эди, у мана бундай




. Лавҳалардаги бел-

гиларни таққослаш шуни кўрсатдики, Савромат II белгисининг устки ўнг тармоғидаги чизиқчанинг олиб ташланганлиги (лекин ҳар иккала белгининг остки қисми бир хил) белгининг бу варианты унинг ўғли Рескупорид III га тегишли эканлигини англатарди.

Шундай қилиб, тахминимиз тўғри бўлиб чиқди. Унинг тўғрилигини яна бир тарихий факт тасдиқлади:




Боспорда сармат подшоҳлари — Фoфoрc, Иннифимей



ва бошқалар ҳукмронлик қила бошлагач, шоҳлик

белгисининг шакли анча соддалашган ва «махражи» йўқолган. Бу табиий ҳолдир; чунки ҳукмрон боспорлар сулоласининг белгиси сарматлар учун бегона эди-да; шунинг учун улар бу белги (эмблема)ни олиб ташлаган. Янги подшоҳларнинг ўз уруғига, ўз сулоласига оид белгиларни бўлган, ахир. Булар Қора денгиз бўйи районларида кенг тарқалган сармат белгиларининг вариантларидир:




Мураккаб Боспор белгилари Боспор подшоҳлари учун қанчалик азиз бўлса, сармат шоҳларнинг белгилари ҳам ўзлари учун шунчалик азиз бўлган.


...Йиллар кетидан йиллар ўтаверган. Бориб-бориб Боспор подшоҳлиги ҳам емирилган. Боспор давлатини дастлаб эрамизнинг III асрида Қора денгиз бўйига Ғарбдан бостириб келган гут қабилалари забт этган, сўнгра бу ерлар эрамизнинг IV асрида Шарқдан келган гуннлар қўлига ўтган, улар мамлакатни бутунлай вайрон қилган. Уша вақтларда сарматлар ҳар қаёққа тарқалиб кетган.

Хўш, белгиларга нима бўлган? Улар ҳам ўз «муаллифлари» билан бирга йўқолиб кетганми ёки улардан кейин ҳам «бўлганми»?..

Биз археологик топилмалардан бу тўғрида қуйидагиларни билиб олдик. 1890 йилда Херсонес яқинидан ғалати белги — тамға чизилган тўқа топилган; тўқа Боспорда ишланган экан. Тамғанинг асосий тасвири (шакли)дан ташқари, тўқани безаш мақсадида бошқа чизиқ-



Қора денгиз бўйидан топилган тамғасимон нақшлар



лар ҳам чизилган эди. Тасвирнинг асоси, бизга маълум бўлган сармат шахсий тамғаси (белгиси)ни эслатарди. Синчиклаб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, тамға яратишдаги наққошлик, яъни орнамент услуби ўша вақтларда келиб чиққан экан.

Бу анъананинг кенг ёйилиши тамға нақши — орнаменти келиб чиқишига сабаб бўлган. Бундай нақш — орнамент қадимги осма кўзгуларда учрайди. Орнамент турли белгиларни ва уларнинг мазмунини ўз ичига олган. Шахсий тамға (герб)ларга оид орнаментнинг дастлабки ривожланиш босқичларида унинг уруғ тамғасига ва шахсий тамғага боғлиқлиги билиниб турган, лекин бу боғланиш бора-бора унутилган, йўқолиб кетган, тамғанинг шакли тасвирий, бадий элементлардан иборат бўлиб қолган.

Шимолий Қора денгиз бўйи белгиларининг ривожланиш йўлларида яна бири ана шудир. «Рюриковичлар тамғаси», яъни Киев Руси (Киевская Русь) князларининг герби (белгиси) шулар замирида шаклланган деб тахмин қилинганга асос бор.

Совет олимнинг таъбири


Киев областининг Ромашки қишлоғи... 1899 йилда археолог В. Хвойко қадим замонда полянлар яшаган айна шу ердан IV асрга мансуб ажойиб бир кўзача топган. Чиройли қилиб ишланган бу кўзачадаги нақшларнинг композицияси жуда мураккаблиги ва ажойиб-ғаройиблиги билан диққатни ўзига жалб этарди.

Археология музейидан жой олган мазкур кўзача антиқа буюмлар қадрини биладиган олимлар эътиборини узоқ йиллар ўзига тортган. Олимлар кўзачадаги орнамент (нақш)ларнинг маъносини тушунишга кўп уринишган. Кўп тахминлар айтилган, аммо илмий асосланган жиддий далил топилмаган.

Ромашки қишлоғидан топилган кўзача билан академик Б. Рибакон қизиқиб қолади. Унинг бой тажрибаси бу жумбоқни ечишнинг мутлако янги ва тўғри йўлини кўрсатиб берди. Тушуниб бўлмайдиган нақшлар деб ҳисоблаб юрилган бу орнаментда академик Б. Рибакон крестлар, дарахт, тўлқинсимон чизиқлар, ўроқ ва боғлар, турлича жойлаштирилган квадратчалардан иборат

композицияни пайқайди. Шундан кейин олимлар Ромашки композицияларининг сирини очадиган «калит»ни зўр бериб қидира бошлайдилар ва уни қадимги славянлар ердан топадилар...


1957 йилда Лепесовка қишлоғида археологик қазишлар ўтказилган вақтда археолог М. Тиханова III — IV асрларга мансуб иншоотни кашф этди, иншоотнинг ўртасида меҳроб (алтарь) бор экан. Аслида бу иншоот ибодатхона — қадимги славянларнинг кундалик ташвишларини қолдириб, тоат-ибодат қиладиган жойи бўлган. Меҳробнинг ичида диний маросимларда ишлатиладиган коса (идиш)лар бор эди. Ҳамма гап ана шулардан бошланди.



Бир косанинг гардиши ўн иккита тўғри бурчакликларга бўлинган, ҳар бўлимга хилма-хил нақшлар солинган, нақшларнинг бири иккинчисига мутлақо ўхшамайди. Б. Рибакон буларнинг сон (сана)лар эканлигини фаҳмлади; улар «бутун дунёда фольклорда йилнинг 12 ойини ифодаловчи сонлар сифатида кенг тарқалган». Лепесовкадан топилган косанинг гардишидаги расмлар

12 ойнинг белгилари эканлигини ва, биринчи навбатда, қайси расм қандай ойни ифодалашини исбот қилиш керак эди.

Олим косадаги расмларнинг мазмунини, маъносини тушуниб олиш учун астойдил ишга киришди. Ишлаш қулай бўлиши учун расм (бўлим)лар иккита қия чизиқ кесишган, яъни крест тортилган ва крест тепасига бурчак чизилган бўлимдан бошлаб номерлаб чиқилди.



Учала расмда (1, 3, 6 рақами билан кўрсатилган бўлимлар) кесишган қия чизиқлар (крестлар) яққол кўриниб турибди. Бу расмлар олов ёки қуёш белгисидир. 6-расм (бўлим)да крест иккита бўлиб, уларнинг тагига тўлқинсимон чизиқ чизилган. Бу чизиқ — оддий сув белгисидир. Бу ерда олимга унинг билимдонлиги катта эрдан берди. Академик Б. Рибоков славянларда ёгонни ишқалаш йўли билан муқаддас «жонли» олов чиқариш (ёндириш) маросими йилига уч марта ўтказилишини эслади. Бу маросим биринчи марта — қишқи қуёш туриши (бу пайтда кун энг қисқа, тун энг узун бўлади) муно-

сабати билан ўтказилади. Шу вақтда ёқилган олов 6 ой мобайнида, яъни қишки «Святки» (Рождество кунидан бошлаб икки ҳафта давом этадиган диний байрам) ту-гагунча ёниб туради (XVII—XIX асрларда яшаган халқ-ларнинг ёғоч календарларида январь оғи «қуёш қизиган» ой ҳисобланиб, қуёш белгиси билан ифодаланган). Иккинчи марта маросим баҳорги кеча-кундуз барабарлиги муносабати билан март ойида ўтказилган (Христианлар ўзларининг «Масленица» байрамини кейинчалик февраль — мартга суришган). Учинчи марта бу маросим ёзги қуёш туриши кунидан (шу пайт кун энг узун, тун энг қисқа бўлади), яъни мажусийлик элементлари ҳисобланган олов билан сув яққол намоён бўлган вақтда барча славян халқларида ва уларга қўшни халқларда Иван Купала байрами муқаддас «жонли» олов ёқилган билан нишонланадиган 24 июнь кунини ўтказилган. Славянлар кузги кун барабарлигини байрам қилишмаган.

Шундай қилиб, Б. Рибакков олов белгиси тасвирланган учта расм (бўлим)ни славян оғларига таққослаб кўрди.

Биринчи расм (бўлим) — январь (мажусийларда янги йил боши, бир йўла бутун йил учун худога илтижо қилиш, ёлвориш оғи), учинчи расм (бўлим) — март (қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш оғи), олтинчи расм (бўлим) — июнь (ёзнинг жазирама иссиқ оғи ва ҳоказо).

Энди тўртинчи расмга назар ташланг. Биринчи қарашдаёқ ундаги ер ҳайдаш қуроли, яъни қадимги омоч ва унинг атрофидаги эгатлар кўзга ташланади. Бу тушунарли; чунки эрамининг II асрдан V асригача шу ерларда яшаган, Черняхов маданияти барқ уриб ривожланган даврдаги қабилалар омочни яхши билишган. Лепесовкадан топилган омочда ҳатто бўйинтуруқ бириктирилдиган иккита қозикча ҳам тасвирланган. Ўрмон-даштли Черняхов областида ер ҳайдаш қуроллари апрелда — ерни ҳайдаш ва ўғитлаш оғида — биринчи ўринда турган. Қадимги русларда апрель оғининг березозол, яъни «ерни кул билан ўғитлаш» оғи деб аталлиши бежиз эмас, деб таъкидлайди олим.

Қосанинги гардишидаги саккизинчи расм (бўлим)да қандайдир донли экиннинг тўла шаклланган бошоқлари тасвирланган. «Буларнинг буғдой бошоқлари бўлиши муқимроқдир. Украинада баҳорги буғдой август оғида

ўриб олинади ва бу ойни шу кунгача «серпень», яъни ўроқ, йиғим-терим ойи деб аташади» дейди Б. Рибакэв.

Сентябрни — ёввойи қушларнинг учиб ўтиш ойини — ифодаловчи тўққизинчи расм (бўлим) ҳам диққатга сазовордир. Қадимги замонларда айни шу вақтда баланд-баланд дарахтлар орасига ниҳоят даражада катта тўрлар тортилиб қушлар овланган. Олим ўз тахминининг тўғрилигини исботлаш учун тўққизинчи расмни «тўр» билан ов қилиш тасвирланган қадимги расмга солиштириб кўрди. Расмларнинг ўхшашлиги ҳайратга солди.

Унинг расм (бўлим) да арқондай эшилган, ўрилган зиғир толаси билан наша толаси тасвирланган. Зиғир, наша ва каноп ўсимликлари айни октябрь ойида ўрилади, поялари титилади, иплари бўшгина эшилиб, даста-даста қилиб боғланади.

Олим Ромашикдан топилган кўзачадаги белгиларнинг мазмунини тушуниб олишда ҳам шу «калит»дан фойдаланди. Б. Рибаконинг аниқлашича, кўзачадаги баъзи тасвирлар мажусийларнинг Ярила, Купала ва Перун деб аталувчи худолар шарафига нишонладиган энг катта диний байрамлари ўтказиладиган вақтни аниқ кўрсатиб турибди. Мазкур кўзачадагидек нақшлар (орнамент) бунгача ҳеч учрамаган, шу боисдан уларни тушуниб олиш жуда қийин бўлди. Анча мураккаб шаклдаги белгилар кўзача деворларига икки қатор қилиб чизилган. Уларнинг баъзилари ўроққа, бошоққа ўхшайди. Ажиб тасвирларнинг устки қаторини ёш дарахт, икки крест (хач), олти бурчаклик, яъни момақалди роқ белгиси ва бошқа хил белгилар ташкил этган. Пастки қатор устки қатор билан боғлиқ бўлиб, тўқсон олти квадрат ҳамда тўлқинсимон чизиқлардан иборат; квадратлар ва тўлқинсимон чизиқлар тушуниб бўлмайдиган тартибда жойлаштирилган. «Квадратлар кунлар белгиси эмасмикин?» деган фикрга борди Б. Рибакон.

Момақалди роқ ва жала байрами (православие мазҳабидаги кишиларнинг Илья куни деб юритиладиган диний байрами)ни билдирувчи момақалди роқ белгисини, олим, санок (ҳисоб)нинг бошланиш нуқтаси қилиб олди. Бунинг устига, бу байрам ўтказиладиган аниқ сана солномалардан маълум эди; ҳозирги календарда бу вақт 20 июлга тўғри келади. Лекин ҳар қандай тахмин далилга муҳтож, шунинг учун олим солномаларга мурожаат қилди, улар олимнинг ишончини оқлади: уларда қадимги славянларнинг бошқа байрами — Иван Купала куни

байрам қилинадиган сапа кўрсатилган эди. Бу байрам момақалди роқ ва жала байрамидан 27 кун кейин ўтказилар экан. Кўза чадаги нақшлар (орнамент)нинг юқориги қаторида июнда ўтказиладиган бу байрам иккита крест билан белгиланган.

Наҳотки, пастки қаторнинг шу икки белги орасига тўғри келадиган квадратлари сони 27 га тенг бўлса? Худди шундай, 27 та экан. Квадратлар сонининг тўғри келиши, эҳтимол, тасодифий ҳолдир?!

Йўқ, тасодиф эмас; олим янги дан-янги далиллар топди. Кўза чада иккита крест билан белгиланган Иван Купала байрамидан олдин «Русальная неделя» байрами келар экан, байрам олти кун давом этади. Полянлар календаридан Иван Купала байрамини билдирувчи икки крест тагига пастки қаторнинг олти квадратлари тўғри келган.

Шунга қарамай, олим яна далиллар излади ва топди: квадратлардан бири устки қатордаги дарахт тагига тўғри келган, дарахт эса — Ярила байрамининг белгиси; солномада бу байрам 4 июнга тўғриланган. Салгина ҳисоблаб кўрилса, дарахт тагига тўғри келган квадрат 4 июнь ўрнига тушганлиги маълум бўлади қўяди...

Энди шубҳага ўрин йўқ: Ромашкидан топилган кўза чада 2 майда бошланиб 7 августда тугайдиган аниқ календарь тасвирланган.

Тўсатдан яна бир жуда ўринли далил топилди. Олим Украинада баҳорги буғдой ва арпанинг ҳозирги пишиш муддатларини «тилга кирган» календарга солиштириб кўриб, ажойиб ҳодисани аниқлади.

Экилган дон тахминан 2 майларда униб чиқади, 20—30-майларда найча бўлади — ўсимлик хусусан шу даврда сувга чанқайди. Ромашкидан топилган кўза чадаги календарда шу кунларни кўрсатиб турган квадратлар тепасига ёмғирни ифодаловчи чизиқлар чизилган. 11—20 июнь — ўсимликнинг бошоқ чиқариш даври. Демак, ўсимлик учун яна сув керак. Шу кунларни кўрсатувчи квадратлар тепасига яна тўлқинсимон чизиқлар чизилган. 4—6 июль — буғдойнинг думбул бўлган вақти — тепада яна тўлқинсимон чизиқлар.

Ниҳоят, 20 июлдан бошлаб ёмғирга эҳтиёж йўқолади, шунинг учун тўлқинсимон чизиқлар юқориги қатордан пастки қаторга тушган. Ёмғир сувнинг йиғим-терим арафасида ерга сингиб кетганлиги календарда «ер остига тушиб кетган сув» тарзида тасвирланган.

Кўзачадаги белгиларнинг маъноси шу йўл билан тушуниб олинди. Академик Б. Рибакوف тадқиқотлари бебаҳо аҳамиятга эга. Ахир, у одатдаги усулларнинг биронтасини ҳам қўлланмади. Унинг бундай «нақш» («орнамент»)ларни таъбирлаш усули ўзига хос бўлиб, мавжуд усулларга мутлақо ўхшамайди.

Ромашкидан топилган кўзача билан Лепесовкадан топилган коса ўзларининг сирли нақшлари билангина бир-бирига ўхшайди. Улар олимларнинг меҳнати туфайли бир-бирини тўлдириб, битта занжирнинг ҳалқаларини ташкил этди.

Княгиня Ольганинг „нишонлари“

Денгиз илоҳи Посейдоннинг паншахага ўхшайдиган, уч ёки икки шохли ҳассасини кўз олдингизга келтиринг. Киев Русидан топилган турли-туман буюмларда: кўзачалар ва сопол парчаларида, қадимги рус тангалари ва ҳужжатларга босиладиган қўргошин муҳрларда, жангчиларнинг камарлари ва қуролларида ҳамда турли зийнат буюмларида шундай белгилар доимо учраб туради. Хуллас, бу белгилар ҳамма буюмларда бор.

1907 йил. Киев шаҳрида археологлар олиб бораётган қазиш ишлари авжида. Жуда кўп нарсалар топиляпти, улар орасида сирли белгилар тасвирланган кошин ҳам бор. Олим К. Болсуновскийни бу кошин жуда қизиқтирди.

К. Болсуновский кошинда тасвирланган белги монограммдан бошқа нарса эмас деган тахминга борди. Олим шундай хулосага келгунча зўр бериб ишлади. Лекин нега монограмма? К. Болсуновский буни қуйидагича тушунтирди. Белги пайдо бўлган вақтларда унинг маъноси аниқ ва ҳаммага тушунарли бўлган, албатта, «аммо кейинчалик тамға яратиш шароити ва тасвирлар мураккаблашиши туфайли бу белгига қўшимча чизиқлар, нақшлар киритилган, натижада белгининг дастлабки кўриниши ўзгарган ва, ниҳоят,... унинг аввалги, асл маъноси унутилган». Тадқиқотчи сирли белгининг изоҳини Боспор подшолиги тангаларидан излайди, ўхшаш томонларини Византиядан ахтаради, қадимги рус тангаларидаги бошқа белгиларга солиштириб кўради.

Ниҳоят, сирли белги, бамисоли мураккаб конструкция таркибий қисмларга ажратилади, монограммани шу

қисмлар ташкил этади. Монограмма юнон ҳарфларидан иборат бўлиб, базилевс (яъни «подшо») деб ўқилди.

Олим монограмманинг кимга мансублигини аниқлаш устида бош қотира бошладди. Тезда бунинг ҳам жавоби топилди: у князь Владимирга... тегишли экан. Бироқ монограммадаги ҳарфлар сонига исмдаги ҳарфлар соғи тенг бўлганлиги учунгина у монограммага ўхшаш деб топилган.

Бундай изоҳ ишонтирарли далил бўлолмади. .




Мазкур белгилар қизғин мунозараларга сабаб бўлди ва ҳозир ҳам сабаб бўлмоқда. Бу белгилар нимани англатади, уларни қандай изоҳлаш мумкин, улар нимага ўхшайди — баҳс асосан шунинг устида кетмоқда. Бу сирли белгилар шартли равишда «Рюриковичлар тамғаси» деб аталди. Баъзи тадқиқотчилар «Бу, эҳтимол қадимги кеманинг схематик тасвиридир» деса, бошқалар «Йўғ-э, бу чироқнинг тасвири» деб таъкидлашди. Яна бировлар К. Болсуновскийнинг, бу базилевс, яъни подшо деб ўқиладиган монограмма, деган фикрини маъқулладилар.

X—XI асрларга мансуб қадимги рус тангалари тўғрисидаги мунозаралар хусусан қизғин ўтди, бу тангаларда мазкур белги князнинг тасвири билан ёнма-ён турибди ёки танганинг орқа томонида тасвирланган.

Бу белгиларни жиддий ва илмий асосда текшириб кўрган одам академик Б. Рибакков бўлди. У «Рюриковичлар тамғаси»ни анализ қилганда қадимги рус тангаларидаги белгиларгагина эмас, балки бошқа буюмлардаги белгиларга ҳам эътибор бериш зарурлигини айтди.

Б. Рибакков белгиларни шартли равишда бир неча гурпуга бўлган эди, уларнинг турли усталарнинг там-



ғаси, князларнинг эмблемаси, тамғаси эканлиги аён бўлди қўйди. Масалан, ҳунарманд уста князга тегишли бўлса, у ясаган буюмига шу князнинг тамғасини босган. Буюмнинг қаерда ясалганлигини ёки кимники эканлигини шу тамгадан билганлар. Жангчилар камарига босилган князь тамғаси ҳам жангчининг ўша князь ихтиёридаги одам эканлигини билдиради.

Бир куни Тамандан камоннинг ўрта қисмини маҳкамлаб турадиган бир деталь топилган, унга ўйиб туширилган белги Ярослав Мудрийнинг тангаларидан бизга маълум бўлган тамғасига ўхшар экан. Лекин Ярослав тамғасининг ўзгинаси эмас, унга фақат ўхшар экан. Б. Рибоков мазкур тамга эгасининг исмини топишга муяссар бўлди. У Ярослав Мудрийнинг акаси, ботир Мстислав экан, 987 йилда уни отаси князь Владимир Тмутараканнинг ҳокими қилиб тайинлаган. Лекин камон ҳам уники бўлган дейишга ҳали эрта, чунки камон жангчи Мстиславники бўлиши ҳам мумкин. Шимолий Кавказда Нальчик районидан ҳам юқорида айтиб ўтилган князь тамғасига жуда ўхшайдиган темир буюм топилган. Хуллас, рус қўшинлари қаерларга қадам қўймаган дейсиз...

«Рюриковичлар тамғаси» қўрғошин муҳрларда ва пломбаларда ҳам учрайди. Баъзи тадқиқотчиларнинг

таъкидлашчи, тамғали муҳрлар ва plombалар фақат князларга мансуб бўлган. Муҳрлар тадқиқотчиси, йирик совет олими В. Янин, улар маъмурий шахсларга тегишли бўлган, деган тахминни айтди. Топилган plombалар ўз вақтида товарлар учун ишлатилган; Буг дарёси районидаги Дрогичина шаҳри яқинидан топилган асосий топилмалардан бўлганликлари учун улар «Дрогичина plombалари» деб аталади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бобокалонларимиз сахийлик билан ишлатган тамғаларни қадимги славяндарнинг замондошлари ҳам тилга олган. 943—944 йилларда руслар хирож тўплаган жойларида аллақандай тамға қолдириб кетишар экан, бу тамға бу ерни яна хирож тўлашдан халос қилар экан, деб ёзган араб адиби Ибн Мискавейх. Бу, эҳтимол, ўша вақтда шу жойларга ҳокимлик қилган князь Игорнинг тамғаси бўлгандир.

«Рюриковичлар тамғаси» тўғрисида ёзма ва археологик маълумотлар кўп.

Менинг фикримча, «Рюриковичлар тамғаси»нинг негизини римликлар ҳокимлик қилган даврдаги Шимолий Қора денгз бўйидан топилган белгилар, шунингдек Б. Рибакон тўла таърифлаб берган эрта ўрта асрга мансуб тамғалар орасидан қидириш керак.

1893 йилда Хацки қишлоғи яқинидан эрамизнинг VI асрига мансуб хазина топилган. Хазина аёлларнинг кумуш билагузуклари, трапедия шаклидаги тўғноғичлар, учта камарни безатишга етадиган миқдорда қимматбаҳо зийнат буюмлар ва бошқалардан иборат бўлган. Уйиб аллақандай белгилар туширилган камарбандлар айниқса диққатга сазовордир. Буларнинг нима белги эканлигини ҳеч ким тузуккина айтиб беролмади.



Тамғасимон тасвирлар

Орадан 16 йил ўтди. 1909 йили Киев областининг Каневския районидаги Мартиновка қишлоғидан яна бир хазина топилди, бу хазина эрамининг VI асрига мансуб бўлиб, отлар ва кишилар қиёфасидаги турли шакллар, тўқалар ва жуда кўп бошқа хил буюмлардан иборат эди. Буюмларнинг кўпчилиги маҳаллий усталар қўлидан чиққан, жуда оз қисминигина византияли усталар ясаган. Маҳаллий усталар қўлидан чиққан буюмлар орасида ўйиб белгилар туширилган кумуш камарбандлар ҳам бор эди. Академик Б. Рибакков, камарбандлардаги тамға (эмблема)лар қадимги русларга мансуб, деган хулосага келди.

Камарбандлардаги тасвирлар «Рюриковичлар тамғаси»га бориб уланиши лозим бўлган занжирнинг навбатдаги ҳалқасигина эди. Афсуски, Шимолий Қора денгиз бўйидан топилган белгиларни ва эрта ўрта асрга мансуб белгиларни «Рюриковичлар тамғаси»га улайдиган занжирнинг ҳамма ҳалқаларни қўлимизда эмас. Жуда муҳим битта ҳалқа етишмаяпти, ўша ҳалқа мазкур белгиларни Киев Руси князларининг тамға (герб)ларига бевосита улаган бўларди.

Баъзи бир славян тамғалари шу ернинг ўзида ясалган бўлиши ҳам мумкин. Припять дарёсининг қадимги замонларда славянлар яшаган районларидан кейинги вақтларда трапеция шаклидаги тўғноғичлар кўп миқдорда топилди, бу тўғноғичларга уч шохли ҳассага ўхшайдиган тамға ўйиб туширилган. Уларнинг ҳаммаси эски эра билан янги эра чегарасида бунёдга келган.

Глаголица ва кириллица¹

Кирилл ва Мефодий... Славян алифбосининг ижодчилари, яратувчилари Македониянинг Солуни деган доимо гавжум ва серчанг шаҳрида (ҳозирги Грециянинг Салоники шаҳри) туғилган. Мефодий 820 йилда, Константин (Кирилл) 826 йилда таваллуд топган. Уларнинг оталари болгариялик, оналари эса юнонистонлик бўлган. Бу вақтда шаҳар аҳолисининг ярмини славян халқи ташкил этган, шунга кўра бу ака-ука славян тилини яхши билишган. Она иккала ўғлининг ҳам билимдон бўлиши учун ҳаракат қилган.

¹ Қадимги славянларнинг икки хил алифбосидир.

Үлими олдидан ўзини Кирилл деб атаган Қонстантин хусусан қизиқ шахс бўлган. У болалик чоғидаёқ истеъдодлилиги билан муаллимларини ҳайратга солган. Кириллни ота-онаси 14 ёшида Қонстантинополь (Истамбул)га ўқишга юборган; бу ерда у астрономия ва математика, риторика (нотиқлик санъати назарияси)ни, музыка, философия ва антик адабиётни, теология (илоҳиёт)ни ўрганган. Мартабага эришмоқ учун имконият туғилган бўлса-да, у патриарх кутубхонаси ходими лагозимида ишлай бошлаган, лекин тезда бу ишни ташлаб, ўзини философияга бағишлаган. Кейинчалик у миссионерлик фаолияти билан қизиқиб қолган.

IX асрнинг 60-йиллари бошида Кирилл хазарлар юртига миссионерлик иши билан кетатуриб, йўлакай Қримнинг жанубий соҳилидаги Корсунь (Херсонес) шаҳрида тўхтаган. Бу ерда у бир киши билан учрашган, унинг уйида аллақандай русча битик билан ёзилган диний китоблар қўлёзмаси: Инжил ва Забур бор экан. Кирилл бу кишининг ўз тилига, яъни булғорлар-македонияликлар тилига жуда ўхшайдиган тилда гаплашишини эшитиши биланоқ у билан суҳбатлаша кетган, бир мунча вақтдан кейин ўзи ҳам рус тилида бемалол сўзлай олган.

И. Срезневскийнинг тахминига қараганда, Кирилл кўрган китоблар славян тилига мослаштирилган юнён ҳарфлари билан ёзилган экан. Кириллнинг славян алифбосини яратишига ана шу учрашув туртки бўлган бўлса ажаб эмас.

863 йилда маҳаллий князнинг илтимосига мувофиқ, Қонстантинополдан Моравияга Кирилл ва Мефодий бошчилигида элчилар юборилган. Элчи юборишдан мақсад — Буюк Моравия князлигини тобе қилишга умид боғловчи немис феодаллари ҳар томонлама мустақамлашга уринаётган католизмга қарши ўлароқ православиени қўллаб-қувватлашдир. Элчилар сафарга қуруқ қўл жўнаган эмас. Улар сафар олдидан тузилган славян алифбосини олиб кетишган.

Кирилл билан Мефодий келгандан кейин Моравияда тоат-ибодат она тилида олиб борила бошлайди. Юнён тилидаги китоблар славян тилига таржима қилинади.

869 йил февраль ойининг бошида Кирилл касал бўлиб ётиб қолади, 14 февралда ҳаёт билан видолашади... Алифбо тузиш, китобларни славян тилига таржима қилиш билан ўтказилган оғир, машаққатли йиллар, кўп

марталаб сафарга чиқишлар унинг соғлигига жиддий зарар етказган экан.

Мефодий укасидан кейин 16 йил яшайди. У ҳаётининг сўнгги йилларини славян тилига китоблар таржима қилиш билан ўтказди. Мефодий 885 йилда вафот этади.

● КИРИЛЛИЦА


**АБВГДЕЖЗ
ІІНКЛМНОП
ЎСТЎФХѠ
ѠЦУШЪЬЫѢ
ЮѠѠѠѠѠ
ѠЕѠѠѠ**

Ака-ука бошлаган ишни уларнинг содиқ шогирдлари давом эттиради. Бунинг учун хусусан Болгарияда жуда қулай шароит бўлган. Ака-уканинг фаолияти Морария билан Чехияда ҳам унутилмаган — баъзи жойларда X—XII асрларда давом эттирилган. Кирилл билан Мефодийнинг узлуксиз меҳнати замирида славян адабиёти, қадимги славян адабий тили вужудга келдики, бу тил кейинчалик славян халқлари ҳаётида жуда катта роль ўйнади.

Кириллицанинг ўзи нима? Бу — 43 ҳарфдан иборат алифбо. Бу алифбо юнон алифбоси асосида тузилган. Славян ва юнон тилларидаги бир хил (ўхшаш) товушлар учун юнон ҳарфлари ишлатилган. Фақат славян тилига хос бўлган товушлар учун 19 белги яратилган; бу белгилар оддий шаклда ва ёзиш учун қулай бўлиб, Кирилл алифбоси, яъни кириллицанинг умумий график услубига мос тушган.

Кириллицада қадимги славян тилининг фонетик таркиби назарда тутилган ва жуда тўғри берилган. Бироқ славян тили учун ҳожати бўлмаган олтита юнон ҳарфининг алифбога киритилиши кириллицанинг жиддий камчилиги ҳисобланади.

ГЛАГОЛИЦА



X асрда кириллица билан бир қаторда славян алифбосининг яна бир тури — глаголица бўлган.

Глаголицадаги ҳарфлар сони кириллицадагидан учтага кам, унинг дастлабки вариантыда эса 38—39 ҳарф бўлган. Алифбодаги ҳарфлар, уларнинг ўрни (жойланиши), жаранглаши ва ҳарфларнинг номлари жиҳатдан глаголица кириллицадан фарқ қилмаса-да, ҳарф (белги)ларнинг шакли мураккаблиги билан ундан кескин ажралиб турган. Глаголица ҳарфлари рақам ўрнида ҳам ишлатилган. Биринчи тўққиз ҳарф — бирликларчи, улардан кейинги тўққиз ҳарф — ўнликларни ва охириги тўққиз ҳарф — юзликларни, бир ҳарф — «ч» ҳарфи («червь») мингликни билдирган. Ҳарфлар рақам ўрнида ишлатилганида ҳар бир ҳарф тепасига тўлқинсимон чизиқча («титло») тортилган, ён томонларига эса оддий нуқталар қўйилган.

Глаголицадаги ҳарфлар аллақандай жингалак, қовузлоқ ва бошқа мураккаб шаклларни эслатган. Бу ҳарфларнинг келиб чиқиши ҳозиргача қизғин муноза-

раларга сабаб бўлмоқда. Бу табиий, албатта. Ҳарф бўлгандан кейин, ҳатто мураккаб бўлса ҳам, бирор нарсага ўхшатишдан-да. Лекин нимага ўхшатишдан?

Олимлар глаголицанинг негизини бошқа алифболар системасидан, масалан, юнон ёзувидан, сурьяликлар алифбосидан, скандинавияликлар ёзувидан ва бошқа алифболардан излай бошлайдилар. Жуда кўп назариялар келиб чиқади, лекин шулардан фақат учтаси кенг тарқалади.

Биринчи назария тарафдорлари, глаголица Византия шикаста хатидан келиб чиққан, деб таъкидламоқда. Тўғри, уларда ўхшашлик бор, аммо арзимайдиган даражада; бунинг устига, Византияда шикаста хат диний китоб учун ишлатилмаган, ундан турмушдаги ва хизматга доир ёзувлар учунгина фойдаланилган.

Бошқа тадқиқотчилар, глаголица христиан дини келиб чиқишидан олдинги даврда бўлган маҳаллий славянлар ёзувидан келиб чиққан, дейишмоқда.

Учинчи фаразияга кўра, глаголицани Кирилл билан Мефодийнинг шогирдлари ёки кириллица асосида Кириллнинг ўзи яратган; бизнингча энг тўғриси шу. Бу фаразия яна шунинг учун ҳам мақбулки, мазкур алифбо жуда жимжимадор ва сунъий бўлиб, бизга маълум алифбо системаларининг биронтасига ҳам ўхшамайди.

Глаголица маълум шахс томонидан олиб борилган сунъий иш натижаси эканлигини олимларнинг кейинги йиллардаги тадқиқотлари ҳам тасдиқлади.



Хўш, Кирилл қайси алифбони яратган? Кўпчилик олимларнинг фикрича, Кирилл глаголицани яратган, кириллица эса славянлар ёзувини дабдабали Византия ёзувига яқинлаштириш мақсадида IX аср охирида Болгарияда яратилган.

Ким ҳақ эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб беради...

Ҳарфларнинг Русь бўйлаб сафари

Смоленск шаҳри яқинида катта мажусийлар қабристонини бор. Археологияда уни Гнездово қабристонини деб аташ қабул қилинган. Бу қабристон икки ярим мингдан кўпроқ қўрғон, гўртепалардан иборат. Бу ерларга славянлар ҳам, варяглар ҳам дафн этилган.

Навбатдаги археологик қазинишларни ўтказиш учун 1949 йилда археолог Д. Авдусин Гнездовога жўнайди.



Археологлар қўрғонлардан бирини танлаб, унинг тегишли жойларини ўлчаб чиқадилар, шундан кейин сермашаққат қазув ишлари бошлаб юборилади. Қазииш натижалари кутилганидан ҳам ажойиброқ бўлиб чиқади.

Бундан бир минг йил муқаддам бу қўрғонга бир жангчи дафн этилган экан. Жангчининг жасади қайиқчага жойланиб гулханда куйдирилган. Буни гулхан кулидан топилган миҳпарчинлардан билиб олишган. Жангчининг қиличи синдирилиб гулханга қадалган. Бундан ташқари, қўрғондан буклама тазрози, аёлларнинг зийнат буюмлари (шу ерга дафн этилган чўриники бўлса керак), араб тангалари ҳам топилган. Теварак-атрофда идиш-товоқ синиқлари сочилиб ётган экан. Уларни синчиклаб кўздан кечираётганда ёзув битилган сопол парчаси чиқиб қолади: ёзувнинг сла-

вян ҳарфлари билан ёзилганлигини кўриб археологлар ҳайрон бўлишади.

Сопол парчасига «горохуша» деб ёзилибди. Ҳозирги «у» ҳарфи қадимги рус тилида икки ҳарф билан «оу» деб ёзилар экан. Энг охириги ҳарфдан олдинги икки ҳарфни «хш» деб ҳам, «шн» деб ҳам ўқиш мумкин. Бу-

ни қаранг, а! Сўз ва ҳарфлар славянча, афтидан русча-ю, аммо ўқиб тушуниш жуда қийин.

Мазкур ёзув кейинчалик академик М. Тихомировга кўрсатилди, академик ёзувда кириллицадаги рус ҳарфлари ишлатилганлигини тасдиқлади.

Бу X асрнинг биринчи ярмига оид ёзув экан. Ёзувчи тўғри таржима қилишнинг катта аҳамияти бор эди. Тилшунос П. Черних бу ёзувни «горошна», яъни «горчичные зерна» («хантал донлари») деб ўқиш керак деган фикрни айтди. Ёзувни биринчи бўлиб топган Д. Авдусин билан академик М. Тихомиров бутунлай бошқача фикрда эдилар, уларнинг назарича, бу «гороухша» — «горчица» («хантал») деган маънони англатар эди.

Сопол парчасида ёзув қандай пайдо бўлган? Эҳтимол, биров хантал (горчица) солинган хумчани сотиб олганидан кейин бошқа хумчалар билан адаштириб юбормаслик учун унга ёзиб белги қўйгандир. Ундай бўлса, хантал солинган хумча жангчининг қабрига қандай келиб қолган? Ҳар ҳолда Гнездовога етиб келгучича хумча кўп кишиларнинг қўлидан ўтган бўлса керак.

Баъзи тадқиқотчилар ёзувнинг юқоридагича талқин қилинишига қўшилмадилар. Масалан, бир чех олими уни «Гороух пса», яъни «Горух писал» («Горух ёзган») деб изоҳлади. Археолог Г. Корзухина ёзувни бутунлай ўзгача маънода тушунди. Унинг фикрича, бу ёзув «горюща» ёки «горяща», яъни «горючее» («ёнилғи») деган маънони англатади.

Жанубий шаҳарларда IX—X асрларга мансуб тупроқ қатламларидан нефть юқи қолган идишлар тез-тез топилаверди. Нефтнинг хусусиятлари қадимги одамларга ҳам маълум бўлган; мурдани куйдириш учун хусусан обҳаво ёмон пайтларда гулхан ёқиш осон бўлмаган, ахир. Маъқул тахмин. Агар хумча оловга тушмаган бўлса эди, химиявий анализ бизга катта ёрдам берган бўларди.

Ҳозирча олимлар ўз фикрларида қолишди.

Мазкур идишнинг сирри ҳали тўла очилганича йўқ. Сопол парчасидаги ёзувнинг тагида лотинча «N» ҳарфини эслатадиган белги бор. Д. Авдусин, бу белги хум эгаси исмининг бош ҳарфи бўлса керак, деган фикрни айтди. Ҳозирча бу тўғрида бошқа фикр йўқ. Ким билади дейсиз, вақти келиб бу белгига ҳам навбат етар. Энг муҳими — кириллица асосида ёзилган ҳақиқий рус ёзувнинг топилганлигидир; бу ёзув бизгача етиб келган шундай ёзувларнинг энг қадимгиси ҳисобланади.

Бизга араб сайёҳи Ибн Фадлан маълум қилган руслар ёзувининг равиши тўғрисидаги масалани ҳал этишда хумчадаги хат анча ёрдам берди. Ибн Фадлан сафарда чоғида бир русни мажусийлар урф-одати бўйича дафн қилиш маросимини кўрган; маросимни у қуйидагича таърифлаган. Марҳумнинг жасади гулханда куйдирилганда у гулхан олдида туриб бир рус билан суҳбатлашган. Ибн Фадланга бу рус бундай деган: «Сиз, араблар, тентаксизлар... Сизлар қадрдон, азиз кўрган одамнингиз жасадини қадрлаб қўлда кўтариб олиб борасизлар-да... ерга ташлайсизлар... кўмасизлар, кейин уни газандалар, чувалчанглар, қуртлар еб кетади; бизлар эса уни бир пасда куйдирамизки, унинг жони шу ондаёқ жаннатга киради...»

«Марҳумнинг жасади куйиб кул бўлгандан кейин, — давом этади Ибн Фадлан, — улар гулхан устига тупроқ тортиб баланд тепалик қилдилар, тепаликнинг қоқ ўртасига катта хода (оқ терак) тикиб, унга марҳумнинг ҳамда руслар подшосининг номларини ёздилар, кейин тарқалишиб кетдилар».

Афсус, Ибн Фадлан хомага битилган ёзувдан нусха кўчирмаган. Академик М. Тихонов, хомагаги ёзув кириллица асосида ёзилган бўлиши керак, деган хулосага келди. Ахир, ҳикоя қилинган дафн маросими Гнездоводан топилган хумчага ёзув битилган даврга тўғри келади.

Бошқа араб олими — Ибн ал-Надимнинг ҳикояси ҳам бизгача етиб келди. Унинг ҳикоясидаги воқеа 987 йилга мансуб. «Бир киши Кабк тоғ (Кавказ — В. Д.) шоҳларидан бири уни руслар подшоси ҳузурига юборганлигини менга сўзлаб берди; русларда ёғочга ўйиб ёзиладиган ҳарфлар борлигини таъкидлади. Унинг сўзлари ҳақ эканлигига имоним комил. У менга алла нималар тасвирланган оқ ёғоч парчасини кўрсатди, бу тасвирлар ёзувми ёки айрим ҳарфларми, бунисини билмайман». Мазкур ёзувнинг тадбиркор сайёҳ кўчирган нусхаси бизгача сақланиб қолган, лекин ҳозирча уни ўқишнинг йўли топилмаётир.

Қадимги рус солномалари тўплами (машҳур «По-весть временных лет»)да яна бир ёзув эслатиб ўтилган, у ҳам кириллица асосида ёзилган бўлса керак.

X аср охирида князь Владимир Святославич Херсонес шаҳрини қамал қилган. Қамал вақтида бу шаҳарнинг бир фуқароси Владимир лагерига камондан ўқ отган; камон ўқига мана бу сўзлар ёзилган экан: «Қладези еже

суть за тобою от востока, из того вода идет по трубе» (ёзувнинг маъноси: «орқа томонингда, сал шарқроқда қудуқ бор, шу қудуқдан қувур бўйлаб шаҳарга сув келади»).

Бу ёзув Қадимги Русь тарихининг яна бир ажойиб саҳифасини очиб берди. Қрим афсоналаридан бирида бу воқеалар бундай ҳикоя қилинган.

Киев князи Владимир Святославич Византия билан қариндош бўлиш ниятида императорнинг синглиси Аннага уйланишга аҳд қилади. Лекин Византия императори Василий II бутпарастлар билан қариндош бўлишни пасткашлик ҳисоблаб, рус князига ғурурлик билан рад жавоби юборади...

Владимир Святославич рад жавобини олгач, ўз амалдорлари, сараскарлари ва зодагонларини тўплаб, ўзининг христиан динига ўтишга аҳд қилганлигини уларга айтади, Византияни ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этиш мақсадида Херсонесни забт этмоқчи эканлигини маълум қилади.

Владимир 988 йили ёзда юриш бошлайди. Рус лашкарлари тушган кемалар Қора денгизда сузиб бориб, Херсонес яқинидаги Таврия соҳилларида тўхтайдилар. Уларни узун қора кийим кийган, бўйнига крест таққан киши кутиб олади.

— Қимсан ўзинг? Отинг нима?— сўрайди ундан князь Владимир.

— Мен Херсонесли кашишман, исмим Анастасий. Ижозат берсанг, мен ҳам сўрай, князь, нега бизникига шамшир билан ташриф буюрдингиз? Ахир, сиз руслар билан келишган эдик-ку!

Князь нима мақсадда юриш қилганлигини унга тушунтиради. Шундан кейин кашиш унга Херсонес аҳолисини шаҳар дарвозасини очишга кўндиришни маслаҳат беради. Аммо херсонесликлар дарвозани очмайдилар.

Князь шаҳарга шиддат билан ҳужум қилади, шаҳарни шу йўл билан эгалламоқчи бўлади. Лекин руслар камонлардан ўқ ёғдирилишига ва тошбўронларга бардош беролмай ҳар гал қалъадан чекинадилар.

Шундан кейин рус қўшинлари Херсонес шаҳрини қамал қилиб, шаҳарда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда сув запаси тугашини кута бошлайдилар. Ана шунда Анастасий ўзидан дарак беради: рус қўшинлари қароргоҳига камон ўқи учида мактуб йўллайди. Руслар қудуқдан қу-

вурга сув ўтишини тўхтатиб қўядилар, шу тарзда шаҳарни таслим бўлишга мажбур этадилар.

Византия императори Василий II Херсонес шаҳрининг таслим бўлганлигидан хабар топгач, шаҳарга элчиларни ва уларга қўшиб ўз синглиси Аннани ҳам жўнатади.

Князь Владимир христиан динини қабул қилади ва Анна билан никоҳдан ўтади. Ундан кейин амалдорлар ва қўшин ҳам христиан динини қабул қилади. Князнинг ватанига, яъни Русга князь билан бирга юнон муаллимлари, руҳонийлари, рассомлари, ҳунармандлари ҳам жўнаб кетади.

Русларнинг чўқинтирилиши ёзув-чизувнинг ривожланишига олиб келди, Русга хилма-хил адабиётлар кўп-лаб келтирила бошланди. Саводхонлик оддий ҳодиса бўлиб қолди. Хат-савод чиқариш ва билим олиш учун ҳатто мактаблар ташкил этилди.

XVI асрга оид адабий асарлардан бирида: «бундан олдин ҳам Россия подшолигида Москвада ҳам, Буёк Новгородда ҳам, бошқа шаҳарларда ҳам мактаблар кўп эди, жуда кўп одамлар ўқиш-ёзишни, қўшиқ айтишни биларди, подшоликнинг ҳамма ерида шунгача ҳам ашулачилар, бадий сўз усталари ва хатотлар жуда кўп эди» дейилган. Бу ерда сўз мўғуллар истилосидан олдинги Русь тўғрисида бормоқда. Христиан динига ўтилгандан кейин давлатга бирданига жуда кўп миқдорда ўқимишли одамлар керак бўлиб қолган.



Йилномаларда айтилишича, баъзи одамлар рус тилинигина эмас, ҳатто чет тилларни ҳам билганлар. Масалан, Владимир Мономахнинг отаси беш тилни билган, Печёра монахи Никита эса латин, юнон ва қадимги яҳудий тилларида ёзилган китобларни ўқий олган. Демак, XI асрда Русда русча китоблар билан бир қаторда бошқа тилларда ёзилган китоблар ҳам бўлган. Ярославнинг француз қироли билан турмуш қурган қизи Анна жуда ўқимишли бўлган. Князь Всеволоднинг қизи Анна 1086 йили тарки дунё қилиб монастырга кетганидан кейин «ўспирин қизлардан бир нечасини йиғиб, уларга ўқиш, ёзишни, ҳунар, қўшиқ ва бичиш-тикишни ўргатган». Буни монастырь қошида ташкил этилган биринчи қизлар мактаби ҳисоблаш мумкин.

1885 йилда Киевда Десятинная черкови ўрнида археологик қазिशлар ўтказилаётганда айланасига «Потворин пряслень» деб ёзилган ўртаси тешик кичкина ёғоч

гардиш, яъни чўк топилган. Қадим замонларда ип йи-
гирганда урчуқ вазминроқ бўлиб равон айланмоғи учун
урчуқнинг учига шундай гардиш — чўк кийгизилар экан.
Хўш, буниси тушунарли. Лекин ундаги ёзув қаёқдан ке-
либ қолган?

Фараз қилинг, қизлар давраси; улар ашула айтиб,
ип йигириб ўтиришипти. Урчуқлар бир чекада қолиб,
қизлар рақсга тушиб кетишди. Рақсдан кейин ҳар ким
ўз урчуғини топиб олиши керак- ку. Ана шундай вақтда
қизлар ўз урчуғини унинг ёғоч гардишидаги ёзувдан би-
либ оладилар, бундай ёзувлар олдиндан ёзиб қўйилади.

Урчуқ гардишига қандай сўзлар ёзилмаган дейсиз!
«Қаллигим» — буни бирор йигит ўз қаллиғининг урчу-
ғига ёзган бўлса керак. Ёки: «Бунинг ўзининг якка-ягсина
қизини учун Иванко ясаб берди».



Қадимги рус урчуғи учига кийгизиладиган чўк

Урчуқ гардишига хат битган кишилардан ҳунар-
мандлар ҳам қолишмаган. Чўян буюм қўйиладиган қо-
липга «Максим» деб ёзилган, бу унинг шахсий буюми
эканлигини кўрсатиб турипти. Усталар моҳирлик билан
ясалган буюмда ўз номларини қолдиришни яхши кўр-
ганлар.

Гнездоводан топилган хумча эсингиздами? Шундай
зопол идишларга хат битиш Руснинг бошқа шаҳарлари-
да ҳам расм бўлган. Хатлар идиш (лой) қуригандан
кейин ўткир буюм билан ёзилган. Киев шаҳрида топил-
ган бир хумчага «Бу хумча ҳамниша тўла бўлсин» деган
маънодаги сўзлар ёзилган экан.

Рус ёзувлари ҳатто жангда ҳам иштирок этган: қу-
ролсозлар милтиқ қўндоғига, қиличга ўз тамгаларини
босишган. Масалан, Киев еридан топилган XI асрга ман-
суб қиличга «Коваль Людота» деган сўзлар битилган
экан.

Матбуотда эълон қилинганидан кейин тезда унути-

либ кетадиган топилмалар ҳам, шунингдек ўнлаб йиллар мобайнида қизғин мунозараларга сабаб бўладиган топилмалар ҳам бор.

Эрмитажда устига ўйиб хат битилган бир тоштахта сақланмоқда. Унинг тепасига «Тмутаракань тоши»... деб ёзиб қўйилган. 67 ҳарфни ўз ичига олган бу ёзувдан тушунилишича, 1068 йилда Глеб Святославич «Тмутаракандан Қърчевгача» бўлган масофани, яъни Керчь бўғозининг кенглигини муз устидан ўлчаган; унинг кенглиги 14 мишг сажень экан.

1776 йилда Россия Қора денгиз бўйини ва шимолий Азов соҳилларини ўзлаштириб олиши муносабати билан Новороссийск, Азов ва Астрахань генерал-губернатори қилиб машҳур князь Потёмкин тайинланган. XVIII асрнинг 80-йиллари ўртасида малика Екатерина II нинг жанубий шаҳарларга келиши кутилган. Шухратпараст князь ўлкани маликанинг кўзига яхши қилиб кўрсатиш учун тайёргарлик кўра бошлаган. Янги қўшиб олинган шаҳарларни тартибга солдирган. Булар орасида Тамань ҳам бор эди, лекин Тамань малика бориб кўрадиган шаҳарлар қаторига киритилмаган, албатта. Шаҳарда премьер-майор Х. Розенберг қўмондонлик қиладиган ўқчилар батальони ўрнашган эди. Тмутаракань тошининг топилиши ана шу Х. Розенбергга нисбат қилинмоқда.

Тошнинг қандай қилиб топилганлиги номаълум. Ҳар ҳолда, ўша вақтда тош тўғрисида ўзига хос ғамхўрлик кўрсатилган. 864 килограммлик тоштахта казарма остонасигача тортиб келтирилиб, зинапояга ўхшатиб ётқизилган.

1792 йили Таманга биринчи Қора денгиз казакларига бошлиқ бўлиб капитан П. Пустошкин келган. У казармага кирмоқчи бўлиб зинапояга оёқ қўйганида тошдаги ғалати ёзувга кўзи тушган. Ун кундан кейин тоштахтани кемада кўришган; у П. Пустошкиннинг бошлиғи адмирал Н. Мордвиновга жўнатиш учун кемага ортилган экан.

Ниҳоят, тош тўғрисидаги хабар Екатерина II нинг қулоғига етиб боради. Айтиш керакки, Екатерина жуда ақлли иш қилган: тошни дарҳол ўз жойига қайтариш, атрофига тўсиқ қуриш, тошни ўлчаб, натижасини ва ундаги ёзувнинг нусхасини Петербургга юбориш тўғрисида фармон берган. Археологик, этнографик топилмаларнинг кўпчилиги, шунингдек ёзма ёдгорликлар ўша вақтда йиғиб олинган.

Граф А. Мусин-Пушкин тарих ва қадимги асарлар ишқивозларидан бири бўлган. Қадимги рус адабиёти-нинг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланган «Игорь жангнома-си» шу граф туфайли бизгача етиб келган. Тамань шаҳ-рида русча хат битилган тоштахта топилганлиги тўғри-сидаги хабарни маликага А. Мусин-Пушкин етказган. Кейин графга, бу тошни унинг ўзи ўйлаб топган, ёзуви эса сохталаштирган, деган айб қўйганлар.

Тоштахтадаги ёзув асл нусхами ёки XVIII асрда ёзилганми — бунини аниқлаш осон эмас. Тадқиқотчилар-нинг бу тўғридаги фикрлари бир-бирига зид.



Тмутаракань тоши (парча)

Ёзувнинг баъзи жойлари шубҳа тугдирди. Масалан: «Мъриль море по леду...» («Денгизни муз устидан ўл-чади...» деган маънода). Жанубий ўлкаларда қиш илиқ келади, денгиз ҳамма вақт ҳам музлайвермайди, ўртача музлаш муддати — уч-беш кун, кўпи билан бир ой; шундай бўлгандан кейин денгиз қайси муз устидан ўл-чанган бўлади.

«Тмутаракань» номининг қайси тилдан келиб чиққан-лиги ҳам аниқланмаган. Бу турк сўзидан келиб чиққан бўлса керак, деган тахмингина бор, холос. Олимларнинг кўпчилиги, «Қорчев» сўзини Керчь деб тушунмоқда.


Ёзувнинг «Тмутаракандан Қорчевгача бўлган масо-фа фалонча сажень» деб кўрсатилган қисми кўпроқ шуб-ҳа тугдирди: А. Мусин-Пушкин 8054 сажень деб таъкид-лаган, бошқалар эса 14 минг деган рақамни ёзганлар, ҳозир ҳам шундай қабул қилинган. Саженнинг узунли-ги ҳам номаълум эди. Академик Б. Рибакوف саженнинг узунлигини ҳисоблаб чиқарди, у 152 сантиметрга тенг экан. Шу рақамга асосланганда 14 минг сажень ҳақи-қатан ҳам бўғознинг энига мос келади.

Ёзувнинг ташқи кўриниши ҳам шубҳали. Негадир ҳарфлар жуда ҳам ихчам ва бежирим. Баъзи олимлар-

нинг фикрича, баъзи ҳарфларнинг ёзилиши XI аср па-
леографиясига тўғри келмайди.

Шунга қарамай, тошдаги ёзув асл нусха эканлигини
исботловчи далиллар кўпроқ. Шуниси муҳимки, Тмута-
ракань аини шу тош топилган жойда бўлганлигини ар-
хеологик қазинилар тасдиқлади. Фальсификаторларнинг
буни олдиндан кўра олиши мумкин эмасди.

Шундай қилиб, Тамандан топилган тоштахта бизга,
1068 йилда Глебнинг Корчевгача бўлган масофани зўр
бериб ўлчаганлиги тўғрисида маълумот берди. Ун бир
йилдан кейин, 1079 йилда Таманга ҳокимлик қилиш учун
Ратибор келган ва муҳр ишлаб чиқара бошлаган, бу
муҳрлар узоқ вақтгача кўпгина тадқиқотчиларни тааж-
жублантирган. «Ратибордан...» Қримдан, Киевдан ва
Полтава еридан шу сўзлар ёзилган муҳрлар топилган.
Севастополдан ва Константинополдан сотиб олинган.



Шуниси қизиқки, Ратибор ўз муҳрларини катта тер-
риторияга тарқатган-у, аммо ўзи XI аср — XII аср боши-
даги бошқа муҳрларнинг эгалари даражасида ҳокимлик
қилмаган. У бор-йўғи Киевнинг Тмутараканга юборил-
ган элчиси бўлган, холос. Ундай бўлса нега Ратиборнинг
ёзишмалари шунча кўп? Тадқиқотчиларнинг тахминича,
расмий ҳужжатларни тасдиқловчи муҳрлардан фарқли
ўлароқ, Ратиборнинг муҳри расмий бўлмаган ёзишма-
ларга осилган (босилган). Бироқ Ратибор жумбоғи ҳа-
ли тўла ечилган эмас.

София соборидаги граффити

Тахминлар, фаразиялар, ҳатто дадил айтилган, му-
нозаравий бўлсалар-да, баъзан ғайриилмий бўлиб кў-
ринсалар-да, барибир, илмий фикрни илгари сурадилар.

Скептик-оппонентлар тахмин, фаразияларни рад этиш учун фактлар тўплайдилар, шу билан муаммонинг ўрганилишини чуқурлаштирадилар, бизни ҳақиқатга яқинлаштирадилар. Шунинг учун ҳам тахминлар, фаразияларга нисбатан жуда эътиборли бўлиш, уларга зийраклик билан ёндошиш лозим. Яқинда киевлик археологлар қадим замонда яна бир алифбо бўлганлиги тўғрисидаги масала юзасидан мунозара очдилар ва бу алифбога «София алифбоси» деб ном бердилар.

Авалло граффити тўғрисида гаплашиб олайлик. Бир факт бизга маълум; буюк француз ёзувчиси В. Гюго бир кун Париждаги Биби Марьям ибодатхонаси («Собор Парижской богородицы»)ни зиёрат қилатуриб деворга ўйиб ёзилган қадимги сўзга кўзи тушади; «апачки» деб ёзилган бу сўзнинг юнонча маъноси «фатум» (бизнингча «тақдир»). Қисқагина шу сўз ёзувчини ҳаяжонга солади ва «Париждаги Биби Марьям ибодатхонаси» романини ёзиш фикрини туғдиради.

Биноларнинг сувоқлари, ибодатхоналарнинг нақшлари устига ўйиб ёзилган хатлар мамлакатимизда ҳам бор ва бизларга қадимдан маълум. Бундай ёзувлар «граффити» деб аталади. Киев шаҳридаги София собори Киев Русининг ҳашаматли меъморлик обидасидир, бу бинонинг деворларида ҳам шундай ёзувлар беҳисоб кўп. Рус меъморчилигининг жаҳон санъат хазинасига кирган бу дурдонаси ўрганила бошлаганига бир ярим асрдан ҳам кўп бўлди. София собори деворларига кошничкорлик усулида солинган тенгги йўқ, ажойиб нақшлар ва ранг-баранг фрескалар бутун дунёга машҳурдир. Собор биносининг муҳташам архитектураси, қурилиш техникаси, ҳашаматли безаклари, фрескаларининг тематикаси Киев Руси давридаги юксак маданиятдан далolat бериб турибди.

София собори деворларидаги граффити (ўйиб ёзилган хатлар)ни ўрганишга дастлаб асримизнинг 20--30-йилларида урилиб қўрилган. Академик Б. Рибакков урушдан кейин собор деворларидан ажойиб ёзувлар топди. 1947 йилда академик томонидан нашр қилдирилган граффитилар орасида диққатни ўзига энг жалб этадиганлари қадимги Руснинг атоқли тарихий арбоблари — Владимир Мономах, Мартирий, архиепископ Новгородский ва бошқаларнинг номлари тилга олинган ёзувлардир.

Граффитиларни мунтазам равишда ўрганишга анча кейинроқ киришилди. 1954 йилда жомени тиклаш ишлари

авж олдириб юборилди. Устки сувоқлар қириб тозаланган сари улар остидан қадимги сувоқлар... кўринаверди. Деворларнинг катта қисмидаги қадимги сувоқларнинг батамом очилиши ва юксак малакали реставратор—тикловчи усталарнинг меҳнати туфайли С. Висоцкий 1959—1963 йилларда София собори деворларидаги ёзувларни кенг тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлди.

С. Висоцкийнинг София соборидаги XI—XIX асрларга мансуб қадимги рус ёзувларини дори суртиб кўрибдиган қилиши, фиксаж ёрдамида ўчмайдиган қилиб мустаҳкамлаши, изоҳлаши ва нашр эттириши совет тарих фанида катта воқеа бўлди.

Олимларни биринчи навбатда ҳаяжонга солган нарсани нима эди? Бу, собордаги ёзувлар мазмунининг соломалардаги маълумотларга яқинлиги, баъзан эса шу маълумотларга ўхшашлиги эди. Шунинг ўзи маъмур ёзувларнинг муаллифлари ўз ватанларининг тарихи билан жуда қизиққанликларидан, ўзларини ҳаяжонлантирган воқеалар ҳақида ёзиб ёдгорлик қолдиришга интиланликларидан далолат беради.

Ярослав Мудрийнинг вафоти
ҳақидаги ёзув

$\hat{\text{B}} \text{Z} \text{S} \text{Ф} \text{Z}$
 $\text{M} \text{Ц} \text{A} \text{Ф} \text{Z} \text{B} \text{P} \text{A} \text{P} \text{I}$
 $\text{K} \text{X} \text{C} \text{Z} \text{П} [\text{E}] \text{N}$
 $\text{H} \text{Ц} \text{P} \text{A} \text{N} \text{A} \text{Ш}$
 $\text{Г} \text{O} \text{B} \text{Z} \text{B} \text{Z}$
 — — — — —
 $\text{Ө} \text{E} \text{O} \text{Д} \text{O} \text{P} \text{A}$

«В [лето] 6562 месяца февраля 20-го кончина царя нашего...»

С. Висоцкий топган бу ёзувни изоҳлаш иши билан академик Б. Рибакков шуғулланди. Академик девордаги ёзувни ўрганар экан, бир неча хил жуда қизиқ хулосалар чиқарди. 1054 йил кўрсатиб қўйилган ёзувда «подшоҳимиз вафот этди» дейилган. Киевдаги София соборини қурдирган, Киев улуғ князи Ярослав Мудрий айни шу йили, яъни 1054 йил февраль ойида вафот этган.

Турли солномаларда Ярослав вафот этган сана турлича кўрсатилган: ё 19 февраль, ё 20 февраль дейилган. Академик Б. Рибакон бунн Ярославнинг шанбадан якшанбага ўтар кечаси вафот этганлиги билан изоҳлайди. Қадимги Русда куннинг бошланишини аниқлашда икки принципга амал қилинган: черков ҳисоби бўйича куннинг бошланиш пайти қилиб ярим кеча, турмушда эса — тонготар пайт олинган. Ярослав вафот этган вақтнинг турлича кўрсатилганлигига ҳам сабаб шу: бир ҳисобда бу — шанба кунга, бошқа ҳисобда, яъни черков ҳисобида якшанба кунга тўғри келади. Шундай қилиб, девсрдаги ёзув солномаларда берилган маълумотлардаги қадимий чалкашликни бартараф этишга ёрдам берди.

Демак, София собори деворидаги ёзув тарихан тўғри. Бу эса ота-боболаримиз қўли билан ёзилган бошқа ёзув — «автограф»ларнинг ҳам тўғрилигига ишончимизчи мустаҳкамлайди.

Асрлар қаъридан бизгача етиб келган мана бу сирли хабарга эътиборингизни жалб қилмоқчимиз: «Месяц декабря в 4-е створиша мир на Желяни: Святополк, Володимир и Ольг».

Бу ёзувда қайси давр ва қайси князлар тўғрисида сўз борапти? Сирли ва, афтидан, жуда муҳим бу ёзувни тўшуниб олиш, изоҳлаш учун тарихни жуда ҳам яхши билиш — тарихшунос бўлиш керак. С. Висоцкий ёзувни изоҳлашни Святополк исмидан бошлади. Рўйхатда у биринчи ўринда турибди. Уша замонлардаги иерархия тартиб-қоидаларига кўра, Киев буюк князининг номигича биринчи ўринга ёзилган. Святополк Владимирович ўз укалари Борис билан Глебни ўлдирганлиги учун унга Окаянный (Мальун) деб лақаб берилган; ана шундай ёмон от чиқарганлиги учун Русда Святополк номи кенг тарқалмаган. Тадқиқотчи шунинг учун Святополк Владимировични «даъвогарлар» рўйхатидан чиқариб ташлайди. Окаянный 1019 йилда вафот этган, София собори эса 1037 йилда қурилган.

Энди учта Святополк қолди: Мстиславич, Георгиевич ва Изяславич. Святополк Мстиславич 1142 йилдан Новгородда, кейин Владимир-Волинскда князлик қилган ва 1154 йили шу ерда вафот этган. Святополк Георгиевич кўпчилик билмайдиган турувли князь бўлган. Святополк Изяславич Киевнинг буюк князи бўлиб, шу ерда йигирма йил мобайнида (1093—1113) князлик қилган. Шунинг учун С. Висоцкий, граффитидаги рўйхатга биринчи қилиб

фақат шу Святополк ёзилган бўлиши керак, деган хулосага келади.

Ёзувдаги давр шу тарзда аниқланди. «Игорь жаннома»нинг муаллифи уни ўз асарида князлар ўртасида ўзроқ урушлар бошланган ва Русга кўчманчилар — қипчоқлар бостириб кирган давр деб тасвирлаган.

Энди рўйхатдаги бошқа князларнинг номини аниқлаш керак эди. Бу иш осон кўчди. Володимир дегани Переяславль князи Владимир Всеволодович Мономах бўлиб чиқди. Учинчиси — Чернигов князи Олег Святославич экан; у кўп марталаб фитна қўзғатганлиги, князлар орасида жанжал, адоват туғдирганлиги учун «Жаннома» муаллифи унга «Гориславич» лақабини берган. Улар Святополкнинг замондошларидир.

Қадим замонларда Киевнинг жануби-ғарбий томонидаги, шимолга, Вишгород томонга йўл ўтган ерлар Желянь деб аталган. Либедь дарёси бўйидаги бу текислик қўшинларнинг йўл юриши учун жуда қулай бўлган. Солномада Желянь беш марта тилга олинган. Қипчоқлар Святополкнинг қўшинини айна Желянда қириб ташлаганлар.

Даврин ва князларнинг номларини тадқиқотчи ана шу тарзда аниқлади. Энди С. Висоцкий бу муҳим воқеа содир бўлган вақтни аниқлашни ният қилди.

Ахир, тинч ҳаёт Желянь аҳолиси учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлгандир. Князлар иттифоқ тузиб, шу иттифоқни бузмаслик тўғрисида София соборида, эҳтимол, қасамёд қилишгандир. Бунинг гувоҳи бўлган шахс шу воқеа тўғрисида эсдалик қолдириш учун мазкур ёзувни ёзгандирки, у эндиликда узоқ ўтмишдаги муҳим дипломатик ҳужжат сифатида жарангламоқда.

Лекин бу воқеа қачон содир бўлган? Солномада Желянда сулҳ тузилганлиги тўғрисида маълумот йўқку. Айтмоқчи, санаси 1098 йил деб кўрсатилган шунга ўхшашроқ бир ёзув бор: «В лето 6606. Приде Володымеръ, и Давыдъ, и Олегъ на Святополка, и сташа у Городца, и створиша миръ...»

Бу сатрлардан ҳам сулҳ тузилганлиги тушунилиб гурибди. Бироқ қирғин уруш бўлган Желянда сулҳ олдин тузилганмикин ёки кейин? Тадқиқот ишлари давом эттирилди. «Жаннома» муаллифи жуда аниқ тасвирлаган давр ҳақида яна мулоҳазалар бошланди.

Олим воқеалар хронологиясини тадқиқ қилишга киришди.

1094—1096 йиллар. Русга кўчманчи қабилалар ҳужум қилган. Владимир Всеволодович Мономах билан Олег Святославич ўртасида муносабатлар кескинлашган. Олег князлик қилиб турган Чернигов ери Всеволод давридаёқ Владимир Мономахга берилган.

1094 йил. Олег қипчоқларни ёрдамга чақирган, Владимирни улар ёрдамида Черниговдан унинг ўз князлигига — Переяславлга ҳайдаган.

1095 йил. Святополк билан Владимир қипчоқлар устига бостириб борган. Улар томонидан таклиф қилинган Олег ўз иттифоқчиларига — қипчоқларга қарши юришда иштирок этишдан бош тортган. Солнома муаллифи улар орасида адоват бўлганлигини ёзган. Святополк билан Владимир 1095 йил 19 июлда қипчоқларни янариб ташланганлар ва хоинлиги учун Олегни жазолаш ниятида Черниговга қўшин сурганлар. Бундан хабар топган Олег Стародубга қочиб кетган. Шаҳарни 33 кун қамал қилгандан кейин князлар сулҳ тузганлар. Бунда сулҳ тузиш ва «Русь ери тўғрисида»ги умумий битимга имзо чекиш учун Олег билан унинг акаси Давид Святославичнинг Киевга келиши асосий шарт қилиб қўйилган.

1096 йил. Олег Муром-Рязань ерларида Мономахнинг ўғиллари билан жанг қилган.

1097 йил. Любечда рус князларининг съезди бўлган, съездда қипчоқларга қарши биргаликда курашиш ва ермулкларни Ярослав Мудрий авлодлари орасида тақсимлаш масаласи муҳокама қилинган. Любеч съезди арафасида Святополк, Владимир билан Олег ўртасида келишув битими тузилганлиги тўғрисида солномада ҳеч нарса дейилмаган, шу билан бирга, солнома муаллифи Олегнинг съездда Русь ерларининг бир қисмига даъвогар сифатида қатнашганлигини эслатиб ўтган. Агар Святослав ва Владимир билан Олег ўртасида олдиндан келишув битими тузилган бўлса, Олег съездда қатнаша олмаган бўлур эди, албатта. Демак, 1096 йилда Киев яқинида, Желянда сулҳ тузилган бўлади-да?

1096—1098 йиллардаги солнома тексти кейинчалик қўшимчалар киритилиб бузилганлиги учун С. Висоцкий 1097 йил 4 декабрь санасига тўхталган (у ўз фикрини исботлаш учун бунни далил қилиб келтиради). Бироқ академик Б. Рибоковга С. Висоцкий кўрсатган сана маъқул гушмади, чунки, биринчидан, сулҳ тўрт князь ўртасида гузилиши керак эди, Олегнинг акаси Давид Святосла-





София ибодатхонасидаги
ўйиб ёзилган хат (Киев)

вич ҳам шу ҳисобга киради; иккинчидан, сулҳ Городец-да олти ой кейинроқ — 1098 йилнинг ёзида тузилган.

Олим бундан кейинги воқеалар хронологиясини ҳам аниқлаб, 1104 йил санасига тўхтайди.

Бу вақтга келиб Давид вафот этган, Олег эса князларнинг 1103 йили Долобда ўтказган съездида қатнашишни истамаган, 1104/05 йилларда қишда Святослав ва Владимир билан бирга Минскка юриш қилган.

С. Висоцкий мазкур ёзув муаллифини Русь ерининг ватанпарвари, князларни бирлашишга даъват этувчи «Игорь жангномаси» муаллифининг маслакдоши деб жуда тўғри атаган.

С. Висоцкий граффитиларни тадқиқ қилар экан, ўнлаб жуда қизиқ ёзувларни ўқиб тушунди, яъни изоҳлади. У Киевдаги София соборининг XI—XIV асрларга мансуб ёзувларини қуйидаги асосий группаларга бўлди: Қадимги Руснинг ҳарбий-сиёсий тарихи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ёзувлар; солномадаги маълумотларга яқин бўлган эслатувчи ёзувлар («месяца августа в 22 преставися раб божий Лука епископ бла-

женный Белгородский» — солномада унинг вафот этганлиги тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган); автографдан иборат ёзувлар («Михаль убогий, а грехом богатый писал, господи, помози ему», «Писал Ставр Городятинич», янада соддароғи: «Иван писал»), фрескаларга тегишли ёзувлар (масалан, Онуфрия тасвирига, полдан 1,8 метр баландликда қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилган: «Святой Онуфрий, моли бога милостивого за рабу свою Елену и... помощи... рабу своему Фсыпорови, аминь»); рамзли тасвирлар ва маиший турмушга оид сурат, нақшлар.

Яна бир кашфиёт тўғрисида айтиб ўтмоқчимиз. Бу — бизнинг замонамизда қилинган кашфиётдир.

Киевдаги София соборининг ён томондаги қўшимча, Михайлов алтаридан бутун бир алифбе топилди. София соборидаги бошқа ёзув (граффити) лар сингари, бу алифбе ҳам қадимги сувоқ устидан ўйиб ёзилган. Ҳарфларнинг бўйи 3 сантиметр келади. Соборда алифбе XI асрнинг биринчи ярмида, яъни ибодатхона қурилганидан кейин кўп ўтмай пайдо бўлган. Бироқ тадқиқотчининг тахминича, алифбенинг ўзи анча эртaroқ даврларга мансуб.

Алифбе йигирма етти ҳарфдан ташкил топган бўлиб, уларнинг 23 таси юнонча ва 4 таси славянча (б, ж, ш, щ) ҳарфлардир. Олим София соборидаги алифбени юнон алифбеси билан кириллица ўртасидаги оралиқ алифбе деб ҳисобламоқда, чунки кириллицанинг Моравия вариантыда 38 белги (ҳарф), иккинчи — болгар вариантыда эса 43 белги (ҳарф) бўлган.

Ҳозиргача кўзга чалинмаган алифбе соборда қандай пайдо бўлган? Уни шу қадар синчиклаб, пухта қилиб ким ёзган? Нима учун? Нега? Алифбени оммалаштирувчи шахс асрлар бўйи қад кўтариб туриш учун қурилган янги соборга уни ёзиб қолдиришга нега ошиққан? Алифбеда нега «кси» ва «омега» каби белгилар бор-у, «ъ» ва «ь», ҳар иккала «юса» (икки хил «ю» ҳарфи), «червь» («ч» ҳарфи) ва «цк» («ц» ҳарфи) тушириб қолдирилган? Олимлар бу масала юзасидан қизиқ тахминни айтдилар: София китобхони кўчириб ёзган алифбе шаклланган (пайдо бўлган) ва ишлатилган замонларда мазкур белги (ҳарф) лар умуман бўлмаган экан. Улар кейинроқ келиб чиққан.

Шаклланган ва ишлатилган. Демак... Ҳа, С. Висоцкийнинг тасодифан айтган дадил фарази илм аҳллари ҳаяжонга солиб қўйди: топилган алифбе кириллицадан

илгари пайдо бўлган ва славянлар ёзувининг дастлабки яратилиш босқичини акс эттиради. Олим, 862 йилгача Русда бир тартибга солинган расмий (ишга доир) ҳужжатларгина мавжуд бўлган эмас, бу даврда ҳатто адабиёт ҳам шаклланган. С. Висоцкий топган алифбедан ўша вақтларда фойдаланганлар.

Тилшунослар С. Висоцкийнинг фаразига жиддий эътироз билдирмоқдалар.

Балки алифбе чала ёзилгандир? Академик Б. Рибакوف ўзининг бу тахминини бирор нарсага асосланиб айтган бўлса керак.

Хуллас, «Кириллицадан олдинги» бошқа ёзма ёдгорликлар топилгунча тортишувлар, Русда христиан дини қабул қилинганга қадар қандай алифбе ишлатилганлиги тўғрисидаги баҳслар давом этаверади.

Қайин пўстлоғи ва новгородликлар

1951 йил 26 июнда эрталаб Новгород экспедициясининг ходими Н. Акулова XIV асрга мансуб йўлни тупроқ қатламидан тозалаётганида йўлга тўшалган ғўлачалар орасидан тўсатдан лой ёпишган қайин пўстлоғи ўрамини топиб олади; ўрамнинг чанги артилгач, унда ҳарфлар кўзга ташланади. Қайин пўстлоғи ўрамининг жуда муҳим топилма эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган Н. Акулова уни участка бошлиғига беради-да ўзининг иш жойига кетади. Лекин экспедиция бошлиғи А. Арциховскийга кўзи тушиши билан ишини эсидан чиқариб қўяди. Арциховский қайин пўстлоғини ушлаганича қотиб қолган.

— Мен бу топилмани йигирма йил кутдим!— дебди у ўшанда.

А. Арциховский 1938 йилдаёқ экспедиция ходимларидан ҳар бир топилган қайин пўстлоғи ўрамини ёйиб кўришни, ҳарфлар бор-йўқлигини синчиклаб текширишни илтимос қилган эди. Унинг орзуси 1951 йилдагина рўёбга чиқди. Уша вақтда ўнта қайин пўстлоғи топилди. Ҳозир уларнинг сони қарийб 530 га етди.

Топилма нега шунчалик шов-шувга сабаб бўлди?

1951 йилгача олимлар ўртасида, Қадимги Русда фақат князлар, боярлар, черков аҳлларигина ёзув-чизувни билган, оддий ҳунармандлар ва умуман фуқаронинг кўпчилиги саводсиз бўлган, деган фикр юрарди. Новгород-

ликларнинг қайин пўстлоғига битилган номаси оддий халқ, фуқаро ҳам саводхон бўлганлигини исботлаб берди.

Ҳамма номаларда ҳарфлар аллақандай ўткир буюмлар билан тимдалаб ёзилган. Бу мақсадда учи ўткирланган турли суяк, металл ва ёғоч стерженлардан фойдаланилганлиги аниқ. Стержень — «қалам»нинг иккинчи учини тешиб ўша жойидан камарга осиб юришган. Юзлаб йиллар мобайнида тупроққа кўмилиб ётиб, нам, ҳаво ва қуёш нури таъсиридан қайин пўстлоғи жуда мўрт бўлиб қолган ва қўлга олиш билан титилиб, майдаланиб кетарди. Уқшдан олдин пўстлоқнинг ҳамма парчаларчи тиклаш керак эди.



Қайин пўстлоғидаги номани ўқиш, бу, иероглифларни изоҳлаш эмас. Қадимги тил бўлса ҳам, рус тилида. Парча-парча бўлиб кетган номани ўқиш янада қийинроқдир. Атиги бир неча жумласи қолган, кўпчилик сўзларнинг бир неча ҳарфи етишмайдиган номани ўқиб кўринг-чи. Шунга қарамай, номанинг кўпгина парчаларини ўқиб тушунишга муваффақ бўлинди. Бу ишни Л. Черепнин моҳирлик билан амалга оширди. Ҳатто ўқиб бўлмайдигандек кўринган жойларни ҳам ўқиб тушунди. Л. Черепнин қайин пўстлоқларидаги номалар билан пергаментдаги номаларнинг мазмуни бир-бирига яқин деб фараз қилиб, XI—XV асрларга мансуб ёзма ҳужжатларнинг барчасини кўздан кечира бошлади. Синчилаб текшириш натижасида, олим, мазкур текстдан бу-

тун ҳолда топилган бошқа номалар текстига тўғри келадиган сўзларни топди, шу тарзда қадимги Буюк Новгород аҳолисининг қайин пўстлоғи парчаларидаги хатларнинг кўп қисмини тиклади.

Бу номаларнинг деярли ҳаммасини оддий халқ, ғуқаро ёзган экан. Демак, ўша даврларда Русда ёзувчи-зув бўлган, бинобарин, ҳамма саводли бўлган. Баъзи бировлар бунга эътироз билдириб, Новгород аҳолисининг саводхонлиги бу ҳали бутун Русь аҳолиси ёппасига саводхон бўлган деган гап эмас, дейиши мумкин. Бироқ археологларнинг бахтига Новгороддагина эмас, балки яна тўрт шаҳарда (Псков, Смоленск, Витебск ва Стара Руссада) ҳам хат битилган қайин пўстлоғи ўрамлари топилди.

«Поклон от Михаили к осподину своему Тимофию. Земля готова, надобе семяна. Пришли, осподине, целовек спроста, а мы не смием имать ржи без твоего слова» («Тўрамиз Тимофейга Михаилдан салом. Ер тайёр, уруғлик дон керак. Тўрамизнинг фармойишини олмай туриб экишга журъат этолмаймиз. Одамингизни юборингиз, тўрам» деган мазмунда).

Қадимги новгородликларнинг жонли тили асрлар исканжасидан қутулиб чиқиб «тилга кирди». Нима тўғрида?

Масалан, Новгород еридан топилган номаларнинг энг дастлабкиси XIV асрга мансуб. Нома ўн уч сатрдан иборат бўлиб, ҳар бир сатрнинг узунлиги 38 сантиметр келади. Номанинг деярли барча сатрлари бузилган, ишдан чиққан. Лекин А. Арциховский ҳужжатнинг мазмунини фаҳмлади: ҳужжатда аллақандай Фома фойдасига мажбуриятлар олган қишлоқларнинг номи кўрсатилган.

«Есть град между нобом и землею, а к ному еде посол без пути, сам ним, везе грамоту непсану». Бу — жумбоқ-нома. Буни мана бундай таржима қилиш мумкин: «Осмон билан ер оралигида шаҳар бор. Бу шаҳарга ўзи йўқ йўлдан элчи жўнаб кетди, соқов бу элчи ёзилмаган нома олиб кетяпти».

Жумбоқ Библияга асосланган бўлиб, қуйидагича изоҳланади: осмон билан ер оралигидаги шаҳар — Нух пайғамбарнинг тўфон вақтида одам ва ҳайвонларни қутқарган кемаси эмиш. Соқов элчи — каптар, Нух пайғамбарнинг яқин ўртада қурғоқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун учирган каптари эмиш. Ёзилмаган нома эса

каптарнинг қурғоқликка яқин қолганлигининг далили сифатида Нух пайғамбарга олиб келган зайтун новдаси эмиш.

Қайин пўстлоғига битилган номаларнинг муаллифлари орасида оддий кишилар, ҳунармандлар ва деҳқонлар ҳам бўлган. Баъзи номаларни бир гуруҳ деҳқонлар ёзган. Уларда фуқаро халқ феодалларнинг жабр-зулмига қарши ўз норозилигини билдирган.

Шундай номалардан бирини А. Арциховский мана бундай таржима қилган: «Поклон к Юрию и к Максиму от всех сирот. Что ты дал нам за ключника, он за нас не стоит, нас продает, и мы им ограблены. Мы из-за него неподвижны, не разрешает выездов. Из-за него мы погибаем. Если он будет сидеть, нам силы нет сидеть. Дай нам смиренного человека. А на том тебе челом».

Бу номадан тушунилишича, Новгородли деҳқонлар — «етимлар» хўжалик-рўзгор эҳтиёжларини қондириш зарурати билан ҳам қишлоқдан чиқишга йўл қўймаётган тиришқоқ уй бошқарувчисидан шикоят қилишган. Шикоят у ёқда турсин, ҳатто кетиб қоламиз деб пўписа қилишган.

Болалар қўли билан расм солинган номалар серияси диққатга сазовордир. Олимлар уларнинг муаллифини аниқлашди. Бу Онфим исмли бола экан. Бир номада у ўзининг «қаҳрамонлаштирилган расм»ини — душманни тор-мор қилаётган чавандозни тасвирлаган. Боланинг орзуси тушунарли: у Александр Невский буюк ғалаба қозонган даврда туғилган. Онфим ўз ўртоқларини: қўл ушлашиб турган еттита болани тасвирлаган нома ҳам диққатни ўзига жалб этади.

Новгороднинг узоқ шимолий чегараларидаги даҳшатли жанглар, ўз давлатининг шон-шарафи ва мустақиллиги учун олиб борилган кураш акс этирилган номалар ҳам бор.

«От Григория ко Дмитру. М[ы в Но] рове, а ты ходи, не бойся. Мир взяле на [с] тарой меже Юрия князя, [ныне] ця послале кареле на Қаяно море а (не п)омешай не испакости каянецамо ни соби. Присловия возми, а [к]и поимало дани лонескии. А уцюеши, а не пойду к Но... и, ты тогодь иди [без меня]. А дома здорово, а на меня вестей перечиня... о. Аже возможеше, пособляй мне цимо».

Олимларнинг бу номани изоҳлаши жуда машаққатли иш бўлди. Номанинг биринчи жумласини ўқиб тушунди



учун бир неча ой мобайнида тадқиқот ишлари олиб боришга: тарихий адабиётларни, солномаларни ўрганишга тўғри келди; бу жумла «М[ы зд]орове» деб эмас, балки «М[ы в Н]орове» деб ўқилди. (Нарве дарёси бўйидаги, шведлар билан чегарадош Новгород бўлиси Норова ёки Нарова деб аталган.)

Бир вақтларда Новгород ери чегарасининг бир жойига муҳим марза ўрнатган Юрийнинг ўзи ким? Бу масалада олимларга 1323 йилда тузилган Ореховецк шартномасининг қуйидаги сатрлари ёрдам берди: «Это я князь великий Юрий с посадником Варфоломеем и с тысяцким Авраамом, со всем Новгородом заключили мир с братом своим с князем шведским Магнусом сыном Эрика». Демак, қайин пўстлоғида эслатиб ўтилган Юрий — Александр Невскийнинг невараси, Иван Калитанинг акаси, Москва князи Юрий Даниловичдир, у Новгород князи бўлган. Юрий Данилович шведлар билан муваффақиятли жанг қилган, улар билан Ореховецк шартномасини тузган ва Новгород учун жуда мақбул чегаралар ўрнатган.

Тадқиқотчилар новгородликларнинг шведлар ва норвегияликлар билан тузган шартномаларидан иборат қадимги ҳужжатларни ўрганиш натижасида «князь Юрий марзаси»нинг энг охири пунктини аниқлашди: бу «Каяня» денгизининг шимоли-шарқий соҳилларида — Ботника кўрфазида экан. «Марза»нинг жануби-ғарбий томонида — Швеция территорияси, шимоли-шарқий томонида — Новгород ери.

Ореховецк шартномаси тузилиб уч йил ўтгач, Магнус — Швеция қироли ва Норвегия ҳукмдори — Новгород билан «Юрий марзаси» тўғрилигини тасдиқловчи яна бир келишув битими тузган. Лекин 1337/38 йил қишида кареллар немисларни (солнома муаллифи шведларни шундай атаган) алдаб, новгородликлардан жуда кўп кишини, шунингдек ладогалик кўпасларни ва Карелск шаҳарчасида истиқомат қилувчи христианларни ваҳшийларча қириб ташлаган. Шундан кейин новгородликлар куч тўплаб ёзда уларга қаттиқ зарба беришган. «Новгородлик азаматлар» Немецк шаҳарчаси атрофидаги ерларни харобага айлантирганлар, экинга ўт қўйганлар, молларни қириб ташлаганлар.

Кўп ўтмай Виборгдан Новгородга шаҳар ҳокими Петринанинг элчилари келиб «битим бузилиши» (яъни мо-жаро) қирол Магнуснинг ижозатисиз содир бўлган бош-

бошдоқлик эканлигини айтган. Бундай изоҳ новгородликларни қаноатлантирган ва улар яна келишув битими тузиш учун Выборгга Кузьма Твердиславич билан Александр Борисовични элчи қилиб юборганлар.

Қайин пўстлоғига битилган номада Новгороднинг дипломатик ҳаётига хос воқеаларнинг нозик тафсилоти берилган; олимлар узоқ вақтлар мобайнида тадқиқотлар олиб бориб, бу маълумотларнинг 1339 йилга мансублигини аниқ билиб олдилар. Новгород элчилари қирол Магнус билан келишув битими тузгандан кейин Григорий нома ёзиб, сулҳ тузилганлиги тўғрисида Дмитрини биринчи бўлиб хабардор қилган. Григорий элчиларга тегишли шахс: солномачи тилга олган «дўстлар» жумласидан эканлиги аниқ. Дмитричи? Номадаги «Присловия возми, а [к] и поимало дани лонеский» деган сатрлардан («хотира дафтарини ол, ўтган йилги хирожларни қандай тўпладинг» деган мазмунда) Дмитрининг ким бўлганлиги тушунилиб турибди.

Шундай қилиб, Григорий билан Дмитр хирож тўловчилар экан. Григорий бунинг устига элчи ҳам бўлган. У хирож йиғиш учун Дмитр билан бирга бориши керак экан, аммо элчиларнинг иши чўзилиб кетган, шу туфайли Григорий номага мана бу сўзларни қўшиб қўйган: «А уцюеши, а не пойду к Но [...] и, ты тогодь иди [без меня], («Менинг Но[...]га бормаслигим аниқ бўлса, ўзинг [менсиз] боравер» деган мазмунда). Охирги жумладан олдинги мана бу ибора ҳам элчихона Новгород билан яхши алоқада бўлганлигидан далолат беради: «А дома здорово, а на меня вестей перечиня...» («Уйимдагилар соғсаломат, бу тўғрида менга хабар қилишди» деган мазмунда).

Айтмоқчи, Новгороддан топилган дастлабки нома ҳаммасидан узун экан.

Қадимги муаллифларнинг маълумотларидан аёнки, Швеция, Шарқий Балтика бўйида ёзув материали сифатида қайин пўстлоғини ишлатишган; бироқ шу пайтгача бу ерлардан ёзма ёдгорликлар топилмаган эди. Ниҳоят, «Готский двор» деб аталган швед савдо факторияси ўрнида археологик қазинишлар ўтказилган вақтда қайин пўстлоғига битилган, ҳарфлари готика ёзувига жуда ўхшайдиган нома топилди. Номани изоҳлаш иши билан Москва давлат университетининг ходими Д. Дрбоглав шуғулланди. Тадқиқотчининг аниқлашича, нома XIV—XV асрларга мансуб готика курсиви билан ёзил-

ган. Номадаги ёзувлар уч хил; ҳозирча шуларнинг фақат биттаси, энг узунни ўқилди: аллақандай тақводор, художўй «меҳмон» Забурдаги 94-оятнинг бош қисмини ёзган.

Бу топилма Фарбада ҳам қайин пўстлоғига ёзилган номалар бўлганлигидан аниқ далолат беролмайди, албатта. Нома муаллифи зийрак новгородликларнинг ёзув усулини шундайгина қабул қилган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, бу кашфиёт Фарбий Европа археологлари-нинг қидирув ишларини давом эттириши учун туртки бўлди.

«Сенсация», «Нодир топилма», «Замонамизнинг йирик илмий ютуқлари» — атоқли совет олими А. Арциховский билан унинг ҳамкасблари Новгороддан топган қадимги номаларни чет эл олимлари ана шундай таърифладилар. Рим, Париж, Лондон ва бошқа шаҳарларда ўтказилган халқаро конгресслар ва кенгашларда совет тадқиқотчиларининг доклади тингланди.

Таажжубланадиган жойи йўқ. СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси В. Янин қайд қилиб ўтганидек, қайин пўстлоғига битилган номалар узоқ ўтмишнинг энг қоронғи бурчакларигача кириб бориш имкониятини туғдирдики, илгарилари бунинг иложи йўқ деб ҳисобланилар эди.

Ярослав кутубхонаси

Новгород, Киев шаҳарларида, сирли Тмутараканда ва бошқа жойларда истиқомат қилувчилар узоқ ўтмишда қадимги рус тилида сўзлашганлар ва ёзганлар. Қўлда ёзилган қарийб 250 китоб бизгача сақланиб қолган. Мўғуллар истилосидан олдинги даврда Русда ёзув-чизув ва китоб ёзиш иши жадал суръатлар билан ривожланганлигини ҳисобга олсак, бу унчалик катта сон эмас.

Совет тарихшуноси Б. Сапуновнинг ҳисоблашича, XI—XIII асрларда Русда юз минглаб китоб бўлган, шулардан камида 85 мингги диний китоблардир.

Русга мўғулларнинг қора булутдек бостириб келганлигини, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйилганлигини, моҳир усталарнинг ҳайдаб кетилганлигини эсланг-чи. Шуниси ҳам борки, китоблар мўғуллар истилоси вақтидагина ёндирилган эмас. Монастирларга, черковларга ўт қўйилган вақтларда ҳам китоблар кўплаб ёнган; кутуб-

хоналар асосан монастырлар қошида бўлган, бинобарин, китобларнинг асосий қисми шу ерда сақланган. Новгородда XI аср ўрталаридан XIX асргача 816 черков ёнган. XIII—XV асрларда 160 марта уруш бўлган. XVI асрда (1571 йилда) Москвага Қрим хони Давлатгарай, XVII асрда эса поляк феодаллари бостириб кирганлар. 1812 йилдаги ёнғинни айтмайсизми! Хуллас, китоблар ёндирилиб кули кўкка совурилган фожиали воқеаларнинг сон-саногі йўқ.

Никон ислоҳоти эсингиздами? Баттол патриархнинг буйруғига биноан диний китоблар қадимги Византия намуналарига мослаштирилган. Номақбул асарлар йўқ қилинган. Турли омилларнинг узоқ йиллар давомида кўрсатган таъсирига бардош беролмай минглаб китоблар ишдан чиққан, мутлақо яроқсиз ҳолга келган.

Бизгача етиб келган асарларнинг сони жуда оз. «Почтение Владимира Мономаха», «Изборник Святослава», митрополит Илларионнинг «Слово о законе и благодати») номли асари, «Слово о полку Игореве («Игорь жангномаси») ва қадимги рус адабиётининг бошқа ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Машҳур хроника «Повесть временных лет» («Муваққат йиллар қиссаси») булар орасида алоҳида ўринда туради, чунки бу асарни қомусий асарга тенглаштириш мумкин. Мазкур асарда географик ва этнографик маълумотлар бор, бизгача етиб келмаган қиссалар, ривоятлар, афсоналар ва қўшиқлардан парчалар келтирилган.

Бу ажойиб солноманинг муаллифи — Печёра монастырининг монахи Нестор — амалда шарқий славянларнинг тўнғич тарихчиси бўлиб қолди. У ўз даврининг ўқимишли, билимдон кишиси бўлган. Кўп тилларни билган, адабиётни, тарихий материалларни, ўзидан олдин ўтган солномачиларнинг асарларини синчиклаб ўрганган. Шу манбаларнинг ҳаммасини моҳирлик билан қайта ишлаган.

Солнома муаллифи Ватаннинг шон-шарафи ва улугворлиги, Европа мамлакатлари ҳаётида унинг аҳамияти тўғрисидаги, рус князларининг доно сиёсати ва давлатнинг бирлиги тўғрисидаги ҳикояси билан ўзининг Рус Ерининг ҳақиқий ватанпарвари эканлигини кўрсатган.

Ҳозир ҳатто «нестерошунослик» деб ном олган, буюк солномасининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганувчи фан тармоғи пайдо бўлди.

Кутубхона ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди. Киев

Русида ҳам кутубхонасиз иш битмаган. Кутубхоналар, одатда, монастырлар қошида ташкил этилиб, билим олишни давом эттиришга ва билимни чуқурлаштиришга ёрдам берган. Қитобларга монахлардан бири қараб турган.

Академик Б. Греков шундай кутубхоналардан бири тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Кутубхоначи монахнинг буйруғига биноан муридлар, бошқа монахлар, белгиланган соатда китоб мутолаа қилиш учун кутубхонага келишлари лозим бўлган. Муридларнинг бир қисми китоблардан нусха кўчириш билан шуғулланган. Феодосий ҳаётлигида Печёра монастырида Иларион исмли, «китоб ёзишга уста» монах бўлган. У ёзган китобларни Никон муқовалаган. Кечқурунлари Никон ишлаб ўтирган столнинг бир чеккасига Феодосийнинг ўзи ҳам жойлашиб олиб ип йигирган: китоб муқовалаш учун ип керак бўлган-да. Баъзи муридларнинг шахсий кутубхонаси бўлган. Феодосийнинг шогирди Григорийнинг биронта ҳам китоби бўлмаган, лекин у ҳам қизиқиб китоб сотиб ола бошлаган, аммо унинг китобларини ўғирлаб кетишар экан. Китоб ўғриларининг нафсини ўлдириш учун у китобларнинг бир қисмини «шаҳар ҳокими»га ҳадя қилган, қолган қисмини сотган ва тушган пулни гадоёларга улашган. Бироқ китобга бўлган иштиёқ унга тинчлик бермаган. У яна китоб тўплай бошлаган.

Никита исмли монах монастырда Тавротни ёдлаб олган. Дамиан кечалари ухламасдан китоб ўқир экан. Феодосий «китоб мутолаа» қилишни рағбатлантирган. Монастырда китоб кўпайтирилаверган ва жуда яхши сақланган. Бу монастырдан чиқадиган адабий асарлар учун китоблар албатта керак бўлган».

«Муваққат йиллар қиссаси»да печенеглар билан бўлган жанг ҳикоя қилинган. Жанг бўлиб ўтган жойга 1037 йилда донолик маъбудаси авлиё София шарафига София ибодатхонаси қурилган. Ибодатхонанинг тўрида Ярослав Мудрийнинг мрамартош даҳмаси ҳали ҳам бор. Рус солномаларида Скандинавия халқ дostonларида, Европа хроникаларида Ярослав Мудрий атоқли давлат арбоби сифатида тилга олинган. Унинг билимдон шахс бўлганлиги ҳам бизга маълум.

Лаврентьев солномасида бундай ҳикоя қилинган:

«Ярослав Кнеп шаҳри атрофига қалъа қурдирди. қалъанинг Олтин дарвозаси бор; аввало Авлиё София ибодатхонасини, кейин Олтин дарвозада Авлиё Биби

Марьям Жомхонасини, сўнгра Авлиё Георгий ва Авлиё Ирина монастирини қурдирди. У ҳаётлигида христиан дини кенг тарқалди, монахлар кўпайди, монастирлар пайдо бўла бошлади. Ярослав черков низомларини яхши кўрарди, руҳонийларга, хусусан, муридларга меҳр қўйган эди, кечаси ва кундузи китоб мутолаа қиларди. У жуда кўп мирзаларни йиғди, юнон тилидаги китобларни славян тилига таржима қилишни буюрди, улар жуда кўп китоблардан нусха кўчирдилар; у жуда кўп китоб тўплади, улардаги Диний таълимотларни ўқиган ҳар бир тақводор ҳузур қилади. Масалан, бировлар ерни ҳайдади, иккинчи бировлар уруғ экади, бошқалар тайёр ҳосилни ўриб-йиғиб олади, тайёр ноз-неъматни маза қилиб ейди; у ҳам шундай. Унинг отаси Владимир ерни ҳайдади ва тупроқни юмшатди, яъни христиан дини билан бирга онг-билим тарқатди, динга ишонувчиларнинг дилига китобдаги сўзларни жо қилди, биз эса ҳосилни ўрамиз, яъни китоблардан таълим... оламиз. Айтиб ўтганимиздек, Ярослав китоб ишқивози эди, у жуда кўп китоб ёзишни буюрди, ёзилган китобларни ўзи қурдирган Авлиё Софня черковига жойлаштирди...»

Демак, кутубхона ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот бор. Лекин фан учун маълумотнинг ўзигина кифоя қилмайди.

Кутубхонага қачон асос солинган, китоблар қаерда сақланган ва улар қаерда кўчириб ёзилган? Кутубхона қандай китоблардан ташкил топган, ва, умуман, Руснинг маданий тараққиётида у қандай роль ўйнаган? Булар ҳали етарлича аниқ эмас.

Замонавий кутубхоналар қандай ташкил этилишини эсланг-чи. Кутубхона учун китоблар йиллар давомида тўпланади... Киев Русида бир китобни кўчириб ёзишга бир неча йил кетган, шунинг учун бу ерда кутубхона ташкил этиш жуда қийин бўлган.

София ибодатхонасининг қурилиши 1037 йилда ниҳоясига етказилган. Демак, 1037 йилда ибодатхона қуриб битказилиши билан кутубхонага фақат асос солинган дейиш мумкин. Бироқ китоблар йўқолиб кетган. 1124 йилда деярли бутун Киевни ялаб ўтган даҳшатли ёнғин алангаси, эҳтимол, Ярослав Мудрийнинг кутубхонасига ҳам тил чўзгандир.

Бошқа тахмин ҳам бор. 1240 йил 6 декабрда мўғул-татарлар ҳужумини ҳеч нарса тўхтата олмаган. Киев забт этилган. Шаҳарнинг омон қолган энг сўнги ҳимоя-



чилари аҳволни тузатиш учун куч-ғайратларини аямаганлар. Қариялар, хотин-қизлар ва болалар ёнғиндан ва душмандан қочиб черковга бекинганлар. Босқинчилар муқаддас, табаррук жой...га оёқ босишга журъат эта олмас керак, деб ҳамма ишонган. Археолог М. Каргернинг Десятинная черкови ўрнида ўтказган археологик қазиншлари мўғул-татарларнинг черковга бостириб кириш манзарасини тасаввур этиш имкониятини тугдирди.

Баъзи бировлар хилватгоҳда бекиниб турмоқчи бўлишган. Бироқ ҳамма нарса емириб ташланиб, ер билан яксон қилинган. Археолог В. Хвойконинг анча илгарироқ ўтказган қазиншлари вақтида Десятинная черковидан шарқ томонда жуда катта биродарлар мозори топилди. Бу ерга черков ҳимоячилари ҳам, нажот излаб черковга бекинган кишилар ҳам дафи этилган. Мўғул-татарлар шамшири эркакларни ҳам, аёлларни ҳам, кексаларни ва болаларни ҳам аямаган. Унинг ёнғинасидан яна бир биродарлар қабри топилди. Қадимги Киев ерида бундай қабрлар қанчадан-қанча бўлган! Истилочилар София ибодатхонасидагиларни қириб ташлаганлар, ибодатхонани талаганлар, китобларни эса ташлаб юборганлар.

Бу кутубхонада қандай китоблар сақланган экан?

Кўпгина тадқиқотчиларнинг ҳисобича, Ярослав даврида китоблар асосан юнон тилидан рус тилига таржима қилинган. Ёки илгари таржима қилинган китоблардан нусха кўчирилган. Рус черков тарихчиси Е. Голубинскийнинг фикрича, Ярослав китобларни биринчи навбатда Болгариядан сотиб олишга ҳаракат қилган, чунки у ерда славян тилига таржима қилиб қўйилган китоблар бўлган. Тадқиқотчи, кутубхонада 500 тагача китоб бўлган, бу китобларни яратиш устида 20 нафар уста ўн икки ярим йил меҳнат қилган, деган тахминни айтган. Бироқ бу тахмин далиллар билан исботланмаган ва олимларнинг кўпчилигига маъқул тушмаган.

Ҳозирги вақтда аниқланишича, кутубхонада асосан диний мазмундаги китоблар: Инжил, Пайғамбарлар китоби, Соломоннинг ҳикматлари, апостол, авлиё-азизлар ҳаёти тўғрисидаги китоблар, ривоятлар бўлган.

Ҳар ҳолда кутубхонадаги китоблар, миқдоридан ва мазмунидан қатъий назар, ёзув-чизувнинг тараққий эттирилишига ҳам, Русда кутубхоналарнинг ривожлантирилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Печёра монастири Ярослав даврида бунёдга келган. Бу ерда солномалар ёзилган, китоблар яратилган. Кутубхоначи монах иш бўлмаган кунларда бонг урган, шунда кутубхонага муридлар тўпланиб, ўқиш учун битта-биттадан китоб олишган. Бундан ташқари, монастырь тартиб-қоидаларида овқатланиш пайтида бир кишининг ҳамма учун овоз чиқариб китоб ўқиб туриши шарт қилиб қўйилган.

Мўғуллар истилосидан олдинги даврда Русда: Киев, Переяславль, Чернигов, Ростов, Туров, Полоцк, Нижне Новгород, Владимир, Ладога, Новгородда ва бошқа шаҳарларда етмишдан кўпроқ монастырь бўлган. Буларнинг кўпчилигида кутубхоналар ташкил этилган. Қадимги китоблардан баъзиларининг муқовасида мазкур китоб монастырга ёки черковга иона сифатида берилганлиги тўғрисидаги ёзувлар учрайди.

XI—XIV асрларга мансуб китобларнинг бизгача сақланиб қолганларининг ярмидан кўпроғи Новгородга тўғри келади. Ярослав даврида бу шаҳарда ташкил этилган кутубхонада ажойиб-ғаройиб китоблар сақланган. Остромирово Инжили (1056—1057 йиллар) шулар жумласидандир.

XI асрда Полоцкдаги София ибодатхонаси қошида ҳам катта кутубхона бўлган. 1101 йилда Смоленскда катта Успенский ибодатхонаси қурилган, монастырь ва кутубхонага асос солинган.

Яна Ярослав кутубхонасига мурожаат қиламиз. Наҳотки битта китоб ҳам сақланиб қолмаган бўлса? Баъзи китобларни замонавий йирик кутубхоналардан, масалан, Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасидан излаб топиш мумкин, деган дадил тахминлар ҳам айтилган эди.

1653 йилда Киевга Сурия шаҳарларининг биридан Алеппо Павел Алеппский исмли сайёҳ келган. Печёра монастирини зиёрат қилган, у ердаги китоблар сақланаётган хонани кўриб ҳайратда қолган. Бу ерда жуда қимматли ва қадимги китоблар сақлаб қўйилган экан. Бу, эҳтимол, Ярослав Мудрийнинг кутубхонаси бўлгандир. Лекин 1718 йилги даҳшатли ёнғинда бу китоблар ёниб кул бўлган. Балки Ярослав Мудрийнинг кутубхонаси Киевдаги кўп сонли ертўлаларнинг бирида ҳали ҳам сақланиб ётгандир? Бундай бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

XX аср бошида София ибодатхонаси яқинидаги бир

жой ўпирилган. Бунинг ер ости йўли эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмаган. Бу хабар яшин тезлигида тарқалган, бу тўғрида янгидан-янги, баъзан ҳатто афсонага ўхшаб кетадиган тафсилотлар ва тахминлар айтилган.

Бунинг таажжубланадиган жойи йўқ. Шу ерлик ҳаваскор тарихчилардан бир неча киши ер ости йўлини текшириб, у ердан хат битилган қайин пўстлоғи парчасини топиб олдиларки, бу хат ҳаммани қизиқтирди. Хатнинг мазмуни тахминан мана бундай: «Бу йўлни топган киши Ярославнинг катта хазинасини топади».

Ҳайҳот, хат жуда эски бўлиб, XVII—XVIII асрлар чегарасида ёзилган экан...

«Қитобнинг ҳам ўз тақдири бор» деган ота-боболаримиз. Кириллица асосида ёзилган қадимги рус китобларининг тақдирига кишининг ҳаваси келади: улар ўз ижодчиларидан узоқроқ умр кўрди. Солномаларда ҳафсала билан, тиришқоқлик билан қайд қилинган жуда қисқа тарихий маълумотларни ўқир эканмиз, ўша замонларда жуда билимдон ҳисобланган солномачиларни эслаймиз. Улар бизларга, узоқ авлодларга ўзлари яшаган мушкул даврлар, оғир замонлар ҳақида, ўз замондошлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Солнома муаллифлари ўз кўз олдиларида содир бўлган воқеаларни шундайгина қайд қилувчи холис рўйхатчилар эмас. Улар ўз ватанининг актив граждандари сифатида чиққанлар: Ватан манфаати учун жон куйдирган князларни қўллаб-қувватлаганлар ва уларга мадҳия ўқиганлар, манфаатпарастларни, шуҳратпарастларни эса, аксинча, койинганлар. Жонажон Ватанининг бирлиги ва гуллаб яшнаши, ўз халқининг фароғатда яшаши — уларнинг асосий ташвиши шу бўлган. Қадимги рус солномачилари бошлаб берган бу анъана рус ва совет адабиёти энг яхши асарларига хос хусият бўлиб қолди.





КЕЛАЖАККА
УТМИШ
ОРАЛАБ

Утмиш — бугунги кунимизни, бугунги кунимиз эса келажакни яратади. Утмишни қанчалик яхши тушуниб, билиб олсак, келажакни олдиндан кўришга ва яратишга шунчалик қодир бўламиз.

Тарихимиз бундан икки юз йил илгари Гомердан ва Тавротдаги ривоятлардан бошланган. Қадимги тиллар соҳасидаги билим латин, юнон ва қадимги яҳудий тиллари билан чекланган. Археологлар ва тилшуносларнинг шу давр ичида олиб борган ғоят катта ишлари натижасида инсоният тарихи камида икки баравар узайди.

Олимлар, йўқликдан тикланган (қайтиб келган) қадимги халқлар, ҳаётимизда пинҳон иштирок этувчиларнинг сиймоси бераҳм замон устидан кўп ғалаба қозонди. Жуда кўп халқларнинг, шу жумладан унутилган халқларнинг ҳам истеъдоди ва меҳнати инсониятнинг маданий бойлигига, ҳазинасига кичкина бир зарра бўлиб қўшилди. Водопровод ва филдиракни, календарь ва омончи ўшалар ихтиро қилган.

Бироқ ёзувларда ҳали сир кўп. Инд водийсидан топилган ёзувлар ҳали тилга киргани йўқ. Ана шу ерда, Покистон территориясида, қадим замонларда Марказий ва Ғарбий Осиёдан Ҳиндистонга йўллар ўтган жойда ўтмишда цивилизация гуллаб-яшнаган. Бу ердаги цивилизация Нил соҳилларидаги, Месопотамия—Дажла ва Фрот дарёлари ораллигидаги цивилизация билан бир вақтда вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз ёзувини яратган. Шулардан иккитаси — қадимги Миср иероглифлари ва миҳхат—исоҳлаб берилди. Учинчиси ўз Шампольонини кутмоқда.


Шу кунгача Инд водийсидаги цивилизацияга дахлдор бирон бир узун ёзув топилган эмас. Топилганларининг ҳаммаси жуда қисқа бўлиб, муҳрларга, тамғаларга, бронза ёрлиқларга, сопол буюмларга ўйиб ёзилган ёзувлардир.

Этруски тили, Пасхи оролидан топилган мактуб... ҳозиргача жумбоқлигича қолиб келмоқда. Библидаги илк ёзув ҳам изоҳга муҳтож. Библи Финикиянинг Урта денгиздаги йирик портларидан бири, Финикия маданиятининг маркази бўлган. Баъзи олимлар алифбога ана шу ёзув замин тайёрлаган, деган фикрда.

Кавказ Албанияси ёзувининг сири ҳануз очилмаган. Эрамизнинг II асрида вужудга келган бу давлат ҳозирги Озарбайжон ери билан Доғистон территориясининг бир қисмини эгаллаган, унда жуда кўп хил қабилалар

истиқомат қилган. (Бу давлат номи билан Европадаги Албания номининг ўхшашлиги фанда тасодифий бир ҳол деб ҳисобланилади.) Кавказ Албаниясининг алифбосини олим монах М. Маштоц тузган, армян ва грузин алифболарининг ижодкори ҳам шу олимдир.

Инди водийси муҳрлари



Микенлар ёзуви, протоэлам ёзуви, хараппа ёзуви... бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин. Бу ёзувларнинг ҳар бири ўз билингвасини кутмоқда ҳамда инсон яратган нарсаларнинг сирини инсоннинг ўзи билиб олиши мумкинлигига ишонувчи ўз Вентрис ва Грознийларига мунтазирдир. Сирли ёзувларни изоҳлаган, мазмунини очиб берган олимларнинг машаққатли, бебаҳо, катта меҳнати тарихчиларгагина эмас, балки тилшуносларга ҳам наф келтирди: уларнинг қўлига бой материал тутқазди. Янги нарсаларни билиб олиш, янги маълумотларни қўлга киритиш натижасида минглаб йиллар мобайнида ёзув қандай пайдо бўлганлигини кузатиб бориш, ёзувнинг тараққий этиш умумий қонуниятларини тушуниб олиш имконияти тугилди.

Нўноқлик билан араб чизилган буюм шаклидан даядил, комил ишонч билан сурат чизишга, буюмларни деярли табиий ҳолида тасвирлаш — расмини солишга — пиктограммага ўтиш, расмонни ҳаяжонлантирган воқеани расмлар, тасвирлар билан ўзига хос равишда ҳикоя қилиш... қадимги одамнинг расм (сурат)ни белги сифатида англаб-тушуниб олиши ва қабул қилиши учун кўп минг йиллар керак бўлган.

Фикрни расмлар, тасвирлар ёрдамида англаштириш прин-

ципи узоқ давом этган. Фикр бир қанча расм-тушунчалар билан ифодаланган; бу расмлар, шакллар шунчалик соддалаштирилган ва умумий схема шаклига келтирилганки, пировардида белги-идеограммага айланган; идеограммадан тасвирнинг энг дастлабки равшини, шаклини билиб олиш учун баъзан тасаввурнинг ниҳоят даражада кучли бўлиши талаб қилинган.

Отоқли отларни ёзиш идеографик ёзувларда энг қийин масала бўлган ва исмни белги-тушунчалар билан эмас, балки бошқача ёзиш формасини излаш заруриятини туғдирган. Иложи топилган: исмлар «ребус» усулида — маъно жиҳатдан ўхшаш, бир хилда жаранглайдиган сўзларни билдирадиган белгилар йиғиндиси билан ёзила бошлаган. Бу ҳолда белги-идеограмма бўғим сифатида: маънавий бирлик эмас, фонетик бирлик сифатида ишлатилган. Баъзан бошқа сўзларни ифодалашда ҳам фонетик ёзув идеографик ёзув билан бирга ишлатилган. Бу нарса олимларга қадимги ёзувлардаги сўзларнинг қандай талаффуз этилганлигини аниқлаш учун ёрдам берди.

Кейинроқ пайдо бўлган нисбатан ёш ёзувларда бўғин принципи (бўғинларни ифодаладиган белгилар билан ёзиш усули) қўлланилган. Эски идеографик ёзувларнинг, масалан, Миср иероглифлари ёки асурий-бобиллар миҳхатининг бўғин системасига ўтиши қийинроқ бўлган анъаналар халақит берган. Шунга қарамай, бўғин системаси ёзувга жадал кириб борган. Шу билан бирга, битта сўзнинг ўзини, идеограммани ҳисобга олмаганда, бўғин системасида бир неча вариантда ёзиш мумкин бўлган. Ўзи қийин ёзувда қандай чалкашлик ҳукм сурганлигини бир тасаввур қилинг-а!

Бўғинли ёзув тилнинг фонетик тузилишини акс эттирган. Бу «жаранглайдиган» ёзув эди. Бўғинли ёзувда бир неча ўн белгидан тортиб (браҳма ва кхарошта ёзувларида 35—40 белги) бир неча юзгача (эфиоп ёзувида икки юздан зиёд) белги ишлатилган. Бу эса ҳар қайси тилнинг ўз хусусиятига боғлиқ бўлган.

Сўзни янада майдароқ бўлакларга бўлишда навбатдаги бирлик харфда график тарзда ифодаланган товўшдан иборат бўлган. Пиктографиядан бошланган йўл ҳарфли ёзув билан тугалланган.

Бир хил ёзувдан бошқа хил ёзувга қандай ўтилганлигини диққат билан, синчиклаб кузатадиган бўлсак, мазмунни аниқ англатиш зарурлиги ёзувни тараққий

этдирувчи, янги воситаларни излаб топишга ундовчи асосий куч бўлганлигини кўраимиз.

Аниқлик! Асрлар ўтган сари бу сўзнинг маъноси ўзгараверган! Неолит давридаги одам минутлар кетидан қувламаган. Ёрлиқ-календарга кертиб солинган тўртта белги — қиш, баҳор, ёз ва кузни билдирувчи белгилар унинг учун кифоя қилган. Унинг олам тўғрисидаги тасаввури кўз олдидаги, ўзи кўриб турган нарсалардан четга чиқмаган, у шулар билан кифояланиб, оламни расмлар билан тасвирлаган.

Қадимги мисрликларда вақт бир маромда ўтган. Эҳромлар сингари, уларнинг иероглифлари ҳам тинчлик ва боқийлик рамзи бўлиб тушунилади.

Римликлардаги аниқлик тушунчаси ҳам бизнинг «минутларда ҳисобланадиган» аниқлигимиздан кескин фарқ қилади. Римликларда кун мустақил хронологик бирлик бўлиб саналмаган. Вақтни улар декадалар — ўн кунликлар билан ҳисоблаганлар.

Катта аниқликка эҳтиёж сезиш бизнинг давримизга хос хислатдир.

Замонавий ёзув барча белгилар системасининг афзалликларидан фойдаланади. Пиктография кўзга яққол ташланиб туради, шунга кўра рекламада, турли огоҳлантирувчи белгиларни ифодалаш учун қўлланилиб туради. Жарангдор нутқ билан боғлиқ бўлмаган идеограмма бугунги кунда, давлатлар орасидаги алоқалар тобора кенгаяётган асримизда жарангдор нутқ билан боғлиқ ҳарфга қараганда кўпроқ ишлатиладиган универсал воситага айланмоқда ва халқаро системаларда қўлланилмоқда (ўлчов бирликлари, формулалар, химияда, математикада ишлатиладиган ва умумий қабул қилинган символлар, белгилар).

Замонавий ёзувга разм солайлик. Унинг сўз хазинаси бой! Баъзан ўз фикримизни англатиш учун керакли сўзни қийинлик билан топамиз, лекин уни ёзганда ортиқча қийналмаймиз.

Гаплашганда, нутқ сўзлаганда овозни ўзгартиришга, яъни интонацияга, тафаккурни ривожлантиришга махсус белгилар — тиниш белгилари ёрдам беради. Бу белгилар ўнта: нуқта, вергул, нуқтали вергул, баён аломати (қўшнуқта), тире (—), қовслар, сўроқ ва ундов (хитоб) аломатлари, қўштирноқлар ва кўп нуқта. Ҳаммамизга яхши таниш бўлган, баъзи бировларни ноқулай аҳволга соладиган шу белгилардан ҳар бирининг қатъий

белгиланган маъноси бор, белгилар ўртасида вазифа тақсимлашдаги бу аниқлик — ёзув системасининг юксак даражада ривожланиш оқибатидир.

Тиниш белгилари нисбатан яқинда пайдо бўлган. Уларнинг биринчиси бўлиб ҳисобланган нуқта ўзининг ҳозирги маъносини фақат XVII асрда касб этган. Қолган белгилар нуқтадан анча ёшроқдир. Тиниш белгиларининг бир тартибга солинишига китоб чиқариш ёрдам берган. Тиниш белгиларини қўлланиш тўғрисидаги дастлабки қоидаларни XV асрда венециялик матбаачи А. Мануций ишлаб чиққан.

Рус грамматикасида тиниш белгилари системаси XVIII асрда ўрнаша бошлайди. Тиниш белгиларининг қўлланилишига оид замонавий қоидалар XIX аср охири — XX аср бошида пайдо бўлган. Замонавий ёзув бизга ҳар қанча қулай ва комил бўлиб кўринмасин, у тобора ривожлантирилмоқда, такомғллаштирилмоқда. Черков миҳхати ҳозир бизга қанчалик ғалати ва ноқулай бўлиб кўринаётган бўлса, келажак авлод ҳам китобларимизнинг сатрларини ахборот бериш, фикрларни англатиш учун шунчалик ноқулай деб ҳисоблаши мумкин.

Халқаро сунъий тил — эсперанто — ўтган аср охирида яратилган. Уни польшалик доктор Л. Заменгоф яратган. Эсперанто кишиларнинг тушуниши осон бўлган алоқа воситаларидан бири сифатида ўйлаб чиқарилган. Табиий жонли тилни ўрганиш қийин, чунки жонли тилда халқнинг тарихи ва психологияси билан боғлиқ, ўзига хос жиҳатлар, сўзлар жуда кўп. Юзлаб йиллар мобайнида шаклланган бундай тилда қоидалар ва истиснолар ҳам кўп.

Эсперантонинг ёзилиши қийин эмас; бу тилда атиги 16 қоида бор, аммо биронта ҳам истисно йўқ. Эсперанто луғатига барча европа тилларидаги тушунчалар киритилган. Шунга кўра уни ўрганиш осон. 20—30-йилларда эсперанто тили «мода» бўлиб кетган эди. Ғарбда эсперанто ташаббускорлари ҳали ҳам кўп, ҳаттс спектакллари эсперанто тилида қўйиладиган театр ҳам бор.

Эсперанто халқаро сунъий тил яратиш йўлидаги бирдан-бир уриниш эмас. 300 га яқин сунъий тил таклиф этилган. Уларнинг баъзилари жаранглайдиган сўзларни ёзишга имкон берадиган алифбосиз белгилар системасига асосланган.

Нутқни аниқ ёзишга тўсиқлик қиладиган асосий қийинчилик шундан иборатки, тилларнинг фонетик тузили-

ши турличадир ва одатланилмаган, бегона товушни талаффуз этиш учун малака керак бўлади: масалан, Африкада яшовчи баъзи қабилалар тилида европаликлар учун бегона товушлар («щелкающие» звуки) бор, хитой ва бирма халқлари тилида баланд оҳанг алоҳида ўрин тутади.

Оҳанг (товуш)даги бу ўзига ҳослик отоқли отларда хусусан сезилиб туради (минглаб йиллар илгари ҳам отоқли отлар фикрни ёзиш усулидан товушни ёзиш услуга ўтишга ёрдам берган эди). Исм ёки номнинг эшитилганча ёзиб олиниши (унинг ҳозирги транскрипцияси) чалкашликлар тугдирмоқда. Кутубхонада чет эл муаллифининг асарини топиш баъзан қийин бўлишини кутубхоначи жуда яхши билади, бунга сабаб — унинг фамилиясининг турлича транскрипцияда ёзилганлигидир.

Турли тиллардаги фонетик ёзувларнинг кўп хил вариантлари таклиф этилган.


«Халқаро фонетика луғати» (МФА) — ҳар қандай тилдаги товушларни аниқ ёзишга имкон берадиган белгилар системасидир. Бироқ МФА белгилари билан ёзиш жуда қийин.

Америкалик М. Белл ўзига хос «кўринма нутқ» системасини яратган. Бу системага киритилган белгилар билан товушнинг ўзи эмас, балки нутқ органларининг шу товушни чиқарган вақтдаги вазияти кўрсатилади.

Даниялик О. Есперсен бу принципни такомиллаштирди. Унинг товушларни ёзиш учун мўжалланган белгилар системаси «Алифбосиз нотация» деб аталади. Бу системага кўра ҳар бир товуш арабча рақамлар, юнон ва латин ҳарфларидан тузилган ўзига хос формула тарзида ёзилади. Формуладаги юнон ҳарфлари товуш ҳосил бўлишида қатнашадиган нутқ органларини, латин ҳарфлари эса — уларнинг вазиятини кўрсатади.

Бу рўйхатни давом эттириш мумкин, албатта. Бироқ биз учун энг муҳими — нутқни ёзишнинг ҳар қандай тилга тўғри келадиган универсал принципини излаб топишдир. Қайси метод энг қулай ва жуда тўғри бўлиб чиқишини ҳозирча айта олмаймиз. Инсоният шундай методни изламоқда ва албатта топади — ана шуниси жуда муҳим.

Ахборот ҳажмининг жадал ортиб бориши замонамизга хос ҳислатдир. Олимлар бунга «ахборий портлаш» («информационный взрыв») деб ном беришган.



Ахборотлар шу қадар кўпки, баъзан мўйаян ишларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни излашга қараганда шу темада тадқиқот ишлари олиб бориш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқроқ ҳисобланади. Ахборотлар оқимини қандай бўлмасин тартибга солиш учун ахборот йиғиш, уни сақлаш ва тарқатишнинг янги методлари зўр бериб изланмоқда. Бу проблемани ҳал этишда ахборот-қидирув машиналари асосий роль ўйнайди. Қелиб тушаётган маълумотлар мазкур машинанинг ёдлаб қолувчи қисмига жойланади, сўнгра маълумотлар мутахассислар талабига мувофиқ, уларга етказилади. Машина тилини яратиш проблемаси бу система ижодкорлари олдида турган биринчи масаладир. Ҳозирги вақтда дунёда кўпгина мамлакатларнинг тилшунослари шундай расмийлаштирилган тилни яратиш устида ишламоқдалар.

Биз тиллардаги тўсиқларни бартараф қилиш усуллари инсоният зўр бериб излаётган даврда яшамоқдамиз. Баъзи олимлар мавжуд тилларнинг бирлашувидан келгусида янги тил келиб чиқади, деган фикрни айтишмоқда. Халқаро лексиконда ҳозирнинг ўзидаёқ умумий сўзлар жуда кўп. Умумий морфологик моделлар ва синтактик конструкциялар вужудга келмоқда. Бу интернационал фонд бундан кейин ҳам ўсаверади.

Шу билан бирга бошқа, бунга қарама-қарши тенденция ҳам бор. Бутун дунёда миллий тиллар мустақкамланмоқда ва ривожланмоқда. Миллий тил — миллий маданиятнинг асосидир. Халқнинг тарихини ва ўзига хос психологиясини акс эттирувчи бой адабиёт яратилмоқда. Яқин келажакда дунёдаги ҳамма тилларнинг тўла бирлашиши эҳтимолдан узоқ, дейишмоқда бошқа тадқиқотчилар.

Афтидан, иккала процесс ҳам баравар ривожланса керак. Сайёрамиз аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тиллар ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро тил даражасига кўтарилмоқда. Инглиз тили, рус тили, хитой тили, испан тили ва француз тили жаҳон тиллари деб эълон қилинган. Ёзувнинг тақдирига дахлдор яна бир муҳим масалага тўхтаб ўтмоқчимиз. Бу ахборот узатадиган янги воситалар: радио, телевидение, кинематографнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ масаладир.

Ҳозирги вақтдаги ёзув-чизув китоблар, журналлар, газеталар кўринишида мавжуддир. Китоб, газета-журналлар уйимизга содиқ дўстлар сифатида кириб келиб,

телевизор ва радиоприёмник билан чиқишиб кетишди. Биз китобдан билим оламиз, зарур маълумотларни топамиз. Буюк адабий асарлар билан китоб орқали учрашамиз, танишамиз. Мамлакатимизда китоб ҳар бир оилада жуда қадрланади.

Баъзи футурологлар пайғамбарлик қилиб, келгусида китобнинг умри тугайди демоқдалар. Уларнинг фикрича, телевидение, радио, кинематограф келгуси авлоднинг ҳаётидан китобни сиқиб чиқарар эмиш. Келгуси авлод амалий билимларни телевидение орқали ёки тегисли кнопкани босиб бошқа каналлар орқали олар эмиш.

Китобнинг умри тугашига кишининг ишонгиси келмайди. Сопол ёрлиқлардан ва қайин пўстлоғи ўрамларидан жилдлар ҳолига келгунча жуда узоқ йўлни босиб ўтган китоб келгуси авлодни ҳам қувонтиради, уларни асрлар бўйи тўплаган маънавий хазина билан бойитади. Сирли ёзувларни тилга киритган кўпгина олимларнинг бебаҳо меҳнати туфайли янги ҳаётга қайтарилган қадимги одамларнинг ўзлари ҳақидаги ҳикоялари ана шу ҳазинада жавҳардек ярқирайди.



М У Н Д А Р И Ж А

Ўтмиш сирларига очқичлар	6
Йўқолган дунё	7
Ёзув қандай пайдо бўлган?	11
Шаклдан ҳарфга	15
Дешифровка нима?	27
Дунёнинг тўрт тарафидан	32
Доро ва скифлар	33
Инкларда ёзув бўлганми?	36
Белгилар ва символлар	41
Ҳиндларнинг талабномаси	45
«Сен рус қизини севасан...»	49
«Гапирадиган дарахт» сукутга ботган	52
Минг йиллар қаъридан	64
Эҳромлар диёрида	65
«Чигалнома»	88
Йўқолган дунёларни излаб	96
Шумерлар: миҳхат ва яна миҳхат	97
Кадеш яқинида ким ғолиб чиқди?	117
Турли тиллар ороли	131
«Билиб олинглар: ўша тош менман...»	145
Худолар ери — одамлар ери	154
«Зевс... билан онт ичаман»	155
Сирли этрусклар	169
Латинсиз фан йўқ	186
Салом, Русь!	198
«Чўл иероглифлари»нинг сирини	199
Совет олимларининг таъбири	209
Княгиня Ольганинг «нишонлари»	215
Глаголица ва Кириллица	219
Ҳарфларнинг Русь бўйлаб сафари	223
София соборидаги граффити	232
Қайин пўстлоғи ва новгородликлар	241
Ярослав кутубхонаси	248
Келажакка ўтмиш оралаб	256

Виктор Семенович Драчук

ДОРОГАМИ ТЫСЯЧЕЛЕТИЙ

ИБ № 953

На узбекском языке

Перевод с издания «Молодая Гвардия»,
Москва, 1976 г.

Издательство «Узбекистан»—1980—Ташкент
3-700129. Навои, 30

Таржимон С. Абдукаримов, Т. Зайнаб

Редактор З. Тинчерова
Ўзвий редактор К. Алиев
Техредактор Т. Аббосов
Корректор М. Пўлдошева

Теришга берилди 13.05.1979 й. Босиш-
га рухсат этилди 3. 03. 1980 й.
Формати 84×108¹/₃₂. № 2 босма қоғозига
«Литературная» гарнитурда юқори бос-
ма усулида босилди. Шартли бос. л.
14,7. Нашр. л. 14,56. Тиражи 15000.

«Узбекистон» нашриёти. Шартнома № 220-78
Тошкент, 3-700129, Навоий, 30. Заказ 273.
Баҳоси 60 т.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия
ва китоб савдоси ишлари Давлат комите-
ти Тошкент «Матбуот» полиграфия иш-
лаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахо-
наси. Янгийул ш., Самарқанд кўчаси, 44.

Д 76 Драчук Виктор.

Ёзувчилар — ўтмиш сирлари шоҳиди / Сўз боши.
Б. Рибакков.— Т.: Ўзбекистон, 1980.—268 б.

Археологлар Қримдаги Тошоир қоясидан сирли шакллари топилди: қоя да қуролланган ва қуролсиз, югуриб бораётган, йиқилиб ётган одамлар, ик ки оёғида диккайиб турган от, ғажиб ташлашга тайёр ит тасвирланган. Қадимги замон рассоми ўз қабиласининг ҳаётида содир бўлган қандай можаро ни қояда акс эттирмоқчи бўлган экан? Замоनावий одам жуда кўп асрла муқаддам бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳақиқий мазмунини мазкур тасвирларда тушуниб олармикин? Ёзувнинг ривожланиб расмлардан ҳарфларга ўтган лиги, турли халқларнинг қадимги ёзувларини олимлар қандай қилиб ўқиган лиги ва изоҳлаганлиги ушбу китобда жуда қизиқарли қилиб баён этилган. Китобнинг махсус бўлими Русда ёзувнинг тараққий этиш тарихига бағишланган. Китоб айрим қисқартишлар билан таржима қилинди. Шеърларни, шоир Маъриф Ҳаким таржима қилган.

Драчук В. Дорогами тысячелетий.

ББК 63. 4 81
902. 6 4

№ 122—80

Навой номли ЎзССР
давлат кутубхонаси.